

А.С.Қурбонов

# Палеогеография

Ўзбекистон Республикаси Олий Ўқув Юртларининг география, геология  
йўналишлари ва магистрантлари мутахассисликлари учун дарслик.

Анвар Солихович Қурбонов  
Палеография (тарихий геология) китобига қисқача маълумотлар.

Тошкент-2006 й

## Аннотация.

Мазкур дарслик ўқиши китоби муаллифининг салкам 30 йил соҳа бўйича педагогик фаолияти давомида палеогеография, палеобиография ва физик-географик фанларининг сўнгги ютуқларини қамраб олган ҳолда ёзилди. Юқоридаги фанлар соҳасида хорижий муаллифларни янги дарсликлари, илмий асарлари, илмий оммабоп китоблари, ҳамда илмий журналларда эълон қилинган манбъалардан фойдаланилди.

Фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи тасвиirlар, расмлар, кесим суратлари, палеогеографик, палеоиқлим ва палеоландшафтлар, минтақалар каби омил ва далиллар ҳамда тегишлича жадваллар илова қилинди.

Юқоридагилардан ташқари-фациал тахлил этиш, фауна ва флоралар асосида жойларнинг физик-географик ҳамда палеогеографик шароитларни тиклаш борасида янги усуслар ишлаб чиқилди.

Геохронология ва стратиграфия бўлимида эса шу соҳаларнинг янги ютуқларидан фойдаланиб ўзгартиришлар киритилди. Океан ва денгиз хавзалари остида чет эл мутахассисларининг олиб борган бурғулаш ишлари ҳамда қуруқлик майдонларида ҳам олиб борилган жуда чукур бурғулаш илмий-амалий ишларининг натижалари баён этилди.

## МУҚАДДИМА

Тақдим этилаётган дарслик педагогика университетлари ва институтларининг табииёт-география факультети талабалари учун мўжалланган.

Биринчи навбатда шуни эслатиб ўтиш зарурки, ушбу дарслик палеогеография бўйича биринчи мавзулари кенгайтирилган ҳолда ўзбек тилида нашр этилмоқда.

1985 йилда Ш.Шораҳмедов авторлигига “Ўқитувчи” нашриётида нашр этилган “Умумий ва тарихий геология” ўкув қўлланмасида тарихий геология бўйича ёзилган маъруза манбъалари фақат китобнинг учдан бир қисминигина эгаллаган эди холос. Бунга асосий сабаблардан бири ўша вақтда босма қофоз хажмларининг қисқартирилгани бўлса, иккинчи томондан тарихий геология асосларига аҳамият беришнинг кучсизлиги, география мутахассислиги талабаларига кенг кўламда палеогеография бўлимига оид манбъаларни ёритиш кўзда тутилмаганлиги сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Кейинги йиллар мабайнида янги палеогеография дарслиги чоп этилиши замон талаби тақазо этди.

Одатда география мутахассислари талабалари динамик геология асослари бўйича билим олиб бўлгач, кейинги ўкув семестрида палеогеография бўлими бўйича билим олиш даврига ўтадилар.

Шуни атайнин қайд этиш зарурки, география мутахассислиги талабалари учун палеогеография билимини ўрганиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Узок йиллар давомида, шу кунларда ҳам мактабларда ва олий ўкув юртларида география фани тўртламчи геологик даврда шаклланган дунё

харитаси ва дунё миқёсида тасаввур этиб келинаётган рельеф тузилиши ва қитъаларнинг ташки кўриниши (контури) нуқтаи назиридан ўқитилиб келинмоқда. Бу услуга аслида тўғри албатта. Бироқ у қитъаларининг пайдо бўлиши тарихи, ҳозирги замон кўриниши шаклини эгаллаб олганлигининг тарихи, орол ва архипелагларнинг вужудга келиши, океан ва денгизларнинг пайдо бўлиши ва шу каби ўзига хос ва мос географик жараёнларни ўқувчи ва талabalар томонидан ўзлаштириш мақсадга мувофиқ ва жуда зарур деб ҳисоблаймиз. Юқорида қайд этилган мулохазаларга қуйидаги аниқ мисолларни келтириш кифоя қилса керак.

Масалан: Фарғона водийси Ўзбекистон Республикасининг дурдона худудларидан бири, бутун дунё халқлари ва географ мутахассисларга маълум ландшафт. География фанидан Фарғона водийси ҳақида дарс ўтилаётган вақтда, бу водий ўрнида қадимий геологик ва географик ўтмиш тарихида қандай географик худуд кўринишида бўлган, қайси геологик даврда ва географик жараёнлар натижасида бунёд бўлгани каби ҳамма учун қизиқ ва ажабланарли омиллар ҳақида сўз юритилса ўқувчилар онгига тезда сингиб боради.

Иккинчи мисол: Хинд океанининг дунёга келишининг сабаблари, океан заминининг пайдо бўлиши қайси геологик эраларга ёки геологик даврларга бориб тақалиши, унинг нисбий ёши, океан замини, географик муҳити ва рельефи ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун унинг палеогеографик тарихи ҳақида фанда эришилган ютуқларни ва янги маълумотлар билан таништириш фойдадан холи эмас албатта.

Учинчи мисол: Арабистон ярим ороли ва Қизил денгиз ҳақида дарс ўтилаётганда, Қизил денгизнинг келиб чиқиши жаҳатидан тектоник нуфузга эга деб уқтирилади, бу тўғри тушунча албатта.

Аслини олганда шу худудларда тектоник ҳаракатларнинг геологик табииати, географик рельефнинг юзага келиши, қачон ва қайси геологик даврда содир бўлган, яъни Қизил денгизи қолаверса неча млн. йил бурун Ер юзасида пайдо бўлган деган қизиқарли омилларни сўзлаб берилса, ўқувчилар жуда диққат билан эшитсалар керак.

Хотима тарикасида Қизил денгиз ҳақида ҳақиқатга тўғри келадиган қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин: Қизил денгизнинг юзага келиш арафасида Кайназой эрасининг палеоген геологик даврида яъни тахминан 66-30 млн. йиллар илгари ҳозирги Африка ва Арабистон ярим ороли чегараларида жуда кучли тектоник ҳаракатлар туфайли юқори балл кучига эга бўлган зилзилалар содир бўлади, натижада горст ва грабен ёрма дарзликлар пайдо бўлади-демак шу худудларда денгизнинг юзага келиши учун қулай замин тайёрланади, сўнг 25 млн. йиллар илгари неоген геологик даврда денгиз юзага келади, демак унинг нисбий ёши 25 млн. йилга тўғри келади. Айни муддаога қайтсак. Шу вақтгacha ўқитилиб келаётган география дарслкларида бундай маълумотлар йўқ, берилмаган.

Тақдим этилаётган дарслкда юқорида келтирилаётган мисоллар, ҳамда бошқа океан ва денгизлар, материкнинг юзага келиш тарихи каби мисол муаммолар батафсил ёритилган.

География факультети талабалари динамик ва палеогеография фанларини биринчи курсда ўқиб тамом қиладилар. Бу йил ёки бир неча йил бурун мактабни тутатгандарга геология фанини ўргатиш анча-мунча қийинчиликларни туғдиради. Чунки геологик ходисалар жуда мураккаб табий жараёнлардан ташкил топган. Шунинг учун хам имконият даражасида дарсликни соддалаштирилган холда баён этилди. Мураккаб геологик терминларга атайин изоҳ бериб борилди. Дарсликнинг охирида эса лугатлар хам ёзилди.

### **Палеогеография ҳақида тушунча.**

Бирқанча юз ва хатто минг йиллар бурун палеогеография фани тушунчаси фани ўз номини олмаган бўлса ҳам, лекин палеогеографияга оид оддий илмий тушунчалар қайд қилинган. Палеогеография қандай илм, қолаверса қандай фан. Палео сўзи юончча «қадимий» деган маънони билдиради. География эса Ер ҳақидаги фан, демак, палеогеография-қадимий география деган тушунчани англатади.

Палеогеография тарихий геологиянинг бир қисми ҳисобланади. Ўтган геологик замонларда мавжуд бўлган физик-географик шароитларни ўрганадиган фан. Бу фан Ер юзида қуруқлик ва денгизларнинг тутган ўрни, қуруқлик ва денгиз ости рельефини, иқлим шароитларини, орографиясини (тоғ тизмаларининг пайдо бўлиши ҳақидаги илм) ва шу каби жараён ва ходисаларни ўрганиш билан бир қаторда бу шароитларнинг вақтга нисбатан ўзгариб туришини ўрганади.

Эрамиздан олдинги эрада яшаб ўтган (384-322 йиллар) олим Арасту (Аристотель) тушунчасига кўра, ландшафтларнинг ўзгариб туриши ер пўстининг аста-секин кўтарилиб туриши ҳамда унинг чўкиши ёки пасайиши туфайли содир бўлади.

Қадимий ўтмиш геологик даврларида ер юзида физик-географик шароитларнинг ўзгариб бориши жараёнларини биринчи бўлиб Абу Райхон Беруний (972-1048 йиллар) ва Абу Али ибн Сино (980-037 йиллар) бобо олимларимиз тушунтириб берганлар. Кейинроқ Леонардо да Винчи (1452-1519 йиллар) ҳам Абу Райхон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг тарихий геологияга оид тушунчаларига мос келадиган илмий тушунчаларни айтган. Масалан, Абу Райхон Беруний ва Ибн Сино чўкинди жинсларнинг литологик таркибини, уларнинг навбатма-навбат ёки олдинма-кейин пайдо бўлганлигини, шу чўкинди жинслар таркибида тошқотган холатда сақланиб қолган умуртқасиз ҳайвонларнинг хилларини ўрганишлари натижасида шундай хулосага келдиларки, бу жинслар қадимий геологик даврларда денгиз сув ҳавзаларида яшаган ва чўкиндилар билан бир вақтда сувда тўпланадиган қолдиқлардир, деб тушунтирганлар.

Леонардо да Винчи ҳам Италия тоғларида илмий изланишлар олиб борилаётган вақтда денгизларда яшаб ўтган сув ости ҳайвонлари скелетларига дуч келган ва шу худудлар ўрни сув ҳавзаларидан иборат бўлганлигини таъкидлаган.

17-асрдан бошлаб ва кейинги асрларда Оврупо ва ғарбий Оврупо олимлари ҳам табиатшунослик фани оламида илмий тушунчаларни

яратдилар. Жумладан М.В.Ломоносов (1711-1765 й) “Ер қатламлари ҳақида” деган илмий асарида рус текисликлари ўрнида қадимда катта-катта сув ҳавзалари бўлган, Сибир ҳудудларининг иқлим шароитлари ҳозирги иқлимга нисбатан анча иллиқ ва айрим жойларида жазирама иссиқ ҳам бўлган деган хulosага келган. Демак, юқорида айтиб ўтилган палеогеографик шароитлари ҳақидаги фикрларни тасдиқлаб ўтиши баробарида, палеоиқлим шароитларини тиклаш йўналишига ҳам асос солиб берди.

Юқорида баён этилган илмий фикрларни жамлаб якунлайдиган бўлсак, қуйидаги иборани айтиш мумкин: “Ер усти ёки пўсти қисмини бир китоб деб фараз қилсак, унинг ичидағи шартли белгилар ернинг ривожланиш тарихидан дарак беради, китобнинг варақлари эса тоғ жинсларининг қатламлари ва уларнинг устма-уст жойлашганлигини эслатади” демак биз шу китобдаги шартли белгиларни ечиш қалитини топсак планетамизнинг жуда қизиқ тарихини ўқишимизга мұяссар бўламиз, Н.А.Ясаманов 1985й.

Демак, палеогеография фани қадимий ўтмиш геологик даврларда намоён бўлган физик-географик шароитларини тиклашга ёрдам беради. Қадимий физик-географик шароитларни таъмирлашда қандай геологик ва физик-географик омилларга мурожаат қилинади деган саволнинг келиб чиқиши табиийдир.

Бунинг учун ўқувчилар эътиборини қуйидаги табиий мисолларга жалб этамиз: Архей ва протерозой эралари давомида ҳосил бўлган чўкинди жинслар таркибида қўпдан-қўп қадимий ҳайвонот оламининг қолдиқларига дуч келинган. Масалан, Жанубий Америкадаги чўкинди жинсларнинг орасида узунлиги 0.45-0.7 мм. келадиган чўпсимон жонзодлар қолдиги борлиги аниқланган; уларнинг диаметри 0.18-0.22 мм келади; яна шу чўкинди жинс қатламларида узун ипсимон, золдирсимон, дискасимон ҳамда қўпбурчакли шаклларида эга бўлган жонзодлар ва сув ости ўсимликлар қолдиқлари топилган. Буларни-акритархи деб аталади. Чўкинди жинсларнинг ёши эса 3.1-3.4 млрд йилга тўғри келади. Ёши 2.9 млрд. йилга тўғри келадиган чўкинди жинслар орасида ҳам цианофитлар деб номланган (кўкимтир-яшил рангдаги сув ости ўсимликлари қолдиги) ва ҳар хил бактериялар (строматолитлар ва онколитлар) борлиги аниқланган. Демак, шу ҳудудларда бир қанча млрд. йиллар олдин денгиз ва океан каби сув ҳавзалари майдони хукмронлик қилган; бу мисоларни бошқача тарзда тахлил қиласиган бўлсак, архей ва протерозой эраларининг физик-географик шароитларини тиклашга имконият пайдо бўлди деган маъно келиб чиқади.

Архей эрасида биосферанинг илк тирик хаёти бошланади. Илк тирик хаёт фақат сув ҳавзаларидагина бўлган, қуруқлик ҳудудларида эса хаёт белгиларидан ҳеч қандай маълумотлар йўқ, бўлмаган деган хulosага келсак хатога йўл қўймаган бўламиз. Юқорида келтирилган мисоллардан яна бошқа маънодаги физик-географик ўтмиш тарихини аниқлашимиз мумкун:

Архей эраси давомида юзага келган чўкинди тоғ жинсларининг қалинлиги жуда юпқа, сув ҳавзаси жониворлари ва ўсимликларининг сони қанчалик кўп-мўл бўлса, шунчалик уларнинг чўкиндиларидан ҳосил

бўладиган жинслари кўп бўлиши керак эди. Яъни чўкинди жинсларнинг қалинлиги янада ортиб бораверар эди.

Сув ҳавзаларида яшаб ўсимликлар ва жониворларнинг камлигига асосий сабаблардан ё иқлим шароитининг ўзгача бўлиши (совуқ иқлим) ёки сув ҳавзаларининг саёз бўлганлигидан дарак бериши мумкун.

Палеогеография мутахассиси Л.Б.Рухиннинг таърифига кўра палеогеография фақат узоқ ўтмишдаги ландшафтлар ҳақидаги фан бўлибгина қолмасдан у яна ландшафт ва фациялар билан ифодаланувчи ўтмишдаги табиий географик жараёнларнинг йифиндисидир. География фани мутахассислари ҳозирги вактда фақат замонавий эпахаларнинг физик-географик шароитларини ва уларнинг хоссаси ва хусусиятларини ўрганиш билан чегараланиб қолмоқдалар десак муболага бўлмайди. Яъни Ернинг устки қисми рельефини. Куруқлик ва денгизларнинг майдони ва чегараларини, сув ва атмосфераларининг циркуляция жараёнларини, иқлим шароитлари, ўсимлик олами ва ҳайвонот дунёсининг географик тарқалиши каби масалаларни ўрганадилар. Агар географлар ҳам юқорида айтилган табиат жараёнларини ўрганиш билан баробар, бир йўла палеогеографик нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсалар нур устига нур ёритилгандай ўтмиш физик-географик шароитларини аниқлашни тезлаштиришига ўз хиссаларини кўшган бўладилар.

### **Палеогеографик хариталар ҳақида.**

Палеогеографик хариталарнинг географик хариталардан фарқи шундан иборатки, бунда ҳар бир геологик даврлар, қолаверса эпохалар учун алоҳида харита тузилади. Масалан: Кембий, Ордовик ва бошқа геологик даврларнинг палеогеографик хариталари шулар жумласидандир. Палеогеографик хариталарда қадимий ўтмиш геологик давларида юзага келган денгиз ва қуруқлик чегаралари, ер юзининг рельефлари, фойдали қазилма бойликлари, иқлим минтақалари ва уларнинг чегаралари, экваторнинг ўрнашган географик ўрни, ер шарида экваторнинг ўзгариб туриши ҳамда иқлим шароитларининг ўзгариб бориши, ҳар бир геологик даврларда юзага келган тоғ тизмалари (орографияси), магматик ва вулқон жараёнларининг фаоллик даврлари, платформа ва геосинклиналь вилоятлар ва уларнинг чегаралари, тектоник ҳаракатларнинг ilk ўрни ва уларнинг қолдирган излари, унсурлари ва ҳоказо акс этирилади. Юқоридагилардан ташқари палеогеографик хариталарда яна катта ва кичик материклар яъни қитъалар. Уларнинг муаян бир геологик даврларда парчаланиб кетиш суръатлари, трансгрессия ва регрессия ҳодисалари ҳам акс эттирилади. Палеогеографик хариталарни тузиш борасида мутахассис палеогеограф ва геолог олим, академик Н.М. Страховнинг хизмати катта.

Деярли барча геологик даврларнинг палеогеографик хариталари шу оламнинг кузатуви ва маслахати билан тузилган ва босмадан чиқсан. Палеогеографик хариталардаги тасвирланган океан ва денгиз чегаралари, материклар ва суперматериклар ўрнини белгилашда ясаган денгиз, океан ва қолаверса лагуна хилидаги сув ҳавзалари чўкиндиларидан ҳосил бўлган чўкинди жинслар ётқизиқлари ва уларнинг тарқалиш майдонининг

чегаралари, жинсларнинг орасида сақланиб қолган ҳайвонот ва ўсимликларнинг қазилма қолдиқлари асосида белгиланади. У ёки бу минтақаларни белгилаш вақтида фауна ва флоралар жуда муҳим стратеграфик аҳамиятни кашф этади.

Палеогеографик хариталар тузилаётган вақтда ҳудудлар майдони чегараси қанчалик кичик бўлса ва ҳудудларда кечган геологик вақт, давр қисқа давом этган бўлса табиий шароитларнинг акси шунчалик аниқ ва тўғри ўз ифодасини топади. Ушбу китобда илова қилинаётган палеогеографик хариталарнинг асоси академик Н.М.Страхов томонидан яратилган, бошқа муалифлар ҳам ўзгартириш киритган.

### **I-Боб. Фация ҳақида тушунча.**

Фация-лотинча “фациес” (бошқа луғатларда французлар сўзидан олинган дейилган- фациес) сўзидан олинган қиёфа, тус, кўриниш деган маъноларни англатади. Фация термини геология фанига биринчи бўлиб шветцария геолог олими 1838 йилда А.Грессли киритган.

Фация-маълум физик ва географик шароитда, бир вақтда яъни бир геологик даврда ёки эпохада ҳосил бўлиб ётқизилган, бир хил жинсларга берилган номдир. Бу ётқизиқларнинг бир хил литологик таркибга бир хил фауна ва флора қолдиқларига эга бўлиши фациянинг асосий хусусиятларидан биридир. Жинсларнинг устки қисми қўмилиб қолган ёки қазилма фация дебжинс қатламлари ёки унинг табақаларининг маълум кенгликка тарқалиб бир хил литологик таркибли жинслар ичидаги бир хил ва бир вақтда яшаган фауна ва флоралар мавжуд бўлиши шарт.

Фация ва фациалнинг тахлили бўйича мутахассис олим академик Д.В.Налибкиннинг (1956й) тушунтиришича “фация-бу нафақат чўкинди жинсларнинг бир хиллилиги яъни литологик таркиби, балки қуруқлик юзасида ва денгиз остида бир хил фациал шароитида юзага келган жинслар мажмуасидир.”

Демак фация тушунчасига Д.В.Налибкин географик ёки палеогеографик урғу беришни таклиф этаяпти. Унинг навбатдаги фикрига кўра фация-бу чўкинди жинсларнинг бутун яхлитлиги, узунлиги ва бўйича литологик таркибидаги фауна ва флора бир хил ёшга эга бўлиши керак.

Г.Ф.Крашенинников (1971й) ҳам фация ҳақида тушунча бериб, қуйидагича таърифлайди: “Фация жинс ётқизиқларининг муаян бир комплекси бўлиб, улар бир бирорвларидан фарқланиши керак ва физик-географик шароитлари билан ҳам ажратилиб турадиган ҳамда ён атрофдаги жинсларда кескин равишда тафавутга эга бўлиши шарт.”

Юқорида баён этилган фация ҳақидаги тушунчалар бир бировига жуда яқин ва айтилаг фикрларни ўзаро равишда тўлдиради.

### **Фациал генетик тахлил қилиш.**

Тоғ жинсларини фация хилларига ажратиш ва фациал тахлил этиш ёрдамида табиатда илгари замонларда содир бўлган табиий геологик ва географик шароитларини тиклашимиз мумкун, жинсларнинг навбатмавбат пайдо бўлиши шароитлари аниқлаб олишимиз мумкун.

Жинсларнинг қандай шароитларда юзага келганини, масалан, қуруқлик шароитидами, денгиз ва океан шароитларида, лагуна ёки кўл ва ботқоқликла ҳудудидами каби физик-географик тушунчаларга эга бўламиз.

Магматик тоғ жинсларига хам эътибор берадиган бўлсак, уларнинг фациал шароитлари бутунлай ўзгача. Магматик жинслар фақат ер қобиғи ва пўстининг чуқур-ички қисмларида пайдо бўлади. Уларнинг физик-кимёвий жараёнлари тубдан фарқ қиласди. Вулқон жинсларининг ўчоги магма билан боғлиқ бўлса хам улар деярли ер юзасига яқинроқ жойларда ва асосан ер пўсти устки қатламларида юзага келади, демак бу жараёнлар тоғ тизмаларининг юзага келиши билан чамбарчарс боғлиқдир. Фацияларни синчиклаб ўрганиш ва уларни тахлил этиш фациянинг асосий мақсад ва вазифаларидан иборат.

Ернинг ўтмиш геологик ва географик тарихини тиклаш вақтида қадимий даврларда бўлган жинсларни ҳозирги замон даврида юзага келган жинслар билан таққослаш мақсадга мувофиқдир.

Бундай таққослаш усули геология фанида актуализм методи деб аталади.

Актуализм методи йўлланмалари Англия олимни Ч.Лайел томонидан ишлаб чиқилган.

Рус олимлари А.Д.Архангельский ва Н.М.Страховлар актуализм йўлланмаларига қўшимча фикрлар киритиб, фацияларни тахлил қилаётган вақтда уларга тарихий таққослаш усулларини қўллашни тавсия этишини таклиф қиласдилар.

Олимларнинг бу таклифи Ер юзида бошқа ҳеч қачон қайтарилмайдиган жараён ва ҳодисаларни тан олишдан иборатdir. Масалан: Бўр тоғ жинси (доскага ёзиладиган бўр қатлами бўр жинсидан тарашлаб олинади) Мезозой эрасининг энг охирги геологик даври ҳисобланган бўр даврида ҳосил бўлган. Мезозой эрасининг ёки бошқа эраларнинг геологик даврида бўр жинси қатламларининг пайдо бўлганлигини билмаймиз. Бу жинснинг ҳосил бўлиш жараёни бутунлай ўзгача: ё сайёз сув ҳавзаларида ёки лагуна хилидаги сув ҳудудида ҳосил бўлганлиги аниқланган. Шу бўр жинсининг пайдо бўлиши учун иқлим шароити иссик-илиқ бўлиши аниқланган. Сув таркибида бўр жинсини юзага келтирадиган кальций карбонат кимёвий эритмалар бўлиши шарт. Бундан ташқари фауна ва флоралари хам ўша шароитга мослашиб хаёт кечирадиган микроскопик-глобигерин жонзодлари кенг тарақкий этган, уларнинг жисмлари ҳам кальций карбонат моддалари билан тўйинган бўлиши керак.

Глобигерилар билан бир қаторда-белимнитлар ва аммонитларга нисбатан каттароқ бўлган жонзодлар ҳам яшаган. Сув ости ўсимликлари ҳам кальций каронатга тўйинган ҳолда ривожланган, шу сабабли уларнинг хаёт фаолияти даврида ҳосил бўлган чиқиндилари ва жонзодлар кирилиб кетиши натижасида кальций карбонат моддалари аста-секин чўкиб тўпланавериб бўр жинси қатламлари юзага келган. Микроскопик ва **тахлил** этиш кузатишлари юқорида қайд этилган фикрларни тасдиқлаб берди. Демак, бўр жинси қатламини алоҳида айтиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи мисол тариқасида каолинит (алюминий оксидига бой бўлган жинс) жинсини келтириш фация ҳақидаги тушунчани янада бойитишга ёрдам беради. Каолинит тўпламлари асосан таркибида алюминий оксида билан тўйинган минераллар ва туб тоғ жинсларининг нурашидан, емирилишидан континентал шароитида юзага келади. Шуниси ажабланарлики каолинит жинслари қатлами қўмир конлари ҳавзалари пайдо бўлган даврда юзага келиши аниқланган. Каолинит жинсининг ҳосил бўлиши учун ҳам иқлим шароитлари илиқ-нам иссиқ ва жазирама иссиқ хукмронлик қилиши тасдиқланган.

Шунинг учун, қайси кўмир кон ҳавзаларини кузатманг шу ҳудудда каолинит ва гилмоя қатламларини учратишимиз мумкун. Демак, каолинит жинсини алоҳида бир фация деб тан олишимиз ҳақиқатга тўғри.

### **Фациал-генетик тахлил ўзи нима?**

Қадими геолого-географик ўтмиш даврида юзага келган илк-туб тоғ жинсларининг пайдо бўлиши жараёнлари мажмуасини ўрганиш фациал-генетик тахлил деб аталади.

Бунинг учун қуйидаги физик-географик ва стратиграфик омилларни билиб олиш зарур:

- 1) Жинсларнинг ҳосил бўлиши миқдори муҳитлари-сув муҳитидами, қуруқлик шароитидами.
- 2) Сув ҳавзаларининг физик-кимёвий муҳитини аниқлаш-шўр сув муҳити, чучук сув муҳити, гази кўп холатидаги муҳит.
- 3) Сув ҳавзаларининг ва оқава сувларининг ҳаракат йўналиши.
- 4) Шамолларнинг ҳаракат йўналиши.
- 5) Сув ҳавзаларининг чуқурлиги, рельефи ва қуруқлик қисмининг рельефи.
- 6) Муҳит ва тахлил қилинаётган ҳудуднинг иқлим шароитлари.
- 7) Жинсларнинг минералогик таркиби, кимёвий таркиби, ранги, структура ва текстура тафсилотлари.
- 8) Жинсларнинг ва эгаллаб турган майдоннинг хажми.
- 9) Жинслар таркибида тошқотган холатида учрайдиган палеонтологик далиллар.
- 10) Трансгрессия ва регрессия жараёнлари.
- 11) Музликларнинг юзага келиши ва уларнинг чекиниш тафсилотлари.

Яна: Агар текширилаётган чақиқ жинсларнинг дона ва доначаларининг катта-кичичклиги ҳар хил ва ҳар хил минералогик таркибида бўлса, унда бу маҳсулотлар ё яқин ҳудудлардан келтирилган, ёки ҳар хил туб тоғ жинсларининг нурашидан ўлган маҳсулотлар бўлиб чикади.

Биоген ва хемоген жараёнларда юзага келган тоғ жинслари бўлакларига дуч келинса, бундай холатда атроф муҳитдаги метаморфик ва магматик тоғ жинсларига тақкослаш ҳеч ҳам хожати йўқ, демак шу атрофдаги чўкинди жинслар қатламлари қидириб топиб солишириш керак, чунки биоген ва хемоген тоғ жинслари бутунлай бошқача геохимик ва географик шароитларида ҳосил бўлади.

**Жинсларнинг Кимёвий таркибига фациал тахлил.**

Жинсларнинг кимёвий таркибини билишдан мақсад уларнинг қандай ҳосил бўлишидир.

Масалан, тузлар бирикмаларининг чўкиндилари, гипс ва ангидрит уюмлари тахлил этилаётган ҳудудларда қадимий даврларда сув муҳитида шўрликнинг ошиб кетганидан дарак беради.

Агар у ёки бу муҳитларда кислород микдорининг ортиб бориши таркибида темир модаси бўлган минераллар вужудга келади.

Олтингугуртли муҳитда темирнинг сулфид минераллари ҳосил бўлади.

Тахлил қилинаётган ҳудудлардан кислороднинг микдори кам ва кислород танқислиги ҳамда корбонат кислотаси етарли даражада бўлганлиги сабабли сидерит (темир корбонати) ҳосил бўлади;

Оксидланган муҳитларда эса темир ва марганецларнинг оксидли бирималари ҳосил бўлади.

### **Тоғ жинсларининг ранги қараб тахлил қилиш.**

Жинсларнинг ранги ёки туси таркибида учрайдиган минерал хиллари боғлик, бу эса ўз навбатида тоғ жинсларининг пайдо бўлиш шароитларини аниқлашда жуда қўл келади. Масалан, бўр жинси, доломитлар, оҳактошларнинг илк ранги оқ, оқиш ва кул ранг оқ рангларда бўлса, демак бу жинсларнинг ҳосил бўлиши шароити арид иқлимига тўғри келади. Тоғ жинсларнинг ранги қорамтири кул рангда ва қора тусда кўринса. Демак бу жинсларнинг таркибида органик моддаларнинг қўплигидан далолат беради. Айрим жинслар таркибида магний, гематит ва марганец минералларининг микдори кўп бўлса, улар ҳам қора тусда бўлади. Лекин органик бирикмаларни металли минераллардан фарқлаш мутаххассислага жуда осон. Тоғ жинсларининг ранги сариқ ва жигаррангда бўлса, уларнинг ранг аввалги бирламчи ранги эмас, бу ранглар таркибида учрайдиган темир моддаларидан ташкил топган-биотит, авгит, пирит, марказит, пирротин ва х.қ. минералларнинг кимёвий ўзгариши-оксидланиши натижасида ранги ўзгариб кетади.

Жинслар қизил ва ғишт каби сариқ-қизил рангда учраса. Уларнинг таркибида темирнинг оксиди-гематит бўлади. Гематит борган сари оксидланаверади ва темирнинг гидроксиди лимонитга айланади. Кўпинча кум тошлар қатлами, қумоқ тупроқлар ва ҳатто оҳак толар ҳам шу рангда бўялган ҳолида учрайди. Бундай жараёнлар гумид иқлим шароитида юз беради.

Кўпинчалик субтропик ва тропик иқлим минтақаларида фаол равища ривожланади; демак бундан шундай хуносага келиш мумкинки ана шу ҳудудларнинг иқлим шароитлари тез-тез ёғингарчилик ҳамда қуруқ-иссиқ иқлим бўлганлигини билдиради. Ҳудудларда тропик ва субтропик иқлим шароитлари хукм сурган.

Тоғ жинсларининг ранги нафакат палеогеографик аҳамиятга эга, балки палеогеографик аҳамиятини ҳам касб этади. Мисол тариқасида қуйидаги геологик шароитни келтиришини ўзи кифоя.

Ғарбий Ўзбекистонда Зирабулоқ тогининг шарқий бошланиш ҳудудида Рабинжон деган комплекс (мис, олтин, урана ва бошқалар) кони топилган.

Кон ҳали топилмасдан олдин биология қидирув ва хариталаштириш ишлари олиб борилаётган кезда Ер юзасига шундай чиқиб турган қум тош ва чақмоқтошларга дуч келинди. Уларнинг ранги яшил ва кўк тусда эди. Диқкат билан тахлил қилингандан сўнг бу қатламлар орасидаги яшил ва кўк моддалар ўз қолдиқларнинг оксидланиши ва парчаланиб кетиши натижасида ҳосил бўлган.

Малахит, азурит ва хризаколла минераллар экан. Бу минераллар миснинг корбонат ва гидрооксидлар грухига киради. Конгломерат ва қумтошлар нураш жараёнлари туфайли ҳосил бўладиган қадимий аллювиал ётқизиқларидир. Бундай иккиламчи ётқизиқлар орасида мис ва бошқа металларнинг бирламчи сульфиди синденга кирувчи минераллар ҳосил бўлмайди. Миснинг корбонатли ва гидрооксидли минераллари қаёқдантир оқава сувлари билан бирга келтириб, қум ва шағал тошлар орасидан сизиб ўтаётганда мис маҳсулотлари шу қатламлар орасида филтрланиб, шу жойда қолган. Хулоса шундан иборатки, ана шу ҳудудда қайердантир миснинг бирламчи-туб кони бўлиши керак. Кейинги ўра (шурф) қазиш ва буруғлаш ишлари жараёнида конгломерат ва қумтошлар орасида палеозой эрасига таълукли бўлган жинслар (ҳар хил сланецлар ва мармарланган оҳактошлар) орасида ҳақиқатдан ҳам бирламчи яъни туб мис кони борлиги аниқланди.

### **Жинсларнинг структурасини тахлил қилиш.**

Тўпланган жинсларнинг катта-кичиклигига, шаклларига ва юзасига яъни структураларига қараб, уларнинг таъби-тавсифини, чўқиндилар тўпламишининг қандай мейёрда ҳосил бўлганлигини, сув ҳавзаларининг чуқур ва саёзлигини ҳамда қандай муддатлар давомида амалга ошганлигини билиб олиш мумкин.

Маълумки, жинс доналарининг йириклиги қанча катта бўлса, улар қирғоққа яқин жойларда жойлашадилар. Жинс бўлакларининг йириклиги қанча майда бўлса, улар шунча узоқ ва янада узоқроқ жойларда тўпланадилар. Қирғоқ атрофи ва қирғоқ олди ҳудудларида эса солиштирма оғирлиги катта рақамларга эга бўлган минераллар ҳосил бўлади. Натижада улар сочма конларни яъни қум, тупроқ ва шағал тошлар таркибий қисмида олтин, платина, қалай, вольфрамит, титан ва х.қ. конлар ҳосил бўлади.

### **Жинсларнинг текстураларини тахлил этиш.**

Чўқинди жинсларда одатда икки хил туркумга эга бўлган текстуралар бўлади.

Бирламчи илк текстуралар. Бундай текстуралар жинслар бўлаётган вақтда ва ҳали бутунлайн жинс каби қотиб, қаттиқлашиб улгурмаган даврида юзага келади.

Иккиламчи текстура эса чўқиндилар батамом қотиб улгурган ва тошсимон массага айланган яъни ҳақиқий жинс пайдо бўлган вақтда намоён бўлади. Текстуралар қатламларининг ички қисми, қатламлар аро, ҳамда қатламларнинг устки қисми хилларига ажратиб тахлил қилинади.

Қатламлар орасидаги қайроқ тошлар ёки шағал тошлар бир тарафга қараб жойлашиб таралган бўлса, сув оқимининг йўналишини ва сув тўлқинларининг ҳаракати йўналишини билиб олишимиз мумкин.

Йирик доналари құмлар түплами ва конгломератлар қатламлари текстураси қат-қат ёки тарам-тарам холатида бўлмайди. Демак, сувнинг оқими ва сув тўлқинларининг йўналиши ҳодисалари уларга алоқаси йўқ.

Жинсларнинг дона ва доначалари бетартиб холатда жойлашаверади.

Жинсларнинг варақсимон тарам-тарам холатида жойлашгандаги кўриниши, бу майда ва майин қум ва гилмоя қатламларига тегишли албатта, сув ҳавзасининг пастки уфқларида сувнинг оқиш ҳаракати бўлмаганлигидан дарак беради.

Жинс қатламларида тўлқинсимон ва ғадир-будур ўринишидаги текстура ҳосил бўлган бўлса, демак шу худуддаги қадимий сув ҳавзаси жуда саёз бўлганлигидан дарак беради. Тоғ жинси қатламларининг жойлашиш холатлари-текстуралари 1-расмда ифодаланган.

1-расм. Қатlam ва uning xillari: a) горизонтал жойлашган; б) тўлқинсимон жойлашаг; в) қия жойлашган.

Қийшиқ-қия қатламланиш (1-расмга қаранг) жинс табақалари ичидаги қатламларнинг даставал тузилаётган вақтида қия (текис эмас) ётқизилишига боғлиқ. Қия қатламланиш тубан даврдаги шароитларда пайдо бўлади;

А) Ҳаракатдаги муҳит ичida чўкиндилар ётқизилишидан;

Б) Сув ўз остини ювиб туриши натижасида пайдо бўлган нотекисликлар устида чўкиндиларнинг тўпланишидан;

В) Шамоллар учириб келган маҳсулотлар билан чуқурликларнинг тўлғазилишидан;

Г) Хамма жойда чўкинди баробар ва бир хил тўпланмаслигидан.

Чўкинди жинсларнинг тўпланиши, ювилиши билан аккумуляция жараёнлари ўзаро ўрин алмаштириш, олиб келиб ётқизиладиган маҳсулотларнинг таркибида муҳитининг ҳаракатчанлиги ва uning тўлқинланишига боғлиқ, ҳар хил қия қатlam шакллари пайдо бўлади. Бу шакллар эса текислик юзасига нисбатан ҳар хил бурчак ва ҳар тарафга йўналган бўлади. Қия қатламланиш асосан қумли жинсларга оид бўлиб, баъзан лойқа ва корбонатли жинсларда ҳам учрайди.

Юқарида баён этилган фикрлар нималардан дарак беради, деган масалага кўндаланг келамиз. Агар қум қатламларининг оғиш бурчаги  $20-30^0$  атрофида бўлиб, бир тараф йўналишида қиялашган бўлса, демак бу жинслар дарё ётқизиқларидадир. Денгиз муҳитида ҳосил бўлган чўкинди жинслар қатламлари қиялик, нишаб тузилишида бўлади. Қатламларнинг тузилиши афга йўналиб ётқизилганлиги бу дарё делталарининг маҳсулотлари бўлиб ҳисобланади.

Қум қатламларининг тузилиши бархан ва жўясимон тузилишга эга бўлса. Демак палеометеорологик вазиятларни ҳам англаб олиш мумкун: бу қум қатламлари биринчидан қуруқлик шароитида бўлган, иккинчидан шу худудларда шамолларнинг геологик фаолитлари хукм сурган. Айrim вақтларда денгиз остида бўлган қумтош ва гилмоя қатламлари сув ости сурилма-кўчма текстура кўринишида бўлади, яъни қатламлар эзилган,

букилган холатида бўлиб, бу ҳодисалар денгиз сув ости хавзасила тектоник ҳаракатларнинг фаоллиги ва кўчма сурималарнинг юзага келишидан дарак беради. Кўпинчалик майин қумтошлар (аввалига ҳали қотиб қолмаган қумлар тўплами) ва гилмоялар. Оҳактошларнинг устки қисмида табиий ҳолда ёпиштирилган ясамалар-изларини кўриш мумкин, уларни “гиероглифлар” деб аташади. Аниқланишича бундай ясамалар одатда сув ости ҳайвонот оламининг сурилиб юриши ва ўрмалаб ҳаракат қилиши натижасида ҳосил бўлган гиероглифлардир. Бу ердан ташқари, яна ўша жинсларнинг устки қисмида муз кристалларининг изи, ёмғир томчиларининг ўрни, жинсларларнинг қуришидан юзага келган дарзликлар ва ҳ.қ.лар ҳам пайдо бўлади. Бу ҳодисалар бир тарфдан ҳайвонот оламининг қайси синфга мансуб эканлигини кўрсатса, иккинчи тарфдан қадимий даврларда хукмронлик қилган иқлим шароитларини ҳам аниқлашга ёрдам беради.

### **Палеонтологик қолдиқларни тахлил қилиш.**

Қадимий физик-географик ва қадимий геологик даврларда яшаган ҳозирги вақтда эса чўкинди тоғ жинсларининг ичида тошқатган холатида сақланиб қолган қазилма қолдиқларига палеонтологик қолдиқлар деб аталади.

Бу палеонтологик қолдиқлар тоғ жинсларини фацияларга ажратишида, географик ва геологик муҳитларни тиклашда. Ҳамда ўсимлик олами ва ҳайвонот дунёсининг қандай физик-географик шароитларида яшаганликлари тўғрисида жуда қизиқарли далилларни ёритишида катта аҳамиятга эга. Масалан, ҳайвонот ва ўсимлик қолдиқларини синчиклаб ўрганилса, уларнинг қайси синфга, қайси турга, авлодга ва ҳ.қ. гурухларга ажратиб олиш мумкин; жонзодларнинг умуртқали, умуртқасиз, ҳужайрали ва кўп ҳужайрали туркумларни билиб олиш мумкин.

Палеонтологик қолдиқлар ёрдамида сув хавзаларининг майдонини, сув муҳитининг шўр ва чучуклигини, кимёвий холатини чуқур ва саёзлигини, қолаверса иқлим шароитларини аниқлаб бериш мумкин. Масалан, айрим аммоний қолдиқларининг танаси симоб минералли-киновар билан (қон каби қизил рангда бўлади) бошқалари кунғир ёки қорамтирик кунғир хиллари темир минераллари билан, кальций-карбонат, силициум (кварц минераллари) билан тўйинган ҳолда учрайди. Демак, сув таркибида ўша элементлар миқдори кўп бўлган деган холосага келиш мумкин.

### **Чўкинди жинслар танасининг шаклларини (тузилишини) тахлил қилиш.**

Қадимий палеогеографик шароитларни тиклашда чўкинди жинслар танасининг шакллари-тузилиши жуда муҳим маълумотларини беради. Мисоллар: кенг миқиёсда тарқалган ва узундан-узун масофаларга чўзилиб ётган қалин қатламларидан иборат бўлган жинс ётқизиқлари денгиз сув ҳавзаларида ҳосил бўлади. Тор ва узун, лентасимон, линзасимон холатида учрайдиган ётқизиқлар дарёларнинг геологик фаоликлари натижасида юзага келади; овал ёки изометрик линзалар шаклидаги ётқизиқлар кўл сувлари остида ҳосил бўлади.

Юқорида келтирилган мисоллар ёрдамида ҳудудларнинг ёки географик ландшафтларнинг физик-географик шароитларини бемалол тиклаш демакдир.

### **Денгиз фацияси.**

#### **Чўқиндиларнинг ҳосил бўлиш қонуниятлари ва шу асосда қадимий денгиз (океан) ҳавзаларини тиклаш усуллари.**

Денгиз ва океан сув ҳавзалари ҳудудида-рельефида асосан қуйидаги тик йўналишдаги зоналарни аниқлаш мумкин. (2-расмга қаранг): 1-соҳил зonasи ёки ҳудуди; 2-Материк ён бағри; 3-Ер пўсти юзасининг энг юпқа ва пастки қисми-денгизнинг энг чуқур қисми. Денгиз сув ҳавзаларидаги мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот оламининг яшаш шароитларига ҳамда чўқинди жисмларнинг ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак қуйидаги ҳавзаларни ажратишмиз мумкин:

2-расм. Денгиз сув ости рельефи, гипсометрик кесими ва денгиз зоналарининг чегаралари.

1-соҳил. 2-литорал зона. 3-шелф зonasи. 4-батиал зона. 5-абиссал зона. 6-материк ён бағри. 7-ер пўсти юзасининг энг юпқа ва пастки қисми; денгизнинг энг чуқур қисми. 8-денгиз замини.

1-нерит сув ҳавзаси; 2-батиал ҳавзаси; 3-абиссал сув ҳавзалари.

### **Нерит сув ҳавзаси.**

Сув ҳавзалари ва унинг зоналарини шимолий муз океани мисолида бахс этадиган бўлсак (Н.П.Маслов,1968) нерит сув ҳавзаси яъни шелф зonasи материк қирғоғи бўйлаб нисбатан тор, узун йўлланмани ташкил этиб жойлашган. Унинг кенглиги бир неча км.дан то 1500 км.гача чўзилиб давом этган. Шелф зonasининг чуқурлиги 200-300м келади; майдоннинг катталиги (океан майдонига нисбатан) 8%ни ташкил этади.

Шу зонада жойлашган денгизларни “Эпиконтинентал” денгизлар деб аталади. Бундай денгизлар одатда дунё океанларининг трансгрессияси натижасида юзага келади; бу жараёнда ё океан сув ҳавзасининг кўтарилиши, ёки материк атрофларининг чўкиб бориши туфайли содир бўлади.

Шелф зonasининг юқори қисмини литорал кенглик дейилади-бу қирғоқ олди ёки қирғоқ зonasи атрофида. Бу атрофда ҳар доим сув тўлқинлари ҳаракатда туради. Демак, литорал кенгликда денгиз билан қуруқлик ҳар доим бир-бирлари билан ўзаро узвий алоқада бўлиб туради.

Қадимий геологик даврларда шундай денгизларнинг бўлганлигини қандай билишимиз мумкин- бу жуда осон ва оддий услубда аниқланади:

Шу кенгликда терриген(терра-ер, яъни қуруқликдан келтирилган ётқизиқлар), органоген (организмлар қаёт фаолияти маҳсулотлари), хемоген (кимёвий ва органик чўқиндилар) ётқизиқларни учратамиз, лекин литорал кенглик қирғоқقا яқин жойлашганлиги сабабли, бу ерда кўпроқ терриген ётқизиқлари тўпланади. Қирғоқ яқинида энг йирик тошлар чўкади, бундан узоқроқда нисбатан майдароқ яна нарироқда эса йирик қум тўпламлари,

қирғокдан узоклашган сари жуда майда ва майин қум ётқизиқлари жойлашаган бўлади. Қуруқлик денгиз юзасидан унча баланд бўлмаса, соҳил атрофида денгиз тўлқинлари ҳаракати остида денгиз тагидан чиқарилиб ташланган қум қатламлари, чиғаноқ қумлари ва парчалари қум билан аралашган ҳолда ётқизилади. Ана шу тариқа денгиз чеккаларида деворга ўхшаш ясси қияликлар, тепаликлар вужудга келади. Буларга денгиз девори ёки денгиз тўсиғи деб ном берилган.

Одатда бу тўсиқлар сув тўлқини ҳаракати тарафига қараб паралел ҳолда жойлашади.

Денгиз ва океан лitorал кенгликларида денгиз кўрфазлари ва қўлтиқлари ҳам киради.

Бу жойларда денгиз балиқлари ҳам кўп бўлади. Балчиқлар таркиби органик ва ноорганик майда зарачалардан иборат бўлади.

Балчиқ худудларида ривожланиб ўсган ўсимлик ва тирик организмлар дунёсининг бир ерга тўпланиши туфайли ва улар консервацияга учраб устки қисмлари кейинги денгиз ётқизиқлари билан қопланиб кетса, унда кўмир, нефть ҳамда газ конлари ҳосил бўлиши мумкин. Денгиз фацияларини тахлил қилаётган кезда ҳозирги вақтда қуруқлик худудларида Баланус-мўйлов оёқли қисқичбақа, пателла-қориноёқли малюскаларнинг тошқотган қолдиқлари учраб қолса, ёки фолас-тошларини кемирувчи малюскаларга дуч келинса, яна кўшимча омил сифатида Кардиум-денгиз замини ётқизиқлари ичига кириб яшовчи малюскалар топилса, шу белгиларнинг ўзи қадимий геологик даврларда тахлил қилинаётган жой денгиз ўрни бўлиб, лitorал кенгликтининг шелф зонаси бўлган экан, деган физик-географик шароит мулоҳазасига асос бор. Шу кенгликда ҳосил бўлган чўкинди жинслар ҳам ўзгача бўлади.

Масалан, бундай жойларда бошоқ холатидаги чўкинди жинс майда қум ва тупроқ аралашмалари (алеврит) учрайди. Айрим жойларда оҳак моддасига тўйинган чиғоноқлар ва синган бўлакчалар ҳам учрайди. Агар кузатилаётган худудларда тропик иқлим шароити хукмронлик қилган бўлса, унда бу жойларда маржон палиплари ҳосил қилган маржон рифлари юзага келади.

Хиндистон ярим ороли атрофидагига Флорида, Малай архипелагларида ўхшаш физик-географик шароитлар бўлган бўлса, бу жойларда ботқоқликлар қолдиги, қалин тўқайзорлар ва ўрмонзорлар, торф қатламлари ҳосил қилувчи ўсимликларнинг ҳосилаларини кўришимиз мумкин. Шу қайд этилган ўсимликлар хисобидан кейинчалик маълум физик-географик ва геологик шароит ва жараёнлари натижасида кўмир кон ҳавзалари юзага келади.

Лitorал кенгликлarda йирик дельталар мавжуд бўлиб, бу жойларда асосан қум ва тупроқ жинслари тўпланган бўлади.

Денгиз чеккаларида мавжуд бўлган саёз ҳавзаларида яъни лагуналарида чучуклашган ёки шўр сув шароитида пайдо бўлган ётқизиқлар учрайди. Лагунали сув ҳавзаларида сув таркибининг ўзгариб туришини иқлим шароитига ҳам боғлиқ бўлади. Шунга қараб фаunalарнинг хилма-хиллиги ҳам ўзгариб туради.

Шўр сувли лагуналар мухитида даломитлар, гипс, миробилит, ош тузлари, калийли тузлар ҳосил бўлади. Калийли тузлар, масалан, силвин

тўпламлари сув таркибида шўрлик миқдори 25%дан ошиб 25 промилл ошиб кетса ҳосил бўлади. Бу ҳолда маржон палиплари, бошоёкли малюскалар, игнатанлилар авлоди қирилиб йўқолади. Асосий ётқизиқлари қум ва лойқалардир. Лойқалар қуриб қолса, тупроққа айланади. Оқава сувлар келиб кўшилса, сув чучуклашади, бу шароитда асосан қум ва шағал тошлар тўпланади, лойқа-қуйқалар кам бўлади. Оқава сувлар сойлиғи оғзидан узоқда бўлган тўлқинсиз тинч жойларда ёки атрофи ўралган лагуналарда-асосан майин лойқалар, кўмир қатламлари, колчеданли минераллар ва сидеритлар ҳосил бўлади. Булар кислород етишмаган муҳитда пайдо бўлиб, одатда буларга шағал тошлар аралашмаган бўлади. Географик рельефни тиклаётган вақтда шелф зонаси (неритли кенглик) билан литорал кенгликни фарқига бориш учун сувнинг шўрлик даражасини билиб олиш зарур бўлади.

Шелф зоналарида сувнинг шўрлик даражаси деярли ҳар доим 35% промил атрофида бўлади. Бундай муҳитда хлорнинг таркибий миқдори ҳам кўпайган бўлиб -89.5%, сульфатларнинг миқдори-10.3 % ва карбонатнинг миқдори жуда жуда 0.3-0.2% атрофида бўлади. Ҳозирги вақтларда Болтиқ денгизининг шўрлиги- 4%<sub>0</sub>гача, Қораденгизники-18%<sub>0</sub> гача Азов денгизиники эса-11%<sub>0</sub> промилгача боради.

Нерит кенглигининг ҳозирги вақтда бўлсин ёки қадимий вақтларда бўлсин барибир, ўзига ҳос хусусияти бор. Масалан, нерит кенглигидаги сувларнинг ҳарорати сезиларли даражада ўзгариб туради. Бунга сабаб, қуёш радиацияси денгизларнинг тубигача етиб боради. Сув ҳавзасининг массаси ҳар доим ҳаракатда бўлади-сув тўлқинларининг ҳаракатлари денгиз оқимининг ҳаракатлари (тик ва бўйлама ҳолдаги ҳаракатлари) шулар жумласидандир. Бундай жараёнлар туфайли сув муҳитида кислороднинг миқдори ошиб кетади. Яна буни устига-устак бўлиб, карбонат ангидриди, органик моддаларнинг сувда эриган миқдори ҳам ошиб боради. Совуқ сув муҳитида эса унинг миқдори кўпинча кам бўлади, иссиқ ва иллиқ сувлар муҳитида эса аксинча бўлиб, оҳактошлар қатламлари ётқизила бошланади.

Нерит кенглигидаги ҳудудлар ўзининг табиий шароитлари билан органик дунёning ҳаёти учун ва уларнинг кўпайиши учун барча қулайликлар мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам бу кенгликни ҳайвонот дунёсининг ва ўсимлик оламининг макони деб бежиз атамаганлар.

Бу сув ҳавзаларида бентос, планктон ва нектон деб аталадиган ҳайвонот дунёси яшайди.

Бентос жонзодлар гурухига денгиз тубида ўрмалаб ва бирон-бир нарсага ёпишиб олган ҳолда ҳаёт кечирадиган умуртқасиз ҳайвонлардир, қисқичбақасимонлар, денгиз юлдузлари,чувалчангимонлар ва ҳ.қ.лар шулар жумласидандир.

Сув ости ўсимликлар қаторига яшил-қўйк ўсимликлар, қўнғир ва қизил тусдаги ўсимликлар киради.

Булар сув остида катта-катта ўтлоқлар майдонини ташкил этади. Қизил тусдаги ўсимликлар-литотамнилар оҳак моддасидан иборат бўлган риф қолдиқларини вужудга келтиради.

Планктон жонзодлар гурухига денгиз сув оқими бўйлаб ва сув тўлқинлари ёрдамида ҳаракат қилиб яшовчи форамифералар, ралиоляриялар ҳамда диатомит хилига киравчи сув ости ўсимликлар дунёси киради.

Нектон гурухига мустақил равишда фаол сузуб ҳаёт кечиравчи жонзодлар киради. Масалан, балиқларнинг барча хиллари, бешоёқли малюскалар туркуми, сут эмизувчи ҳайвонлар киради.

Шелф зонасининг яъни лitorал ва нерит кенгликларининг табиий географик шароити ҳамда ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсининг турли туман бўлишили туфайли бу жойларда чўкинди жинсларнинг таркиби ҳам ўзгача бўлишига сабаб бўлади.

Бундай вазиятларда асосан 3 хил генетик хилига эга бўлган чўкинди жинс ётқизиқлари юзага келади.

1. терриген ётқизиқлари;
2. органоген ётқизиқлари;
3. кимёвий жараёнлар хисобидан ҳосил бўлган ётқизиқлар.

Терриген ётқизиқлари кўп ва кенг тарқалган ҳолда юзага келади. Терриген ётқизиқлари йирик-дағал ва майда қумлардан ташкил топган бўлади; Сув массасининг тик равишида-йўналишда ҳаракат қилмаслиги сабабли шелф зонасининг тубида лойқа-қуйқалардан ҳосил бўлган балчик чўкиндилари ҳосил бўлади.

Булар сув ҳавзасида тезда чўкмай, муаллақ тарздаги сузуб юрадиган органик ва ноорганик майда зарралардан иборат моддалар тўпламидир. Балчиқнинг енгил заррачалари денгизнинг тинч чеккаларида, қуруқликда эса, сув тошган жойлари чўкади.

Шелф зонасидаги дағал ётқизиқлар шу денгизга сув оқимининг кучли бўлганлигидан далолатdir. Денгиз атрофининг иқлим шароити иссиқ бўлган бўлса. Унда сув ҳавзасининг ҳарорати ҳам илиқ бўлади, терриген ётқизиқлари кам, лекин аксинча чифаноқ тошлар (денгиз чифаноқларидан ташкил топган оҳактошлар) ҳамда маржон палипларининг оҳактошлари кўп тўпланади, ҳамда кимёвий жараёнларда пайдо бўладиган карбонатли жинслар ҳосил бўлади; улар таркибида эса, кўпинчалик темир ва марганец аралашмалари-минераллари сероб бўлади.

Шелф зонасининг суви. Агар саёз бўлса, тропик иқлим шароитида асосан карбонатли жинслар тўпланади.

Сув ости ўсимликлари карбонат ангидриди бирикмасини кўп ўзлаштриши натижасида эса кальций корбонати билан жуда тўйингани сабабли олитли текстурага эга бўлган кальций карбонат оҳактошлари юзага келади.

Дарёлар сувлари билан оқизилиб келаётган коллоид хажмдаги темир, марганец, алюминий бирикмалари коагуляцияга учраб сув ҳавзаси остига чўка бошлайди.

Лойқа-қуйқалардан ҳосил бўлган қатламлар шелф зонасининг чуқурликларида ҳам ва қирғоқ олди атрофларида ҳам юзага келиши мумкти. Лойқа қуйқалардан ҳосил бўлган қатламлар кейинчалик бориб вакт ўтиши билан улар тупроқ-гилсимон массаларга айланади.

Қирғоқ олди тупроқ гилсимон жинслар таркибидан одатда сув ости ўсимликларининг ва ҳайвонларининг қолдиқлари кўпроқ учрайди. Тирик жонзодларнинг қолдиқлари балчиқ махсулотлари ва сув ости ўсимликлари билан озуқаланадиган авлодлари учрайди.

Агар лойқалардан ҳосил бўлган жинслар лагуна сув остида ҳосил бўлган ўлса, унда қуийдаги асосий белгиларга аҳамият бериш керак: лагуна лойқалари суви юқори концентрацияда шўрланган ёки чучуклашган, атрофи деярлик бекилган (суви чиқиб кетмайдиган) шароитларда ҳосил бўлади. Сертуз жойдаги лойқанинг гранулометрик таркиби бир хил эмас, хажмига кўра катта ва кичикка етарли даражада ажратиладиган бўлиб, гипс ва тош тузлар билан бирга учрайди. Суви чучуклашган лагунадаги лойқалар одатда майнин дисперсли, юпқа қатламли бўлиб, бунга кальций карбонатлари, сидерит, темир сульфитлари ва бошқалар аралашган бўлади. Лагуна лойқалари ичида ўтга (оловга) чидамли гилмоясимон турлари ҳам учрайди.

Энади шелф лойқаларига келсак, улар 200 метр чукурликда сув оқими йўқ шароитда пайдо бўлади. Шелф лойқалари бир хил грануламетрик таркибга ва катта (100м.гача ва бундан ҳам ортиқ) қалинликка эгалиги ва кенг жойларга тарқалганлиги билан ажралиб туради.

Шу кезда кўл шароитида юзага келган лойқалар ҳақида ҳам сўз юритса айни муддао бўлса керак. Кўл лойқалари кўпинча бир хил гронулометрик таркибга эса ва майнин дисперсли холатида учрайди. Бундай лойқалар таркибидан лойқаларга хос минералларнинг ҳаммаси мавжуд бўлади. Чучук сувлм кўлларнинг лойқаларида каолинит ва гидрослюдалар, шунингдек таркиби темир ва алюминийнинг сувли оксидлари (гидрооксидлари) дан иборот минераллар бу жинс таркибидан кўпчиликни ташкил этади.

Сертуз-шўр кўллар лойқаларида эса монтмориллонит гурухи ва корбанатлар сероб бўлади.

Энг яхши-сифатли оловга чидамли жинслар хиллари кўлларда ҳосил бўлади. Чўкинди жинсларнинг таркибидан органик моддаларнинг миқдори кўп бўлса, уларнинг ҳисобидан сапропеллар ҳосил бўлади. Кейинчалик эса сапропеллар битум моддасига ва охири ёнувчи сланецларга айланади. Шунингдек ёнувчи сланецлар ҳозир ҳам Болтиқ бўйи худудларида мавжуд ва улар ёнувчи хом-ашё сифатида ишлатилаётти.

Сапропелларнинг асосий массаси сувда қалқиб ҳаёт кечирган микроскопик майда ўсимлик ва ҳайвонот чиқиндиларининг, ҳамда ўликларининг сув остига чўкиб тўпланишидан ҳосил бўлган балчиқсимон моддалардир.

Ёғли ва оксил моддалар чучук ёки шўр таъм сув остида ва кислород деярли йўқ миқдордаги шароитда емирилишга учраган вақтида бунга бошқа таркибли заррачалар қўшилиб, битумли балчиқ пайдо бўлади. Бу моддаларнинг бир қисмини бўлак майда ҳайвонлар емиш тариқасида истеъмол қилиб, гўнг сифатига келтиради.

Фауна ва флораларнинг хилларига қараб ҳам денгиз кенглигининг чукурлигини аниқлаш-тиклиш мумкин. Масалан, лойқа тупроқлар гилмоя бўлиши ҳам мумкин. 30-40 метр чукурликларнинг куйи уфқларида ҳосил

бўлади. Уларнинг қатламлари қалин бўлиб, кенг майдонларни эгаллайди. Фауна ва флоралар бўлади, 90-100м. уфқларда ва бундан ҳам чукурликда эса органик қолдиқларнинг сони ва ҳилма-хиллиги камайиб боради; органик қолдиқлардан балчиқ муҳитида яшайдиган ва ичидаги жонзодлар билан тирикчилик қиласидиган, ўлик моддалар билан озуқаланадиган ҳамда йиртқич сув ҳайвонларининг қолдиқларини учратишимиш мумкин. Шу жойда учрайдиган чиганоқсимон жонзодларнинг чиганоқлари жуда юпқа ва нозик-нафис холатида бўлади.

Мшанкалилар (бриозоа синфида кирувчи; фенестелла ва полипора авлодлари; колония бўлиб яшайдиган катталиги 1мм.дан ошмайдиган майда жониворлар) ҳисобидан ҳосил бўлган оҳактошлар қатламларига дуч келинса, улар 100-200 м чукурликдан сув ҳавзасида хаёт кечирадиганлардандир, лекин қуруқликка яқин жойларда. Мўтадил иқлим шароитларига мослашган бўладилар.

Фаunalарнинг синфида, авлодларига қараб қайси географик худудда ва қайси геологик даврларда денгиз ҳавзалари бўлганлигини ҳам билишимиз осон. Масалан, оҳактошлар ичидан брахиаподаларнинг тошқотган қолдиқлари учраса агар, бу оҳактошлар палеозой эрасига таълуқли бўлади; пелициподалар ва гастраподалар қолдиқлари топилса, унда улар бўр ва палеоген ва неоген даврларида мавжуд бўлган денгиз ҳавзаларида яшаганларидан дарак беради. Бу оҳактошлар асосан жуда зич жойлашиб олган чиганоқ қолдиқларидан тузилган бўлиб, уларни чиганоқ тош деб аталади. Юқорида айтилган фаunalар маълум бўлишича, саёз ва майдони нисбатан кичик денгизларда яшаганларидан далолат беради.

Эхинодерматоли (номлари аталаётган фаunalарнинг расмлари биологик эралар, давлар тавсилоти бобларда кўрсатилади) оҳактошлар қатлами ордовик ва кейинги ёш геологик даврларда ҳам ҳосил бўлади; ҳосил бўлиш шароитига келсак, улар денгизларнинг 40-100 м чамасидаги чукурликларида ҳосил бўлган, ҳамда сув ҳавзасининг шўрлиги маълум бир мейёрда бўлган деган холосага келиш мукин.

Айрим оҳактошлар, мармарланган оҳактошлар мадомики улар мармартошга айланиб кетган бўлсалар ҳам, орасида тошқотган қазилма бойликлар учрамаса ёки бошқа бир органик қолдиқ топилмаса агар, бундай оҳактошларнинг ёши жуда қадимий геологик даврга бориб тақалади. Масалан, архей эрасида бактериоген деб аталадиган оҳактошлар ҳосил бўлган. Бактериялар денгиз сувидан оҳак моддасини организмига сингдириб олиб, уларнинг чиқиндилари ва ўликлари ҳисобидан юзага келадиган оҳактошлардир.

Оҳактошларнинг ва мармарлашиб кетган оҳактошларнинг бошқа хиллари ҳам бор, улар факат денгиз сув ости ўсимликлар олами ҳисобидан ҳосил бўладиган жинслардир. Бундай сув ости ўсимликлари худди бактерияларга ўхшаб, сув таркибидаги оҳак моддаларини таналарига сингдириб олган ҳолда ривожланадилар, демак уларнинг органлари оҳак моддаларига жуда тўйинган бўлади. Шундай экан уларнинг яшаш даври тугаши туфайли сув остига йиғилиб бориши ёки уларнинг батомом қирилиб

кетиши туфайли ҳосил бўлган чўқмалар ҳисобидан юзага келадиган ҳосилалардир. Шунинг учун ҳам бундай оҳактошлар таркибида-ичида денгиз фауналари учрамайди, мабодо фауна қолдиқлари учраб қолсаагар, демак улар шу оҳактошларни ҳосил қилувчи чўкиндилар билан ё олдин ёки кейинроқ балки бир вақтни ўзида чўкиб аралашиб қолган бўлади.

Литорал кенгликларнинг юқори қисмида хар хил хемоген чўкинди жинслар ва минераллар ҳам ҳосил бўлади; булар қаторида хемоген оҳактошлар, бакситлар (алюминий маъданининг хом-ашёси) темир ва марганец чўкинди маъданлари, глауконитлар (аморф ёки яширин кристалли минерал- К ( $Fe^3$ ,  $Fe^2$ ,  $Al_2O_3$ , Mg,  $Si_3 O_{12}$  [OH] n  $H_2O$ ), фосфоритлар ва бошқалар.

Хемоген оҳактошлари бу жойда, одатда денгиз сувларининг таркибида корбонат икки оксидининг миқдори қўпайиб кетиши муносабати билан, иқлими иллиқ ва иссиқ шароитларда, сувнинг чуқурлиги 10м. чамасидаги уфқларда юзага келади. Бундай шароитлар бўлиб ўтганлигини билиб олишимиз учун оҳактошларнинг тузилишига, оҳактошларни тахлил этган кальций корбонатлар доналарининг структура ва текстураларига аҳамият бериш зарур бўлади.

Бундай шароит ва муҳитларда кальций-корбонатнинг тузилиши аолитли текстурага (доналари мошсимон, нўхатсимон, ловиясимон, йириклари эса тухумсимон шаклларда намоён бўлади) эга бўлади.

Бундай хосса ва хусусиятга эга бўлган оҳактошлар кўпинчалик палеозой ва мезазой эраларида ҳосил бўлган чўкинди жинслар қатламларида тез-тез учраб туради.

Литорал кенгликларнинг чуқурроқ уфқарида яъни 20-50 м.дан бошлаб то 150 м.гача бўлган чуқурликларда қумтош ва гилмоясимон жинслар билан глауконитлар аралашмалари ҳосил бўлади.

Бу уфқдан сал чуқурроқда (50-200м.) фосфоритларнинг бошқача текстурага-кўринишга эга бўлган тўпламлари юзага келади.

Фосфорит тўпламлари эса уясимон тўпламларни ҳосил қилиб, фонкрециялар, юмалоқланган эллипсойидал шаклларга ўхшаш доналаридан ташкил топган бўлади.

Демак, қайси бир чўкинди жинслар қатламининг юзага келиш шароитларини қайтадан барпо қилмоқ-қайта тикламоқ зарурияти пайдо бўлса, аввало биринчи навбатда синчковлик билан қуйидаги тартибда ўрганиш керак: жинсларнинг таркибини тахлил этиш; жинсларнинг жойлашиш ва тузилишига аҳамият бериш; текстура ҳамда структурасини тахлил қилиш; жинслар таркибидаги микроорганизмларни ўрганиш; жинс доналарининг катта-кичикликларига ажратиш; жинслар орасидаги қазилма қолдиқларини-фауна ва флораларини тахлил этиш лозим бўлади.

Яна мисолларга мурожаат этамиз:

⇒ Маълум бир худудни фациал тахлил эта туриб, унинг физик-географик шароитларини тиклаш вақтида қадимий жинслар орасида дағал қумтошлар ва конгломератлар учраб қолса, бу худуд

қадимий геологик даврларда денгиз қирғоқ олди жойларига сув ҳавзаси саёз бўлган экан деган холосага бемалол келаверинг.

- ⇒ Агар гилмоясимон ётқизиқларни учратсангиз. Бу чўкинди жинс қатламлари денгиз ҳавзаси қирғоқларига нисбатан узркроқда ва нисбатан сув ҳавзасининг чуқур жойларида юзага келган бўлиб чиқади.
- ⇒ Агарда оҳактошлар қатламига дуч келинса, шу ҳудудда оҳактошлар 100-300м. чамасидаги чуқурликларда ҳосил бўлиб, қадимий денгиз сув ҳавзасининг иқлим шароити илиқ бўлганлигидан далолат беради.
- ⇒ Агар денгиз ости чўкинди жинслари билан бирга вулқон туфи қотишмалари учраса, бу дегани сувни ҳавзаси остида вулқонларнинг эксплозив ҳаракати бўлиб ўтганлигидан хабар беради. Вулқон лавалари қуюндиларининг шакллари ва кимёвий-минералогик таркиблари ҳар хил бўлган вулқон жинслари орасида учрайдиган “вулқон бомбалари”-думалоқсимон вулқон тошлари вулқоннинг кучли портлаши оркали давом этиб, вулқон мўрисилари катта кратерларга (катта вулқон ўраларига) айланади. Вулқон портлаш жараёни денгиз сув ҳавзаси остида содир бўлганлиги туфайли вулқон маҳсулотлари тезда қотади, вулқон таркибидаги газ-фумороллари секин-аста қотаётган лава ичидан чиқиб туради, натижада газ-фуморолларининг чиқиб турган ўрни бўш холида сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам денгиз остидаги вулқон жинслари ғовак-ғовак холатида магалкасимон яхлитлигига сақланиб, вулқон туфлари деб деб аталадиган жинслар пайдо бўлади.
- ⇒ Агар чўкинди жинслар қатламлари орасида тошқотган қазилма бойликлари сони ва хилма-хиллиги кўп ва ҳар хил бўлса, демак шу қадимий геологик даврда сув ҳавзаларининг шўрлиги иқлим шароити илиқ ва сув ҳавзасининг чуқурлиги саёзлигидан дарак беради, бинобарин шу сув ҳавзаси ва унинг ҳудудида яшаб ўтган ҳайвонот оламининг яшаси ва уларнинг ривожланиб бориши учун қулай табиий шароит бўлган тушунча келиб чиқади.

Тошқотган ҳайвонларнинг тошқотган чиғаноқ қолиқлари қалин бўлса, демак улар жуда чуқур бўлмаган ҳамда суви илиқ сув ҳавзасида яшаганлар, балки чиғаноқларнинг қалин бўлишига шу денгизнинг сув тўлкинлари тез-тез ҳаракатда бўлганлиги ҳам сабаб бўлгандир.

Аксинча, қолдиқ чиғаноқларнинг қалинлиги юпқа холатида бўлса, бу вазиятда сув ҳавзасининг ҳарорати совуқ, шунинг учун чиғаноқсимон жонзодларнинг чиғаноқ қопламлари қалинлашиши учун кальций карбонат эритмалари оз миқдорни ташкил этган бўлади.

Демак, ўз-ўзидан маълум бўлаптики, қазилма қолдиқларни синчковлик билан тахлил этиш шу геологик эпоханинг физик-

географик шароитини палеогеографик мұхитини бемалол тиклашга имконият яратыб беради.

Шу тариқа нафақат тахлил қилинаётган ҳудуднинг палеогеографик шароитларини тиклаш мүмкін, балки палеоиқлим шароитларини ҳам аниқлаш мүмкін экан.

Юқорида ёзилған далиллар бир қаторда қуйидаги қўшимча далилларни мисол тариқасида баён этиш мүмкін. Ушбу далиллар чўкинди тоғ жинслари орасида сингенетик равишда, яъни чўкинди жинслар бир вақтда, бир шароитда юзага келадиган металл ва нометалл фойдали қазилма бойликлар мисолида тушунтирилади.

Палеоиқлим шароитларини тиклаш вақтида денгиз ёки океан сув ҳавзалари остида ҳосил бўлган чўкинди жинслар билан бирга темир ва марганец, баксидлар уюмлари, нураш пўсти маҳсулотлари, тошқўмир, қўнғир қўмир конлари учраб қолса, бу вақтда шу жойда иқлимини иқлими яъни нам илиқ иқлими бўлган.

Арид- қуруқ, намгарчилик кам бўлган иссиқ иқлим шароитини бўлиб ўтган вилоятлар бўлса, бундай ҳудудларда турли тусдаги (малларанг, сариқ, қўнғир ранг, яшил ранг) қумтошларни, тоштузларни, гипс ва ангидрит, миснинг оксид ва гидрооксид бирикмаларини-минералларини қўришимиз мүмкін.

Тропик ва субтропик иқлимини шароитини шелф зоналарида маржон палиплари ҳисобидан пайдо бўлган оҳак жинслари-туфлар ҳосил бўлади.

Маржон палиплари денгиз шелф зonasининг 5-40м. келадиган чуқурликларида 40м. баландликкача кўтарилилган маржон «қурилишларини» юзага келтиради. Бундай денгиз ости ётқизикларини маржон рифлари деб юритилади. Мадомики, булар ўз навбатида-қирғоқ рифлари, довон ёки ғов деб аталадиган рифларни, хамда аттолларни (оролга ўхшаш жинс тўпламларини) вужудга келтирадилар.

Атол рифларига юқоридан аҳамият берадиган бўлсак, улар тухумсимон кўринишда намоён бўлади.

Денгиз шелф зonasининг қирғоққа яқин четки айланма жойларига кўрфаз (лагуна) деб аталади. Кўрфаз денгиз қирғогидан сал нарида сув остидаги довон билан тўсилган бўлади.(3-расм)

3-расм. Атол.

1.Денгиз юзаси. 2. Атол ва соҳил оралиғи. 3. Денгиз хавзаси.

4.Денгиз ости ва соҳил туб жинслари. 5. Атол.

Кўрфазнинг суви чучук ва шўр ҳам бўлиши мүмкін. Гумид иқлимли кўрфазларда хемоген чўкиндилар, сулфатлар ва галоидли бирикмалар ҳосил бўлади.

Бу бирикмалар галит ( $\text{NaCl}$ ), миробилит( $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10 \text{ H}_2\text{O}$ ), силвин ( $\text{KCl}$ ), астрахонит ( $(\text{Mg} \text{ Na}_2\text{SO}_4)_2 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$  каби туз комплексларидан иборат бўлади.

Күрфазларга яққол мисол тариқасида Каспий денгизининг шарқ томонида жойлашган Қора-Бўоз-Кўл ҳавзасини келтирсак кифоя. Бу кўрфазда тузларнинг концентрацияси Каспий денгизига қараганда 20 марта кўп.

### **Батиал фациялари ва унинг ётқизиқлари.**

Денгиз ости материк ёнбағридаги чукур денгиз суви ётқизиқларидир. Бу ерда денгизнинг чукурлиги 200 м.дан 2000 мгача бўлиб, шелф зонаси билан Дунё океани ҳавзасининг оралиғи ҳисобланади. Батиал зонада планктон организмларнинг қолдиқларидан, кимёвий ва вулқоноген чўқмаларидан ташкил топган жинслар хам кўплаб тўпланади. Терриген чўқинди ётқизиқлари қаторига-яшил, кўк ва қизғиш рангдаги лойқалар киради. Яшил рангдаги лойқалар таркибида глауконит минерали кўп бўлгани учун, бу чўқиндилар яшил тусда кўринади.

Шундай глауконитли лойқалар таркибида фосфоритга бой бўлган чўқиндилар ҳам ҳосил бўлади. Булар майин қумсимон масса холатида бўлиб, қумлоқсимон фосфорит конкрецияларини ҳосил қиласади. Кўм-кўк ва қорамтири кўк лойқалар жуда майин қумлоқлардан иборат, таркибида органик моддалар жуда кўп бўлиб, олтингугуртли водород хиди бурқсиб туради. Қорамтири кўк қуйқа таркиби текширилганда майда-дисперс холатидаги пирит ва марказит минераллари борлиги маълум бўлган. Қизил ва қизғиш қуйқалар таркибида темир моддалари (лимонит, чематит) кўп, шунинг учун ҳам бу лойқасимон жинсларнинг ранги шунаقا бўлади.

Планктон органик дунёси-фораминифералар, оҳак моддасигша мўл бўлган сув ўсимликлари ҳисобидан оҳакли қуйқалар ҳосил бўлади. Кейинчалик улар оҳактош туфларига айланаб қолади.

Юқорида айтилган чўқиндиларнинг хаммаси 3000м келадиган денгиз чукурлигига ҳам учратиш мумкин. Яшил, кўк ва қизғиш рангдаги денгиз лойқа-қуйқалари қулай геологик шароитларда шу тусдаги гилмояларга ва оҳактошларга айланадилар. Шу чўқинди жинслар таркибида планктон жониворлар қолдиқларидан ташқари яна ҳар хил балиқ турларининг скелетлари ва акулаларнинг тишлари яхши холатда сақланиб қолади.

Бу қолдиқлар ўз навбатида қадимий батиал денгиз ҳавзаларини аниқлашда-тиклишда катта аҳамиятга эга.

Батиал зоналардаги палеоденгиз сув оқимининг йўналишини ҳам аниқлаш мумкин. Сув оқимларининг йўналишини аниқлаш учун дағал кўринишдаги шағал ва чақмоқтошларнинг тўпламлари қайси томон йўналиши бўйлаб “таксланганлиги” дан билиб олиш мумкин. Кум қатламлдари асосан бир томон бўйлаб йўналган холда ётқизилган бўлади.

Лойқа-қуйқалардан юзага келган жинслар орқали палеоденгиз оқимининг йўналишини аниқлаш жуда мушкул, чунки лойқа-

қүйқалар денгиз сувларининг ҳаракати туфайли бир мейёрда текисланиб қолади, юзаси бир хил кўринишда ётқизилган бўлади.

Катта сув ҳавзаларининг ҳарорат даражасини билишда ҳарорат-индекаторлари ҳисобланмиш қадимги сув ҳавзаси жонзодларини ва уларнинг чўқиндиларидан ҳосил бўладиган чўқинди жинсларни тахлил этиш зарур.

Масалан, ҳарорат индикаторлари фауналар қаторига табиатда сув ҳавзаларида энг кўп тарқалган маржон палиплар, брахиаподалар, глобигеринлар, белемнителлалар, аммонитлар ва ҳ.к. ларни мисол қилиш айни муддаодир., чунки шу ҳайвонот олами таналари таркибида кальций-карбонат, кремний каби чўқинди жинсларни юзага келтирувчи кимёвий компонентлар мавжуд.

Фациал ва палеогеографик тахлил қилинаётган ҳудудда оҳактошлар ва кремнийли жинслар таркибида юқорида ёзилган фауналар учраса, демак қадимда бу жойларда тропик ва субтропик иқлим шароитлари хукмронлик қилган. Оҳактошларнинг кўплаб ва нисбатан қисқароқ геологик эпохаларда ҳосил бўлиши кўпинчалик арид вилоятларида ҳосил бўлади; гумид иқлим шароитида эса оҳактошларнинг ҳосил бўлиши жараёни одатда узоқ муддатлар давомида юзага келади.

Шу вилоятларда ҳосил бўладиган туз кон ҳавзалари хам ўзига хос хусусиятига эга. Арид иқлим шароитларида сув буғланиш жараёни фаол тарзда кечади, гумид иқлим шароитларида эса буғланиш суст бўлади. Мадомики, арид иқлим вилоятларида сув ҳавзалари таркибида тузлар концентрацияси юқори даражада бўлган бўлган бўлса туз кон ҳавзалари юзага келади.

### **Дунё океанининг абиссал вилоятлари ва унинг ётқизиклари.**

Абиссал вилоятлар океанларининг энг чукур кенглиги ҳисобланади. Бу вилоятларда ҳар доим мангут қоронгулик хукм суради-қуёш нурлари батамом бориб етмайди; сув босими жуда юқори, сув ҳарорати жуда паст- $1^0$  дан то  $+3^0$  атрофида бўлади. Сувнинг шўрлиги доимий равишда бўлиб 35% промилл чамасида. Бундай жойларда океан сувларининг ҳаракати жуда суст ёки бутунлай оқим сезилмайди.

Охирги пайтларда “Витязь” деб номланган океанографик кема кема экспедициясининг маълумотларига кўра океан тубида икки табақали чиғаноқлар, қориноёқли малюскалар хамда погонофор сув ости жониворлари яъни хордалилар туркумига ўхашаш фауналар яшаётганлиги маълум бўлди.

Булардан ташқари яна балиқларнинг айрим хиллари хам мавжуд экан. Балиқларнинг қўз органлари бўлса ҳам, улар бутунлай кўриш қобилиятидан маҳрум эканлар чунки бу вилоятларга қуёш нурлари бориб етмаганлиги сабабли кўзлари кўрмайдида. Тахминларга кўра бу балиқлар қачонлардир бу океан сув ҳавзасининг юқори уфқларида

яшаганликлари, бироқ ҳаёт фаолиятлари давомида ўзларига емиш қидириб чуқурликларда яшашга мослашиб кетганлар.

Абиссал вилоятлардаги чўкинди жинслар ётқизиклари денгиз ва океан сувларининг марказий худудларида, қирғоқдан тахминан 300-500км. Ва бундан ҳам узоқроқ масофаларда бўлади.

Абиссал зона ётқизиклари батиал ётқизикларига лойқа-қуйқаларга ўхшаш бўлса ҳам, лекин фарқи катта.

Абиссал ётқизиклари факат органоген лойқа-қуйқалардан иборат бўлади.

Бу лойқалар денгиз ва океанлар юзида ва тагида яшайдиган майда органик дунёнинг чўкиндилари, қаттиқ қолдиқлари, скелетлари ёи0индисидан иборат бўлиб, глобигеринли, птероподали, радиолярияли ва диатомитли лойқаларни ҳосил қиласди.

Глобигеринли лойқр оқ рангга бўялган, малла рангда ёки пушти рангларда ҳам бўлади. Бу лойқа қотгандан сўнг текширилса худди оддий бўр жинсининг ўзи бўлиб, HCl кислотаси таъсир эттирилса тезда реакцияга киришиб кўпиради ва вишиллайди, демак унинг таркиби жуда ҳам майда кукунсимон кальций кабонат заррачаларидан тузилган.

Бундай бўрсимон қатламлари денгиз ва океан хавзаларининг 4500 м.гача бўлган чуқурлик зонасидагина бўлиши мумкин.

Бундай чўкинди тўпламлари жуда катта майдонларни эгаллайдилар. Бундан ҳам чуқурроқ жойларида таркибида оҳак моддалари бўлган бўр ёки оҳактош жинслари ҳосил бўлмайди, чунки 4500м. чуқурликларидан болаб кальций-карбонат махсулотлари эриб кетаверади.

4500м.дан 8000м.гача бўлган чуқурлик радиолярия лойқаси ётқизиклари катта майдонларни ишғол қиласди. Буларнинг ўрнида кремнийли чиғаноқлар қолдиқларидан ҳосил бўлган чўкиндилар юзага келади. Шу чўкиндилар билан бирга қизил рангдаги океан гиллари ҳам аралашган бўлади. Бу қизил рангдаги гиллар ҳам лойқа-қуйқаларнинг махсулотидир.

Қизил лойқалар таркибида марганец конкрециялари, цеолит, филлипсит каби (таркибида асосан: калий, натрий кальций, аюминий, кремний ҳамда сув молекулалари мўл бўлади.) минераллар учрайди; органик қолдиқлардан акулаларнинг тишлари, кит ва кашалотларнинг суюқ қолдиқлари учраб туради.

Олимлар қуйқалар ичидағи қаттиқ жисмларни метеорит чанг-зарралари аралашган деган фикрларни олдинга сурмоқдалар.

Диатомитли лойқа ётқизиклари 1000м.дан 6000м.гача бўлган чуқурликда ҳам топилган.

Айрим жойларда бундан ҳам чуқурроқ зоналарда учратилган. Диатомитли лойқалардан ҳосил бўлган чўкинди жинслар суви совук денгиз ва океанлар да ҳосил бўлиши мутахассислар томонидан тасдиқланган. Диатомейлар микроскопик майдасув ўсимликларидир.

Уларнинг таркиби асосан кремний (силикатли масса) моддасидан иборат.

Шунинг учун ҳам диатомли лойқалар ҳисобидан кремнийли чўкинди жинслар юзага келади.

Денгиз ва океанлар остининг 6000-8000м.дан ҳам чуқурроқ жойлари қизил океан гили деб номланган чўкиндидан иборат.

Дунё океанининг майдони тахминан 30-35%ни ишғол қилган бу қатлам унча қалинликка эга эмас. Қизил рангдаги гил таркиби органик қолдиқлардан ва метеорит чанг-заррачаларидан ташкил топган. Бундай чўкиндиларнинг унча қалин бўлмаслигига асосий сабаб, уларнинг жуда узоқ вақт муддати давомида жуда секин тўпланишидан дарак беради. Умуман океанлар қаъридаги қизил тусдаги гипс аралашган чўкинди ётқизиқларининг пайдо бўлиш шароитлари ва қонуниятлари халитўла-тўкис ўрганилмаган.

### **Магматик фация.**

Магматик фация қаторига магма ҳаракати жараёни натижасида юзага келган хосилалар-магматик тоғ жинслари киради.

Магма Ер пўстининг остки қисмларида яъни Ер пўстининг чуқур қатламларида оловсимон ва хамирсимон суёқ моддаларнинг юқори томон ҳаракатланиб, муайян бир уфқда жойлашиб олганидан сўнг аста-секин совуб қотиши туқайли ҳосил бўладиган жинслар гурухидир.

Магма юонча сўз бўлиб, у хамирга ўхшаш оловсимон массани англатади.

Бу масса ҳар хил суюқ, газ, буғлар ва гидротермал холатида моддалардан иборат бўлса ҳам, лекин унинг таркибида энг кўпи ва муҳим аҳамиятга эга бўлгани силикатли ( $\text{SiO}_2$ ) қотишмалар кўп бўлади деб ҳисобланади. Булардан ташқари “магма ўчоғи” (резурвуари) таркибида яна тез ҳаракатчан-учиб тарқалиб кетувчи кимёвий компонентлар  $\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{OH}$ ,  $\text{HF}$ ,  $\text{HBr}$ ,  $\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{HCl}$ ,  $\text{CO}_2$  ва бошқалар ҳам иштирок этади.

Бу кимёвий элементларнинг ва компонентларнинг мавжуд бўлиши силикатларнинг эриш ва қотиши ҳароратини ҳамда ассимиляция ва дифференциациялари жараёнини ўзгартиради ва осон-тезда кристалланишига ёрдам беради, шу тариқа хилма-хил магматик тоғ жинслари фацияларини вужудга келтиради. Жумладан абиссал, гипабиссал (интрузив), эффузив, ҳақиқий вулқон ва дайка (томирсимон магматик жинслар таналари) фацияларни вужудга келтиради.

Магматик жинслар таркибидаги муҳим-кремний оксидининг миқдорига қараб қуйидаги гурухларга бўлинган:

1. Нордон жинслар,  $\text{SiO}_2$  миқдори 65-75 % ёки бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин;
2. Ўрта асосли жинслар,  $\text{SiO}_2$  52-65%;
3. Асосли жинслар,  $\text{SiO}_2$  45-52%;

4. Ултра асосли жинслар,  $\text{SiO}_2$  45% дан кам;
5. Ишқорий жинслар,  $\text{SiO}_2$  10-12%, ишқорий оксиднинг микдори эса юқори даражада бўлади.

Нордон магматик жинслар-интрузив ва эффузив фацияларига қаторига қўйидагилар киради;

**Интрузив фацияси:** гранит, гранит-порфир, пегматик, аплит ва х.к.

**Эффузив фацияси:** липолит, пемза, обсидиан, кварцли порфир ва порфирилардан ташкил топган.

*Ултра асосли магматик жинслар.*

**Интрузив фацияси:** сиенит, нефелинли сиенит, диорит, сиенит-порфир, диорит порфир.

**Эффузив фацияси:** трахит, андезит, трахит-порфирилардан ташкил топган.

*Асосли магматик жинслар.*

**Интрузив фацияси:** габбро, лабрадорит.

**Эффузив фацияси:** базальт, диабаз киради.

*Ултра асосли жинслар.*

**Интрузив фацияси:** дунит, перидорит, пироксенит.

**Эффузив фацияси:** пикрит, пикритли порфирит.

Интрузив магматик жинслар фациясининг таналари чуқурлиқда жойлашган бўлади. Абиссал фацияси эса Ер пўстининг жуда чуқур қисмида, магмадан ажралиб чиқан тананинг секин-аста совиб қотишидан пайдо бўлиб кристалланади.

Бундай жинсларнинг доналари одатда йирик-йирик қўринишда кўзга ташланади, яъни улар тўлиқ кристалланган магматик жинслардир.

Гипабиссал фацияси эса магмадан ажралиб чиқкан таналари Ер пўстида ярим чуқурлик уфқларида(зоналарида) қотишидан ҳосил бўлади.

Жинсларнинг минерал моддалари нисбатан майдроқ-майда донали қўринишда намоён бўлади. Абиссал ва гипабиссал фацияларни плутонитлар деб ҳам аталади.

Эфузив магматик жинслар фацияси ёки вулқонитлар, Ер пўстининг юзасида-унинг остики қисмига яқин уфқларда лаванинг қуйилиб, кам босим ва паст ҳарорат остида зудлик билан қотишидан ҳосил бўлади.

Шу сабабли эфузив жинсларнинг асосий таркиби яъни минераллар доналари жуда майда қўринишда намоёнлашиб аморф ва шишиасимон, пемзасимон массалар холатида учрайди.

### **Дайкалар фацияси.**

Дайкаларнинг тана тузилишлари тик ва тик холатга яқин равишида жойлашган жинсларни ёриб-кесиб ўтиб жойлашади; катта (камин) ва майда томирсимон узундан-узун чўзилган магматик жинслардир. Дайка таналарининг қалинлиги бир неча сантиметрдан, то бир неча

ўн ва ҳатто юз метргача боради, чуқурликдаги йўналиш эса бир неча ўн, юз ва минг метрлар чамасида бўлиши мумкин. (4-расм.)

А. Планда:

Б. Кесимда:

4-расм. Дайкалар фациясининг планда ва кесимда кўриниши.

### **Метаморфик фация.**

Метаморфик фацияга тегишли тоғ жинслари иккиламчи ёки бутунлай ўзгариб кетган жинслардир.

Улар бирламчи чўкинди ва магматик тоғ жинсларининг юқори ҳарорат, кучли босим ҳамда кимёвий нуқтаи-назардан фаоллик кўрсата оладиган моддаларнинг ўзаро таъсири остида юзага келади. 5-расм.

Метаморфик фацияга тегишли жинсларни тошметин жинслар деб аташ мақсадга муофиқдир. Мураккаблашган физиковий ва кимёвий жараёнларнинг тоғ жинсларига кўрсатган таъсири шу даражага етадики, ҳатто метаморфизмга учраган жинсларнинг ташқи ва ички кўринишлари (структурда ва текстуралари) минералогик ва кимёвий таркиблари батамом ўзгариб, бутунлай бошқа холатга ўтади. Метаморфизм фацияси ва унинг ҳосилалари Ер пўстининг остида қатламлараро юзага келади.

5-расм. Метаморфизм жараёнининг ҳосил бўлиш чизмаси.  
 $t^0$ -ҳароратнинг таъсири; Б-босим кучи таъсири.

Метаморфизм геологик шароитларга боғлиқ бўлиб, асосан икки регионал ва контакт метаморфизмга бўлинади.

Регионал (катта-катта худудларни эгалаган холатда) метаморфизм-Ер пўстининг энг чуқур қисмида, кучли босим ва юқари ҳарорат таъсирида пайдо бўлади; у бирқанча метаморфизм

Фацияларини – турларини - динамо, термо ва кимёвий метаморфизмларни ўз ичига олади.

Контакт метаморфизми нисбатан кичик жойларда, икки хил жинсларнинг ўзаро туташган чегараларида, магматик жинслар таналарининг ёнгинасида амалга ошади.

Бу жараён кенг майдонларни ўз ичига ололмайди, чунки магма ҳосилалари (таналари) тез совиб қолиши мумкин.

Метаморфизм жараёнлари вақтида таъсир қилувчи ҳарорат, магма ва магма махсулотларининг Ер пўсти ичидаги юқори томон кўтарилиши, айрим минерал ҳосил қилувчи моддаларнинг радиоактив парчаланиши, тектоник деформациялар, Ернинг чуқур қатламларида содир бўладиган кимёвий реакциялар натижасида ҳосил бўлади.

Юқори босим күчлари эса, Ер пўстининг юқори қатламларидаги жойлашиб олган тоғ жинсларининг оғирлик қути таъсири (5-расмга қаранг) натижасида ҳосил бўлади.

Магматик интрузив таналарининг юқори ҳарорати иссиқлик таъсири, жинслар ёки минерал моддаларнинг қакдай хилларидан қатъий назар, уларни қайтадан кристалланишига мажбур этади: бир жинс ёки минерал ўрнида (бу жараён моддаларнинг ҳаракатисиз юз беради) бошқа янги жинс ёки минерал юзага келади.

Метаморфизм фацияси вақтида минерал моддаларнинг кимёвий таркиби сезиларли даражада ҳам ўзгармаслиги мумкин.

5-рамда күрсатылғаныдек, магматик жинс-гранитнинг иссиқлигі ва таҳминан 10-15 км. Қалинликдаги тоғ жинси қатламларининг босим кучи таъсири остида оддий сочма құмлар-құмтошларга, құмтошлар сланецларга, сланецлар эса кварцитларга айланиб кетади.


Лойсимон гил катламлари-гилмояга-филлитга-гилли сланецларга-снейсга айланади.

Шу гнейсга агар гранит жинси келиб аралашса гранит-гнейс ёки мигматитлар деб аталадиган янги дурагай жинслар вужудга келди.


Чўкинди оҳактошли ил (лойқа)-ғовакли оҳактошлар-жипслашган массив оҳактош, кристалли оҳактош мармар, агар магма маҳсулотлари аралашса оҳактошли-силикат метин жинслар вужудга келади.

Жуда қадимий гранит жинслар (архей, протерозой ва айрим қуйи палеозой гранитлари)нинг кўпчилиги ҳозирги вақтда гранит-гнейсларга ёки бўлмаса гнейсларга айланниб кетган.

Тоғ жинсларининг бир холатдан (фациядан) иккинчи бошқа ўтиш жараёни бир неча миллион ва хатто млрд. йиллар ёки бир қанча геологик даврлар, эралар давомида рўй беради. Метаморфизм фациясини агар минераллар мисолида кўрадиган бўлса, лимонит (темирнинг занги ва темирнинг бошқа гидрооксидалари) метаморфизм жараёни вақтида гематитга ва энг сўнгги жараёнда магнетитга айланади:



## 2. Кремнийли масса мисолида:



агар метаморфизм жараёни тез ҳаракатчан магма компонентлари ( $H_2O$ ,  $CO$ ,  $CO_2$ ,  $SO_4$ ,  $H_2S$ ,  $HCO_3$ ,  $SiO_2$ ,  $Cl$ ,  $Ca$ ,  $Mg$  ва х.к. катион ва анион металл бирикмалар) иштирокисиз юз берса, метаморфизмга учраётган тоғ жинслари таркибида ҳеч қандай кимёвий ўзгаришлар бўлмайди. Масалан, қумтошлар-кварцитга. Оҳактошлар-мармартошга айланганлиги билан уларнинг кимёвий таркиблари ўша бирламчи холида қолаверади.

Метаморфик фацияга тегишли тоғ жинсларининг асосий қисмини кварц, слюдалар, амфибол, дала шпатлари гурухига кирувчи минераллар, лироксен, кальцит каби минераллар эгаллаган бўлади.

Гранат, талк, андалузит, волластонит, дистен (кианит), эпидот, tremolit, топаз, корунд (ёқут, сапфир), хлорит, серпентин (змеевик, асбест). Турмалин каби минераллар метин жинслар таркибида учраса, булар метаморфизм фацияси даракчилари ҳисобланади.

Шу қайд этилган минералларнинг тузилиши-шакллари изоморф холида учрайди.

Метаморфик фацияга таълуқли жинсларнинг ташқи кўринишида йўл-йўл тарамлар, катакластик (синган, майдалангандарз кетган), эзилган-ғижимланган ва бурмаланиш белгилари яққол кўзга ташланади.

Метаморфик фацияга кирувчи тоғ жинсларининг кўпчилиги ўз-ўзидан қазилма бойликлар сикатида фойдаланилади. Масалан, мармар, гнейс, кристалланган сланецлар, магматитлар қурилиши ишларида иморатларга жилов бериш ишларида фойдаланилади. Мармар, кварцит ва онексли жинсларнинг сифатли турлари қимматбахо хом-ашё ҳисобланади ва бадиий хамда хайкалтарошлик ишларида фойдаланиш жуда кўл келади.

### **Континентал фация.**

Континентал фацияларни таҳлил қилишдан асосий мақсал қадими континентал шароитларни тиклашдан иборатdir. Бошқача ибора билан тушунтирилса, қадими геологик даврдаги материклар (қитъалар) худудларни тиклашдан иборат. Континентал ётқизиклар яъни фациялар оқава сувлар, музликлар, кўллар, ботқоқликлар, шамол (эол ётқизиклари, сел ва бошқа омиллар) олиб келган-ётқизган жинс ётқизикларининг умумий номи тушунилади.

Континентал фация ётқизиклари денгиз фацияси ётқизикларидан кескин фарқ қиласи. Бу ётқизиклар жинсларнинг хилма-хиллиги, ётқизикларнинг қалинлиги унчалик қалинмаслиги-юпқалиги кенг худудларни эгалламаганлиги ва нихоят таркиби турлича бўлишилиги билан ажралиб туради.

Континентал ёки қуруқлик фацияси ётқизикларининг пайдо бўлишига асосий омиллардан худуднинг иқлим шароити ва қуруқлик сатҳининг рельефи муҳим ахамиятга эга.

Иқлим шароити омилига тўхталадиган бўлсак, асосан Зта минтақа ётқизикларидан ташкил топган бўлади:

1. Қутб яъни нивал иқлим шароитида юзага келган ётқизиклар.
2. Нам ёки гумид иқлим шароитларида юзага келган ётқизиклар.
3. Қуруқ яъни арид иқлим шароитида ҳосил бўлган ётқизиклар.

Қутб минтақаларида музликларнинг эриб кетиши ва эриб юмшаган ерлар, жинслар қолдиқларидан ҳосил бўлган ётқизиклар йиғиндиси тўпланади.

Бундай ётқизиқлар орасида мореналар ва тиллитлар асосий ўринларни эгаллайдилар. Шулар орасида айникса катта ва кичик бўлаклардан ташкил топган харсанг тошлар, лойқа-куйқа қолдиқлар ва қумоқ тупроқлар (суглинкалар) кенг таркалган бўлади. Қумоқ тупроқларнинг ранги сариқ, бўзранг ва ғиштин қизгиш тусда бўлади.

Қумоқ тупроқ зарраларини катта ва кичикилигига қараб оғир, ўрта, чангсимон оғир, чангсимон ўрта, енгил, чангсимон енгил, ҳамда оппоқ унсимон (тиллитлар тўплами) гранулометрик ётқизиқларга ажратадилар.

Эриган музликлар оқими ўрнида эса табиий равишида яхши сараланган қайроқ ва шағал тошлар, қум аралашган тупроқ қатламлари ҳосил бўлади.

Нам(гумид) минтақаларида икки хил: муътадил ва тропик иқлим шароитлари бўлади. Бундай минтақаларда, айникса катта худудларни эгаллаган тоғлик-сув айирғич тизмаларида элювит жинслар ҳосил бўлади. Бу жинслар ўз навбатида шу вилоятларда нураш пўсти деб аталадиган қатламларни вужудга келтиради.

Тропик иқлим минтақаларида ҳам асосан элювий ётқизиқлари ҳосил бўлади. Аммо, бу элювий ётқизиқларининг таркиби ўзгачароқ бўлиб, булар туб тоғ жинсларининг кимёвий ўзгариши-нураши туфайли ҳосил бўлади. Туб тоғ жинсларининг кимёвий ўзгариши-нурашига асосий сабаблар: намгарчиликларнинг фаоллиги, кун ва тун соатлари вақтида ҳароратнинг юқори даражада бўлиши, ис гази ва карбонат ангидриднинг миқдори кўп бўлганлиги ( бу газларнинг пайдо бўлишига сабаб жинслар таркибидаги органик моддаларнинг чириши ва парчаланишидир) ўз таъсир кучини кўрсатади.

Ана шу юқорида айтилган сабаб ва омиллар натижасида алюмосиликат ва темир-магнезиал компонентларидан ташкил топган минераллар кимёвий равишида парчаланиш жараёнига йўлиқади. Анашу тариқа нураш пўсти қатламлари орасида каолин ва каолинит, боксит, темир ва марганек, ҳамда фосфорит иккиласми, яъни нураш жараёнлари туфайли ҳосил бўлган конлар юзага келади.

Нураш пўсти ётқизиқлари таркибида темир ва марганецларнинг оксид-гидрооксидлар синфига кирувчи минераллари кўп бўлганлиги учун бу жинсларнинг ранги қизил ва қизгиш тусда бўлади.

Шуни ҳам ўқдириб ўтиш зарурки, агар худуднинг иқлим шароити муътадил-нам бўлиб ўтган бўлса силикат ва алюмосиликатлардан иборат бўлган минераллар кимёвий парчалана олмайдилар.

Тахлил қилинаётган минтақаларда аллювал ётқизиқлар, кўл ва ботқоқлик махсулотлари кенг миқиёсда таркалган бўлади.

Шу тикланаётган яъни палеогеографик тахлил қилинаётган худудларда кўл ва ботқоқлик майдонлари мавжуд бўлса, терриген (куруқлик тарафидан келтирилган чақиқ ва қум-шағал тошлар) жинслар билан бир қаторда торф қатламлари ётқизиқлари, қўнғир

кўмир қатламлари ҳамда сапропел қолдиқлари сақланиб қолади. Сапропел қолдиқларининг асосий массаси сувда қалқиб ҳаёт кечирган микроскопик майда ўсимлик ва ҳайвонот оламининг чўкинди ҳамда ўлимталарнинг сув остига чўкиб тўпланишидан ҳосил бўлган балчиқсимон моддалардир.

Бу организмлар қаторига зангори ва қўкимтир-зангори рангли диатом сув ўсимликлари, инфузорлар, кориноёқлилар ва бошқалар киради.

Нисбатан юқори тараққиёт шароити яшашига эришган ҳайвонлардан-моллюскалар, балиқлар, юксак сув ўсимликлари ҳам киради.

Ёғли ва оксил моддалар чучук ёки шўр таъм сув остида ва кислород деярли йўқ миқдордаги шароитда емирилишга учраган вақтида уларга бошқа таркибли минерал зарралари қўшилиб, битумли балчик пайдо бўлади. Бу моддаларнинг бир қисмини бошқа майда ҳайвонлар туркими овқат тариқасида истеъмол қилиниб, гўнг сифатига келтиради. Сапропел яъна қуруқликдан сув билан оқиб келган чириндилар билан бактерия ва микроплар иштирокида ҳам пайдо бўлади. Шундай қилиб, Ернинг ривожланиш тарихидаги қадимий палеогеографик. Физик-географик даврларида ҳосил бўлган сапропелдан мураккаб биологик, кимёвий, геологик ва бошқа табиий жараёнлар таъсирида нефть, ёнувчи сланецлар, торф ва қурим чиқариб ёнадиган бир нав тошкўмир конларини юзага келтиради.

Мадомики. Шу ҳосил бўлган чўкинди конлар ёрдамида тахлилий кузатишлар олиб борилса худуднинг физик-географик ўтмиш тарихини хатосиз тиклашга эришиш мумкин.

Арид яъни қуруқ иқлим минтақаларида намгарчилик, ёғингарчилик кам бўлади, ҳарорат кескин равишида ўзгариб туради, шунинг учун ҳам бундай вилоятларда ўсимлик дунёси ва ўрмон дарахтлари деярли ривожланмаган бўлади.

Бундай иқлим шароити хукм сураётган минтақаларда механик яъни физик нураш жараёни содир бўлади. Натижада дағал қўринишидаги элювий ётқизиқлари катта-катта харсанг тошлар, иирик шағал тошлар, қумлар тўпламлари ҳосил бўлади. Аллювиал ва делювиал жинс ётқизилари ҳам тарқалган бўлади. Бу иқлим минтақаларининг текисликлардан иборат вилоятларида эрол жараёни натижасида юзага келган қум қатламлари ёғилади.

Бу ҳосил бўлган қум уюмлари орвасида одатда енгил минералл зарра ва доналари- слюда, биотит ва ҳ.к. учрамайди. Қум тўпламларининг ранги қизғиши бўлиб, қатлакмларнинг қўриниши тўлқинсимон қийшиқ равишида тузилиб тўпланади, демак бу вилоятларда шамолларнинг геологик фаолияти кучли бўлганлигидан далолат беради.

Кўл ва ботқоқлик вилоятлари ўрнида хемоген жараёни маҳсулотлари ҳосил бўлиб, улар асосан карбанатлардан ( $\text{Ca CO}_3$ ,

$MgCo_3$ ), сульфатлардан мираболит ( $Na_2SO_4 \cdot 10 H_2O$ ), хлоридлардан галит ( $Na Cl$ ), силвин ( $KCl$ ) номли минерал тузлардан иборат бўлади.

### **Қазилма фациялари.**

Қазилма фациялари Ер остида ва устида жойлашган органик ва ноорганик моддалардан ҳосил бўлиб, улар ўзига хос қазилма қатламларни юзага келтириб, қатламлар орасида фойдали қазилма бойликлар, ҳайвонот ва ўсимлик оламининг тош қатган қазилма бойликлари сақланиб қоладики, улар ўз навбатида шу ҳудуднинг палеогеографик тарихини тиклашда катта аҳамиятга эга.

Қазилма фациялар хиллари уларнинг пайдо бўлиши шароити ва омилларига нисбатан 3 та катта гурухга бўлинади:

1. Денгиз қазилма фациялари.
2. Континентал ёки қуруқлик (материк) қазилма фациялари.
3. Лагуна фациялари.

Органик қолдиқлар бу тоғ жинслари кўмилиб тошқотган ҳайвон қолдиқлари, жасад суяклари, чиғаноқлар ва бошқалардир.

Ўсимлик қолдиқларига ўсимликларнинг (ҳам сув ости ўсимликлари, ҳам Ер усти ўсимлик дунёси назарда тутилади.)сурат аломатлари, тамғалари ва ҳ.к. киради.

Ўтмиш геологик даврларда яшаб ўтган ҳайвон ва ўсимликлар ўз ҳаёт фаолиятларидан сўнг уларнинг таналари сув остига чўкади. Денгиз остида табақа ва қатламлар пайдо бўлиш жараёни давом этаётганлиги сабабли, чўккан таналар табақалар ичida кўмилиб қолади.

Узоқ вақtlар ўтиши мобайнида сувда эриган минерал моддалар чўкиб, бу қолдиқларнинг эски тана шаклларини бузмай, уларнинг ичига сингади, яъни минераллашади, сўнг улар цементлашиб тош каби қаттиқ холатга ўтади. Ер юзида узоқ геологик даврлар мобайнида бўлиб ўтган тик ва бўйлама йўналишида ҳаракат қилган тектоник ҳарпкатлар қазилмса фацияларга ўз таъсир кучини кўрсатган албатта. Қазилма фациялар ўзларининг бирламчи холатларини батамом ўзгартиришлари ҳам мумкин эди. Чунки тўлқинсимон тик йўналидаги тектоник ҳаракатлар натижасида қазилма қолдиқлар жинслар билан биргаликда деформацияга учраб эзилади, букилади, синади ва ҳатто батамом ўзининг бирламчи холати-шаклларини йўқотишлари мумкин.

Қазилма фациялар таркибидаги фойдали қазилма бойликларга тектоник ҳаракатларнинг таъсири ўтган бўлса ҳам, улар деярли ўзгармайди, агар ўзгаришлар юз берган бўлса ҳам барибир бирламчи кимёвийтаркиби ўзгармасдан қолиши мумкин-демоқчимизки металли ёки нометалли таркиби сақланиб қолаверади.

Нисбатан ёш ва замонавий қазилма фациялар ичидаги қазилмалар шакллари, бирламчи холатлари, кимёвий таркиблари илк холатларини сақлаб қолган. Бунга асосий сабаблардан бири тўлқинсимон тектоник ҳаракатлар узоқ давом этган геологик

давлардагыда үхшаш кетма-кет узликсиз деформацияга учрамаган. Улар факт яқындағына (геологик вакт үлчов даражасыда) ва шу кунларда содир бўлиб турадиган тектоник ҳаракатларга-демак деформацияларга учрашиши мумкин. Бундай геологик жараёнда қазилма фациялар таркибида кескин ва сезиларли даражадаги ўзгаришлар юзага келмайди.

Ҳозирги-замонавий қазилма фациялар орасида денгиз қазилма фациялари яхши сақланиб қолган, қуруқлик қазилма фациялар хар томонлама ва айниқса антропоген ўзгаришларга дуч келмоқда.

### **Қадимий ландшафтларнинг палеогеографик ўтмишини тиклаш усуллари.**

Қадимий ландшафтларнинг (худудларнинг) палеогеографик ўтмиш тарихини тиклаш учун энг осон ва қулай усул, бу геологик кесимлар, расмлар асосида ефилиб тузилган геологик устун ясаш ва шу геологик устун асосида тоғ жинсларини фациал тахлил қилиш ва фациал устун тузиш мақсадга муофиқдир. (6-расмд устунлар чизмаси келтирилган.)

6-расм. Қадимий ландшафтларнинг палеогеографик ўтмиш тарихини геологик устун ва фациал тахлил этиш билан тиклаш.

I. геологик (А) ва фациал (Б) устунлар.

II. Бошқа худуддаги (вилоят) геологик ва фациал устун (В) билан таққослаш.

I. А, Б геологик кесим-устундаги ва фациал устундаги 1-8 рақамларнинг мазмунини ушбу қўлланманинг 6-расм тушунтириш ёзувида ва шартли белгилар.

I-А ва II-В устунлардаги индексларга тушунтириш:

Т<sub>1</sub>-қуий триас геологик даври.

Т<sub>2</sub>-ўрта триас геологик даври.

У<sub>1</sub>-қуий юра даври.

У<sub>2</sub>-ўрта юра даври.

К-бўр геологик даври.

Q<sub>2-3</sub>-ўрта ва юқори тўртламчи даври.

Q<sub>4</sub>-тўртламчи даврнинг энг ёш қатлами.

Б-фациал устуни шартли белгилари; жинсларнинг номи А устунда берилган.

### **Геологик ва фациал устунларни тузиш усули.**

Геологик ва фациал устунларни тузиш учун тоғлик, текислик ва жарлик ҳамда сурилма ўпирилмаларда табий равида юзага чиқиб турган жинслар очиқлигининг сурат, чизмаларини ва геологик кесимларини тўплаш керак. Булардан ташқари яна шахта ва бурғулаш қуруқликларидан олинган геологик ва фациал маълумотларни ҳам қўшиб тахлил қилинади ва устунларда кўрсатилади.

Биз ҳам шундай ишларни бажардик ва устунларни чизиб тайёрладик. Энди 6-расмда кўрсатилган маълумотлар асосида литологик-палеогеографик ёки фациал тахлил қилишга киришамиз.

А-геологик устуннинг геолого-литологик тахлили. Устуннинг қуи қисмидан юқори тарафи бўйлаб тахлил қилинади. (1-8 рақамлар):

1. Йирик ва майда-майин қум қатламлари; қум доначалари табий равишда яхши сараланган холида тўпланган.
2. Кесимнинг қуи қатламида унча қалин бўлмаган конгломерат қатлами, юқори қисмида эса қумтош қатлами жойлашган.
3. Қаттиқ ва зичланган гилмоя қатлами. Унинг устида кўмир қатлами (кони) ҳосил бўлган. Кўмир қатламининг устки қисмида таркибида ўсимлик ва чучук сув ҳавзасида яшага мослашган ҳайвонот оламининг тошқотган қазилма қолдиқларга сероб бўлган гилмоя қатлами. Ёши ўрта триас( $T_2$ ).
4. Қийшиқ равида қатламланган ва сув тўлқинининг изини англатувчи қум қатлами.
5. Зичлашган гилмоя қатлами, таркибида денгиз сув ҳавзаси ҳайвонот оламининг қолдиқлари сақланиб қолган.
6. Доломит жинслар қатлами; қатламлар орасида туз уюмлари учрайди. 4-6 қатламларнинг ёши юра даврига тўғрикеляпти.
7. қизил тусдаги қумтошлар қатлами. Қатламлар ичидаги линзасимон шаклдаги гипс ва туз кони тўпламлари учрайди.
8. Қийшиқ равида қатламланган ва тўлқинсимон тузилишга эга бўлган қумтошлар қатлами.

7-8 қатламларнинг геологик ёшлари бўр даврига тўғри келяпти.

Геологик устуннинг ёнида фациал устун бўлиши (Б) керак. Фациал устун геологик устунда кўрсатилган ҳар бир жинс қатламларининг пайдо бўлиш шароитларини аниқлаб беради.

Бундан ташқарифациал устунни тахлил қилиш натижасида у ёки бу худуднинг, қолаверса катта географик майдонларни эгаллаган-ландшафтларнинг палеогеографик ўтмиш тарихини тиклашга ёрдам беради. Масалан, муайян бир ландшафтнинг худудида мавжуд бўлган денгизларни, кўл ва ботқоқликларни, худуднинг релефини, текислик ва тоғликлар ўрнини, шу худуд ва қандай фойдали қазилма бойликларнинг (конларнинг) бўлиши мумкинлигини, иқлим шароитларини, денгиз ва лагуна, кўл сув ҳавзаларининг чуқурлигини, сувнинг шўр ёки чучук эканлигини ва бошқа шунга ўхшаш кўпдан-кўп палеогеографик ҳамда физик-географик маълумотларни аниқлашда ёрдам беради. Ана шу юқорида баён қилинган мулоҳазаларни 6-расмдаги Б устунида ойдинлаштиришга ҳаракат қиласиз. Ойдинлаштиришни 1-рақамдан яъни қуийдан юқорига қараб тахлил қиласиз; тахлил қилинаётган худуд Хисор тоғ тизмасининг аргун ва Бойсун тоғ этакларида жойлашган кўмир (Шарғун ва Бойсун) конлари ва уларнинг атрофи мисолида бўлади.

1. А устунидаги 1 рақамга тегишли жинс ётқизиқлари денгиз қирғоқлари олди ва лагуна шароити худудларида ҳосил бўлганлиги маълум бўлди.
2. Иккинчи рақамга тегили жинс ётқизиқлари аллювий фациясига тегили бўлиб, лагуна ва дарё ётқизиқлари ҳисобланади.
3. Учинчи рақамга тегишли жинс ётқизиқлари ботқоқлик ва ботқоқликларнинг пастликда жойлаган, ҳамда торф ҳосил қилувчи ўсимликлар ривожланган жойларда, лагуна сув ҳавзалари мавжуд бўлган шароитда ҳосил бўлган. Бунга яққол ва рад этиб бўлмас омил-мисол қилиб кўмир кони қатламларини (Шаргун ва Бойсун кўмир конлари) келтиришни ўзи кифоя. Мадомики, мезозой геологик эрасининг триас даврида Хисор тоғ тизмасининг шарқий қисми этакларида денгиз, лагуна ва уларнинг чекккаларида эssa ботқоқлик шароитлари бўлиб ўтганлиги ойдинлашди. Ўша триас геологик даврида Тетис дengизининг ғарбий худудлари-қисми Хисор баланд тоғларининг шарқий биқинига тақалиб турган деган хulosага кели мумкин. Мезозой эрасининг палеогеографик харита-чизмасига эътибор беринг. Бу харита ушбу қўлланманинг мезозой эраси-VII боб таърифида кўрсатилган. Аҳамият беринг! Юқоридаги келтирилган палеогеографик тарих ва шароитлар географик ландшафтлар бўлиб ўтганлигига тахминан 200 млн. йилдан сал кўпроқ бурун содир бўлган.
4. Тўртинчи рақамга тегишли жинс ётқизиқлари денгиз олди қирғоқлари шароитига мансубдир. Қисман лагуна шароитига ҳам боғлиқдир.
5. Бешинчи рақамдаги жинс ётқизиқварининг фациал шароити ҳам дengиз ҳудуди ҳавзасида ҳосил бўлган. Чунки гилмоялар қатлами дengизларининг геологик фаолиятлари натижасида ҳосил бўлади.
6. Олтинчи рақамдаги жинслар илк дengиз фациясига таълуқли бўлиб, кейинчалик континентал шароитда метаморфизм жараёни давомида доломитларга айланган.
7. Еттинчи рақамдаги жинслар лагуна фацияси шароитида ҳосил бўлган.
8. Саккизинчи рақамга тегишли жинслар дарёларнинг геологик фаолияти натижасида юзага келган. Чунки қийшиқ қатламланган қум уюмлари. Одатда континентал шароитдаги дарёларнинг тез ва тўлқинланиб оқиб турадиган жараёнида ҳосил бўлади.

II-В устуннинг ўрни Сурхондарё вилоятининг Денов ва Қумқурғон туманларининг худудларига тўғри келади. Бу туманларда палеогеографик, физик-географик ва геологик шароитлар ўзгачароқ бўлганлиги ойдинлашяпти.

Масалан, В устунининг қуий қисмida (остида) қуий триас ( $T_1$ ) даврида аввалига йирик қумлар кейинроқ эса майда қумлар қатламлари ҳосил бўлган, демак қайд қилинган туманлардаденгиз

қирғоқ олди ва лагуна шароитлари бўлган, демак шу номли фация шароитлари ҳам бўлган. Аммо лекин, Шаргун ва Бойсун туманларидагига ўхшаш физик-географик ва геологик шароитлар бўлмаган, демак  $T_2$  геологик давридаги фациал шароитлар-лагуна, кўл ва ботқоқликлар ҳудудлари бўлмаганлиги учун ҳам гилмоя ва қўмир кон қатламлари йўқ. Бунинг ўрнида ўрта триас ( $T_2$ ) ва қуи юра ( $Y_1$ ) даврларида тахминан 25-30 млн. йил давомида континентал ароит хукм сурган.

Бу тахминга асос тариқасида қуи юра ( $Y_1$ ) ва ўрта юра ( $Y_2$ ) даврлари орасида фақат майда ва йирик шағал тошлар-терриген жинс ётқизиқларини кўриб турибмиз.

Шу туманларда 25-30 млн. йил давомида қуруқлик шароити бўлиб ўтганлиги ҳақиқатга тўғри келмайди деб мулоҳаза қилиш мумкин, чунки бу давомли йил 25-30 минг ёки 250-300 минг йил эмаскуалбатта. Лекин геологик шажарада-палеогеографик тарихида бу млн. йил ҳақиқатга жуда тўғри келади.

Кейинроқ эса, қуи юра ( $Y_1$ ) даврининг охирига келиб ва бутун ўрта юра ( $Y_2$ ) давомида қум аралашган оҳактошлар қатламлар юзага келган. Қум аралашган оҳактошлар таркибида маржон палиплари ва игна танлиларнинг қазилма қолдиқлари қўплаб сақланиб қолган. Бу жониворларнинг яшаш шароити денгиз қирғоқ олди, ҳамда катта ҳудудларни эгаллаб олган лагуна сув ҳавзаларида кечади.

Деноу ва Қумқургон туманлари тоғ жинслари орасида юқори юра ( $Y_3$ ) даврига таъллуқли чўкинди жинслар аниқланмаган. Шулар қаторида бўр даврига тегишли жинс қатламлари ҳам йўқ.

Юқорида айтилган жинслар ё пайдо бўлиб, кейинги даврларда нураш жараёнига йўлиқиб ювилиб кетган, ёки умуман уларнинг ҳосил бўлиши учун қулай геологик ва физик-географик шароитлар юзага келмаган деган мулоҳаза юритиш мумкин.

Ҳақиқат нұқтаи назаридан мулоҳаза этадиган бўлсак, ҳақиқий воеа бизни (II-B устунида) тўғридан-тўғри ўрта юра ( $Y_2$ ) ётқизиқлари устки қисмида тўртламчи даврда ҳосил бўлган конгломератлар қатламига йўналтираяпти.

Бу конгломератлар қатлами илк дарё-континентал яъни аллювиал ётқизиқлар ҳисобланади. Фация шароити ҳам маълум-бу ётқизиқлар дарё ва континентал фациясига таълуқлидир.

Учинчи устуннинг энг юқорисида  $Q_4$  эпохасига тегишли тупроқ ва ўсимлик қатлами жойлашган. Бу қатlam шамолларнинг, дарё ва сел оқимларининг геологик фаолиятлари натижасида ҳосил бўлган. Қисқа қилиб тушунтиrsак бу қатlam эол фацияси жараёнида ҳосил бўлади. Бу жараён ҳам албатта континентал-қуруқлик шароитида амалга ошади.

Ангрен шахри ва унинг атроф ҳудудларнинг палеогеографик ва геологик ўтмиш тиклаш мақсадида, геологик манбаалар асосида 7-расм жадвал тузилди. Бу расм-жадвални тахлил этиш натижасида

Ангрен худудининг тахминан 130-150 млн. йил аввалги геологик ва географик шароитларини тиклашга муваффақ бўлинди. Гранит-интрузив магматик танасининг юқори қисмида каолин қатлами пайдо бўлиб жойлашганлиги бу табиий ҳақиқатдир; геология оламида, физик-географик шароитларда ўзига хос табиий қонуниятлари мавжуд.

Каолин жинслари одатда кўпинчалик оқ тусда, бўрсимон кўринида бўлиб, асосан каолинит ( $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ) ва кварц, дала шпатлари, гидрослюдадардан ташкил топган бўлади.

Каолин ва каолинитлар аслида алюмо-силикатли жинсларнинг емирилишидан (гранит ёки сиенит) нураш пўсти шароитида ҳосил бўлади.

Бундай жинсларнинг ҳосил бўлии учун эса иқлим шароити тропик нам ва субтропик илиқ, ҳамда ўсимлик дунёси тарақкий этган бўлиши зарур. Куруқлик шароити хукмронлик қилинаётган давр бўлиши керак.

Каолин қатламлари гранитлар ёки сиенитлардан ҳосил бўлганлигини билиш учун, уларнинг таркибидаги кварц минералининг кўплигидан билиб олиш мумкин.

7-расм. Ангрен шаҳри ва унинг атроф худудларининг палеогеографик ва геологик ўтми тарихини тиклаш усули.

Агар таркибида кварц минераллари қўп бўлса, демак бу қатlam гранит таналарининг емирилишидан ҳосил бўлган бўлади, чунки гранит жинсининг таркибида кварц сероб, сиенит таркибида эса кварц минераллари кам ёки йўқ даражасида бўлади.

Ангрен каолини қатламида кварц доначалари қўп, демак бизни мисолимизда каолин қатлами гранитларнинг емирилишидан ҳосил бўлган. Юра геологик даврида континентал нам ва илиқ иқлим шароити давом этаверган, устига устак лагуна, кўл ва ботқоқлик ҳамда торф ва бошқа хилма хил ўсимликлар олами, ўрмонзорлар ривожланган даври бўлган; Ангрен кўмир кони қатламлари, уларнинг орасидаги гилмоялар ҳам шу ароитда ҳосил бўлган.

Бир йўла яна шуни ҳам тахлил қилиш қизиқарли бўлиши табииий холдирки, Ангрен худудидаги лагуна ландшафтлари сув ҳавзаларининг шўрлиги ёки чучук сувлигини билиш учун ўсимлик оламига назар талашимиз зарар.

Ўсимликларнинг ҳар-хиллиги, қўплиги, торф ўсимликларининг ривожланганлиги ва шу ландшафтларда ва унинг атрофида туз қатламларининг ҳосил бўлганлиги, ўша юра давридаги лагуналарнинг суви чучук бўлганлигидан далолат беради.

Қадимий ва ҳозирги замон ландшафтлардаги лагунасув ҳавзаларининг ўзига хос хусусиятлари бор. Шулардан бири уларнинг шўр ёки чучук сувлардан иборат бўлганлигидадир. Шўр ва чучук

сувларга айланганлиги лагуналар ёнидаги денгизларга ҳам боғлиқ бўлади. Агар лагуналарга тўғридан-тўғри денгизларнинг шўр сувлари қуишилиб турадиган бўлса, уларнинг суви албатта шўр бўлиши муқаррардир.

Аксинча лагуналар сувининг шўрлиги кам бўлса, бу холатда лагуналарга денгиз суви чуқурликларидан ёки тўғон каби тўсиқлардан сизилиб оқиб ўтади, сизилиб оқиб ўтиш жараёнида шўр сув филтрланиб тузлар миқдори сезиларли даражада камаяди.

Айрим лагуналарга атмосфера ёғингарчиликлари сувлари ва дарё сувлари келиб қўишилса шўрлик даражаси кескин равида камаяди. Худди шундай лагуналарда ўсимлик дунёси кўп ва хар хил бўлади, сув ҳавзасидаги фауна олами ҳам сийраклашган холатга келади. Чунки фауна олами денгиз тарафидан сув оқими билан биргаликда оқиб келиб қўшилмайди.

Юқорида келтирилган табиий омиллар ва жараёнлар Ангрен кўмир кони ва гилмоялар қатлами мавжудлиги мисолида қуидагича хulosага келиш мумкин:

1. Лагуна, кўл ва ботқоқлик ўрнида ўсимлик дунёси нихоятда кўп ва хилма-хил бўлгаан.
2. Туз конларининг йўқлиги лагуна ва кўлларнинг сувлари чучук бўлган.
3. Ангрен ландшафти лагуналари ва кўллари юра даврида оқава ва сувлар ҳисобидан таъминлаб турилган, шунинг учун ҳам чўккинди жинслар таркибида фауналар сони ва уларнинг хилма хиллиги кам даражада.
4. Иқлим шароити нам ва иссиқ бўлган.
5. Каолин қатламларини, гилмоя ва қўнғир кўмир конларининг тарқалган-эгаллаган жойларини назарга оладиган бўлсак, Ангрен воҳасининг лагуналар ландафт майдони юра геологик даврида чамаси  $100-150 \text{ км}^2$  худудларни эгаллаган бўлиб чиқаяпти.

Палеогеографик тахлилларнинг маълумотлари шундан дарак бераятики, қадимий лагуналарнинг аксарият кўпчилиги денгиз сув ҳавзалари билан денгиз ости остоналари ёрдамида ажралиб турган. Шунинг учун ҳам денгизнинг шўр сувлари оқими бемалол лагуналарга оқиб кириб турган, натижада лагуна сув ҳавзаларининг промили кўпайган, тузлар концентрацияси тобора оиб бораверган; агар шу худуднинг иқлим шароити иссиқ бўлса туз кон ҳавзалари юзага келган; фикримизнинг далили сифатида Сурхондарё вилоятидаги Хўжаикон туз қатламларини мисол қилиб тушуниришимиз мумкин.

Кўшимча мисоллар тариқасида Сибир платформасидаги палеозой эрасида хосил бўлган туз кон ҳавзалари, Русс ва Канада платформаларидағи девон геологик даври туз кон ҳавзалари, АҚШдаги перм туз конларини эслатсак унинг ўзи кифоядир.

Ҳозирги замон лагуналаридан мисол келтирадиган бўлсак бу Қора-Бўғоз-Кўлдир. Лекин бу лагуналар майдони қадимги лагуналар майдонидан анча кичик.

Қора-Бўғоз-Кўлдир лагунаси бошқаларга нисбатан энг каттаси ҳисобланса ҳам, унинг кўндаланг кенглиги 100 км атрофида, қолганларининг кенглиги бир қанча ўн километрча келади холос.

Лагуналар билан дегизларнинг (айниқса саёз ва шўр денгизларнинг) ўзаро узвий алоқадорлиги кўпинчалик лагуна шароитларида ҳосил бўладиган чўкинди жинслар билан аралашиб кетади.

Ҳозирги замон лагуналаридан мисол келтирадиган бўлсак Қора-Бўғоз-Кўлдир, лекин бу лагуналар майдони қадимги лагуналар майдонидан анча кичик. Қора-Бўғоз-Кўл лагунаси бошқаларга нисбатан энг каттаси ҳисобланса ҳам, унинг кўндаланг кенглиги 100км атрофида, қолганларининг кенглиги бир қанча ўн километрларча келади холос.

Лагуналар билан денгизларнинг (айниқса саёз ва шўр денгизларнинг) ўзаро узвий алоқадорлиги кўпинчалик лагуна шароитларида ҳосил бўладиган чўкинди жинслар денгиз жинслари билан аралашиб кетади, айрим ҳолларда бу чўкинди жинс ётқизиқлари лагуна ландшафтларида юзага келганми ёки денгиз шароитидами ажратиб олиш анча қийинчиликларга олиб келади, тош туз қатламлари эса кўпинчалик гипс ва ангидрит қатламлари билан бирга ётқизилади ёки шулар орасида жойлашган бўлади. Бошқа бир қатламлари тўғридан тўғри бўйламасига карбонат жинслар қатламлари орасига кириб жойлашади.

Бундай холатлар одатда сув ҳавзаларининг саёз бўлганлигидан дарак беради. Бу холатларни ҳақиқатдан ҳам содир бўлганлигини чўкиндилар орасида еғилиб қолган чақиқ жинслардан ҳам билиб олса бўлади. Масалан, Балхаш кўлининг кўпчилик ҳудудида унча қуйилиб турадиган Или дарёси аллювий чақиқ жинсларни келтириб жойлаштиради, атроф муҳитида оҳактош моддаларига бой бўлган маҳсулотлар ҳисобидан оз микдорда бўлса ҳам оҳактош жинслари ҳосил бўлади, доломитлардан ташкил топган жинслар дейярлик учрамайди. Балхаш кўлининг шарқий тарафларида яъни Или дарёсининг қуйилиш жойларидан анча узоқ ҳудудларида доломитли лойқа-қуйқалар ҳосил бўлиб туради. Худдди шунга ўхшашиб физик-географик ва геологик жараёнлар қадимий геологик даврларда ҳам содир бўлиб турган.

Қадимий лагуналар ландшафтлари ҳудудларида доломитлар, ангидрит ва гипс қатламларининг ҳосил бўлганлиги бу лагуналарнинг суви чучук бўлганлигидан далолат бериб, туз конлари ҳам зага келмайди. Лагуна ландшафтларининг юзага келиши ҳамма геологик даврларга ва эпохаларга ҳам хос эмас албатта. Лагуна ландшафтларининг юзага келиши учун денгиз олди текисликлари

мавжуд бўлиши керак ва релефи қия тарздаги шаклга эга бўлиши зарур.

Лагуна ландшафтлари, униннг атрофидаги қўл ва ботқоқликлар денгизларнинг регрессия жараёнлари даврида юзага келиши аниқланган.

Лагуналарнинг физик-географик шароитлари шу худудларнинг иқлимига қатъяян боғлиқ, лагуналарга қуилиб турадиган чучук сувларга, уларнинг дебит миқдорига, ҳамда лагуналар атрофидаги денгиз сув тўлқинларининг ҳаракат кучига ва тезлигига боғлиқ. Денгиз сув тўлқинларининг ҳаракати, бошқача қилиб тушунтирилса лагуналарга сувнинг бостириб кириши ва унинг қайтиши тўлқинлари сув оқимларини ҳосил қиласди. Бу сув оқимлари ўз навбатидааввалон бар катта геологик ишларни бажаради, бу ҳодиса туфайли қирғоқлар, айниқса тор жойлар емирилади, денгиз остидаги чўкиндилар чайқалиб ўз ўринларидан кўчирилади, лагуна сув ҳавзаларининг шўрлиги ёки чучуклиги ўзгаради, демак бу ландшафтларнинг органик дунёси инқирозга учрайди ҳам.

### **Туз кони ҳавзаларини ҳосил қилувчи ландшафтлар ҳақида.**

Денгизлар томонидан бостириб келадиган сув тўлқинлари суст ҳаракат қиладиган вилоятларда ва иқлим шароити қуруқ ва жазирамаиссиқ худудларджа лагуна сув ҳавзаларининг минераллашиши зўраяди, яъни сувдаги туз миқдори ниҳоятда кўпаяди. Бунга сабаб, сувнинг буғланиш жараёни қизғин суратда ўтади, агар шу билан бир баробарда лагуналар чуқурлиги саёз бўлса, яна утига-устак лагуналарга қурукликдан оқиб келаётган сувнинг миқдорига кам даражада бўлса шўрлик янада ривожланади. Ана шу шароитларда лагуналар остига ҳар хил тузларнинг чўкиш жараёни тезлашади.

Туз конларининг пайдо бўлиши билан бир қаторда бундай шароитларда қизил тусдаги чўкинди лойқалар кўплаб ётқизила бошлайди, тух қатламлари эса шу ётқизиқлар остида қодиб кетади. Айрим шароитларда туз қатламлари қизил тусдаги ётқизиқлар билан бирга сингенетик (бир йўла) равишда ҳосил бўлади.

Юқорида келтирилган жараён ва воқеалар, уларнинг ётқизиқлари, ҳосилаларини Русс платформасининг девон даври ётқизиқлари орасида, Фаргона водийси ботиқлигидаги бўр геологик даври ётқизиқларида, ҳамда Помир тоғларида ҳам учратамиз.

Бу худудларда гипс ва тош тузи ётқизиқлари кўп учрайди.

Булардан ташқари, Урал тоғи олди туз кони ҳавзалари Татаристон текислиги қизил тусдаги жинслар қатламлари остида жойлашиб ётибди. Ҳудди шундай қатламлар тўплами Ғарбий Германиянинг қуий триас даврида ҳосил бўлган жинслар орасида ҳам кўриш мумкин.

Айрим қадимий ландшафтларда ҳам, хатто замонавий ландшафтлар худудларида ҳам туз конлари билан бирга қизил тусдаги лагуна чўкинди ётқизиқлари учрамаслиги мумкин. Бундай

туз ҳавзалари денгиз шароитида, унинг геологик фаолияти натижасида юзага келган бўлиши мумкин.

Бошқа яна бир холатларда ёки худудларда туз конлари ҳавзаларининг майдони ҳаддан ташқари каттта ва кенг худудларни эгаллайдиган бўлади; туз конларининг қатламлари устма уст ёки навбатма-навбат тарзда юзага келган ётқизикларни учратишими мумкин. Бундай палеогеографик ва геологик вазиятларни осонгина ҳал қилиб тушунтириш мумкин.

Шундай вазиятларда юзага келган туз конлари ёки бошқа чўкинди жинс ётқизиклари аввалида денгиз сув ҳавзаларининг геологик фаолиятлари натижасида юзага келади, кейинги геологик даврларда денгиз ҳавзаси худудида регрессия жараёни юзага келиб, денгиз чекинади, сўнг денгиз ўрнида лагуна сув ҳавзалари вужудга келиб, қулай геологик шароитларда яна туз конлари ва қизил тусдаги чўкиндилар тўпланаверади, ёки ансинча лагуналар сув ҳавзалари ўрнида денгизлар трансгрессияси ҳодисалари юз бериб лагуналар ўрнида денгизлар ҳосил бўлади; лагуналар ўрнида юзага келган туз ва бошқа ётқизиклар устида энди денгизлар шароитида юзага келадиган ётқизиклар ҳосил бўлиб, қаватма-қават жойлашган қатламлар қайтарилади; ана сизга палеогеографик тиклашнинг ечими.

Шундай ландшафтлардаги туз конлари қатламлари билан бирга силвин ( $KCl$ ) тузлардан тузилган қатламлар ҳам учрайди. Силвин тузларининг қатламлари ҳам кўпинчалик қизғиш рангда товланади.

Бундай ландшафтлар худудларида иқлим шароитлари тропик вакубтропик минтақалар узоқ геологик даврлар давомида кечган бўлса, маржон полиплар дунёси кўпая бориб риф ётқизиклари ҳам юзага келади. Бундай ётқизиклар аввалига қирғоқ атрофларини эгаллаб олиб кейинроқ эса денгиз ва лагуналарнинг чуқур минтақаларини эгаллай бошлайди. Риф ётқизикларининг шакллари ҳар хил бўлиб, кўпчилиги оролларни эслатса бошқалари тилсимон узун йўналишларни ташкил қиласди.

Қадимий денгиз ва лагуна ландшафтларининг чуқур ва саёз холатда бўлганлигини ҳам тиклаб, аниқлаб бериш мумкин: Нисбатан чуқур бўлган сув ҳавзалари остида яъни ҳаракатда бўлмаган, туриб қолган сувлар маконида ўзига хос бўлган қоп-қора чўкинди лойқа-қуйқалар тўпланади; бу лойқа-қуйқалар таркибида чириган, ўлимтик моддалар ва олтингугуртга тўйинган водород бирикмалари, ҳамда ҳар хил газ ҳолатидаги компонентлар жамланган бўлади. Ана шулар ҳисобидан вақт ва даврлар ўтиши билан органик жинслар, сульфидли аолит шаклига эга бўлган металли минераллар юзага келади. Металли минераллар (темир, марганец, қўргошин, рух, мис ва х.қ. сулфидлар) чўкинди жинслар таркибида ривожланади ва шу жинслар орасида сақланиб қолади.

Агар аҳамият берган бўлсангиз Ангрен кўнғир кўмири таркибида, Сурхондарёдаги Шарғун тошкўмир конлари таркибида

пирит, марказит, пирротин, халкопирит, нисбатан кам миқдорда сфалерит ва галенит минералларини учратиш мүмкин.

Органик жинслар ва металли бирикмалар ҳосил бўлганидан сўнг, сув ҳавзалвари таркибида муаллақ холатидаги туз бирикмалари ўзаро кимёвий реакцияларга киришиб қалий, натрий ва магний элементларидан иборат бўлган тузлар чўка бошлайди- туз қатламлари яъни туз конлари пайдо бўла бошлади. Сув ҳавзалари туз биркмаларидан ҳосил бўлганлигидан бошлаб эса риф ётқизиқларига навбат келади.

Юқорида баён этилган чўкинди жинс ва туз қатламларининг юзага келиш жараёни геологик эпохалар ҳамда геологик даврлар мобайнида яъни млн. ҳамда бирқанча млн. йиллар давомида амалга ошади.

Айрим туз қатламлари орасида кесаксимон ва гилмоясимон жинс бирикмалари учраб туради.

Бундай холатларга қўйидаги омиллар сабабчи бўлади. Орол денгизи туз конлари ҳақида ҳам кейинроқ сўз юритилади.

Биринчидан, бундай туз қатламлари лагунами ёки денгиз сув ҳавзаларидами ҳосил бўлганлигидан қатъий назар улар қирғоққа яқин жойларда ҳосил бўлганлигидан дарак беради, чунки қирғоққа яқин ҳудудларда қуруқлик тарафидан лой ва тупроқ маҳсулотлари қўплаб келтирилади ва шу жройлардаёқ узоққа бориб чўқмасданоқ қолиб туз қатламларига аралашиб кетади.

Иккинчидан, лагуна ва денгиз ландшафтлари атрофидаги шамол ва бўронлар ҳам ўзига яраша маълум миқдордаги чанг ва тупроқларни келтириб ташлайди.

Физик-географик шароитлар ўзгача бўлса, демокнимизки лагуна сув ҳавзаларининг чуқурлиги саёз бўлиб сувнинг ҳарорати юқори даражада бўлса, бундан ташқари қуёш нурлари ўзининг жазирама иссиқлиги билан давомли равишда қизитиб турса, бундай омиллар таъсирида туз эритмалари тезда кристалл холатига ўта бошлайди, шу сабабли туз доналари йирик-йирик холатда чўкиб ёғилаверади.

Йирик дона туз конлари анашу тариқа вужудга келади. Геологик ўтмиш тарихни ва унинг палеогеографик ва физик-географик шароитларини туз конларининг йирик ва майда холатида пайдо бўлганлигидан ҳам тиклаш мүмкин.

Юқорида эслатиб ўтилган Орол денгизи тузлари ҳақида бир оз сўз. Маълумингиз бўлсинким, Орол денгизининг сувлари чекинган ҳудудларда, ҳозирги кунларда оппоқ, ҳудди қор ёғиб сақланиб тургандек туз қатламларини кўрамиз. Қатламларнинг қалинлиги ҳам, таркиби ҳам ҳар хил.

Орол денгизининг саёз ва унинг қуриб кетган жойларида туз қатламларининг қалинлиги бир қанча сантиметрдан бошлаб, релефи пастлашган сари қалинлиги ошиб бораётганлиги яққол кўзга

ташланади. Нисбатан чуқурроқ ва чуқур ҳавзалари ўрнида туз қатламларининг қалинлиги ошиб бораяпти.

Борсакелма, Кўкорол, Уяли, Кендирили ороллари жойларида туз қатламларининг қалинлиги тобора ошиб бормоқда-ҳатто бир қанча метрлар чамасида ётқизилмоқда чунки Орол дengизининг суви қуриб бораётгани сари, туз концентрацияси ошиб бораяпти, туз конларининг чўкиш жараёнлари ҳам тезлашацияни. Тузлари (силвин, карнамит, галит, кайнит ва бошқа). Булардан ташқари натрий сулфат тузлари, (мирабалит, тенардит); калций сулфатлари (гипс ва ангидрит) ва бошқа кимёвий чўкиндилар кенг тарқалган.

Юқорида айтиб ўтилган барча туз қатламлари ва ёғинлари топтоза, оппоқ тусда кўзга ташланади.

Сабаби шундан иборатки: бир қанча ўн йиллар мобайнида Амударё ва Сирдарё сувлари келиб қўшилмаяпти, демак дарё сувлари билан лойқа-қуйқалар келиб қўшилмаяпти. Фақат Орол дengизининг қирғоқлари атрофида туз қатламлари устки қисмида бири қанча см. чамасидаги чанг юқалари кўзга ташланади холос.

Мадамики, қадимий лагуна ва дengиз ландшафтларида ҳосил бўлган туз қатламларининг тозалиги ёки “кирланиши” худди Орол дengизидаги каби жараёнларни ўз бошидан кечирган деган мулоҳазага келиш ҳақиқатга тўғри келади.

Лагуна, кўл ва ботқоқликлар ҳавзалари аслида ички континентал ландшафтлар қаторига киради. Бу ҳавзалар геологик ва палеогеографик нуқтаи назардан олиб қаралса, улар қуруқлиқда доимий мавжуд бўлиб турмайди ва узоқ геологик давларда сақланиб ҳам қолмайди.

Бу ҳавзалар геологик қисқа вақт давомида чўкинди ва терриген ётқизиқлар билан тўлдирилиб. Иқлим шароитларининг ўзгаришига бўйсиниб яхлит қуруқликларга қўшилиб кетади. Ер пўстидаги тектоник ҳаракатлар ҳам ўз таъсир кучини кўрсатади; Ер юзида тез-тез содир бўлиб турадиган трансгрессия ҳодисалари эски ландшафтларни ва лагуна сув ҳавзаларини бостириб кириб очиқ океан сув ҳавзаларига қўшилиб кетади, қолаверса океан кўрфазларига айланиб қолиши муқаррар.

Айрим мутахассис олимларнинг фикрига кўра (В.И.Попов, 1954) Орол дengизининг ҳозирги замонавий кўринишига (ярмисини кўрмасдан) эга бўлганлигига атиги 300-500 йил бўлган эмиш, бундай хулоса қанчалик ҳақиқатга тўғри келар экан-номаълум.

Маълум бўлишича, Қора дengизнинг шу кундаги яъни замонавий кўринишга эга бўлганлигига 4.5-5.5 млн. йил бўпти. Каспий дengизининг шўрланиш жараёни 10.5-11 минг йил бурун бошланган экан. Шўрланиш жараёнига сабаб Волга, Урал, Курай, Терек дарёлари билан оқизилиб келган туз эритмалари деб хисобланмоқда.

Катта-кatta ландшафтларнинг, қир-адир, чўл ҳудудларининг релеф кўринишини, тузилишини англаб олиш учун ҳозирги вактда мавжуд бўлган, оқиб турган дарёларга аҳамият берсак хатога йўл қўймаймиз. Масалан, қўшни Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг ҳозирги катта дарёлари мезозой эрасидаёқ ўз ўрнини эгаллаб олган эди-деган фикрлар бор.

Ҳозирги Ўзбекистон майдонининг катталиги 447.5 минг кв. Км. бўлса ҳам унинг палеогеографик релефини аниқ ва осон, равон қилиб тиклаш мумкин.

Ҳозирги вактда Амударё билан Сирдарёнинг сув оқими йўналиши (Ўрта Осиё ҳудуди поёнида) шарқий-жанубий баландлик минтақаларидан, шимолий-ғарб томон гипсометрик нуқтаи назаридан пастлик минтақаларигача чўзиб давом этади.

Демак, Амударё ва Сирдарё сув артериялари мезозой эрасидаёқ ўз ўрнини топиб олиб оқаётган бўлса, 65-75 млн. йилар илгари ана шу жуда катта майдонни эгаллаган ҳудудлар ҳозирги вактдаги релеф тузилишига эга бўлган, ёки ўхшаш бўлган.

Ушбу тахлил этилган тушунчамизни бошқачароқ иборада тушунтирадиган бўлсак мутахассис палеограф ва геоморфологлар bemalol Амударё ва Сирдарё майдонларининг палеогеографик харитасини тузиб бериши мумкин бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган мутухассислар палеогеографик мутахассислар билан бир қаторда тарихий ашёвий далилларга ҳам катта аҳамият бериш керак.

Масалан, VIII-IX асрларда ёзилган “Худуд Ал-Оlam (983й.) асарида (Х.Хасанов «Сайёҳ олимлар, 1981:)-“Жайхун дарёси (Амударё) Вахон ҳудудидан оқиб чиқади ва Бомир (Помир) вилояти ва Шуғнони Вахон ҳудуди орасидан ўтиб, то Хатлон ва Тўхаристон ва Балх ва Чагониён ва Хурросон ва Моваронахр (ерларидан0 оқади, то Хоразмгача боради, кейин Хоразм (Орол денгизи) денгизига қўйилади.

Яна бир дарё бор, уни Харноб (Панж) деб атайдилар, у Қарсак тоғининг ғарбидан оқиб чиқади ва Бадахшон ва Порғар (Пархор) орасидан ўтиб, Жайхунга қўшилади. Бу Харноб Жайхундан каттароқ ва ундан узунроқ дарё бўлганлиги учун ҳамма буни Жайхун ҳисоблайди. Бошқаси Чағонруд (Сурхондарё)ки, Чағаниёндан оқади ва Термиз ёнида Жайхунга қўйилади. Яна бири Ўзганд, Боб (Поп), Ахсикат, Хўжанд, Банокат шаҳарлари ёнидан ўтади ва то Чоч ерларигача етади, сўнгра Суткен ва Поробдан ўтиб, то Жанд ва Жаворага етади ва Хоразм денгизига қўйилади.

Яна бошқаси Ўш сувидирки, халиги тоғлардан бошланади. Ўш ва Урашт орасидан ўтади ва Ўзгандга қўйилади.

Яна бошқа дарё Хатлом (Норин) сувидирки, у Монисо тоғларидан бошланади ва Халлух билан Яғмо орасидаги чегарада

Хатлом шаҳридан ўтиб, Боб (Поп) яқинидан оқади ва Ўзганд сувига қўйилади.

Яна бошқаси Парак (Чирчик) дарёсиadirki, Xаллух тоғларидан бошланиб, жануб томонга йўналиб, Чоч (Тошкент) ерларидан ўтади, Банокат ва Калос девори орасидан оқади, Ўзгандга қўйилади.

Бу дурёлар ҳаммаси қўшилганидан кейин яхлит сув Чоч дарёси дейилади, араблар (Тозиён) бу дарёни Сайхун (Сирдарё) деб атайдилар.”

Келтирилган тарихий маълумотлар Ўзбекистон қолаверса Ўрта Осиё худудларининг минг йилдан ошиқ бўлган аввалги палеогеографик шароитларини тиклашга ўзини катта ҳиссасини қўшиб турибди.

Қадимги географ олимларининг маълумотлари ҳам Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон географик қиёфасини анча тўғри тасаввур этганлигини кўрсатиб турибди.

### **Қадимий иқлим шароитлари (палеоиклим) ва уларни аниқлаш (тиклаш) усуслари.**

“Иқлим” сўзи аслида юононча “клима” сўзидан олинган бўлиб, “Ер юзининг қуёш нурларига нисбатан қиялиги” деган маънони билдиради. Шундай бўлгач қия жойлашганлиги сабабли Ер юзининг турли жойлари турлича исийди, натижада табиати ҳам ҳар хил бўлади. Шунга кўра, юонон олимларининг илмий асарларида, жумладан, машхур географ Эратосфенининг асарида дунё 7 қисмга бўлинган ва ҳар бири “климат” деб аталган. Юонон олимларининг китоблари араб тилига таржима қилинганда “климат” сўзи ўрнига “климат” сўзи ўрнига “иқлим” сўзи ишлатилган.

Дунёning етти қисмга бўлиниши аслида Ўрта Осиё ва Хуросондан чиқсан шунчадир.

Бунинг қисқача тарихи Абу Райхон Берунийнинг “ат-Тафрим”, “Қонуни Маъсудий” ва “Геодезия” китобларида баён этилган (Х.Хасанов, 1981).

Шарқ географиясида ҳам дунёning табиати турлича бўлган қисмлари “иқлим” сўзи билан аталган.

Ҳозирги фан тили билан айтганда, “иқлим” тушунчаси “табиат зонаси (минтақаси)”, “Ландшафтлар минтақа”си деган маънога бир мунча мос келади.

Ўзбек тилида «иқлим» сўзи икки маънода ишлатидади. Бири ҳар бир жойга хос бўлган об-ҳаво шароитлари йифиндинсини билдирувчи “иссиқ иқлим”, “салқин иқлим”, “ўртача иқлим”, “куруқ иқлим”, “нам иқлим” маъносида.

Палеогеография соҳасида қадимги геологик даврларда бўлиб ўтган иқлим шароитларини аниқлаш ёки тиклаб бериш тўғрисини айтганда жуда қийин ва бирқанча муаммоларни ечиш билан боғликдир.

Палеоиклим ҳақида кўплаб илмий ишлар яратилган, у ёки бу қадимий ландшафтлар бўйича иқлим шароитларига боғлиқ бўлган ашёвий далиллар аниқланган бўлса ҳам, барибир хануз иқлимга тегишли ечимлар ишлаб чиқилганича йўқ.

Палеоиклим ҳақида янги маълумотлар олиш мақсадида ҳозирги вақтда геологлар, географлар ва иқлимшунослар ўз илмий ишларини давом этдирияптилар. Маълумки Ер куррасининг юзасида ҳар йили, ҳар хил минтақалрида ўзига хос иқлим шароитлари хукм суради.

Иқлим шароитларининг кескин ўзгариб туриш шароитлари мўтаъдил ва юқори кенглик минтақалрида содир бўлади.

Масалан, Москвада ва унинг атроф худудларида об-ҳаво айрим йилларда худди Янги-Ер иқлим шароитини эслатадиган ҳодисалар бўлиб ўтади; бошқа йилларда эсса Москва ҳавзасида Азов денгизининг иқлим шароити хукмрон қилиб туриши аниқланган.

Йил фасллари давомида, юқорида эслатилган иқлим шароитларидан ташқари яна учинчи хил об-ҳаво: сурункали қурғоқчилик, ёмғирсизлик ёки жуда давомли тарздаги намгарчилик бўлиб туради.

Ўзбекистон хусусан Тошкент шаҳрида олиб борилган кўп йиллик иқлим шароити кузатиш ишлари шундан дарак берадики, Москва ҳавзаси ва унга яқин шаҳарларида қаттиқ қиш (-25-35C<sup>0</sup>) мавсуми вақтида Ўзбекистонда (тоғлик минтақалардан ташқари) ва айниқса Тошкент шаҳрида ва унинг атрофларида қиш фасли унча совуқ эмас, балки илиқ, қиш ёғингарчиликлари эса камдан-кам бўлиб ўтади ва х.қ мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам иқлим тушунчаси борасида мутаҳассислар ўёки бу минтақалар ва худудлардаги кўп йиллик иқлим тартибини (режимини) назарда тутмоқдалар.

Иқлим шароитлари кўпгина шароитларга боғлиқдир. Бу сабабларни ихтиёрий равишда 2та гурухга ажратиш мумкин: астрономик ва геологик.

Астрономик сабаби деганда Ерга нисбатан содир бўлаётган ташқи муҳитларга боғлиқ.

Геологик сабаби деганда эса биз Ернинг ўзидағи ички ва устки қатламларида кечадиган жараёнларни назарда тутамиз.

Астрономик сабаблар қаторига самодан келаётган қуёш нурлари ва энергияси ва Қуёшдан чиқаётган нур ва энергиянинг то Ер юзига қадар келаётгандаги масофа камаймши тушунилади.

Бундай сабаблар Ер сатҳидаги иқлим шароитларига катта таъсир кучини кўрсатади.

Геологик иқлим шароити сабабларига тўхталсак атмосферадаги газсимон ва бошқа элементларнинг таркиби, Ер ўқи харакатининг ўзгариб туриши, Ер релефининг тузилиши ва қуруқлик ва денгизларнинг ўзаро бир бирларига узвий алоқадорлиги ҳамда, океан

сув ҳавзалари ҳаракатининг оқимларининг Ер юзида тақсимланиши кўзда тутилади.

Аслини олганда Ер юзида иқлим шароитларининг ўзгариб туриши геологик ва астрономик сабаблари чегараланиши деб ҳам бўлмайди, чунки улар деярли бир-бирлари билан узвий равишда боғлиқ эканлигини инкор этиб бўлмайди ҳам.

Сабаб: Күёш нурлари энергияси айниқса иссиқ ва жазирама иссиқ минтақаларида тоғ жинсларини у ёки бу даражада қизитиш, қиши фаслларида ёки иқлими совук минтақаларида тоғлик худудлардаги жинсларни мейёрдан ташқари совутиб юбориши, океан ва денгиз сувларининг қуёш нури ва энергияси таъсирида илитилиши, айрим даврларда эса сув ҳавзаси устки қисми юзасининг қиздириб юбориши, глобал равишида сувларнинг буғланиши ва атмосфера томон йўналиб кўтарилиши ва х.қ.

Маълумингизким, Ер юзида иқлимининг ўзгариши натижасида тез-тез музланиш даври ва бу даврдан сўнг иқлим шароитининг юмшали, музликлардан Ер сатхининг ва ҳозирги замон иқлимшунослари ҳечам инкор этмайдилар. Бундай навбатма-навбат иқлим шароитининг ўзгариб туриши атмосферага яъни атмосфера таркибига боғлиқ дея тушунтирмоқдалар.

Атмосферадаги азон қатлами ва ионасфералар органик дунё учун заарли ҳисобланадиган ултра қисқа тўлқинли қуёш радиациясидан саклаши маълум. Бундан ташқари бу қатламлар Ернинг иссиқлик парлари кучини ҳам унча-мунча тўхтатиш қобилиятига ҳам эга, шу билан бир қаторда Ер сатҳидаги совуқлик оқимини секинлаштиради.

Күёш радиацияси кучини ва иссиқлик энергиясининг Ер юзигача бир мейёрда тушиб туришини космик чанглар ҳам тўхтатиш кучига эга.

Ер орбитасининг шакли ҳам ўзгариб туриши ва шу туфайли қуёш энергиясининг миқдори камайиши, акс холда эса кўпайиб кетиши астрономик сабаблардир. Бундай вазиятларни юзага келишига сабаб Ойнинг бошқа кичик ва катта сайёralарининг ўзаро тортишиш кучига боғлиқ.

Мутахасисларнинг ҳисобларига кўра шунаقا астрономик жараёнлар тахминан ҳар 90000 йил оралиғида кечар экан.

Сайёрамизнинг палеоиклим шароити ва ҳозирги замон иқлими ҳам Ер шарининг ўқи қай тарзда бўлиб турганлигига боғлиқ.

Масалан, Ер шарининг ўқи тик холатда бўлса, бундай шароитда йил вақтлдарининг кечаси тун вақтига teng бўларкан, қуёшнинг ўрни ҳар куни бир баландликда ва муаян бир ўзгармас уфқда гавдаланади. Ер сатҳидаги палео ва ҳозирги замон иқлим шароитларида кескин ўзгаришлар бўлмас эди.

Шунинг учун, палеогеографик тиклаш ва изланиш вақтида мумкин қадар Ер шари ўқининг турган вазиятини аниқлаш катта

аҳамиятга эга, бу эса ўз навбатида қадимий геологик ўтмиш тарихини ва иқлим шароитларини аниқлашда ўз моҳиятини кўрсатади.

А.И. Воейковнинг айрим кузатишларига қараганда Ер сайёralарининг оғиш ўқи  $1^0$  га кўпайса ҳозирги  $23^027^1$  га нисбатан деб тахмин этилади бундай вазиятда иқлим сезиларди даражада исиб кетиши мумкин экан.

Ўрта Осиё, Қозоғистон, Жануби-Шарқий Сибир худудларида тўртламчи давр давомида 6 маротаба музланиш даври ва 6 маротаба иқлимини илиқланиши содир бўлганлиги маълум.

Бу иқлим ўзгариши тахминан 1-1.5 млн. йил давомида амалга ошган. Фақат юқорида қайд этилган худудлардагина эмас, балки Москва ҳавзасида, ҳозирги Санк-Петербург, Болтиқ бўйи мамлакатларида, Скандинавия ярим ороли худудларидан аввалича музлик босим, кейин аста-секин музликлар чекиниб шимол тараф томон илиқланиб бораверганлиги маълум. Масалан, Санк-Петербург худуди 12000 йил бурун музликлардан холис бўлган. Бу палеоиқлим шароитлари ҳам худдди шу тўртламчи давр давомида бўлиб ўтган. Демак иқлим шароитларининг ўзгариб туриши ҳақиқатдан ҳам планетамизни ўқи оғиш бурчагига боғлиқ экан.

### **Иқлимининг ўзгаришига геологик сабабларнинг алоқаси.**

Бир қанча геологик омиллар ва жараёнларнинг иқлимининг ўзгаришига сабаб бўлади. Масалан, Ер юзида вулқонларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг партлаши натижасида ҳар хил газлар, буғлар ва уларга илашиб суёқ моддалар ҳам кўтарилади.

Вулқон оғзидан лавалар қуйилаётган вақтда газлар ва буғлар кўплаб атмосфера томон кўтарилади, вулқондан чиқсан газлар таркибида H, HCl, Cl, SO<sub>2</sub>, SO<sub>3</sub>, Co<sub>2</sub>, N, H<sub>2</sub>S, CH<sub>4</sub>, H<sub>2</sub>O ва бошқалар бўлади.

Ер юзасида мавжуд жарликлар, сойликлар ва бошқа чуқурликларни тўлдириб олган лавалар (оловсимон, хамирсимон массалар) тезда қотишга улгираолмайди, уларнинг қотиш жараёни бир қанча йил, ўн йиллар ва хатто минги йиллар давомида кечади. Қотиш жараёни вақтида суринкасига иссиқлик ажралиб, булар ҳам атмосфера томон кўтарилади, атмосфера холатини ва таркибини ўзгартиради натижада иқлим шароити ўзгаради.

Ер пўстида тез-тез содир бўлиб турадиган тектоник ҳаракатлар: ёрма тектоник ҳаракатлар, бурмаланиш тектоник ҳаракат, ер юзасида ҳосил бўлган каттта ва кичик дарзликлар ва ёриқликлар ичидан чиқаётган иссиқлик энергияси, ҳамда ҳар хил газлар ҳам атмосфера томон кўтарилиб иқлимин ўзгаришига ўз таъсир кучини кўрсатади.

Тектоник ҳаракатлар бўлиб ўтган худудларда релеф тузилишида ўзгаришлар юзага келади, бу ўзгаришлар ўз навбатида ҳаво оқимини ва шамолларнинг фаолиятини кескин равишда ўзгартириб юборади, хатто Ер сатҳида иқлим ўзгариб музланиш даврини юзага келтирди.

## **Қадимий ва ҳозирги замон шароитига карбонат ангидридининг таъсири ҳақида.**

Океан ва денгиз сув ҳавзалари карбонат ангидрид заҳирасига жуда бой ва битмас туганмасдир. Карбонат ангидриди океан ва денгиз сувларидва эрима холатида бўлиб, атмосферадаги карбонат ангидридга нисбатан 50 маротаба кўп.

Олимларнинг кузатишларига қараганда қадимий геологик даврларда (тошкўмир, перм ва мезозой эрасида) карбонат ангидридинг миқдори атмосфера кўламида кўп бўлган экан, агар ҳозирги замонавий атмосферадагига солиштирганда. Даиллар сифатида палеозой эрасининг ўрталаридан бошлаб, мезозой эраси давомида Ер юзида ўсимлик дунёсининг ривожланганлиги, оҳактош жинсларининг ҳосил бўлганлигини келтирсак кифоя.

Чет эл илмий адабиётларида (Б.Джон, Э.Дербишер ва бошқа, 1982) маълумотларига кўра, агар карбонат ангидридинг миқдори (концентрацияси) атмосфера қатламида ярим баробар камайиб кетса, Ер юзининг деярли ҳамма худуди музликлар билан қопланиши мумкин экан.

Шу олим мутахассисларнинг яна бир янги фикрлари: карбонат ангидридинг миқдори икки баробар камайса, бу Ер юзидаги ҳароратнинг пасайиб кетишига сабаб бўлар экан. Қиши мавсумларида материклар худудларида денгиз ва океан сув ҳавзаларига нисбатан кўприк совиши салқин тортиши кузатилади. Шунинг учун ҳам палеоиқлимини тиклаш вақтида кўпроқ материклардаги тоғ жинсларининг палеовоқеаларга аҳамият беришга тўғри келади.

Мисолларга мурожаат этамиз.

Ер сатҳидаги нураш пўсти қатламлари орасида латеритлар ва каолин қатламлари учраса иқлими нам ва иссиқ, шу шу худудларнинг релефи эssa текисликлардан иборат бўлган бўлади.

Латеритлар иккиласи жинслар бўлиб, ер юзида учрайдиган темир ва алюминий компонентларига мўл бўлган магматик ва чўкинди жинсларнинг маълум иқлимий шароитида нураш жараёнига учрашидан ҳосил бўлган ётқизиқлардир.

Буларнинг кимёвий таркиби ҳар хил бўлиб, доимо ўзгариши натижасида лойқа холатидан қаттиқ бокситлар ( $Al_2O_3$ ) ва темир маъданлари ҳосил бўлади.

Агар континентал жинс ётқизиқлари йўқ бўлса, релефи нисбатан текислик, иқлими эса нам-илиқ; денгиз сув ҳавзаси саёз холатида бўлса бундай шароитларда оҳактошлар қатлами кенг ривожланади. Иқлим шароити нам ва иллиқ бўлган худудларда, саёз сув ҳавзаларида тахминан 100 м. чамаси чуқурликларда калций, темир оксид ва гидрооксидалари, марганец минераллари ва бокситлардан иборат қумалоқ-юмалоқ (оалитлар) маъданвар юзага келиши аниқланган. Бундай чуқур бўлмаган сув ҳавзаларида, илиқ сувларда сув ости ўсимликлари, фауналардан эса риф ётқизиқларини

ҳосил қилувчи маржон полиплар, лешанкалар, брахиаподалар, денгиз кирпилари ва икки табақали молюскалар қолдиқлари учрайди.

Иллиқ иқлимиңиң сув ҳавзаларида сувнинг таркибида карбонат калций эритмасининг миқдори кўп бўлади, сув ҳавзаларида яшаган жонзодларнинг тана ва скелетлари оҳак моддасидан тузилган бўлади, ансинча иқлими совуқ-суви ҳам совуқ сув ҳавзаларида кремний эритмалари мўл бўлиб, ҳайвонот олами танаси ва скелетлари кремний оксидига бойиган бўлади.

Бордию, сув ҳавзалари ҳудудларида иқлим шароити иссик, ҳарорат эса юқори даражада бўлса, об-ҳаво қуруқ келадиган бўлса туз кон қатламлари ҳосил бўлади.

Ёхирги йилларда қадимий денгиз сув ҳавзаларининг ҳарорати қандай бўлғанлигини аниқлаш мақсадида кислороднинг оғир изотоплари ( $O^{16}$   $O^{18}$ ) борлигини билиб олиш зарур бўлиб қолди.

Бу оғир изотоплар умуртқасиз ҳайвонларнинг чиғаноқлари таркибида, ҳам чиғаноқ тошларда учрайди. Сувнинг ҳарорати даражаси эса ўша изотопларнинг ўзаро муносабати, нисбати аниқланганлигидан сўнг маълум бўлади.

Палеоиқлим шароитларини чўкинди тоғ жинсларининг таркибини текшириб ва улар ичида тошқотган ҳайвонот оламидан ҳам билиб олиш мумкин.

Мисолларга мурожаат этамиз.

Кўпчилик денгиз умуртқасиз жонзодларининг чиғаноғо оҳак моддасидан тузилган бўлади, демак бу фауналар илиқ иқлими шароитидаги илиқ сув ҳавзаларида яшаган. Маржон полипларидан ҳосил бўлган оҳактошларга дуч келсак, уларга хос иқлим шароити ҳам илиқ бўлғанлигидан дарак беради.

Планктонли сув ўсимликлари одатда, илиқ сув ҳавзаларида, диатомитли ўсимликлар эса совуқ сув ҳавзаларида яшяшга мослашган.

Планктон сув ўсимликлари махсулотидан оҳактошлар, диатомитли ўсимлик ҳисобидан эса, кремний чўкинди жинслар ҳосил бўлади.

Қуруқлик шароитида яшаган ва яшаётган ҳайвонлар олами тропик ва субтропик шароитларни хуш кўради, буларнинг кўпи судралиб юрувчилар туркумига киравчи жонзодлардир.

Қадимий иқлим шароитларини қуруқликдаги қум, тупроқ ва қумтошлар ичидаги сақланиб қолган тошқотган дараҳт таналаридан ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, маълумки тропик иқлим шароитида йил мавсумлари деярлик бўлмайди, бундай шароитларда ўсадиган дараҳтлар танасида (кўндаланг кесимида) йиллик ҳалқа (думалоқ гардиш) бўлмайди. Кутб ҳудудларида ўсан дараҳтларда йиллик ҳалқа билинар-билинмас кўринишида тузилган бўлади. мутаъдил ва қуруқ субтропик иқлим шароитларида ўсан дараҳтларда йиллик ҳалқа дархол қўзга ташланади. Юқорида келтирилган йиллик

ҳалқалар, мабодо бир хил дараҳт зотида учраб қолгудай бўлса, бу муаммони ҳам ечиш осон.

Шундай омилларга дуч келсак, бир хил зотга мансуб бўлган дараҳтлар иқлим ўзгаришига бардош бериб (агар қуриб, қирилиб кетмаган бўлса) ўсиш жараёнини давом эттираверган, танасидаги йиллик ҳалқаларнинг холати шу иқлимга мослашиб кеган бўлиб чиқади.

Денгиз сув ҳавзаларида яъни қадимий геологик даврларда яшаган умртқасиз ва умртқали ҳайвон қолдиқлари бўйича палеоиқлим шароитларини тиклаш ҳар доим ҳам тўғри хулосаларга олиб келавермайди. Чунки, Ер юзида иқлим шароитлари тез-тез ва кескин равишда ўзгариб турган бўлсада, архей ва протезой эраларида дунёга келган микроб ва бактериялар ҳозирги кунларда ҳам яшаб келмоқда. Ордовик ва Силур даврларида илк қуруқлик шароитига мослашиб яшашни бошлаган чаён зотлари ҳозир ҳам яшашни давом эттирмоқдалар, брахиаподалар синфиға мансуб жонзотлар ҳам табиат ва иқлим инжиқликларига кўниб, мослашиб яшамоқдалар.

Куйи палеозой эрасида яшашни бошлаган, деярли барча денгиз сув ҳавзаларини забт этган трилобит ва археоциаталар иқлим ўзгаришига чидаш беролмай тамом қирилиб кетган.

Мезозой эраси давомида маълумки иқлим шароитлар умуман илиқ ва иссиқ бўлиб ўтган, шунинг учун ҳам денгиз сув ҳавзаларида ва қуруқлик худудларида хилма хил фауна ва флоралар яхши ривожланган даврлар бўлиб ўтган.

Мезозой эрасининг кўпчилик фауна ва флоралари кайнозой эраси бошланиши биланоқ ва шу эранинг геологик даврлари давомида батамом қирилиб Ер юзида йўқ бўлиб кетган.

Масалан, умртқасиз жонзодлар: Церотitez, кардиоцераз, белемнitez ва х.к. умртқали ҳайвонлардан динозаврлар туркуми шулар жумласидандир.

Шунинг учун ҳам, қайтатдан айтиб ўтишимиз лозимки, қадимий иқлим шароитларини тиклаш вақтида асосан чўқинди жинслар қатламлариға суюнишга тўғри келади. Бундай жинслар қаторига континентал шароитда ҳосил бўлган хемоген жинслар, денгиз шароитидаги саёз сув ҳавзаларида юзага келган чўқиндилар туз қатламлари, боксит, каолин, чиғаноқ тошлар ва бошқа оҳактошлар ҳамда кўмир кон ҳавзалари киради.

Киш мавсуми қаттиқ совуқ холатда бўлган бўлса, ёки музлик босган даврлар хукмронлик қилған бўлса шу палеоиқлимининг даракчилари: тиллит қатламлари, мореналар ва қоя тошлар текисликларида музликларнинг тирнаб ташланган белгилари аниқ омиллар ҳисобланади.

**П-боб. Формация ҳақида тушунча; формацион тахлил ва уларнинг иқлим билан боғлиқлиги.**

Формация лотинча сўз- “форматио” дан олинган бўлиб, маъноси вужудга келиш, келтириш, геологик маъноси эса тоғ жинсларининг таркиб топиши демакдир. Бошқача тушунтирилса формация фациялар йигиндиси, комплекси; бир фацияга кирувчи тоғ жинсларининг комплекси муаян геотектоник ва физик-географик шароитларда юзага келади. Айрим вақт ва шароитларда формация бир хил жинслардан ташкил топган бўлади. Масалан, бўр жинси формацияси, глауконитли ва кварцли қум ёки қум тошлар ва х.к.

Кўпчилик мутахассислар литологик чўкинди жинслар, магматик, метаморфик, вулқон ва чўкинди жинслар аралашмаси ва маъданлар формацияларига ажратадилар. Юқоридаги формациялар Ер пўстида ўзига хос холда. Муаян бир жойни муҳитни эгаллайди.

Масалан, иккита йирик формация мавжуд:

1. Геосинклинал вилоятлари формацияси.
2. Платформа вилоятлари формацияси.

Формацион тахлил қилиш натижасида Ер юзасида содир бўлиб ўтган физик-географик (палеоландшафтлар тарихи) шароитларини, геологик жараёнларни ва тектоник вазиятларни аниқлаш мумкин.

Масалан, бир юз метрлик ёки бир неча “км”лик қалинликдаги метаморфик ва чўкиндитоғ жинслари таркибида вулқон жинслари аралашмалари бўлса, бу комплекс жинсларни ҳам магматик-интрузив жинс таналари ёриб кириб жойлашган бўлса ва умуман шу жинслар деформацияга учраб майдаланган, бурмланган холатда жойлашган бўлса-булар геосинклинал вилоятлари формациясига таълуқлидир.

Бу жинслар континентал шароитда, Ер юзасининг қиялик ҳосил қилган қисмларида мавжуд бўлган рельеф шаклларида, континентал қуруқликнинг ёнбағирликларида, ўз шаклларига муофик-тўғри, пастга эгилган, бўртма (дўнг) босқичсимон ҳудудларда ҳосил бўлади.

Умуман олганда бу жинслар юпқа қатламсимон текстурага эга бўлиб, “кровел сланецлари” деб (Б.М.Келлер, 1946) аталади. “Кровля” маъноси шип, том деган маънени билдиради. Илгари темир туникалар танқис бўлган даврларда, томга ёпадиган шиферлар тайёрланмаган вақтларда одамлар томларни шу текис юпқа плитасимон сланецларни ишлатганлар. Айрим тахтасимон плиталарнинг қалинлиги 2.5-6 мм.гача бўлади.

Бу тоғ жинслари формацияси фақат бўр геологик даврлардагина ҳосил бўлганлигига ўхшаш, бу том ёпадиган жинслар ҳам фақат геосинклинал вилоятларининг четларида, қанот қисмларида, юқоридан қават жинсларининг оғирлик кучи таъсирида (босимида) ҳосил бўлади.

### **Флиш формацияси.**

Флиш сўзи немис тилидан олинган флишен-оқмоқ, ўтмоқ, кесмоқ ва х.к. маъноларини англатади.

Денгиз сув ҳавзаларининг саёз жойларида ётқизилган фациялардан тузилган ва терриген (қуруқликдан келтирилган чақиқ

жинс бўлаклари) чўкиндиларидан иборат қалин жинслар тўпламидири.

Булар бир хил жинсдан ёки баъзан жуда қалин қатламлардан тузилган қумтош ва мергеллардан, аргиллит ва оҳактошлардан ташкил топган жуда қалин қатламлар йифиндисидир. Қатламлар йифиндиси камида уч қисмдан, кўпинчалик эса 5 қисмлардан иборат бўлади. Бу қатламлар ичida тошқотган фауна ва флоралар жуда кам учрайди.

Бу жинслар тўплами бўр даврига ва палеоген, неоген қолаверса қадимий тўртламчи даврлари жинслари тузилишига таълуқли деб ҳисобланади.

Флиш формацияси қатламларининг жойлашиш тартиблариға ҳам ўзига хос равишда ётқизилади: қатлам ётқизиқларининг энг остида йирик бўлакли маҳсулотлар, буларнинг устида доналари нисбатан майдароқ, усти қисмида эса жуда кичик ва майин доначаларидан иборат гил ва гилмоясимон қатламлар жойлашади.

Флиш формацияси қатламлари асосан эрозия, нураш жараёнлари содир бўлган жойлардан оқава сувлари билан (сел ва дарё сувлари) келтирилган лойқа, балчиқсимон ва шағал тошлардан иборат бўлади.

Бундай белгилар палеоландшафтларнинг физик-географик ўтмиш тарихини аниқлаб беришга ёрдам беради.

### **Оҳактошлар формацияси.**

Бу формацияга таълуқли оҳак жинслар ҳам миогеосинклинал шароитларида, кўпинчалик флиш ётқизиқлари билан баробар бир вақтда пайдо бўлади.

Бу формация қатламлашган оҳактошлардан, зичланган кристалланган оҳактошлардан, ҳамда корбанат терриген ётқизиқларидан ташкил топган бўлади.

Тропик иқлим шароитларида битумли оҳактошлар ва довон каби тузилган риф ётқизиқлари юзага келади.

### **Платформа формациялари.**

Платформа формациялари жинсларнинг қалинлиги нисбатан юпқароқ, бир қанча ўн метрлардан, то бир қанча юз метргача бўлади, қадимий рельефнинг чукур жойларида эса қалинлиги бир қанча “км” гача бориб қолади.

Платформа вилоятларидаги жинслар кенг ва катта майдонларни эгаллаб, шу жойларни асосан чўкинди жинс қатламлари билан банд қилиб тўлдирилади. Жинсларнинг жойлашиши холати кўпинчалик горизонтал йўналишида бўлиб, камдан-кам жинслар деформацияга учрайди.

Вулқон ёки магматик жинслар маҳсулотлари деярли учрамайди. Платформа вилоятларидаги чўкинди жинслар саёз денгиз, кўл ва ботқоқликлар, лагуналар ва терриген маҳсулотларидан иборат бўлади.

Аслини олганда платформа вилоятларида формацияларнинг хили кўп, лекин улардан энг асосийлари ва муҳимлари қуидагилар ҳисобланади:

1. Кўмир-боксит-темр маъданли формация.
2. Кўмир-кумтош-гилмояли формация.
3. денгиз-терриген формацияси.
4. Платформали-корбонат жинслари формацияси.
  1. Кўмир-боксит-темир маъданли формация еғиндилари орасида яна қум-гилмоя, каолинли гил қатламлар, боксит ва темир чўкиндилари конлари, кум-гилмоя ва каолинли қатламлар орасида кўмир кон қатламлари ҳам ҳосил бўлади. Бу конлар ва чўкинди жинс ётқизиқлари материк сатҳида, нураш жараёнлари ривожланган ҳудудларда, иқлими эса нам ва илиқ бўлади.
  2. Кўмир-кумтош-гилмояли формациялар Ер юзасида кенг тарқалган қормациялардир. Жинслари, кўмир кон қатламлари саёз денгиз сув ҳавзаларида, лагуна ландшафтларида, кўл ва ботқоқлик шароитларида ҳосил бўлади.
- Бу конлар ва жинслар арид яъни иқлими қуруқ бўлган шароитларда пайдо бўлади, шунинг учун ҳам чўкинди жинс қатламларининг туси қизгиш ва бошқа ҳар хил қизил, қўнғир, малла рангларда кўринади.
3. Денгиз терриген формацияси таркибида глауконит-фосфорит ётқизиқлари тез-тез учраб туради. Бу ётқизиқларининг ҳосил бўлиши шароитларини анча чукур бўлмаган (50-250 м.) денгиз тарнгрессияси ва регрессияси билан боғлиқ денгизлар майдони тўғридан-тўғри океан сув ҳавзалари билан боғлиқ бўлади. Формация таркибида фосфорит ва темир конлари вужудга келади. Бу маъданларнинг кўриниши йирик қумоқ ва тухумсимон шаклларда намоён бўлади.
4. Платформали корбонат жинслари формацияси асосангумид иқлим шароитида юзага келиб, улар оҳактошлар қатламларидан, бўр ётқизиқларидан, бўрсимон мергел қатламларидан ташкил топган бўлади. Бу формация таркибида ёнувчи сланецлар (кукерситлар-сув ўсимликлари ва тирик жонзодлар қолдиқлари), битумли жинслар иштирок этади. Формация таркибида яна гил ва доломит ётқизиқлари ҳам учраб туради.

Пайдо бўлиш шароити саёз денгиз сув ҳавзаларида ва арид иқлим шароитида юзага келади.

### **III-БОБ. СТРАТИГРАФИЯ ВА ГЕОХРОНОЛОГИЯ.**

Стратиграфия сўзи лотинча “стратум” яъни қатlam деган маънони англатади. Стратиграфия геология фанининг катта бир бўлими бўлиб, тоғ жинси ётқизиқларининг навбатма-навбат ёки кетма-кет пайдо бўлганлигини, тоғ жинсларини қатламларининг ёшини, қатламларининг ўзаро алоқадорлигини ва уларнинг географик тарқалганлигини ўрганувчи фандир.

Тоғ жинсларининг хилма-хилллигини, уларнинг келиб чиқишидан қатъий назар (магматик жинсми, метаморфик ёки чўкинди жинсларми) қай тарзда жойлашганлигини, пайдо бўлиш шароитларини ҳамда ҳосил бўлиш қонуниятларини стратиграфия фани ҳал қилиб беради.

Стратиграфиянинг асосий вазифаларидан яна: тоғ жинслари қатламларининг илк жойлашиш қонуниятларини ва бирламчи ёшини аниқлашдир. Стратиграфик тахлил вақтида аввал кичик жойларни, туман миқиёсидаги геологик тузилишини, кейин эса вилоятлар миқиёсида, катта географик ҳудудларда ва ҳатто дунё маштабида стратиграфик кесим тузилиб чиқилди. Тоғ жинсларининг ёшини ва географик тарқалишларини ажрим қилинаётган вақтда жинслар ичida сақланиб қолган ҳайвонот ва ўсимликларининг қолдиқларини ўрганиш йўли билан олиб борилади.

Будай тахлиллар натижаси регионал стратиграфик кесим тузиш ҳамда дунё миқиёсидаги геохронологик жадвалларни тузишга имконият очиб беради.

Тоғ жинси қатламларининг нисбий ёшини аниқлашда геология-стратиграфик: стратиграфик, минерал-петрографик (литологик), тектоник ва геофизик усуллар ёрдамида тикланади. Булардан ташқари яна аникроқ биостратиграфик ёки палеонтологик усул бор.

Стратиграфик усул: бу усулга биноан қатламнинг нисбий ёши қатламларининг тўғри ва бирламчи мейёрида ўзгармасдан, горизонтал холатида жойлашганлигига қараб аниқланади. Бу усул жуда оддий ва энг осон йўсинда аниқланади.

Шуни ҳам эслатиб ўтишимиз зарурки, агар стратиграфик кесимдаги қатламлар тектоник ҳаракатарга дуч келиб, илк холатлари ўзгарган бўлса, яъни ағдарма, узилма, сурилма ва мингашма структуралар пайдо бўлган бўлса, қатламларнинг нисбий ёшини аниқлаш жуда қийин, ёки умуман аниқлаш тавсия этилмайди, чунки бу холатда англашилмовчиликлара эп берилади. 8-расмга эътибор беринг. Расмдаги қатламларнинг илк холати бузилган. Шу қатламлар устки қисмига кейинги жинс қатламлар ётқизилса агар, табиий геология-стратиграфик кетма-кетлиги йўқолиб, билинмай қолади.

8-расм. Сурилма ва мингашмаларнинг блок диаграммаси.

9-расм. А. Табиий геологик очиқлик-кесим. Б. А-расмдаги геологик кесим асосида тузилган геология-стратиграфик устун.

А ва Б расмларда тоғ жинси қатламларининг стратиграфик ва литологик усуллар билан нисбий ёшини аниқлаш ифодаланган.

1. Тупроқ ва ўсимлик қатлами.

2. Қум ва қумтошлар қатлами.
3. Қум аралашган оҳактошлар.
4. Гилмоялар қатлами.
5. Тоза оҳактошлар қатлами.
6. Қадимий сланецли жинслар.

Юқорида келтирилган расмлар шундан далолат берб турибдики стратиграфик устундаги ва геологик кесимдаги энг остики қуий жинслар (тартиб номери-6) энг қадимиисидир; 5-қатlam түғридан-түғри 6 қатlam устида жойлашган бўлиб нисбатан анча ёш, 4-қатlam эса остидаги жинсдан ёш ва х.к.

1-қатlam эса энг ёши яъни ҳозирги яқин бир қанча минг йиллар аввал пайдо бўлган жинслардир.

### **Минерал-петрографик ёки ёш литологик усул.**

Бу усул дарё қирғоқлари, кўл ва денгиз, сунъий корерлар. Ҳамда табиий геологик тоғ жинслари очиқликлари бўйича чўзилган расмлар ва геологик кесимларни еғиб бўлгач, уларни бир-бирларига солиштириб ўрганиш асосида олиб борилади.

Кесимлар, суратларни таққослаш жараённида биринчи навбатда уларнинг минералогик таркибига аҳамият берилади, кейин микроскоп остида кўриб текстура ва структура тузилиши аниқланали; бир йўла чўкинди жинслар ичida сақланиб қолган фауна ва флораларини ҳам бошқа қатламлар билан солиштирилади. Бу сусл асосий усуллардан бири ҳисобланади.

9-расмдаги “А” кесими мисолида таққослаш усулини тушунтиrsак, дарё водийсининг чап ва ўнг томони қирғоқларидаги геологик кесим бир-бировига жуда ўхшаш, яъни ҳеч қандай фарқи йўқ, шунинг учун шу жойни ўзига стратиграфик кесим-устун ясашимиз ўринли бўлади.

Магматик (отқинди) тоғ жинсларининг нисбий ёшини ҳам стратиграфик усул асосида аниқласа бўлади. Масалан, 10-расмга қаранг; Сиз уч хил жинсларининг қатламлари очиқлиги қаршисидасиз. Қуий қатламида оҳактош ётқизиқлар, ўрта қатламда гилмоя қатламлари ва энг юқоридаги қатламда қумтошли ётқизиқлар жойлашган.

Шу очиқликдаги қатламларни иккита дайкалар (томирли магматик таналар) кетма-кет кесиб ўтгандек бир оҳактош ва гилмояли сланец қатламини кесиб ўтса ҳам, қумтош қатлами чегарасида тўхтаб қотиб қолган. Шу сабабли унинг (дайканинг) нисбий ёши қуий ва ўрта қатлам ётқизиқларига нисбатан ёш. Иккинчи дайка оҳактош, гилмояли сланец қумтош қатламларини ҳам кесиб ўтган.

Стратиграфия назарияларига кўра, расмдаги иккинчи дайканинг нисбий ёши қуий, ўрта, юқори қатламларидаги ётқизиқлар ва

биринчи дайкадан ёш. Чунки иккинчи дайка биринчи дайкани ҳам кесиб ўтган.

Шу услубда стратиграфик усулга асосланиб магматик тоғ жинсларининг интрузив ва эффузив хилларини нисбий ёшлари аниқланади.

10-расм. Чўкинди ва магматик тоғ жинсларининг стратиграфик усул асосида нисбий ёшларини аниқлашга доир чизма.

Масофаси узоқ бўлган, стратиграфик устун тузиш учун керак геологик кесимларни бир-бировига таққослашда стратиграфия ва литология усулларига ёрдамчи бўлиб палеонтологик усуллар хизмат кўрсатади. Геологик кесимдаги тошқотган қазилма ҳайвон қолдигини палнозоология, қазилма қолдик ўсимликларни эса палеоботаника мутахассислари текширади.

Палеонтология ва стратиграфия усуллари ёрдамида йиғилган манбаъларни умумлаштириш асосида стратиграфия ва геохронология (геологик йилнома) шажаралари яратилади.

### **Геохронология ҳақида.**

Геохронология юононча: гео-Ер, хронос-вақт, давр; логос-ўрганиш, билиш сўзларидан ташкил топган бўлиб, геологик йилнома ёки геологик шажара деган маънони англатади. Геохронология геология фанининг бир қисми бўлиб, геологик ўтмиш тарихини, даврлар ва эпохаларини, уларнинг йилномаларини, геологик даврлар мобайнида ҳосил бўлган фойдали қазилма бойликларини, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёсининг пайдо бўлиши ва уларнинг ривожланиш тартиби ҳамда қонуниятларини ва х.к. ҳодиса ва воқеаларини ўргатади. Геохронология ҳодиса ва воқеалари жадвал тариқасида тузилиб ўрганилади.

Геохронология жадвалида орография-тоғлик худудларнинг юзага келиши, уларнинг бурмаланиш ва емирилиш жараёнларини ҳам ёритиб ўзида мужассамлантиради.

Ернинг геологик тарақиёти давомида, арография жараённида, ҳамда органик дунёнинг ривожланиш босқичларидаги изчиллик вақт асосида-эонлар, геологик эралар, геологик даврлар, эпохалар (бўлимлар), геологик асрлар, асрлар давомида эса яруслар (табақалар десак ҳам бўлади) ажратилган. Эонлар (лотинча эон яъни геологик вақтнинг узоқ давом этган вақти деган маънони билдиради) факат икки хил бўлади.

1. Криптозой эони ва 2 фанеразой эони. Криптозой сўзи-юононча крипто-яширин, яширин ҳаёт ёки номаълум ҳаёт вақти деган маънони англатади. Фанерозой сўзи-юононча фанерос-яққол, яққол ҳаёт даври-вақти дегани.

Криптозой эони Зта геологик эралардан иборат.

1. Катархей эраси юононча ката-маъноси энг пастки, остки деган маънони билдиради.

2. Архей эраси- юононча-“археос”-бошлангич яъни жуда қадимий эра деган тушунча беради.

3. протерозой эраси-юононча “пратерос”-эрта ёки бирламчи эра деган тушунча беради. “Зое”-сўзи ҳаёт демакдир.

Фанеразой эони ҳам Зта геологик эралардан иборат.

1. Палеозой эраси-юононча “палеос”-қадимги ҳаёт эраси маъносини англатади.

2. Мезозой эраси-юононча “мезос”- ўрта ҳаёт эраси.

3. Кайнозой эраси-юононча “кайнос”-янги ҳаёт эраси.

Катархей, архей геологик эралари аниқ ашёвий-геологик далиллар ҳозирча йўқ бўлганлиги учун уларни геологик давларга ажратилмаган.

Протерозой эраси бўйича оз бўлсада далиллар тўпганган, шу туфайли жуда аниқ бўлмасада даврларга ажратилган.

Палеозой, мезозой ва Кайнозой бўйича эса аниқ ашёвий маълумотлар тўпланган, шунинг учун ҳам палеозой эрасида 6 та, мезозой эрасида Зта, Кайнозой эрасида ҳам 3 та геологик даврлар аниқланган; бу даврлар қўйида геохронологик жадвалда батафсил ёзилган.

Геохронологик жадвал билан таниширишдан олдин Ернинг ривожланиш тарихида бўлиб ўтган орографик жараёнлар яъни тоғ ҳосил бўлиш ва бурмаланиш эпохалари ҳақида умумий тушунча бериб ўтишни лозим топдик.

Чет эл адабиётларида орографик жараёнларни-тектоно-магматик цикл (цикл бу ерда давр маъносида) тектоник цикл ёки тектогенез деб юритилади.

Тавсия этилаётган қўлламада тоғ пайдо бўлиш жараёнлари ёки эпохалари (орогенез) деган тушунча берсак мақсадга муофиқ бўлади.

Ер сайдерализнинг геологик тараққиёти тарихи даврмида биринкетин бўлиб ўтган тоғ пайдо қилиш жараёнлари орогеник эпохаларидир. Ер пўстининг геологик тараққиётида қўйидаги эпохалар бўлиб ўтган, улар қўйидаги жадвалда келтирилган.

Ҳар бир органик эпохада Ер пўстининг ҳаракатланишикуруқликни сув боши (трансгрессия жараёни), сув ҳавзаларининг чекинишлари (регрессия жараёни), тоғ тизмаларининг қад кўтаришлари бўлиб ўтган. Натижада ҳар бир геологик даврида ҳозирги пайтдагидан батамомўзгача табиий географик шароитлар-палеогеографик вазиятлар хукмронлик қилган.

Ернинг ривожланиш тарихидаги орогеник эпохолар ва уларнинг ёши (Н.А. Ясаманов, 1985)  
2-жадвал.

Эпохалар тартиби	Орогеник (тектано-магматик) эпохалар номи.	Үртача ёши, млрд. Йил ҳисобида	Эслатма (бизники).
20	Алп	0,05	Ҳамма географик худудга тегишли
19	киммерит	0.09	Бу ҳам
18	Геруин(варис)	0.26	Бу ҳам
17	Каледон	0.41	Бу ҳам
16	Салаир (юқори Байкал, сард)	0.52	Бу ҳам
15.	Катанг (қуи Байкал, ассинт---	0.65	Бу ҳам
14.	Делий (дальсланд)	0.86	Ўзбекистонга тегишли эмас.
13.	Ном берилмаган	0.93	Бу ҳам
12.	Гренвиль (сатпур)	1.09	Бу ҳам
11.	Ном берилмаган	1.21	Бу ҳам
10.	Гот мазатиал, кибар, эльсон	1.36	Бу ҳам
9.	Ном берилмаган	1.49	Бу ҳам
8.	Карель (гудзон---локсфорд)	1.67	Бу ҳам
7.	Ном берилмаган	1.83	Бу ҳам
6.	Болтик (Эбурней, пенокий)	1.98	Болтиқ худудлари
5.	Юқори карель, қуи карель	2.23	Карелия худудлари
4.	Альгонк	2.44	Бу ҳам
3.	Кенор (беломор, лаврентьев, родезий)	2.70	Беломорк худудлари
2.	Кола	3.05	Кола яримороли

	(трансваал, саам.)		худудлари.
1.	белозор	3.5	Шарқий Оврупо худудлари

Ер планетасининг ривожланиш тарихида эралараро давом этган планетар миқиёсида аҳамиятга эга бўлган ва хусусан тоғликлар худудларининг келиб чиқишига сабаб бўлган йирик ва давомли эпохаларни ўз ичига олган тектоник ҳаракатлар бўлиб ўтган.

Улар асосан 11 босқичдан иборат:

1. Катархей тектоник ва тоғ ҳосил қилиш ҳаракатлари 5000-4600 млн. йил бурун содир бўлган.
  2. Қуи архей тектоник ва тоғ ҳосил қилиш ҳаракатлари 4600-3500 млн. йил бурун содир бўлган.
  3. Юқори архей ҳаракатлари 3500-2600 млн. йил бурун;
  4. Қуи протерозой ёки қуи карельский ҳаракатлари 2600-2000 млн. йил бурун;
  5. Ўрта протерозой ёки юқори карельский ҳаракатлари 2000-1700 млн. йил бурун;
  6. Юқори рифей ёки готский ҳаракатлари 1700-1400 млн. йил бурун;
  7. Ўрта рифей ёки гренвилей 1400-1000 млн. йил бурун;
  8. Бойқол тектоник бурмаланиш ҳаракатлари 1000-550 млн. йил бурун;
  9. Қуи палеозой ёки каледон бурмаланиш ҳаракатлари 550-375 млн. йил бурун;
  10. Ўрта кембрий-қуи девон, юқори палеозой ёки герцин (варисс) ҳаракатлари 375-220 млн. йил бурун;
  11. Ўрта девон-қуи триас, мезозой ёки киммерий (тинч океани худудининг ҳаракати) ҳаракатлари 220-80 млн. йил бурун;
- Ўрта триас-бўр, кайнозой ёки алп ҳаракатлари охирги 80 млн. йил бурун, лекин ҳали ҳаракатлар тугалланганича йўқ, демак йиллар ва даврлар ҳам давом этаверади.

Энди эса конкрет мисолларни келтирамиз.

Масалан, Бойқол орогеник ҳаракатлар эпохасида, юқори протерозойда қадими континентал платформалар: Шарқий Оврупо, Сибир, Хитой, Корея, Жанубий Хитой, Шимолий Америка, Антарктида, Африка-Араб, Ҳиндиятон, Австралия ва Жанубий Америка вужудга келган. Бойқол эпохаси қуи кембрийда сўниб тамом бўлган деган тахминлар мавжуд.

Бойқол орогеник эпохаси давомида қуи Бойқол (юқори рифейда) ва юқори Бойқол (Венд-Куи Кембрий) орогеник фазалари бўлиб ўтган.

Шу эпоха ва фазалар таъсирида ҳар хил бурмаланишлар ва тоғ тизмалари ҳосил бўлган.

Каледон орогеник эпохаси кембрий, Ордовик ва Силур геологик давларни ўз ичига олади.

Эпоха куйи палеозой давларига хос бўлиб, унда қуидаги фазалар бўлиб ўтган:

1. Қуий ва юқори кембрий даври чегарасида Салаир тоғ тизмалари бунёдга келган;

2. Ордовик ва Силур давлари чегарасида Такон деб аталадиган тектоник-орогеник фазаси бўлиб ўтган. Шунинг оқибатида эса шарқий Тинч океани ва ғарбий Тинч океани геосинклиналларидан ташқари Ер сайёрасининг деярлик ҳамма ҳудудларида шундай глобал структуралар юзага келган. Масалан, Фозо-истон ва Шимолий Тяншандаги тоғ тизмалари Ўзбекистондаги Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари : қад кўтарган.

3. Юқори силур геологик даврида Арден деб номланган тектоник-орогеник фазаси бўлиб ўтган.

Бу фаза таъсирида Арден, Олтой ва Тува тизмалари бунёд бўлган. Ўзбекистондаги кичик ва катта Чимён тоғлари ҳам шу фазада юзага келган ва шаклланади.

4. Қуий Девон геологик даврида Эрий фазаси бўлиб ўтиб, шимолий Атлантика ва Ангарида (шимолий ярим шар ҳудудлари) материклари, шу ҳудудларда бурмаланишлар ҳам тоғ тизмалари пайдо бўлган. Бўстонлиқ туманидаги, Чорвоқ сув атрофларида жойлашган доломит ва доломитли оҳактошлар ташкил топган тоғликларнинг ёши ҳам девонга тегишли.

Герцин орогеник эпохаси ҳаракатлари-девон, карбон (тошкўмир) ва пери геологик давларини ўз ичига олган ҳолда давом этган. Бу эпоха ҳаракатлари тахмин қилинишича юқори девон давридан бошланиб, юқори пермда сўнган. Шу эпоха давомида қуидаги тектоник-орогеник фазалар аниқланган:

1. Юқори девон ва қуий карбон чегарасида Бретон деб аталган фазасида Ғарбий Оврупо орографияси бунёд бўлган дейдилар.

2. Қуий ва ўрта карбон даври чегарасида Судет тектоникаси ҳаракати натижасида Қозоғистон ва Мўғилистон, Ғарбий Сибир тарафларида тоғлик ҳудудлар юзага келган. Шарқий –Шимолий Ўзбекистондаги; Коржантоу, Угом, Хумсон, Кироғил-сой кичик тоғ тизмалари (оҳактошлардан ва мармарлашган оҳактошлардан иборат), Хисор тоғ тизмаларидағи барча оҳакттошлар, мармарлар, гилли ва кварц-слюдали сланецлардан ташкил топган жинсларнинг қад кўтарганлиги Герцин эпохасининг 1-2 фазаларига тўғри келганлиги маълум.

3. Астурий орогеник-тектоник ҳаракат фазаси ўрта карбон охирида бўлган. Натижада ғарбий Оврупода (Астурияд) тоғликлар кўтарилиган.

4. Ўрол орогеник фазаси, юқори карбон даврининг охирида бўлиб ўтган; ғарбий Ўролдаги тоғликларни бунёд этган; Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикаларидағи тоғ жинсларининг шу ёшдагилари ҳам тоғлик худудларни ташкил этган.
5. Қуи Перм охири ва юқори Пермни бошланиш чегарасида Заал орогеник-тектоник фазаси бўлиб ўтган. Заал фазаси ғарбий Оврупо, Ўрол ва Монгол тоғларини, Ўзбекистондаги тоғларни ва шу тоғларнинг кўтарилишига сабаб бўлган интрузив ва эффузив магматик жинслар билан биргаликда (масалан, Хисор, Нурота тизмаси, Зирабулоқ-Зиёвиддин, Чотқол, Курара, Зарафшон ва х.к.) тоғлик худудларни узил-кесил шакллантирган. Шимолий ярим шарда Лавразия материгини юзага келтирган.
6. Пфалд орогеник-тектоник фазасининг ҳаракатлари юқори перм охири ва қисман қуи триас даврининг бошланиши чегараларида содир бўлган. Шуорогеник фаза таъсирида эпипалеозой (юононча-эпи-кейинги, уст қисми мъносида) платформаларнинг Ғарбий Оврупо, Ўрол, Сибир, Аппалач ва Ўрта Осиёдаги Тяншан каби нисбатан ёши платформанинг шаклланишига ёрдам берган. Ғарбий Ўзбекистон худудларидағи айрим плиталар (Қизил-Қум, Зарафшон ва Хисор тоғ тизмалари оралиғидаги) мезозой эрасининг бошланишидан сагал кейинроқ яъни триаснинг охири, юра ва бўр геологик даврларида бузилган ва нураб йўқ бўлиб кетган. Турон, Мингбулоқ, Қашқадарё ва Устюрт, Қорақалпоғистондаги плиталар илк холатига ўхшамаса ҳам сақланиб қолган.

### **Киммерий (ёки мезозой) тектоник-орогеник ҳаракатлари эпохаси.**

Киммерий ёки мезозой орогеник ҳаракатларри триас, юра ва бўр геологик даврларини ўз ичига олади. Бу эпоха Триас даври охиридан бошланиб, қуи палеоген бошланишида сўнган. Эпоха давомида кетма-кет қуидаги тектоник фазалар бўлиб ўтган:

1. Қадимги киммерий тектоник фазаси, триас геологик даврининг охирда бўлиб ўтган бўлиб, Ҳинди-Хитойдаги тоғлик худудларни ҳосил қилган. Ўзбекистондаги ҳамма тоғ тизмаларида. Қатламларининг қалинлиги унчалик катта бўлмасада, палеозой эрасининг охирги геологик даври перм ётқизиқлари устки қисмида триас, юра ва бўр даврларида пайдо бўлган чўкинди ва чўкинди-терриген ётқизиқлари ўрнашган бўлиб, бу чўкинди қатламлар палеозой тоғ тизмаларининг (вақтинчалик бўлсада баландлиги кўтарилиган. Киммерий эпохасида ёки баландликлар емирилиб, нураб йўқ бўла бошлаган. Фақат гипсометрик пастлик ва чуқурлик

релефларидағина ҳозирги вақтгача етиб сақланиб қолган. Бу қолиб кетган ётқизиқлар асосан қаттық кварцли құмтошлардан ва мергелли оқактошлардан ҳамда гилмоялардан ташкил топған. Зираубулок- Зиёвиддин (Ғарбий Ўзбекистон) тоғликларининг устки қисмидә юпқа қалинликдаги бүр қатламлари ҳам сақланиб қолған.

2. Донецк орогеник фазаси.

Қуйи юра даври ўрталари ҳаракатланиб Крим ва Донбасс иирик бурмаланиш структураларини шакллантирган. Ўзбекистондаги Ангрен вилоятларидаги күмир конларининг ўзида ва ён атрофларыда платформа структураларини шакллантирган.

3. Невадий, Верхоян ёки юқори киммерий орогеник-тектоник фазаси. Юқори юра даврининг охирларига түғри келади. Бу орогеник фаза таъсирида Верхоян-Чукот вилоятида, Кордильер тоғларыда, Жанубий Помирда ва Жанубий Тибетда баланд тоғлар юзага келған.
4. Австрия орогеник-тектоник фазаси. Қуйи бүр даврининг охирларидан бошланиб, юқори бүр даври бошланиши вақтида сүнганд. Ғарбий Овруподаги Алп структураларини дастлаб күтарилиши бошланған.
5. Ларамий орогеник-тектоник фазаси. Юқори бүр даври эпохасининг охири билан палеоген бошланиши чегарасида бўлиб ўтган. Ларамий фазасининг излари-қолдиқлари яъни геосинклинал күтарилишлари Шимолий Америкадаги қояли тоғликларда, Помир тоғ тизмаларида сақланиб қолған, янги бўлажак орогеник-тектоник эпохаси жараёнларига замин тайёрланған.

Бу эпоха-палеоген, неоген ва тўртламчи геологик даврларни ўз ичига олади.

Палеоген даврининг эоцен (ўрта палеоген даври) эпохасининг охирида бошланиб, тўртламчи даврининг плестоцен эпохасини бошланишидан олдин сўнганд.

Алп орогеник-тектоник фаза ўз навбатида 5 та нисбатан қисқа (кичик) фазалардан ташкил топған.

1. пиреней орогеник-тектоник фазаси эоцен охиридан бошланиб, олигоцен бошланиши биланоқ сўнишга дуч келған. Пиреней, Кавказ тоғ тизмалари пайдо бўлған.
2. Сав орогеник-тектоник фазаси палеоген даврининг охири билан неоган даврининг бошланиш чегарасида, Алп, Карпат, Капетдоғ, Химолай, Болқон, Атлас, Помир ва Олой тоғ тизмалари структураларини ҳосил қилған.
3. Штирий орогеник-тектоник фазаси неоген геологик даврининг миоцен эпохасининг ўрталарида бўлиб ўтган. Гендозия ороллари, Жанубий Америкада “тоғли ороллар занжири” ҳам биринчи бор кўтарила бошлаган.

4. Антик орогеник-тектоник фазаси, миоцен эпохаси охирида Шимолий Андда, Алп-Химолай худудларининг ғарбий қисмида тектоник ҳаракатланишларни вужудга келтирган.
5. Валлах орогеник-тектоник фазаси. Тўртламчи даврда ҳаракатланиб, Шарқий Осиё, Калифорния вилоятларида структураларни ва Ер шаридаги катта майдонларни ишғол этган рифт ётқизиқлари пайдо бўлган.

Ўзбекистон худудларида ҳам Алп орогеник-ҳаракатлар бўлганми деган савол ўз-ўзидан пайдо бўлиши муқаррар. Ўзбекистон худудларида Тяншан тоғ тизмалари ичida катта-кичик тоғ оралиғи ботиқлари, масалан, Фарғона, Норин, Бурчмулла депрессиялари юзага келган. Кучли тектоник ҳаракатлар яъни тоғ тизмаларининг кўтаришлари кузатилмаган бўлса ҳам, лекин қайд этилган фазаларда ва эпохаларда чўкинди ва терринен жинслар ётқизиқлар тўпланганлиги маълум. Жойлардаги тоғликларнинг баландлашганлиги ўша ётқизиқларнинг киммерий эпохасида юзага келган қатламларининг юқори қисмига жойлашганлигидандир.

Неоген ётқизиқларининг қалинлиги палеоген давридагига нисбатан жуда қалин, айниқса Ўрта Осиёнинг Жануби-Шарқида бир неча 100.м.дан Хисор ва Сурхон тоғлари жануби-ғарбидаги ботиқларда қалинлиги 2000м.гача етади.

Қуий неоген билан юқори неоген даври ётқизиқлари орасида қисқа вақт ичida чўкинди жинслар тўпланганлиги, жинсларнинг йириклиги ва уларнинг қизил, пушти рангларда бўлиши, бу даврлар оралиғида кучли тоғ бурмаланиши бўлганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, ҳар қайси жинс қаватларининг чўкинди жинслар орасида немос жойлашиши ҳам бу даврларда тўхтовсиз кўтарилишлар бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди. (Ш.Шораҳмедов, 1985)

Юқорида баён баён этилган ҳар бир босқетч шуни англатадики, уларнинг бошланиши ва тугалланиши худудларнинг кўтарилиши-баландланиши ва чўкинди билан ифодаланади. Худудларнинг кўтарилиши вақтида терриген ётқизиқларининг кўпайиши ва аксинча чўкиши-пасайиши вақтида эса ҳақиқий чўкинди жинсларнинг юзага келиши аниқланган.

Палеогеографик шароитлардаги йирик трансгрессия ва регрессия жараёнлари Ер юзида ҳар бир тектоник ҳаракатлари давомида тик-тебранма жараёнлар бўлиб ўтганлигидан далолат беради.

### **Неотектоник бурмаланиш эпохаси.**

Неотектоник бурмаланиш эпохасини, янги яъни энг ёш тектоник ҳаракатлар деб тушунишимиз даркор. Неотектоника атамаси юононча “неос”-янги сўзидан олинган бўлиб, айрим тектонист мутахассислар кайнозой эраси (олигоцен-миоцен геологик даврлари) давомида содир бўлган тектоник ҳаракатларни назарда тутсалар, академик В.А. Обручев ҳозирги тўртламчи даврдаги Ер пўстининг ҳаракатланиши янги бурмаланиш таъсирида бораётганлигини уқтириб, яъни неотектоник цикл (босқич маъносида) деб аташни таклиф этган.

Бу тектоник жараёнлар Ер юзидағи Ер пўсти тузилишига сезиларли дараәжада рельеф ўзгаришига таъсир қўрсатган. Янги шаклдаги структураларни юзага келтирган, қадимий яъни палеогеографик структура тузилишларини фаоллаштирган ҳамда Ер сайёрасининг ҳозирги замон шакли кўринишига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Булардан ташқари бир қанча юз йил бурун бўлиб ўтган вулкан портлаш ҳаракатларини, зилзилаларини, қолаверса кечаги, бугунги ва келажак вулкан отилишлари, содир бўлиб турган барча глобал зилзилаларни энг янги-неотектоник ҳаракатлар натижаси деб тушунтирмоқдалар, ҳақиқатдан ҳам шундай!

Энди навбат геохронологик жадвалга. Эътиборингизга шуни эслатиб ўтмоқчимизки, ушбу геохронологик жадвалда энг янги илмий маълумотлар, ҳайвонот олами бўйича янги ашёвий далиллар, Ўзбекистон худудидаги фойдали қазилма бойликлар (геологик даврлар бўйлаб), янги эра ва унинг қисқача таърифи ва х.к янги маълумотлар киритилган ҳолда тузилган.

### Геохронология жадвали.

### З-жадвал.

Эоналар	Эрала р ва уларн инг давом этган йили; млн.	Геологик даврлар давом этган йили; млн. индекслари.	Орогеник тек- тоник эпохалар	Даврларнинг бўлинмалари (эпоха) ва индекслари.	Асосий геологик палеогеографик воеа ва ходисалар.		Қазилма бойликлари ва айрим қўшимча маълумотлар.
1	2	3	4	5	6	7	
Ка- йн- оз- ой	<b>-Kz~ 66-67</b>	<b>Тўртламчи- ёки антропоген Q~ 2</b>	Алп оро ген ез тек тон ик хар ака тла ри.	<b>Замонавий- Q<sub>4</sub>.</b>	Босқичма-босқич бўлиб ўтган музланиш эпохалари; уларнинг эриб кетиши, худудларнинг музликлардан холис бўлиши; замонавий рельефнинг юзага келиши; материкларнинг бугунги ҳолда кўриниши; ҳозирги замон ҳайвонот ва ўсимлик оламининг пайдо бўлиши. Замон экологик вазиятининг хавфи; гипергенез жараёнининг ривожланиб бориши. Инсониятнинг Ер юзида пайдо бўлиши.	Қурилиш хом-ашёлари: қум, соғ тупроқ, ҳар хил шағал тошлар, харсанг тошлар; сочма олтин, платина, қалай, вольфрам конлари. Қимматбаҳо ва яirim қимматбаҳо жавохирлар, торф ва селитра катламлари.	
				<b>Юқори тўртламчи Q<sub>3</sub>.</b>	<b>Ўрта тўрт- ламчи- Q<sub>2</sub>.</b>	Кўйи тўрт- ламчи- Q <sub>1</sub> .	Кавказ, Карпат, Помир, Алп, Тян-Шан тоғ тизмаларининг навбюатдаги кўтарилиши; вулкан фаолиятининг фаоллашиши; Каспий, Орол, Қизил денгиз, Ўрта ер денгизларининг мустақил равишда ўз жойларини
		<b>Неоген-N~ 24</b>		<b>Плиоцен N<sub>2</sub>.</b>	<b>Миоцен N<sub>1</sub>.</b>		

					эгаллаши; юксак ўсимлик оламининг пайдо бўлиши ва ривожланиши;	ашёлари ва курилиш материаллари.
<b>Палеоген Палеоген F -41 -41</b>				<b>Олигацен F<sub>3</sub></b>	Мезозой эраси тоғ тизмаларининг емирилиши; Карпат, Крим, Кавказ, Помир, Копетдоғ тоғ тизмаларининг ривожланиши давоми; ёпик уруғликларнинг кенг тарқалиб ривожланиши; қушларнинг ва сут эмизувчиларнинг ривожланиши. Вулқон жараёнларининг фаолланиши.(Африка)	Қўнғир кўмир, нефть, газ, ёнувчи сланецлар; фосфорит ва бокситлар, тош ва бошқа туз конлари, чўкинди Fe, Mn, I, Си конлари. Сув ости ва Ер юзи хайвонот оламининг кўпайиши туёкли хайвонларнинг ривожланиши.
				<b>Эоцен-F<sub>2</sub></b>		
				<b>Палеоцен-F<sub>1</sub></b>		
Мезозой- Mz~1 71-175	Бўр K ~60-70.	Кимерија	<b>Юқори бўр K<sub>2</sub>.</b>	Карпат, Крим, Кавказ, Помир, Узоқ Шарқ, Копетдоғ тоғларининг қад кўтариши-пайдо бўлиши. Динозавр авлодларининг батамом кирилиб кетиши. Қушларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиб бориши, сут эмизувчиларнинг пайдо бўлиши, судралиб юрувчилар, сув ва осмон калтакесаклари ва бошқа.	Кўмир, нефть, ёнувчи сланецлар, фосфорит, боксит, бўр; қалайи, мишақ, сурма, олтин, кумуш, мис, қшрошин, уран ва х.к. очик уруғликларнинг хукмронлиги, палма, лавр, терак, тол ва бошқа.	
				<b>Қуйи бўр K<sub>1</sub>.</b>		
			<b>Юқори юра J<sub>3</sub></b>	Материкларда бурмаланиш жараёнлари, дарзликнинг пайдо бўлиши, магматизм жараёнлари; Тетис денгизининг ғарб томон чекиниши, Ҳинд океани учун замин пайдо бўлиши; Гондванада кескин ўзгариш, кучли трансгрессиялар; материк ички қисмida кўлботқоқлик ва лагуна ландшафтларининг юзага келиши ва кенг майдонларни эгаллаши. Иқлиминг иллик, иссиқ ва ҳатто жазирама бўлиши, ўрмон ва бошқа ўсимликнинг кескин равишда	Қўнғир кўмир, нефть, газ, ёнувчи сланецлар, каолин, фосфоритлар, боксит ҳар хил тузлари; Якутистон олмоси; ўсимлик дунёси ва хайвонот оламининг ривожланиши; Балик хилларининг кўпайиши;	
			<b>Ўрта юра J<sub>2</sub></b>			
			<b>Қуйи юра J<sub>1</sub></b>			

					ривожланиши. Динозаврларнинг хукмронлик қилиши, учувчи калтакесаклар, археоптерикс, сув аждарлари.	динозаврларнинг кенг кўламда кўпайиб бориши.
	<b>Триас Т 45-50.</b>		<b>Юқори триас T<sub>3</sub></b> <b>Ўрта триас T<sub>2</sub></b> <b>Кўйи триас T</b>		Материкларнинг (Гондвана, Лавразия) кўтарилиши, денгиз ва океанлар регрессияси, Тетис денгизининг ниҳоятда тораиши, троппли вулканнинг фаоллиги, қадимий тоғ тизмаларининг емирилиши, Ер юзи релефининг текисланиб бориши, Гондвана материгининг иккига бўлиниши, лагуна ландшафтларининг табора кўпайиб-кенгайиши; қадимий ҳайвонот оламининг кескин камая бориши, мезозой судралиб юрувчиларнинг пайдо бўлиши; Кордильер-Анд, Шарқий Осиё, Ҳинди-Хитой геосинклиналарининг фаол ҳаракатлари.	Тошкўмир, ҳар хил таркибли туз кон ҳавзалари, нефть. Магматик конлар: Au, Ag,Cu, Sn, Pb,Zn, Fe.ўрмон дараҳтлар кенг ривожланиши, очиқ уруғли игна барглилар, папоротниклар, гинколилар, цикадалилар, тошбақа, тимсоҳ, калтакесаклар. Аммонит, денгиз кирпилари, икки табақали молюскалар.
- Pz~33 0-355	<b>Перм Р 45</b>		<b>Юқори перм-P<sub>2</sub></b> <b>Кўйи перм- P<sub>1</sub></b>		Герцин орогеник-тектоник эпохасининг якунланиши, Гандвананинг иккига бўлиниши, Лавразиянинг яхлитлана бориши, Алп-Ҳимолай геосинклиналлари вилоятларида тропик, субтропик иқлим юзага келиши; АҚШ, Канада, Гренландия, Исландия, Скандинавия, Русс текислиги, Қозоғистон, Ўрта Осиёда арид иқлим хукмронлиги. Пареозавр, Иностранцевия сонининг тобора камайиши. Ўсимлик оламининг: игна барглилар, цикадалилар, гинколилар, кордайларнинг кўпая бориши, амфибияларнинг камайиши, фораминифера, аммонит ва брахиаподаларнинг	Тош ва калий тузлари, гипс, тошкўмир, нефть. Магматик конлар: Au, Ag, Cu, Pt, W, Mo, V, Be, Ni, Fe, Sn, Hg, Sb, Pb, Zn, Bi, U,Ta,Nb, CO.

				ривожланиши.	
--	--	--	--	--------------	--

#### **IV-боб. Ер сайёрасининг ривожланиш тарихи-палеогеографияси.**

##### **Ернинг тогеологик ва геологик тарихи.**

Ернинг тогеологик (геологик жараёнлар бошланмасдан олдин ёки «гача» деган маънода) тарихи ёки даври ҳақида фикр юритаётганимизда 5-6 млрд. йил бурун бўлиб ўтган ҳодиса ва воқеалар ҳақида илмий фаразлар, текширишлар натижасида олинган фикр ва тахминларга суюнишга тўғри келади.

Сайёрамизнинг тогеологик ривожланиш даври фазодаги космик материалларнинг бир орбита ва текислиги бўйлаб ҳаракати, муаян бир жойда тўпланиб жойлашиши, жипсланиши, янги-бўлажак сайёранинг пайдо бўлиши учун космик зарра ва бўлакларнинг дифференциацияга дус келиши, контракцион жараённинг авж олиши-зичланиш, сиқилиш каби воқеа ва ҳодисаларга тўғри келади.

Бу вақтда ҳеч қандай ҳақиқий геологик жараёнлар кечмайдиган космик давр ҳисобланади. Бошқачароқ тушунтирадиган бўлсак, Ернинг на ички қисмида, на ташқида эндоген, экзоген жараёнлар ҳали бошланмаган, магматизм ва вулкан портлаш ҳодисалари бўлмаган, демак ўз-ўзидан маълумки минераллар, тоғ жинслари ва фойдали қазилма бойликлар ҳам бўлмайди.

Мадомики, бу тогеологик даврларда қандай воқеа-ҳодисалар юз бериши мумкин.

Бундай воқеқ ва ҳодисаларни тушунтириб бериш мақсадида олимларнинг Ер сайёраси ёки умуман Қуёш системаси пайдо бўлиши ҳақидаги илмий фаразларни эслатиб ўтиш зарур. Олимлар И.Кант, П.Лаплас, Джинс ва Ж.Бюффон Қуёш системасининг, жумладан Ернинг ҳам пайдро бўлиши ҳақида юргизилган фикри бўйича, аввалида коинотда катта туманлик бўлган. Бу туманликнинг зарралари иссиқ ҳолда бўлиб, ўз марказининг атрофида айланба бошлаган.

Айланиш ҳаракатининг тезланиши марказ томон тўпланиш ҳодисаси рўй берган. Бу ҳодиса давомида умумий туманликдан ажралган алоҳида бир ҳалқа юзага келган. Ҳалқанинг ичидаги модда ва зарралар кейинчалик ўзаро ўралиб, тўпланиб юмолоқлашган. Шунингдек, ҳодиса ва воқеалар бошқа уфқларда ҳам бир қанча сайёralар ва ҳатто уларнинг йўлдошлари ҳам пайдо бўлган.

Бизнинг мисолимизда Ер ва унинг йўлдоши Ой пайдо бўлган. Ўртада қолган оловсимон ҳолидаги (чўғсимон) туманликдан Қуёш пайдо бўлган. Планеталар асосий марказ ҳисобланган Қуёш атрофида ва бир текислик юзасида айланади.

Шундай савол туғилиши муқаррар, ҳалиги юқорида айтиб ўтилган туманлик қандай пайдо бўлган. Ўша туманлик фазосида Қуёшдан бир неча млн. маротаба катта бўлган Қуёш каби ёниб-порлаб турган фаэтон деган юлдуз портлаб кетган, оловсимон зарра ва бўлаклар ҳар тарафга ёйилиб кетиб туманликни пайдо қилган. Фаэтон юлдузнинг портлаши ҳақида фараз маълумотлари яқин кейинги йилларда пайдо бўлди. Бордан йўқ бўлмайди деганларидек.

Сайёрани бунёд этган (Ер ҳақида сўз бораяпти) зарра ва бўлаклар таркибида радиоактив моддалар ҳам бўлган, шундан радиоактив емирилиш ёки бўлажак сайёранинг радиоген холатига ўтиш назарияси пайдо бўлди.

Кейинги радиоактив реакциялар ва уларнинг ҳосила ва натижалари, энди Ернинг геологик ривожланиш тарихи-даври билан боғлиқ бўлади.

Ер сайёраси илк бор совуқ холатида бўлган, кейинроқ эса радиоактив реакциялар авж олгандан сўнг эса бир мейёрда эмас, балки радиоактив

реакциялар содир бўлган қисмида, айтишларича Ернинг ҳозирги ядросида ўта қизиш жараёни хукмронлик қилган; ядро қисмидаги оловсимон массалар анашу тариқа юзага келган.

Бу фараз тушунча тарафдорлари В.Г.Фесенков, О.Ю.Шмидт, Б.Ю.Левин, А.П. Виноградов, Г.В. Воткевич ва бошқалардир.

Мутахассис олимларнинг илмий маълумотларини тахлил этиб кўрсак, жуда қадимий вақтларда Ерда радиоактив минерал хом-ашёларнинг микдори нисбатан кўп бўлган экан.

Вақт ўтиши билан радиоактив хом-ашёларнинг парчаланиб кетиши туфайли, уларнинг микдори камайиб бораверган ва натижада ҳозирги замон заҳираси даражасига этиб келган, бу захиралар Ер пўсти таркибида минералл маъданлар холатида сақланиб қолган.

Масалан, бундан тахминан 4.5 млрд. йил бурун Уран-238 изотопининг заҳираси шу кунга нисбатан 2 маротаба кўп бўлган. Бундан ташқари аввалги қадимий геологик даврларда, ҳозирча бизга номаълум бўлган – “Узок вақтлар мобайнида эмас, балки тезда радиоактив тарзда парчаланиб сўнадиган” изотоп хом-ашёлар мавжудлиги маълум бўлмоқда. Уларнинг парчаланиш даври нисбатан қисқа 10 млн. йилдан тортиб, то 1 млрд. йилгача давом этган. Ернинг ёши эса 6 млрд. йил деб тан олинмоқда.

Бу радиоактив изотоплар қаторида қандай элементлар (унсурлар) бўлиши мумкин?

Калийни сунъий ёки табиий равища атомларини барбардимон қилинса  $K^{40}$ , аргондан  $Ar^{40}$ , С (карбон)-дан  $C^{12}$  ва  $C^{40}$ , Со (кобалт) ҳисобидан Со-радиоактив изотопи, Н ҳисобидан, водород радиоактив хили пайдо бўлади. Келтирилган мисолларга далил сифатида шу кунларда уран изотопининг атомини парчалатиб плутоний-янги урандан ҳам кучли радиоактив металл-элемент ишлаб чиқарилмоқда.

Демак, юқорида қайд этилган бир элементнинг парчаланиши ҳисобидан иккинчи изотопнинг пайдо бўлиши Ер ядроси ва мантия уфқларида кечиши ҳакиқатга тўғри бўлиб чиқаяпти.

Бизга анашу ҳодиса маълумки Ернинг ички кесими концентрик тузилишига эга; 11-расмга разм солинг. Бундай тузилиш-геосфера деб аталади.

11-расм. Ернинг кўндаланг ички кесими, унинг концентрик тузилиши.

Геосферанинг юзага келишига асосий сабаб: Сайёра таркибидаги моддаларнинг дифференциацияга учрашиш жараёнидир, яъни моддаларнинг алмаштирма оғирликлари ва кимёвий хоссалари бўйича ўзига хос ва мос жойларни-уфқларни танлаб олиш, тақсимланишидир.

Масалан, оғир элементларнинг пастки уфқларга интилиб жойлашиши ва аксинча енгил элементларнинг юқори уфқлар томон ҳаракатланиши яққол мисол бўлаолади.

Шунинг учун ҳам бўлса керак, кўпчилик геохимик-минералог олимлар Ер мантиясининг ички-пастки уфқларида элементлар-металлар ўз

солиширма оғирликларига бўйсинган холда навбатма-навбат-қатлам-қатлам таркибда жойлашган, деган фаразларни илмий ходимлар мухокамасига тақдим этганлар.

Масалан, энг оғир металл-элемент платина-солиширма оғирлиги-21; олтин-15-19гача (олтин қанчалик соф тоза бўлса, унинг оғирлиги шунчалик ортиб боради), қумушники 10-11, темирники 7-8, мисники 8-9, кўргошинники 7-8, волframники 7-7.5, қалайи- 6-7, барийники 4-5, олмос-3.5, кварцники 2-3 ва х.к.

Агар Ер бағрида кечадиган диференциация қонунияти ҳақиқатдан ҳам тўғри бўлиб чиқса, унда юқорида келтирилган металл-элементлар ўша солиширма оғирликлари тартибида жойлашган бўлиши керак. Бироқ бу муаммони ҳозирги кунда ечиб ҳал қилиб бериш жуда машақкат, чунки ҳозирги йиллардаги қазилаётган чуқур , ўта чуқур бурғулаш қудукларининг чуқурлиги энди 16 км масофагача бориб етди. Бундай ўта чуқур бурғулаш ишлари Кола ярим оролида, Алшерон ярим оролида, Марказий Сибир ўлкасида, АҚШдаги Арканзас, Техас, Оклахома штатларида ишлаб турибди, аммо лекин бу чуқурликларда (15-16км) ҳозирча металл-элементларнинг солиширма оғирликлари тартиби бўйича жойлашиш шароитлари аниқланганича йўқ, сулфидларни ташкил этувчи кўпчилик минералар (8500-9000-10.112 метрлар чамасида) эритма холида бўлиши аниқланди, ҳарорат илгари вақтда тахмин қилинган ҳарорат градиенти тасдиқланмади, аксинча ҳарорат қутилгандан даражадан бир қанча юз маротаба ошиб кетди. Балки металл ва нометалл элементнинг ва улар биркмаларининг навбатма-навбат ёкиетма-кет жойлашиши кейинроқ чуқурроқ уфқларда намоён бўлиши мумкин. Буни албатта келажак бурғулаш ишлари натижалари аниқлаши мумкин. Ер пўсти юқори қисмларида аввалига (қўйи қисмида) силикат моддалар, кейин эса алюмо-силикатлар қаватлари жойлашиш фазалари ҳам ҳозирча тасдиқланганича йўқ.

Юқорида айтиб ўтилган уфқларджа металл ва нометалл моддалардан ташқари, улар орасида радиоактив минераллар, элементлар ва уларнинг изотоплари биргаликда муаян муҳитларда ассимиляцион, диффузион ҳамда ўзаро модда алмашув жараёнлар ўтиб бўлганидан сўнг мана энди эндоген геологик жараёнлар бошланиб, Ер пўстида, мантиясида ҳақиқий геологик ривожланиш даври юзага келади.

Ернинг геологик ривожланиш тарихида геотемирлик омиллар ҳам ўз таъсир кучини кўрсатадилар.

Геотермия ёки геотермика- Ернинг ҳарорати ҳақидаги билим. Шунга кўра, Ер юзини қуёш ўз нурлари билан иситиб туради. Бу иссиқлик таъсири 20-30 м. чуқурликкача етиб боради; тоғ жинсларининг ҳарорати (юқори қисмида-юзасида) нисбатан паст бўлганлиги сабабли қуёшдан тушаётган иссиқликни тезда қабул қилиб олади.

Ер пўстининг остки қисмидан пастга тушган сари ҳарорат ортиб боради. Бу ҳарорат Ер ядроси, қўйи ва юқори мантияларидан доимо кўтарилиб чиқиб туриб, юқорида айтилган ўзаро модда алмашинув ҳодисаларига катализатор вазифасини ўтайди.

## **Катархей эраси ҳақида.**

Катархей эрасининг маъноси юонча ката-күйи, пастки; археос-қадимий деган маъноларни англатади.

Геологик қидирув ишлари ва илмий изланишлар архей эрасидан олдинги яъни катархей эрасига мансуб бўлган мустақил тоғ жинслари (комплекси) мажмуаси ҳозир ўз исботини топмаган-деса айрим олимлар, бошқалар масалан, рус литолог олими Ю.П.Казанский Катархей эраси давомида ҳосил бўлган кварцитлардан иборат метаморфик жинсларни аниқлаган. Кварцитларни синчиклаб кечирилса, унинг орасида газ ва сувтомучисимон қолдиқлари аниқланган. Бу қолдиқларни кимёвий тахлил қилиб эса, Катархей эрасининг атмосфера таркибини аниқлашга муваффақ бўлди. Унинг маълумотига кўра карбонат ангидриди 60% ташкил этган, яна азот, аммиак, олtingугурт-водороди, олtingугурт гази, туз ва фтор кислотасининг буғлари борлиги аниқланган.

Уларнинг ҳарорати Ер юзи ҳароратига тўғри келган. Сув буғлари ҳам сероб эканлиги маълум бўлгач, катархей эрасидаёқ гидросфера мавжудлигини асослаб берди. Демак, ЕР юзида гидросфера мавжуд бўлган бўлса, чўкинди жинслар ҳам ҳосил бўлган бўлиши керак, деган холосага келган. Шундай чўкинди жинслар гренландиядан ва Жанубий Африкадан кейинчалик топилди, уларнинг ёши 3.8 млрд. йил бўлиб чиқди. Яна шуниси ажабланарликки бу млрд. йил метаморфизм жараёнига йўлиқкан даврига тўғри келди, жинсларнинг ҳақиқий ҳосил бўлган йили ундан ҳам қадиийроқ бўлиши керак.

Денгиз сув ҳавзаларидаги барча анионлар, Ер мантиясидаги содир бўлаётган дегазация, яъни мантиядан газлар чиқиб кетади, ктионлар эса тоғ жинсларининг нураш жараёнида пайдо бўлади.

Бу фикрни ўз вақтида академик А.П.Виноградов тасдиқлаб берган. Ҳақиқатдан ҳам шундай эканлигини кейинги илмий кузатишлар исботлаб берди.

Масалан, денгиз сувлари таркибида хлор ва бром анионларининг микдори, тоғ жинслари таркиbidаги хлор ва бром анионлари микдоридан бир қанча ўн, ҳатто бир қанча юз маротаба кўп экан. Катархей эраси давомида атмосферада кислороднинг бўлмаганлигини қандай омиллар тасдиқлайди, деган саволга магматик ва чўкинди жинслар орасидаги тезда оксидланиб кетадиган темирнинг минерали-пирит, ураннинг минерали-уранинит тўла-тўқис ўзгармасдан сақланиб қолган, иккинчи омил сифатида олtingугуртнинг оксидлари учрамаслиги тасдиқлаб турибди.

Катархей эраси давомида узоқ вақт орасида кислороднинг йўқлиги ўша вақтда атмосферада аzon қатлами бўлмаганлиги ҳам аниқланди. Шунинг учун Ктархей эраси атмосфераси Қуёшдан келаётган ултрабинафша нурлари бемалол ҳеч қандай тўсиқсиз ўтиб тураверган. Шундай экан, Катархей эраси давомида Ер сайёрасида денгиз ва океан сув ҳавзалаида тирик жонзодлар яшаганлиги тўғрисида умуман гап юритишни кераги йўқ дейдилар, илмий изланишларни олиб борган мутахассис олимлар.

Катархей эраида юзага келган турли генетик хилдаги тоғ жинслари таркибида фауна ва флора қолдиқлари ҳозир топилганича йўқ.

Шу вазиятда озгина бўлсада баҳслашишга тўғри келяпти: юқорида кўп мутахассис олимларнинг ҳар хил фикр ва мулоҳазаларини келтирдик.

Қадимий физик-географик шароитларида-катархей эраси давомида, на атмосфера қатламида ва на денгиз океан сув ҳавзаларида кислород бўлмаган деб гап юритдик. Аммо лекин гидросфера яъни океан ва денгиз сув ҳавзалари бўлғанлиги тўғрисида маълумотлар берилди. Сув ҳавзаларининг таркиби водород ва кислородлардан ташкил топганку. Шундай экан, нега кислород умуман бўлмаган деган мулоҳазага тақалиб қолдик?

Балки бундай мулоҳаза ичди ҳавода (атмосферада) ва сув ҳавзаларида соғ кислород яъни якка ва холис кислород бўлмагандир. Бу масалани ечиш-диалог олиб бориш сиз азиз ўқувчиларга ва бошқа мутахассисларга ҳавола этилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, таҳминан 3.5-3.8 млрд. йил бурун- бу албатта Катархей эраси даврига тўғри келади, айни ҳаёт белгилари аниқланган бўлса, демак ҳаёт белгиларини англатувчи жонзодлар кислород қабул қилиб яшовчи ва кислород ажратиб берувчи организмлардан анча бурун яшаган бўлишлари мумкин, булар албатта кислородсиз яшашга мослашган бактеялар бўлиши мумкин.

Йиллар, асрлар ўтиши билан, илмий изланишларнинг давом этганлиги туфайли қадимий жонзодларнинг турли хилларини аниқлаб беришга муваффақ бўлинмоқда. Аслини олганда Катархей эраси бўлиб ўтганлиги ҳақида ҳам маълумотлар йўқ эди.

### **Архей эраси ҳақида.**

Архей эраси 3.5-4 млрд йил илгари бошланиб, 2.6 млрд йил бурун тугаган.

Архей эраси ландшафтларининг тузилиши бир хил турда бўлғанлиги маълум. Бу эрада тоғ тизмалари бир чизик йўналишида, йирик тоғ массивлари, плато ва куэстое тепаликларидан ҳамда бир текисдаги ясси тоғ каби баландликлардан иборат бўлган.

Архей эрасига таълуқли бўлган тоғ жинсларини, аслида протерозой эрасида ҳосил бўлган тоғ жинсларидан ажратиб олиш ва уларга тавсиф бериш анча машаққат. Чунки улар ҳосил бўлганидан сўнг, кучли деформацияга, регионал метаморфизмга, жуда мураккаб бурма ва ёрма ҳамда тебранма ҳаракатларига дуч келганлар. Бу омиллардан ташқари яна архей ва протерозой эраларида ҳосил бўлган жинслар вулқон лавалари, интрузив магматик ва чўкинди жинслар билан аралашиб кетган, боз устига кучли босим, юқори ҳарорат таъсирида илк холатлари, минералогик таркиблари, фауналари ва х.к. билинмас даражада ўзгариб кетган.

Шундай бўлишига қарамай қўйидаги тоғ жинслари фацияларини тиклашга эришилган.

1. Яшил тусдаги сланецлар. Булар қаторига хлоритли сланецлар, серицит-хлоритли сланецлар киради.

Таркиби асосан хлорит, актинолит, эпидот ва бошқа минераллардан ташкил топган. Хлорит минералининг ранги яшил бўлади, шунинг учун бу жинслар яшил тусда товланади.

2. Амфиболитли фация сланецлари. Таркиби асосан амфомбол минералларидан ташкил топган. Бу жинслар гнейтелар ва кристаллик сланецларидан иборат.

3. Гранулитли фация. Бу фация қаторига доналари майдада гранат минералларидан иборат гнейслар, чарнокитлар яъни таркибида гиперстен ва пироксенларга бой бўлган сланец жинслари киради.

Юқорида қайд этилган жинсларнинг мутлоқ ва нисбий ёшлигини синчиклаб ўрганиш туфайли ҳозирча қуидаги геохронологик жадвал тақдим этилган.

4-жадвал.

Эралар	Бўлимлар	Эпохалар		Қуий чегара йиллари Млн. йил ҳисобида.	
Протерозой PR	Юқори- PR <sub>2</sub>	Венд -V		— 650-680 1050 1400 1650 2600 3000	
		Рифей-R	Юқори- R <sub>3</sub>		
			Ўрта- R <sub>2</sub>		
			Қуий- R <sub>1</sub>		
Архей-AR	Қуий- PR <sub>1</sub>				
	Юқори- AR <sub>2</sub>				
	Қуий- AR <sub>1</sub>				

Архей эраси бўйича мутахассис олим (миллатипольшалик) проф. З. Валенчак ажабтовур янгиликларга дуч келиб қолди. Бу олим архей эрасида юзага келган метаморфик жинсларни оптик ускуналарда текшира туриб, жинслар ичида организмларнинг “сояга” шаклларни кўриб қолди. Бундан ташқари яна шакли ва катталиги бўйича қўзиқорин ва сувости ўсимликларининг тошқотган қолдиқларига кўзи тушди.

Бу организмлар қолдиқларини топиш кутилмаган ҳодиса бўлди ва Архей ҳамда протерозой эраларининг ҳайвонот дунёси бўйича аввалги фикрлар батамом ўзгарди. Профессор З. Валенчакнинг фикрича Архей эрасида ёқ умуртқасиз ҳайвонот олами хилма-хил ва кенг кўламда ёйилган ва кўп хужайрали жонзодлар яшаганлигини исботлади.

Жанубий Африка, Греландия, Австралия, Украина ва Болтиқ бўйи мамлакатлари худудидаги қадими жинслар ичидан бактерниялар қолдиғи яшил-кўк ипсизмон чўзилган сув ости ўсимликларининг қолдиғи, строматолитлар, чувалчангсимонларнинг қолдиқларини топдилар. Уларнинг

яшаш вақтлари эса архей ва протерозой әраларига түгри келди- мутлоқ ёши 3.7-3.0 млрд. йил бўлиб чиқди.

Иқлим шароити: Ер юзасида Архей эраси даврида иссиқ иқлим бўлиб ўтган деган тахминлар бор. Бунга сабаб бу эра давомида ҳамон радиоактив парчаланиш жараёнлари, атмосфера қатламлари қалин бўлмаганлиги сабабли қуёш нури тўла-тўкис ер юзасига тушиб туришидир. Яна бир далил-бу эра давомида Ер юзида музлик даври бўлмаганликлариданdir.

12-расмдаги чизмага эътибор беринг.

### **Протерозой эраси ҳақида.**

Протерозой эраси тахминан 2.5-3 млрд. йил бурун бўлиб ўтган. Давом этган йили 2 млрд. йимл атрофида.

Протерозой эрасидаги юзага келган тоғ жинслари қатламлари жуда қалин, чунки ўша эра давомида Ер сатҳидаги букилма ва ботиқликлар худудлари бир мейёрда ва узоқ вақт давомида амалга ошган ва тахминан 2 млрд. йил давомида ҳар хил жинслар тўпланаверган. Чўкинди жинслар билан бир қаторда қум қатламлари жуда кўп ҳосил бўлган. Кейинроқ-палеозой эраси бошланмасданоқ қумлар тўплами кучли метаморфизм таъсири остида кварцитга айланган.

Қумнинг таркиби тоза ранги оқ тусда, таркибий қисми асосан тоза ва оқ кварцдан ташкил топган. Кўпчилик геологлар атмосферадаги кислороднинг пайдо бўлиши ва унинг фоиз миқдорини кўпайиши биологик жараёнлар билан боғлиқ бўлса керак деб тушунтиришга ҳаракат қиласилар.

Бу тушунчага асосий омил сифатида протерозой эрасининг бошланишидаёқ ва ундан кейинги даврларида ҳам «строматолит»ларнинг ниҳоятда кенг кўламда кўпайганидир.

Строматолит юонча строматос-тўшак, тўшама, литос эса тош, жинс деган маънени англаради. Геологик тушунчасига келсак денгиз, океан сув ҳавзалари остида карбонат бирикмаларидан ташкил топган тўшама; тўшаманинг тузилиши, нотекис, бўртмаларини юзага келтирган сатҳ (рельф сатҳи) ва уларнинг ички тузилишлари ҳам жуда мураккаб бўлади. Строматолитлар чўкинди жинсларнинг таққослаб бўлмайдиган айrim хили бўлиб, тубан сув ўсимликлари кўк-яшил вва бошқаларнинг ҳаёт фаолияти давомида, чўкиндилардан ҳосил бўлади. Айrim жараёнларда бактериялар ҳам фаоллигини кўрсатади.

Улар оҳактошларни юзага келтиради, сув ҳавзаларида магнит элементи бисёр бўлса-доломит ёки доломитли оҳактошларни ҳосил қиласи. Уларда органик хужайралар мавжуд, шунинг учун фотосинтез жараёни тезда амалга ошади: хужайралари карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ ) ни ютиб, ҳаёт фаолияти давомида тоза кислородни ( $\text{O}_2$ ) ишлаб чиқаради.

Строматолитларнинг айrim хиллари архей эрасида ҳосил бўлган жинслар орасидан ҳам топилган, лекин уларнинг кенг кўламда авж олиб ривожланиши қуий артерозой жинслари орасидан аниқланди, ёши 2000 млн. йил бўлиб чиқди. Строматолитларнинг кислородни кўпайишига сабаб бўлганлигини шиддатли равишда қизил тусга кирган жинслардан билиб

олиш мумкин. Қизил тусдаги жинслар- қизил рангга бўялган чўкинди жинслардир. Бу чўкинди жинсларнинг қизил рангда бўлишига сабаб, жинслар таркибидаги майда доначалар холида учрайдиган темир оксиди-гематит билан боғлиқ. Демак, шу муҳитда ўша протерозой эрасида соф кислород бисёр бўлиб темир минералларини оксидлантирган, оксидланган темир моддаларнинг ранги яъни темир занги қизил, қизғиши, сариқ тусда бўлади.

Протерозой эрсида юзага келган жинслар қаторига яна қўйидагилар киради (жойлашиш тартиби пастдан юқорига қараб): нордон таркибдаги интрузив магматик жинслар (булар қисман архей эрасига ҳам таълуқли), асосли таркибга эга бўлган эффузив-магматик жинслар, ултрасосли интрузив-магматик жинслар, мармартрошлар, кейин яна эффузив жинслар танаси қайтарилади, қадимий кенгломератлар қатлами ва ёнувчи сланецлар қатлами; шунинг билан протерозой эраси стратиграфиясига якун ясалади. Кейин палеозой эраси ётқизиқларигача навбат келади.

Архей-протерозой эрасининг стротиграфик тузилиши 12-расмда ифодаланган.

12-расм.

### **Органик дунёси.**

Протерозой эрасига тегишли органик дунё деярли барча континентларда учрайди. Қуији протерозой даврида асосан кўк-яшил сув ости ўсимликлари кенг тарқалган ўлса, юқори пртерозой даврида улар ёнига яшил ва қизил рандаги сув ости ўсимликлари пайдо бўлиб қўшилади.

Бентос тарзда кун кечирган сув ости ўсимликлар қаторига энди планктон тарзда кун кечирадиган сув ости ўсимликлари пайдо бўлади.

Рифей эпохаси даврида балчик (органик ва ноорганик балчик) шароитида органик дунёси билан кун кечирадиган ва копролит (юононча-копрос яъни гўнгисимон масса)лар яни чувалчангисимонлар, малюскасимонлар пайдо бўлдилар. Бу жонзодлар энди кўп хужайрали туркумга кирувчи илк жонзодлардир. Венд эпохаси даврида спорали ўсимликлар пайдо бўлганлиги маълум; яна бўғимоёқлиларга ва игнатиканлиларга ўхшаш тирик жониворлар яшайверадилар.

Палеонтолог олим М.Глесснер (1977) Венд эпохаси даврида яшаган фауналарни ҳисобини қилиб, қуйидаги хулосага келган: Ковакичлилар туркумiga кирувчи жонзодлар 67%ни, чувалчанглар ва чувалчангисимонлар 25%ни, бўғимоёқлилар тахминан 5% ташкил қилган.

Архей, пртерозой фауна ва флораларининг аниқлашда жонбозлик қўрсатган олимлар: Австралия олимлари- Р.Сприч., М.Глеснер., М.Вейд., Р.Дженкинс., немис олими-Г.Пфлю., рус олимлари-Б.С.Соколов., М.А.Федонкина., В.М.Пали ва бошқалар.

Протерозой эраси органик дунёсининг яхши ва кўп микдорда сақланиб қолган жойларининг географияси қуйидагича: Австралия, Канада, Жанубий Африка, Сибир, Подолии, Оқ денгиз қирғоқлари, Болтиқ бўйи мамлакатлари, Скандинавия ярим ороли, Англия, АҚШ.

13,14-расмларда протерозой эрасининг биотаси келтирилган.

15-16-расмлар.

### **Протерозой эрасининг иқлим шароити.**

Архей эрасининг физик-географик шароитларида, тог жинсларида, қуи ва юқори эпохалариджаги стротиграфиясида иқлимининг совуқлиги ёки музликлар тўплами ҳақида ҳеч қандай омиллар йўқлиги туфайли бу эранинг иқлими иллиқ ва иссиқ бўлган деган хулоса чиқарган эдик.

Протерозой эрасининг қуи эпохасида эса Ер ривожланиш тарихи мобайнида биринчи маротаба энг қадимий музлик қопламалари бўлганлигидан дарак берувчи омиллар аниқланди.

Музликларнинг эриб кетиши натижасида музликлар ҳосил бўлган жинс қатламлари аниқланди.

Гурон қуи вилоятида, Канада худудларида ҳақиқатдан ҳам иқлим кескин равишда совиб ктиб муз қатламлари пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар тикланди. Музлик давридан қолиб тўпланган жинсларнинг қалинлиги 12000 м. атрофида бўлиб, Зта қатламдан иборат формацияни музликларнинг геологик фаолиятлари натижаси деб ҳисоблашга ўрин бор. Шу Зта муз формацияларининг ҳар бири Зта нисбатан кичик эпохаларни ўз ичига олган музликларнинг ҳосиласидир. Уларнинг ҳаммасини жамлаштири-“Гурон” музлик даври деб ном берилган.

Гурон музлик эпохаси майдонининг катталиги тахминан  $120.000 \text{ км}^2$  атрофида бўлган.

Бу майдонларда худди плейстоцен эпохасидаги музликлардаги жудаям ўхшаш бўлган мареналар қатлами аниқланди. Бу мореналарнинг манбайи, теширишлар га биноан, ҳархил жойлардан ва узоқ масофалардан сурилиб келганлиги ҳам аён бўлди. 2 нчи ва 3 нчи қатламларда қум заррачаларидан иборат бўлган қатлам, алевролитлар ва тупроқсимон ётқизиқлар мавжуд.

Бу қатламлар юқорисида эса ҳақиқий музликлар қолдиги ҳисобланган-тиллитлар қоплами ҳосил бўлган. Булардан ташқари, Гурон музликлардан қолган жинслар орасида кесилган, рандаланганга ўхшаш жинс бўлаклари мўл-кўл булар музликларнинг геологик фаолиятлари натижасидир. Яна энг ишончли омиллардан жинс бўлаклари ости ва устида тирналган чизиқлар ва қояларда теп-текис ойнасимон деволлар сақланиб қолган.


Қуи протерозой эрасининг юқори эпохаларида, яъни юқори протерозой эпохасининг бошланишидан сағал олдин иқлим шароитти ўзгарди; бу вақтда Ер сатхининг юзаси бутунлай музликлардан холис бўлди. Иқлим яна илиқ ва иссиқ холатига ўтди.

Бу масалада мисолларни қайта изоҳлашга ҳожат йўқ, чунки юқоридаги бобларда палеоиқлим шароитларини тиклаш баёнларида батафсил эритилган.

Тахминан, 800 млн. йил ёки 1 млрд. йил ўтгандан сўнг яна иқлим шароитида (протерозойда) кескин ўзгариш бошланди. Аникроғи юқори протерозой эпохасида Ер юзида иккинчи маротаба музлик даври вужудга

келди. Бу музлик даври то фанерозой эони бошлангунга қадар давом этди. Бу иккинчи қадими музлик даври тахминан 400-430 млн. йил давом этди. 17-расмга разм солинг.

Шимолий Америка, Жанубий Африка ва Австралия қитъаларидаги музликларнинг ҳосиласи –тиллитли жинслар кейинчалик вулқон жинслари билан қопланиб кетган; вулқон жинсларининг мутлоқ ёши 2 млрд. 2000 млн. йил бўлиб чиқди. Тиллит қатламигининг қалинлиги 870 м. гача боради.



17-расм. Токембрый геологик даврлар мобайнида Ер юзида бирламчи-энг қадими муз босиш эпохалари. (Г.Янг бўйича, 1982). Музлик даври эпохалари ва музликлардан холис бўлиш даврларининг йил кўрсатмалари тахминий равишда аниқланган.

Ер юзида юқори протерозой эраси музликларининг географик тарқалиши дунё харитасида кўрсатилган.

18-расмга қаранг. Харитадаги қора нуқталар муз босган худудларни англатади. Харитани Г.Янг тузган (1982).

#### **Токембрый геологик даврларининг фойдали қазилма бойликлари.**

Фойдали қазилма бойликларининг ҳосил бўлиши. Ер сайёрасининг геологик ривожланиши тарихидаги табиий ва ажратиб бўлмайдиган жараён

ва воқеалардир. Шунинг учун ҳам ҳар бир геологик эра ва унинг даврларида хоҳ чўкинди жараёнлар билан боғлиқ бўлсин, хоҳ магматик жараёнлар билан юзага келган бўлсин бир-бировларидан генетик фарқ қиласидиган қазилма бойликлар ҳосил бўлиши аниқланган. Демак, Архей ва протерозой эраларида ҳосил бўлган қазилма бойликлар ҳам бошқа эралардан конларнинг генетик хили, унинг захиралари, кимёвий ва минералогик таркиблари, географик тарқалиб жойлашиши ва х.қ. билан ажралиб туради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, у ёки бу генетик хилдаги конлар архей эрасига таълуқли ёки бўлмаса мана бу конлар протерозой эрасида ҳосил бўлган деб аниқ айта олиш жуда қийин, чунки токембрый даврларида ҳосил бўлган барча конлар кучли метаморфизм таъсири остида, тектоник ҳаракатлари натижасида, магматизм ҳамда вулқон жараёнлари муносабати билан батамом ўзгариб кетган. Бирламчи холатларнинг хосса ва хусусиятлари кескин ўзгарган ва х.к.

Бас, шундай экан умумий тарзда бир йўла токембрый қазилма бойликлари тўғрисида сўз юритамиз.

Ушбу сарлавҳада яна, навбатдаги ҳамма ўкувчилар учун қизиқарли бўлган фикрларни уқтириб ўтишни лозим топдик.

Ҳозирги вақтда Ер сайёрасининг мутлоқ ёшини 5.5-5.7 ҳатто 6 млрд. йил деб ҳисоблаётирлар.

Агар, Ернинг шу мутлоқ ёшини 100% деб қабул қилсак, шундан 85%га тўғри келадиган физик-географик ва геологик тарих ўз ўрнини олган.

Бу тарих қаторига Катархей, Архей ва Протерозой эраларига киради; бу деган сўз криптозой эони Ер ривожланиш тарихининг 85%ни ишғол қилган. Қолган 15% геологик тарихнинг ривожланиши палеозой, мезозой ва кайнозой эраларига яъни фанерозой эонига тўғри келяпти.

15%ли ривожланиш тарихни нисбий арифметик йилга айлантиrsак фанерозой эони нисбатан жуда қисқа-570 млн.йил (геологик вақт назарда тутилади) бурун бошланган холос.

Токембрый даврларида сайёрамизда учрайдиган темир конлари захирасининг 90% (дунё темир маъдани қазиб чиқаришнинг 65%зи), титан конлари ҳам шундай, олтин конларининг 70%, уран ва никел конлари ҳам шундай, мис ва марганецнинг 25%, мусковит ва флогопит (изоляция хомашё) конларининг 100% ҳосил бўлган.

Темир конлари ичida метаморфизм жараёнлари билан боғлиқ бўлган темир маъданига бой бўлган кварцитлар (джеспилитлар) биринчи ўринда туради.

Маслан, Курск-агник-антомияси темир кони, Кривой рог, Кременчуг шулар жумласидандир.

Чет эл конларидан: Бразилия темир конлари, Канада (Лабрадор ярим ороли), Хиндистон, Австралия, АҚШ (Верхнее қўли) мисол бўлаолади.

Токембрый даврларида темир чўкинди конлари ҳам юзага келган-Ангаро-Питск ҳавзаси, Жанубий Урал тоғидаги Бакал кони, Якутистоннинг (Саха республикаси) жанубдаги темир конлар шулар жумласидандир. Юқори архей конгломератлари таркибида олтин, уран конлари бор. Маслан,

Жанубий Африка Республикасидаги- Витватерсранд, Блайнд-Ривер (Канада). Россиядаги Енисей Ўлкасидаги магматик олтин конлари ёши ҳам шу даврларга тўғри келади.

Саноат талабларига жавоб берадиган захираларга эга бўлган комплекс конлар-мис, никел, кобалт, платина асосли таркибдаги магматик жинслар билан генетик боғлиқ конлар-Канадада, Жанубий Африка Республикаси (Бушвельд) Зимбабе (Улуғ Дайка) дан топилган. Шу конлар ичида ва атрофида хромит захиралари ҳам кўп. Мис конлари (чўкинди мис конлари бўлса керак) катта ҳавзалари- ҳалқалари Жанубий Африкада, Замбия ва Заир республикаларида жойлашган. Марганец конлари захираларини тўртдан уч қисми Ж.А.Р. (Посгмасбург), Ганада (нсута) ва Хиндистонда жойлашган.

Қўрғошин ва цинк конлари токембрый жинсларида кам учраса ҳам, лекин йирик конлари Австралия (брокен-Хилл, Маунт-Айза), Канада (Сулливан) дан топилган.

Слюда Мусковит конларининг 99 % -ни Хиндистон, Бразилия ва Малагайсий Республикасида қазиб олиняпти. Шу фоиз микдорига Шимолий Карелия ва Мама дарёси бўйларидаги (Сибирда) мусковит конлари ҳам киради.

Флогопит (мусковитнинг бошқачароқ хили) конларининг дуруст захиралари Алдан ҳавзасида ва Байкал кўли атрофида жойлашган.

Графит конлари Жанубий Корея, Шри Ланка республикаси ва Малагайсидан топилган.

Лена-Тунгус ботиқлигидан (Сибир платформаси) топилган нефт конлари протеразой эрасининг Венд эпохасида ҳосил бўлган деб ҳисобланади, агар ҳақиқатдан ҳам шундай бўлса, бу конлар планетамизда энг қадими биринчи нефт конлари бўлиб ҳисобланади.

Қизилқум сахросидаги (Ўзбекистон Республикаси) катта графит конитошқозган графит конининг ёши токембрый даврларигача, аникроғи протеразой эраси давригача тўғри келяпти.

Қизилкумдаги Мурун-Тоу, Ауминза-Тоу, Амонтой олтин конларининг ёши жилла бўлмаса протеразой эрасига тўғри келади. Қизилкумдаги Олтин конларининг асосий захиралари фақат кварц томирларида гина эмас, балки бу томирларни ўз ичига олган муҳит – янги гнейслар, кварц-скюдали, кварцдалашпатли сланецлар, гранат-хлорит-талкли сланецлар таркибида ҳам учрайди.

Бу эслатилган жинслар аслида жуда қадими жинслардир.

### **Ер сайдрасининг палеазой эраси ва полеогеографияси.**

Палеазой геологик эраси фанеразой эонининг бош ва энг узун давом этган эра ҳисобланади. Унинг давом этган йили таҳминана 335 млн. йилга тенг; Палеазой эраси 570 млн. йил бурун бошланиб, 235 млн. йил аввал тугаган.

Бу эрани 2 та катта гурухга бўлганлар:

1. Гурух-қуи палеазой эрасидир. Бу гурух Кембрий, Ордовик ва Силур геологик даврларидан ташкил топган.

2. Гурух-юқори палеазой эрасидир. Бу гурух ҳам З та геологик даврлардан иборат бўлиб, ўз ичига Девон, Тошкўмир (карбон) ва Пери даврларидан ташкил топган.

Мутахассис олимлар: Ё.В.Владимирская, А.Х.Качарманов, Н.Я.Спасский, Н.Г.Гогиа ва бошқалар (1985) палеазой эраси З гурухга бўлиб ўрганишни тавсия этганлар.

1. Қуи палеазой-кембрий ва ордовик геологи даврларини ўз ичига олади.

2. Ўрта палеазой-силур ва девон геологик даврларни ўз ичига олган.

3. Юқори палеазой-тошкўмир ва перм геологик даврларидан иборат.

Палеазой эраси континентларида платформа ва геосинклинал геосруктуралар тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Палеазой эрасининг бошланиш арафаларида Ер пўсти миқёсида платформа вилоятлари пайдо бўлган. Булар Шарқий Оврўпо, Сибир, Хитой, Шимолий-Америка ва жуда катта ёки баҳайбат суперплатформа-Гондванадан ташкил топган.

Платформа вилоятлари оралиқларида ва уларнинг чекка худудларида Грампиан, Иннуитск, Аппалач геосинклиналлар вилояти жойлашган бўлиб, улардан анча узоқ масофаларда Ўрта ер денгизи, Тинч океани ва Ўрол-Мангол геосинклинал минтақалари ҳам мавжуд бўлган.

### **Кембрий геологик даври ва унинг полеогеографияси.**

Ядер геохронологияси маълумотларига кўра, кембрий геологик даври бундан 570 млн. йил аввал бошланган ва 490 млн. йил бурун тугаган. Бу даврнинг давом этган йили 80 млн. йилни ташкил этади.

Кембрий геологик даври 1835-йилда А.Седжвик томонидан Улуғ Британияда аниқланган.

Бу давр биринчи маротаба Англияning Уелс вилоятида аниқланган бўлиб, унинг эски номи-“камбрия” деб аталган. Шунинг учун олим А.Седжвик даврни-Кембрий деб аташни тавсия этган.

#### **Органик дунёси.**

Кембрий геологик даври палеазой эрасининг ҳаётини бошлаб беради. Кембрий даври тоғ жинсларининг таркибида деярлик ҳамма умуртқасиз жонзодларнинг тош қотган қазилма қолдиқлари борлиги аниқланган.

Кембрий геологик даврида ерда биринчи маротаба қаттиқ скелетга эгабўлган жонзодлар пайдо бўлган. Булар орасида энг кўп тарқалган жонзодлар – трилобитлардир, улар Кембрий даври фаунасининг 60 % ини ташкил этган бўлиб, жуда муҳим сратеграфик аҳамиятга эга. Трилобитларнинг энг катта ёки йирик авлоди 70 см гача бориб етган, қўпчилиги майда жониворлардан иборат бўлган, улар Кембрий даврининг охирларигача яшаб, батамом қирилиб кетган, қулай физик-географик шароитларида тошкотган ҳолатида яхши сақланиб қолган.

Трилобитларнинг танаси жуда содда – бош, тана ва дум қисмлари ҳаракатланмайдиган ҳолатда бўлган, танаси хатин-фосфат совутдан (худди тошбақа косасига ўхшаш) тузилганлиги маълум.

Иккинчи муҳим сратиграфик аҳамиятига эга бўлган жонзод – археоциаталардир. Булар кембрый даври фаунасининг 30 % ини ташкил этган, илиқ ва саёз денгиз сув хавзаларида яшашга мослашган. Археоциаталар кўпчилик ва тўда-тўда (колония) бўлиб яшаб риф ётқизиқларини ҳосил қилишда фаол қатнашганлар. Булар кембрый даврининг ўрталаридаёқ бутунлай қирилиб кетганлар.

Учинчи муҳим цратиграфик аҳамиятга эга бўлган жонзодлар-брахиаподалар, фораминифералар, ковак ичлилар, молюскалар ва х.к.

Юқорида баён этилган жонзодлар билан барча хилма-хил сув ости ўсимликлари ҳаёт кечирган. Сув ўсимликлари орасида – микрофитофоссилийлар кенг тарқалган. Демак, кембрый даври фауна ва флоралари токембрый даврига нисбатан кўп ва ҳар хил туркум, синф ва авлодларни ташкил қилган ва фарқи жуда катта.

Куйида 5-жадвалда Кембрый геологик даври ва унинг бўлимлари эпохаларига хос бўлган асосий фауналар ҳамда улар қайси вилоятларга (провинция маъносида) энг кўп тарқалганлиги ҳақида маълумот берилган.

Эпохалар	Атлантик вилоят	Тинч океани вилояти
Юқори-E3	Olenus	Dicellocephalus
Ўрта-E2	Paradoxides	Olenoides
Куйи-E1	Olenellus	

19-расм. Кембрый геологик даври асосий фауналари.

- |                              |                                   |                                |
|------------------------------|-----------------------------------|--------------------------------|
| 1. Olenellus -E <sub>1</sub> | 2. Olenoides -E <sub>2</sub>      | 3. Paradoxides -E <sub>2</sub> |
| 4. Olenus -E <sub>3</sub>    | 5. Dicellocephalus-E <sub>3</sub> | 6. Arhaocyathus-E <sub>1</sub> |
- Кембрый геологик даврининг умумий тавсифи ва полеогеографияси.

Байқол тоғ бурмаланиши натижасида кўпчилик тоғ тизмалари ҳудудлари кўтарилиши (баландланиши) жараёнига дуч келган эдик.

Кембрый геологик даврдан бошлабоқ, орогеник-тектоник ҳаракатлар базага кела бошлади, буни коледон тоғ бурмаланиш эпохаси деб юритилади. Коледон эпохасидан бошлаб баланд кўтарилиган тоғ тизмалари емирила бошлайдилар.

Емирилган тоғ жинсларининг махсулотлари атрофидаги ботиқликларга, чўкма ҳудудларда ёғила бошлайди. Рельеф текислана боради.

Куйи палеазой эрасида шимолий ярим шарда яъни Лавразияда кучли трансгрессия жараёни содир бўлади, 20-расмга эътибор беринг. Лавразия континентларини Евро Осиё деб ҳам аталади. Трансгрессия натижасида Тетис денгизи (океани) кенгая бориб, жуда катта майдонларни эгаллашга муваффақ бўлади. Тетис сўзининг маъноси юончча “фетида” ёки “Тетиз”-денгизларнинг худоси дегани.

Тетис денгизи жойи шимолий ярим шар билан жанубий ярим шарнинг оралиғида яъни Евроосиё билан Гондвана супер материклар орасида (ўрта қисмида) бўлган. Кайназой эрасининг Неоген геологик даврида Тетис денгизи ўрнида баланд тоғ тизмалари кўтарилади – Алп-Химолай катта тоғ тизими юзага келади, натижада Тетис денгизи чекиниб, унинг ўрнида Ўртаер денгизи, Қора денгиз, Каспий денгизи, Эрон қўлтиғи ва Малай архипелагларини ўраб олган денгизлар пайдо бўлади. Тетис номини 19 асрда яшаб ўтган Австралия олимни Э.Зюсс таклиф этган. Тетис денгизи Атлантик океанидан бошлаб то тинч океанига қадар географик ўрта кенгликларни ишғол қилган.

Гондвана қадимий ҳинд қабилалари бўлиши – “Гонд”лар номига отаётган бўлиб, марказий Ҳиндистонда мавжуд бўлган гипотетик материлик ўрнида бўлган деган фаразлар бор.

Гондвана суперматерик палеазой эраси давомида шаклланиб мезазой эрасининг бошларида парчаланиб кетган деган мулоҳазалар мавжуд.

Бу материлик ҳозирги жанубий Америка, Африка, Ҳиндистон Ярим ороли ва Австралия материклари ўрнида жойлашган эди. Кембрий даври геосинклиналларида тез суратда чўкинди ва вулқон жинслари тўпланади.

Вулқонларнинг фаол ҳаракатлари айниқса Қозоғицон ҳудудларида,

Сибирнинг жанубий қисмида, Манголияда, Янги Зелландияда ҳамда Скандинавия ярим оролининг шимолий-ғарб томонларида пайдо бўла бошлади. Кембрий даврининг ўрталарида “Салоир” деб номланган каледон тоғ бурмаларини эпохаси авж олган. Салоир тоғ бурмаланишлари Қозоғицонда, Олтой-Саян тоғлик ўлкаларида, Манголияда, Хитойда бўлиб ўтди. Бу бурмаланиш эпохаси вақтида магматизм жараёнлари ҳам авж олган эди.

20-расм. Кембрий даврининг Полегеографик харитаси. Н.М.Страхов бўйича.

### **Платформалар ҳақида**

Шарқий – Оврупа платформаси.

Қуии кембрий давридаги максимум трансгрессиялар шарқий-Оврупа платформасига тўғри келади. Платформа юзасида терриген жинсларидан ташкил топган ётқизиқлар ҳосил бўлиб, унинг юзаси янада кўтарилади ва денгиз сув хавзалари платформанинг ғарбий қисмига қўчиб ўтади. Шу даврда Санкт-Петербург ва Болтиқ бўйи ҳудудлари қум ва гилмоя қатламлари билан бекилади. Болтиқ қалқонининг жануброғида нисбатан катта денгиз-бўғоз пайдо бўлган, бу денгиз Киров шаҳарининг шарқидан бошланиб, давом этиб, ғарб тарафи Ўртаер денгизи ва Грампиан геосинклиналлари билан туташган. Шарқий-Оврупа платформасига кирувчи Скандинавия Ярим оролидаги кембрий даври ётқизиқлари билан танишамиз. Ётқизиқларни Осло шаҳри атрофида жойлашган туман мисолида кўрамиз. 21-расмга қаранг.

21-расм.

21-расмга илова: жуда ўзгариб кетган токембrijй эраларида ҳосил бўлган жинслар устига бурчак номувофиқлиги билан қумтошлар қатлами жойлашади. Буларнинг устида эса аргилит ва яна қумтош қатламлари жойлашган.

Стратиграфик устуннинг энг юқорисида қора тусдаги аргиллитлар ётқизилган.

21-расмдаги стратиграфик устун кембрий даврининг полеогеографик шароитини тўла-тўкис тасдиқлаб беради. Чунки қумтошлар яъни қадимги қум ётқизиқлари ҳақиқатдан денгиз сув тўлқинларининг маҳсулотидир.

Аргиллитлар ҳам денгиз остига чўккан лойқаларнинг сувда эриган силикат моддалари билан цементланишидан пайдо бўлган тоғ жинсиdir. Буни денгиз чўкинди жинслари қаторига қўшадилар.

Аргиллитлар яхши зичланган бўлиб кейинги геологик даврларда метаморфик жараёнлар натижасида аргиллиттан сланецларга айланиб кетган.

### **Сибир платформаси.**

Сибир платформасида ҳам кембрий геологик даврида фаол трансгрессия ҳодисаси бўлиб ўтган.

Сибир платформаси ҳудудидаги баландликларни, қояларни назарга олмасак, платформа юзасининг деярли ҳамма вилоятлари сув хавзаси остида қолиб кетган, табиийки бу сув хавзалари остида кембрий чўкинди жинслари юзага келган.

Скандинавия ярим оролидаги платформа ва Сибир платформасининг Кембрий даври тоғ жинслари бирқанча юз бурғулаш қудуклари билан қазилиб тикланган, бу ётқизиқлар ичида жуда кўп кембрийга таъллуқли тошқотган ҳайвонот қолдиқлари аниқланган. Айниқса Лена дарёси бўйлаб, Алдан, Амга, Мая ўлкаларида қазилган бурғулаш ишлари кембрий трансгрессия вақтида ҳосил бўлган ётқизиқлар янада тасдиқлашга ёрдам берди.

Алдан вилоятининг ўзида қалинлиги 20 метр келадиган оҳактошлар қатлами аниқланди, бу жинслар ичида жуда кўп трилобитлар ва архиоциаталар қолдиқлари топилди. Модомики, Кембрий даври палеогеографияси ва физик-географик шартлари Шарқий Оврупо ва Сибир платформаларида тўла-тўкис ва аниқ тикланди дейишга асос бор.

### **Хитой платформаси**

Хитой платформасининг учдан икки қисмида Кембрий даври ётқизиқлари борлиги аниқланган. Бу платформада трансгрессия ҳодисаси Кембрий даврининг иккинчи ярмида содир бўлган. Сув хавзасининг шўрлиги нормал ҳолида бўлган тропик иқлим шароитида ҳосил бўлган карбонат жинслари ва терриген ётқизиқлари аниқланди.

Шимолий Америка платформасидаги трансгрессия ҳодисасини ва трансгрессия вақтида ҳосил бўлган жинсларни. Геосинклинал вилоятларини ва ҳ.к.ни расмда кўрсатиб тасвиrlашни лозим деб топдик. Қуйида 22-расмни эътиборингизга ҳавола этгаймиз. Чунки геолог ва географ мутахассисларнинг “тили” харитада ва расмларда.

22-расм. Шимолий Америкадаги Кембрий трансгрессияси; М.Кею, Ф.Кинг бўйича, 1961.

22-расм.

### **Гондвана.**

Кембрий даври денгизи Гондвана суперматеригига деярли бостириб кирмаган. Фақат Австралиянинг шарқий қисмига ва унинг қоқ ўртасига (бўғоз сифатида), Африка қитъасининг шимолий минтақалари га жойлар ҳам кичик бўғоз ёки кўрфаз кўринишида ҳамда Жанубий Америка қитъасининг энг жанубий минтақасига кириб борган холос.

Еслатилган минтақаларда қумтошлар, конгломератлар, гравелит ва квартцитлар топилган, бу жинслар таркибида трилобитлар ва лингуллар (фауналар) қолдиғи сакланиб қолган. Бу жинсларнинг қалинлиги 400-600 м. атрофида. Амазонка дарёси хавзасида оз миқдорда бўлса ҳам терриген ётқизиқларининг борлиги аниқланган.

Хинди Хитой ярим оролининг жанубий минтақаларида қадими тоғ тизимларининг бузилган жойларида – кражларида мергеллар, гипслар кесим пастдан юқорига қараблар, ангидрит ва тош тузи қатламлари пайдо бўлган. Бу ётқизиқлар Гондвана атрофига кириб борган денгизларнинг саёз бўлганлигидан, иқлим шароитининг қуруқ ва жазирама иссиқ бўлганлигидан, иқлим шароитининг қуруқ ва жазирама иссиқ бўлганлигидан дарак беради. Австралиянинг кириб борган денгизнинг ўрнида аввалига лагуналар ландшафти бўлган, кейин улар очик денгиз билан қуйилиб кетган, физик-географик шароитлар ўзгариб кетиши натижасида яна лагуна ландшафтлари юзага келган.

### **Ўрол-манғол геосинклиналлар минтақаси (пояслари)**

Ўрол-манғол геосинклиналлар минтақалари кемрий геологик даврида дегиз шароити остида бўлган, шунинг учун ушбу минтақаларда жуда катта қалинликдаги чўкинди жинслар қатламлари юзага келган.

А.А.Богдановнинг кўрсатмасига қараганда Тяньшан ва Қозоғистон ҳудудларида уч хил нусхага (туркум) эга бўлган Кембрий ётқизиқларининг геологик кесими ва уч хил нусха тектоник ҳаракатлар излари аниқланган. Бу геосинклиналларда яъни Тяньшан ва Қозоғистон ҳудудларининг жанубида ва ғарб тарафларида миогеосинклиналлар кичик минтақалар борлиги аниқланган. Миогеосинклиналлар асосий геосинклиналларнинг четидаги ва этакларидаги букилма ва ботиқликлари ҳисобланади. Бундай миогеосинклиналлар Чотқол тоғ тизмаси, Қоратоғ, Улутоғ ва Кўкчатоғ бўйлаб ривожланган. Шимолий Қозоғицонда, Чингизтоғ, Тарбагатой ва Джунгар Олатоғ тоғ тизмаларида эвиосинклинал минтақалари бўлиб ўтганлиги аниқланган.

Бу эвгеосинклинал чўзилиб бориб Манголия ҳудудига кириб борган. Эвгеосинклинал геосинклиналларнинг ички-ўрта қисмлари ҳисобланади, океан ҳудудлари билан чегарадош, чўкинди жинсларнинг энг кўп тўпланган

жойлари бўлиб, денгиз ва океан сув хавзалари остида магматизм авж олган бўлади.

Евгеосинклинал минтақани Чингизтоғ тизмаси мисолида қўрадиган бўлсак, бу ҳудудда вулқон жинсларидан туфо-лавалар, буларнинг юқори қисмида Кварцитлар, Яшмалар (Кварснинг ярим қимматбаҳо хили) ва кремнийли сланецлардан ташкил топган. Булар таркибида радиолярилар тез-тез учраб туради.

Чингизтоғ тизмасидаги Кембрий даври тоғ жинсларининг умумий қалинлиги 10 км гача боради.

### **Грампиана геосинклинали.**

Грампиана геосинклиналини таърифлаб берувчи минтақа бу Британия ороллари дадир, айниқса УЕЛС вилоятида. Бу жойда ичидаги Кембрий фаунаси бор бўлган қумтошлар, аргиллитлар ва гравеллитлар қатлами аниқланган, қалинлиги жами 4500-5000 м.

Бу ердаги фауналарнинг хили, қумтошларнинг тахланилган шароити, яъни денгиз остидаги илк юмшоқ ва майда жинс табакаларига денгиз устида бўлган кичик тўлқин жимиллаш шаклининг тушиб қолган излари (тўлқон изи қатлам устида сақланиб қолади-ряб), қийшиқ жўялар, чувалчангсимонларнинг қолдирган излари ва ҳ.к. Грампиана геосинклинал вилоятидаги денгизларнинг саёз бўлганлигидан дарак беради.

Марганес ва латеритлар уюм қолдиқлари эса иқлим шароити иссиқ бўлиб ўтганлигини тасдиқлаб беради. Ирландия ва Шотландиянинг жанубида қумтошлар, алевлоритлар ва гилли сланецлар бу жинслар орасида балчик шароитига мослашган Кембрий жониворлари топилди.

Аппалач, Ўртаер денгизи, Тинч океан геосинклиналларнинг физик-географик шароитлари, полеогеографик тарихи ундан олдин ёзилган геосинклинал вилоятларнинг шароитига ва тарихига жуда ўхшаш, шунинг учун уларнинг тавсифига тўхталиб ўтмай, Кембрий даврининг иқлим шароитлари ҳамда фойдали қазилма бойликларини таърифлашга ўрин берамиз.

### **Кембрий геологик даврининг иқлими.**

Кембрий даврининг иқлим шароити умуман олганда иссиқ ва жазирама иссиқ бўлиб ўтган. Масалан, қуйи Кембрий даврида қуруқ-иссиқ иқлим шароити бўлганлигини тасдиқлаш мақсадида Сибир платформасидаги туз кони хавзаларини, Соляной қряш, Арабистон ярим оролидаги тузкон хавзалари (ярим оролнинг шимолий-шарқ қисми) Маккензи дарёсининг қуйи қисми ва Боливиядаги туз конлари мисол тариқасида келтирсак кифоя қиласа керак.

Хитойдаги (жанубий-шарқ қисмида) ва Ўрта Осиё жумладан Ўзбекистондаги фосфорит конлари, Сибир ва Англияда топилган Марганес ва баксит конлари, Ер юзидағи деярли барча қалин қатламлардан ташкил

топган оҳактошлар (ҳозирги вақтда улар мармарларга айланган) иқлимининг нам ва тропик шароитига яқин бўлганлигини тасдиқлайди.

Кембрий даврининг қадимий иқлим шароитини тиклаш учун шу келтирилган омиллар етарлими деган савол туғилиши муқаррар. Юқорида қайд қилинган мутахассис олимларнинг бу йўналишда олиб борган кузатиш илмий ишлари ва уларнинг натижалари ҳам шундай бўлган дейишга журъат этади.

Боз устига, Кембрий даврининг барча бўлимларида ва апохаларида иқлим шароитларининг совук бўлганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар топилмаган – на мореналар на тиллит қатламлари аниқланмган.

### **Фойдали қазилма бойликлари**

Болтиқ бўйида, унинг атрофидаги худудларда ва Иркутск амфитеатрида топилган мефт конларининг ёши Кембрий даврига тўғри келди.

Алжир Сахарасида топилган Хасси-Массоуд нефт кони ҳам шундай.

Скандинавия Ярим оролидаги ёнувчи сланецлар, уран концентрати билан таминлаб турадиган жинслар борки улар ҳам Кембрий даврига тегишли. Кузнетск-Олатоғдаги марганес конлари, Шарқий Сояндаги баксит конларининг ёши Кембрий даврига тааллуқли. Қоратоғ тизмасида (Ўрта Осиё) фосфорит конлари-хавзаси топилган. Хитой (юннан провинсияси) да ва Веетнамнинг шимолида ҳам фосфорит конлари топилди. Ултра асосли интрузив магматик жинслар билан генетик боғлиқ бўлган Тувадаи асбеъ кони Кембрий даврига тааллуқли бўлиб чиқди. Кембрий даврининг асосий қазилма бойликларидан яна бири бу тоштузи конларидир.

### **Ордовик геологик даври ва унинг полеогеографияси**

Ордовик сўзи қадимий вақтда УЕЛС вилоятида яшаган (Буюк Британия) ордовиклар қабиласи номига қўйилган. Ордовик даврини 1879-йилда Англия геологи Ч.Лапворт аниқлаган. Бу давр 490 млн. йил бурун бошланиб, 435 млн. йил аввали тугаган. Давом этган йили 55 млн. йил бўлиб чиқади.

#### **Органик дунёси**

Ордовик даврининг органик дунёси ҳам асосан сув хавзаларидаги умуртқасиз ҳайвонот оламини ташкил этади. Буларнинг сони ва авлодларининг хиллари Кембрий давдан ўтиб, ордовик даврида яна ривожлана боради. Булар орасида скелети карбонат моддасидан иборат: цроматопоратлар, табуляторлар, гелиолитоидея, ругоза, игнатанлилар (денгиз нилуфарлари, денгиз кўпиксимонлари), қулфли брахиаподалар (артидлар, црофоменидлар), ринхонелла пента-меридлар кўпайган давр бўлган.

Ордовик даврида яшаган Трилобитлар Кембрий давридагига нисбатан анча ривожланган – тана қисми, бош қисми ва думлари қимиirlай бошлаган.

Моллюскалар орасида бошоёқли чиганоқли моллюскалар кенг тарқалган, бу даврда улар денгизларда энг вахший ҳисобланиб, бошка жонзодларга қирон келтира бошлаганлар. Улар ичида эндосиратоидялар эътиборга сазовор.

Ордовик тоғ жинслари таркибида энг қадимий-илк умуртқали жонзодларнинг скелетлари топилган. Булар балиқсимон ҳайвонлардир – телодонтлар деб аташади. Қуруқлик сатхидаги ҳайвонот оламининг ҳеч қандай белгилари ҳали йўқ. Сув ости ўсимликларидан яшил-кўк, яшил, қизил ва қип-қизил чўпсимон ёки ипсимон хиллари топилган. Стратиграфик аҳамиятга эга бўлган асосий ордовик фауналари 23-расмда кўрсатилган.

23-расм. Ордовик геологик даврининг асосий фауналари. 01, 02, 03 ёзувларини қуи, ўрта ва юқори ордовик деб тушиниш керак.

Ордовик ҳақида умумий маълумотлар

Полеазой эраси давомида Ер юзида энг катта ва кенг майдоналарни забт этган трансгрессия ҳодисаси ордовик даврида бўлиб ўтган.

Ордовик даври ётқизиқлари шимолий ярим шарнинг ҳудудларининг деярли ярмини эгаллаган.

Масалан, трансгрессия вақтида ва трансгрессиядан сўнг юзага келган тоғ жинслари Хитой платформасининг 4 дан 3 қисмини, Сибир платформасининг 3 дан 2 қисмини шарқий Оврупа платформасининг 5 дан 2 қисмини ва шимолий Американинг ҳам 5 дан 2 қисмини эгаллаганлиги аниқланди.

Гондвана суперматериги ҳудудларида трансгрессия ҳодисаси бўлмаган. Ордовик даврига тегишли трансгрессия ҳосилалари факат Австралия қитъасининг шимоли-шарқ тарафларида учрайди холос.

Ордовик геологик даври давомида Каледон тоғ бурмаланиш эпохаси хамон давом этиб турган вақт бўлиб, бу даврининг охирида такон деб номланган тектоник-орогеник фазаси бошланган.

Ордовик геологик даврининг полеогеографик харитаси 24-расмда кўрсатилган.

## **Платформалар**


### **Шарқий Оврупа платформаси.**

Ордовик даври ётқизиқларининг платформадан Ер юзига чиқиб турган жойлари жуда кўп эмас. Ордовик ётқизиқлари бу платформада асосан 3-худудда яққол кўзга кўзга ташланади. Уларнинг қўпчлиги платформанинг гарб ҳудудларида ва марказий ҳудудларида учрайди.

1-ҳудуд Болтиқ қалқонининг жанубий-гарбидаги, Полша, Болтиқ бўйида ва Москва синеклизасида Днец дарёсининг хавзасида жойлашган.

3-си шарқий-Оврупа платформасининг шимолий-шарқида тундра ҳудудларида жойлашган.

Ордовик даврига тегишли тоғ жинслари сув хавзаларининг ўпирилиб кетган қирғокларида, қоятошлар туманларида, карер қазув жойларида ва бурғулаш қудуқларидан.



24-расм. Ордовик давр полеогеографияси (Н.М.трахов бўйича) олинган намуналарида қўриш мумкин.

Ордовик даври ётқизиқларининг энг таги таркибида оболус деб номланган умуртқасиз жонзодларнинг тошқотган қолдиқларидан ташкил топган қумтош қатламларидан иборат. Бу фаунанинг чиганоқларида фосфатга бой бўлган қолдиқлар учрайди, бу қолдиқлар ўз навбатида фосфорит кони ҳисобланади, бу конларни хозирги кунларда Эциония ва Санкт-Петербург вилоятларида қазиб олинмоқда.

Фосфорит ётқизиқларининг уцки қисмида қора тусдаги граптолит деган фаунага бой аргиллитлар ётқизилган. Ордовик даврининг қуи қисмининг энг юқорисида глауконитли қумтошлар ва охактошлар жойлашган бўлиб, улар таркибида брахиаподалар учрайди. Сху жинсларнинг жами қалинлиги 30 м, Ўрта Ордовик даври ётқизиқлари охактошлардан (таркибида

трилобитлар, оцракозалар, брахиаподалар ва х.к.) қазилма қолдиқлар учрайди), ёнувчи сланслардан иборат, қалинлиги 160 м.

Юқори Ордовик ётқизиқлари қалинлиги 100 м, гилли охактошлардан, охактошлардан, органоген охактошлардан, маржон қурилмаларидан иборат. Шундай қилиб, шарқий-Оврупа платформасидаги ордовик геологик даврига тегишли тоғ жинсларининг умумий қалинлиги – 300 м. га бориб етди. Ордовик охактошлари хозирги вақтда қурилиш ишлари мақсадида кенг кўламда қазиб олинмоқда.

### **Сибир платформаси.**

Сибир платформасида ордовик жинслари ётқизиқлари кенг тарқалган, айниқса унинг ғарбий қисмида ва Ўрта худудларида. Ордовик ётқизиқлари Тунгусс, синеклизаси четларида ва платформанинг жануби-ғарбида юзага чиққан.

Ётқизиқларнинг номи: дололит, ҳар хил рангда товланадиган қумтош ва гилмоялар (хозирги вақтда улар гилли сланецларга айланган) улар орасида гипс қатламлари ва сифатсиз фосфорит уюмлари учраб туради. Юқоридаги ётқизиқларнинг жами қалинлиги бир қанча юз метрларга боради.

### **Гондвана.**

Гондвана материгининг Жанубий-Америка худудида баландлашиш жараёни ҳукм сурган. Бунга тектоник омиллар сабаб бўлган.

Амазон дарёси хавзасида ва унинг ботиқликларида қумтош-гилмоя қатламлари кенг тарқалган. Гондвана материгининг Африка худудининг шимолий қисми чўка бошлайди. Ўрнида денгиз сув хавзаси юзага келиб, унинг тагида (сахара чўли ўрнида) денгиз кварцли қумлари, гилмоялар ва шағалтош қатламлари пайдо бўлди, қалинлиги 500-800 м. атрофида, авлокогенли структурага эга бўлган (дарзликлар, ёриқликлар ўрнида юзага келган чуқурлик ва ботиқликлар) жойларда бу ётқизиқларнинг қалинлиги 2000-2500 м. гача бориб етади.

### **Геосинклиналлар ва геосинклинал минтақалар**

Грампиана геосинклинали. Ордовик даврида ҳам Кембрый геологик даридаги геосинклинал вилоятлари бўлган.

Геосинклинал шароитларга хос ва мос қалин қатламлардан ташкил топган чўкинди ва вулқон жинслари тўпланган. УЕЛС вилоятида ордовик ва силур даврларида ҳосил бўлган грампиана геосинклиналига хос цратиграфик кесим топилиб, уни тахлил этиб ордовик ва силур геологик даврлари аниқланди.

Шу стратиграфик (геологик кесим) уцун 25-расмда кўрсатилган.

25-расм. УЕЛС вилоятидаги (Англия) ордовик ва силур ётқизиқлари бўйлаб тузилган цратиграфик кесим (кесим қисқартирилган ҳолда тузилган). Ордовик жинсларининг умумий тахминий қалинлиги 5500-6000 м гача боради.

Грампиана геосинклиналининг Скандинавия ярим оролида авгеосинклинал ва миогеосинклинал минтақалари ривожланаверди. Ордовик даврининг

охирларига келиб магматизм жараёнлари сусайиб борди. Күтарилигандын жойлар емирилиб битди.

### **Үрол-Монгол геосинклинал минтақаси.**

Үрол-монгол геосинклиналиниң Қозғистон қисмидә ордовик ва силур ётқизиқлари яхши ривожланган. Ордовик даврида Қозғистон ҳудудида 2 та геосинклинал минтақалари мавжуд бўлган. Улардан биринчи геосинклинал Ишим дарёсининг юқори томонидан, Тенгиз кўлидан, Джезказган, Бетлок-Дала ва Шимолий Тяншан тизмалари бўйлаб ривожланган.

Бу геосинклиналнинг тузилиши ярим эллипсоид шаклига ўхшаш бўлиб, бўртиб чиққан чизиги ғарб томон йўналган бўлган.

Иккинчи геосинклинал минтақа қараганда вилоятдан шарқ ва жанубий-шарқ тарафда жойлашган Балхош олди, Чингизтоғ тизмаларини Тарбағатоғ, Джунгар-Олатоғ ҳудудларини ўз ичига олган.

Бу геосинклинал ётқизиқларини Чингизтоғ тизмаси мисолида кўрадиган бўлсак, улар қуйидагича: вулқон жинслари – лавалар, лава брекчиялар, туфа-лавалар, конгломераторлар, қумтошлар ва оҳактошлар. Ана шу ётқизиқларининг умумий қалинлиги 10 км. гача боради. Бундан силур ётқизиқлари муҳасно. Шу қалинликдаги жинсларнинг пайдо бўлиши давомида бирқанча маротаба тектоник-бурмаланиш фазалари бўлиб ўтди, деярли ҳар бир фаза гранитли интрузив магматик томонларининг Ер пўсти қаърига кириб бориши билан тугалланган.

Шундай жараёнлар натижасида Марказий Қозғистон, Олтой-Саян вилоятлари ва Манголия ҳудудлари кўтарилиганди. Такон тектоник бурмаланиш фазаси давомида (Каледон орогенези эпохасида) Кўкчатоғ, Улутоғ, Қоратоғ ва шимолий Тяншан тизмалари ҳам кўтарилиши жараёнини ўз бошларидан кечирган, лекин силур даврига келиб бу кўтарилигандын жойлар емирила бошлайди ва ювилиб кетади.

Марказий Қозғистон, Тяншан тоғ системасининг шимол қайилмаси, Олтой, Кузнетс Олатоғ, Салаур ва Саян ўлкаларининг ҳаммасини бир яхлит ҳудуд деб ҳисобласак, жуда катта геосинклинал хавзани ташкил этган, ривожланган, бу жойларда асосан чўқинди ва чўқинди-вулқоноген ётқизиқлари ҳосил бўлган, Олтой ўлкасида фақат гилли сланеслар ва қумтош қатламалари юзага келган.

### **Иқлим шароити**

Ордовик геологик даврида музлик эпохаси бўлиб ўтганлиги 1970-йилда исботланган.

Музликларнинг излари Гондвана материgidан топилди. 1960-1970-йилларда франсуз нефт қидиравчи, геологлари ғарбий Африка ва Сахара чўлларида изланиш ишларини олиб бораётганларида жуда катта харсанг тошлар ёғиндисига дуч келиб, уларнинг юзида музликларнинг ҳаракати натижасида қолиб кетган, тирналган ва ўйилган изларни топадилар.

Кейинроқ эса Алжирнинг жанубида Ахаггар тоғлик жойларида франсуз геолог олими Серж Беъф ўзининг ҳамкаслари билан биргаликда жуда узун

қаторликлардан иборат бўлган уйдим-чукур йўлаксимон каттадан-кatta чўнқирликларни топишиди, булар қандайдир бир вазиятда ҳали Сахара кумлари билан тўлдирилмаган экан. Ўша гурух ҳамкаслар бу музликларнинг геологик фаолиятлари эканлигига иқрор бўлишган. Кейин эса, халқаро эксперталарни (музлик соҳасидаги) таклиф этишган, улар ҳам бу чўнқирликларни муз қопламларининг ҳаракати натижасида ҳосил бўлган деган фикрга ишонч ҳосил қилдилар. Улар изланишларини давом этдириб, музлик даври тахминан 25 млн. йил давом этганлигини ҳам тасдиқлаб бердилар. Хуллас, Гондвана суперматеригида музлик даври узоқ йиллар давомида сақланиб турган, иқлим шароити совуқ бўлган. Гондвана материгининг Сибир қисмida ва Австралияning айrim вилоятларида ордовик геологик даврида юзага келган қизил тусдаги гипс аралашган чўкинди жинслар ва эвопоритлар топилган. Демак, бу вилоятларда иқлим шароити қуруқ, иссиқ бўлганлигидан дарак беради. Чунки эвопоритлар (лотинча эвапоро – буғланиш деган маънени билдиради), қаторига ҳар хил тузлар: галит, силвин, гипс, ангидрит, сода, бура ва х.к. киради. Булардан ташқари улар қаторига органоген охактошлар, даломитлар ҳам киради. Эвапоритлар – кимёвий чўкиндилардир, улар лагуна, кўл сувлари шўр, иқлими эса иссиқ, буғланиш жараёни кучли бўлган ландшафтлардир.

Хулоса қилиб айтганда, жанубий Ярим шарда (Сибир ўлкаси ва Австралиядан ташқари) тахминан 480 млн. йил илгари иқлим кескин ўзгариб совиб кетган. Бу маълумотлар чет эл олими Родс Фейрбридж, 1979-йилда чоп этилган “Зиму нашей планете” асаридан фойдаланилди. Кези келгандан шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, ҳозирги замонавий Антарктида музлигининг майдони 14 млн.  $\text{km}^2$  атрофида, бу майдон АҚШ давлати майдонида икки баробар катта. Ордовик давридаги музликларнинг ишғол қилган майдони эса 20 млн.  $\text{km}^2$  дан ҳам ошиқ бўлган.

Бу маълумотлар ҳам Родс Фейрбриджнига.

Африка қитъасида муз босган вилоятлар 26-расмда ифода этилган.  
26-расм.

## Қазилма бойликлари

Ордовик даври ва қисман Кембрый геологик даврларида ҳосил бўлган нефт конлари АҚШнинг Канзас ва Оклахома штатларидан қазилиб олинмоқда,

Бу нефт конлари АҚШ да қазилиб олинаётган нефтларнинг З қисмини ташкил этмоқда. Болтиқ бўйидаги ҳозирги вақтда қазиб олинаётган ёнувчи сланесларнинг асосий қисми ордовик геологик даврида юзага келган. Ордовик даврида олитли темир конлари ҳам ҳосил бўлган. Бундай чўкинди конлар Уобана номли Нюфаундленд (Канада) оролидан топилган.

Норвегияда топилган ордовик даврида ҳосил бўлган мис ва кобалт конлари аниқланган.

Салаир ўлкасидаги полиметалл (Мис, рух, қўрғошин ва қўшимча олтин) конлари магматик жараёнлари билан боғлиқ бўлганлиги маълум.

Чўкинди жинслар билан бир вақтда (сингенетик пайдо бўлиш жараёни) ҳосил бўлган фосфорит конлари ҳам аниқланган. Бундай фосфорит конларининг сони жуда кўп, улар Россиянинг шимолий-ғарб худудларида жойлашган.

## **Силур геологик даври ва унинг полеогеографияси**

Силур геологик даври 1835-йилда Англия геолог олими Р.Мургисон томонидан аниқланиб тикланган. Силур номи эса Англиядаги УЕЛС ярим оролида яшаб ўтган силур қабилалари номига қўйилган. Силур геологик даври тўғрисида барибир кўпдан-кўп номаълумликлар, тортишувлар бўлар эди, лекин 1960-йилга келиб бу давр ҳақиқатдан ҳам бўлганлиги, унинг давом этган даври-йили ҳам аниқланди – 35 млн. йил давом этган экан. Силур даври 435 млн. йил бурун бошланиб 400 млн. йил аввал тугаган.

### **Органик дунёси**

Силур даврининг органик дунёси ордовик давридагига нисбатан ҳар хил ва ўзгачароқ, яъни янги жонзодлар авлодлари пайдо бўлди.

Строматопортлар ва маржон полиплари ниҳоятда қўпайиб кетди: табуляторлар, гелиолитоидеялар ва ругозалар шулар жумласидан.

Брахмалода жониворлари асосий чўкинди жинслар ҳосил қилувчи омил бўлиб хизматлар қилганлар.

Чўкинди жинсларнинг пайдо бўлишида спирифериidlар, продуктиidlар, ринхонеллахар, пентамериidlар авлодлари чиқиндилари катта аҳамиятга эга бўлган.

Денгиз нилуфарларининг авлодлари ниҳоятда қўпайиб кетган. Трилобитлар жуда ҳам камайиб кетди, граптолитлар эса батамом қирилиб тамом бўлди. Қисқичбақасимон чаёнларнинг – эвриптеридларнинг пайдо бўла бошлаганлиги эътиборга сазовордир. Бу жониворлар чучук, тузсиз ва чучмал сув хавзаларида яшашга мослашганлар.

Ярдовик геологик даврида илк балиқсимон жонзодлар пайдо бўлган бўлса, силур даврида ҳақиқий балиқлар пайдо бўлиб яшаганлар: худди шу вақтда юксак ўсимликлар туркуми –псилофитлар пайдо бўлди.

Силур даврида барча жонзодлар сув хавзаларида яшаган бўлсалар ҳам, айrim жониворлар қуруқликларда яшашга мослаша бордилар. Шулар қаторига Ер юзига – қуруқлик шароитида яшаган ва ҳозирги замонда ҳам яшаб келаётган чаёналар пайдо бўлди. Мутахассис олимларнинг берган маълумотларига кўра, чаёнларнинг катталиги ўша силур даврида 2-2,5 м. узунликда бўлган экан.

Ер усти ўсимликаридан псилофитлар бўлиб, шамол ёки атмосфера ёғингарчиликлари вақтида, окава сувлар ёрдамида судралиб-кўчиб қўпайишган, илдизи ҳали йўқ – ривожланмаган, унинг ўрнига 2 та думчага ўхшаш ўсимта бўлиб, унинг ичида споралари бўлган, шунинг ёрдамида қўпайишган.

## **Силур даврига умумий тавсиф**

Силур даврида яна регрессия жараёни бошланди. Хитой платформасининг шимолий қисмидаги денгиз чекинди, шимолий яrim шардаги платформалардан ҳам денгиз чекина бошлайдилар;

Лекин, Гондвана атрофидаги денгизлар майдони катталашди. Австралия қитъаси денгиз ва сув хавзаларидан бутунлай халос бўлди десак муболага бўлмайди. Денгиз шароити Бразилиянинг шимолий қисмида (Маранъон ва Амазонка дарёларининг хавзалари), шимолий Африкада ҳукм сураб турди.

Силур даврида Каледон тоб бурмаланиш-тектоник арогеник ҳаракатлар давом этиб турган, шунинг учун ҳам регрессия жараёнлари юзага келган, кейинги девон геологик даврида ҳам ўз ҳаракатини тўхтатмаган; геосинклинал вилоятларда кучли магматизм содир бўлиб, ҳар хил кимёвий таркибга эга бўлган интрузив таналар геосинклинал бағрига кириб бориб, унинг структура тузилишини янада мукаммаллаштириб юборади.

### **Каледон бурмаланиши**

Каледон эпохаси бурмаланишлари грампиана геосинклиналини чегаралаб ёпиб қўйди. Каледонидлар шимолий Америка ва Шарқий Оврупо платформаларини бирлаштириди, натижада жуда катта майдонларни эгаллаган Шимолий Атлантика платформасини юзага келтириди, бу катта платформа Лавренсия деб аталади.

Каледон бурмаланиши давомида марказий Осиё қисмидаги Ўролмонгол геосинклинал минтақасини вужудга келтириди.

Бу геосинклиналлар қаторига Олтой-Саян бурмаланиш вилояти, Шимолий Монголия ва Бойқал орти (Забайкал) нинг жанубий-ғарб тарафлари киради.

Олтой-Саян бурмаланиш вилояти тоғли Олтойдан бошланиб, то шарқий Саянгача чўзилиб борган бўлиб, Тоғли Олтойни, Кузнетц-Олатоғ, тоғли Шория ғарбий Саянни, Тува ҳамда Миусинск ботиқлигини қамраб олади.

Каледонларнинг кейинги минтақаси Қозоғистон ҳудудида ва Ўрта Осиёда жойлашган.

Тектоник ҳаритасида бу каледонидлар яrim думалоқ дўға-ёйсимон ўрама шаклда кўринади.

Шимолий Тяншан, оратоғ тизмаси, Чу-илий тоғлари, Қозоғистоннинг ғарб тарафидаги пастликлар ўлкаси, Тарбағатой ва Чингизтоғ тизмалари ҳам каледонидлар минтақаларига киради.

Ўрол-Тяншан минтақасига Янги Ер, Пай-Хой, Кутб, Ўрол тоғининг Шимол, Ўрта ва Жанубий тармоқлари, Мугоджаралар, Қизил-Кум, Жанубий Тяншан ҳамда Ғарбий Сибир пасттекислигининг ғарб ўлкалари, Таймир яrim ороли, шимолий Ер ва бошқалар киради.

Каледон бурмаланиш излари ғарбий Тинч океани геосинклинал вилоятларидан ҳам топилган: Хитойнинг жанубий-шарқи (Катазия), Гондвананинг Австралия қисми шулар жумласидандир.

Каледон бурмаланиш эпохасида магматизм жараёнлари авж олган бўлиб, Эффузив ва интрузив магматик таналар кенг майдонларни эгаллаган ва улар билан генетик боғлиқ бўлган хилма хил фойдали қазилма бойликлари ҳосил бўлган.

## Платформалар

Гондвана. Гондвананинг жанубий Америка қисмида ордовик даврининг охирлари ва силур даврининг бошларида полеогеографик шароитда қайта тузилиш юзага келган, бунга сабаб албатта Каледон бурмаланиш жараёнлариридир.

Силур даврида бу минтақада денгизларнинг ишғол қилиб турган майдони анча кенгаяди. Меридионал чўзилган ҳолатдаги ботиқликлар юзага келиб, қалинлиги 800-1200 м. келадиган ётқизиқлар ҳосил бўлган, улар Карбонат жинслардан ташкил топган ва чақиқ жинслар аралашмаларидан иборат бўлган.

Амазонка букилмаларида денгиз остида ҳосил бўлган қумтош-гилли чўкиндилар ётқизиқлари юзага келиб, уларнинг қалинлиги 100 м. гача бориб етган.

Гондвана материгининг Африка қисмида қумтош қатламларидан сўнг силур даврида қорамтири рангдаги гилмоялар ҳосил бўлган, таркибида грантолитлар фаунаси тез-тез учраб туради.

Арабистон ярим оролида ҳам қумтош-чилмоя қатламлари юзага келган.

Силур даврининг охирларида Африка худудларида регрессия жараёни содир бўлади, бу жараён Арабистонда яққол кўзга ташланади.

Гондвананинг Австралия қисмида Силур даврида қуруқлик шароити ҳукм сурган.

## Геосинклиналлар ва геосинклинал минтақалар

### Ўрол-монгол геосинклинал минтақаси.

Каледон орогеник-тектоник бурмаланишлари Ўрол-монгол геосинклиналларининг бошқа геосинклиналларига ўхшаш Ўрол тоғ тизмасида яққол кўзга ташланмайди; Каледон бурмаланиш эпохасига хос тоғ жинсларининг бурчак номувофиқликлари, кескин бурмаланишлар ҳосил бўлмаган.

Лекин ултра асосли ва асосли кимёвий таркибга эга бўлган интрузив таналар ёриб кириб кучли бўлмасада қисман бурмаланиш структураларини ҳосил қилган.

Ўрол-монгол геосинклинал минтақасининг Қозогистон қисмида селур даври ётқизиқлари яхши ривожланган, кенг майдонларни ишғол қилган, уларнинг ҳажми жуда қалин. Бу жойларада брахиаподали ва маржонлардан ҳосил бўлган оҳактошлар мавжуд.

Каледон бурмаланиши натижаларини Чингизтоғ тизмасида күрадиган бўлсак, бу тизма ҳудудларида Силур даври ётқизиқларининг қуи бўлимигина бор. Уларнинг қалинлиги 2500 м. келади.

Жинс ётқизиқлари денгиз хавзаси эвгеосинклинал Ландшафтларида фаол вулқон ҳаракатлари ва уларнинг хосилалари билан биргалиқда пайдо бўлган. Каледон бурмаланиш жараёни фаол тарзда бўлиб ўтган, шунинг учун ҳам унинг ўрни яққол кўзга ташланиб турди.

Жуда аниқ кўринадиган бурмаланишлари юқори силур даври бурмаланишларидир. 28-расмга эътибор беринг. Бу бурмаланишлар натижасида Чингизтоғ тизмаси ҳудудидан денгиз хавзаси чекина бошлади.

Девон даврининг бошларида сув хавзаси батамом чекиниб бўлганлиги учун эффузив магматик жинслар, вулқон туфлари қуруқлик шароитида шундай Ер юзасидаёқ ҳосил бўлади.

28-расм. Чингизтоғ тизмасининг геологик кесими ва Каледон охири бурмаланиш фазасининг тузилиши.

### **Иқлим шароити ва ордовик, силур даврининг полебиографик географияси.**

Силур геологик даврининг физик-географик шароитларини, шунинг билан бир қаторда палеоиқлим вазиятларини ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг географик тарқалиши, унинг физик-географик шароити ҳамда улар туфайли ҳосил бўлган чўкинди жунслар ва фойдали қазилма бойликларини тахлил қилиш орқали тиклаш (хамма даврлар ва минтақалар учун ҳам) жуда осон. Юқорида қайд этилган бобларда ва унинг сарлавҳаларида айтиб ўтилганидек, ҳар бир чўкинди жинслар ва улар орасидаги тошқотган қазилма қолдиқлар иқлим шароитларини, физик-географик вазиятларини тиклаш борасида тўғридан тўғри индикатор сифатида кўрсатма бера олади.

Масалан, денгиз сув хавзалари остида чўкинди жинслар билан биргалиқда оолитли (кумалоқ-кумалоқ) текстурага эга бўлган темир ва марганес маъаданлари ҳосил бўлган бўлса, демак иқлим шароити нам (гумидиқлим) бўлган экан, чунки темир ва марганец элементлари сувда эритма ҳолатида денгиз сув хавзаларига қуйилади. Иқлим шароитлари иссиқ ва қуруқ бўлиб ўткан бўлса, ўша ландшафтларда даломит, ҳар хил туз комплекслари, гипс, ангидрит, барит ҳамда қизиқл тусдаги гипс аралашган тупроқсимон гилсимон чўкиндилар ҳосил бўлади.

Иқлим шароити совуқ бўлиб ўткан бўлса, агар, шу жойда муз қолдиқлари-морена ва тиллитлар ҳосил бўлади.

Қадимий денгизларнинг ҳудуди илиқ бўлиб ўткан бўлса, маржон ётқизиқлари, маржин полипларнинг қолдиғи, чиганоқлари қалин ва охак моддасидан тузилган молюскалар ва уларнинг ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўлган оҳактошлар қатлами ҳосил бўлади.

Ордовик ва силур даврларида иқлим шароити қуруқ ва иссиқ, илиқ ва нам бўлганлигидан дарак берувчи олимлар аниқланган.

Силур даврининг охирларида иқлим арид шароитига ўтган, шунинг учун ҳам шу жойларда қизил тусдаги чўкиндилар ва туз конлари юзага келган. АҚШнинг Мичиган хавзасидан суюқликларни тахлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, Лагуналар шароитида ҳаво ҳарорати 32-480 С атрофида бўлиб ўтган экан.

Шимолий Америкада, Канада, Шарқий Оврупо ва Сибир ўлкасида эса иқлим жуда иссиқ ва қуруқ бўлиб ўтган экан.

Аппалаг минтақасида ва Нюфаундленд оролида ҳамда унинг атрофларида иқлим ва нам ҳолатида бўлган.

Африканинг ғарбида, Анд минтақаларида ва Боливия худудларида таллит қатламалари топилганлиги учун иқлим шароити совуқ бўлган деган тахминлар бор.

Палеобиогеографик шароитларидан сўз очадиган бўлсак, Силур даврининг бошларида 2 та биогеографик вилоятлар бўлганлиги маълум:

Биринчиси шимолий материкларда ва Австралияда, иккинчи Жанубий Америка ва Африка материкларида. Биринчи вилоятда иссиқ иқлим шароитига мослашиб яшайдиган фауна олами кенг тарқалган ва авлодлари хилма-хил бўлган. Иккинчи вилоятда эса ҳайвонот олами нисбатан жуда кам, авлодлари ҳам озчиликни ташкил қилган, демак бу вилоятда иқлим шароити совуқроқ бўлган.

## **Силур даврининг қазилма бойликлари**

АҚШ худудидаги нефт захираларининг баъзи бирлари силур даврида ҳосил бўлган.

АҚШ да топилган Клинтон оолитли темир конлари ва Африкадаги бир қанча катта бўлмаган темир конлари ҳам Силур даврида юзага келган.

Каледон орогеник-тектоник жараёнлари вақтида юзага келган нордон магматик интрузиялар билан генетик равишда олтин конлари шимолий Қозоғистонда, Кузнетцк Олатоғда, тоғли шоия ўлкасида топилган. Ултра асосли таркибга эга бўлган магматик жинслар билан узвий боғлиқ хромит кони (Ўрол тоғида), асбеқ кони нюфаундленд оролида, Канададаги Квебек асбеқ конларининг ёши Силур даврига тўғри келади.

АҚШ даги Мичиган хавзаси туз конлари ҳам Силур даврида юзага келган деган хулоса тасдиқланди.

## **Девон геологик даври ва унинг палеогеографияси**

Девон геологик даври 1839-йилда машҳур инглиз геолог олимлари А.Седжвик ва Р.Мургисон томонидан аниқланган бўлиб, девон даври Англиядаги Девоншир графлиги номи билан аталган.

Бу давр 400 млн. йил бурун бошланиб, 345 млн. йил аввал тугаган. Даврнинг давом этган йили 55 млн. йил.

## Органик дунёси

Девон даврининг органик дунёси бошқа олдинги геологик даврларга нисбатан кўп ва турли хил авлодларга эга бўлган. Органик дунёси нафақат сув хавзаларида яшаган, балки, қуруқликларни ҳам забт эта бошлаган.

Катта аҳамиятга эга бўлган воқеа бу умуртқалиларнинг кўпайиб бориши эди, жумладан балиқлар ва балиқсимон организмлар кўпайди. Шунинг учун ҳам девон геологик давр – “балиқлар асри (даври)” деган номни олди. Девон даврида граптолитлар авлоди бутун қирилиб йўқ бўлди, онда-сонда трилобитлар, сицоидеялар ва наутилоидеялар учрайдиган бўлиб қолди. Умуртқасиз организмлардан брахиаподалар, црамотапоратлар ва маржонлилар ҳамон яшаб келар, уларнинг авлодлари яна кўпая борар эди. Денгиз нилуфарлари ҳам кўпайган бўлиб, улар чиройли манзараларни пайдо қилган.

Ернинг биогеографик ривожланишимиз тарихида биринчи маротаба икки табакали молюскалар ва қисқичбақасимонларнинг тубан авлодлари пайдо бўлди.

Денгиз чўкиндиларининг ёшини аниқлаш борасида стратиграфик аҳамиятга эга бўлган аммоноидеялар, брахиаподалар, маржонлар, конадокталар ва тента кулитидлар авлоди кўпайиб борганлиги аниқланди. Девон даврида акула ва скатлар (думи жуда узун япалоқ балиқ), совутли балиқлар ва бошқалар пайдо бўлди.

Қуруқлини ҳайвонлар, ҳашоратлар ва ўсимликлар олами забт этишни давом эттира бошлади. Жумладан, чаёнлар, кўпоёқлилар ва қанотсиз ҳашоратлар кўпайишди.


Биринчи ерда – сувда яшашга мослашган цеготсефаллар пайдо бўлди. Девон даврининг бринчи ярмида Ер юзида қуруқликда псилофит (илк ўсимликлар) лар ҳукмронлик қилганлар, девон даврининг ўрталарида эса плаунлилар, қирқбўғимлилар ва папоротниклар пайдо бўлди. Девон даври ўрталаридан бошлаб Ер юзини ўрмон дараҳтлари қоплаб олади.

29-расм. Девон даври балиқлари.

1 – птеричтис. 2 – Диптерус. 3 – Холоптичиус.

30-расм. Девон даврининг асосий фаunalари.

- 1 – Спиритер (Д3)
- 2 – Спиритер дисжунетус (Д3)
- 3 – Рхайнчонелла (Д3)
- 4 – Слаймениа (Д3)
- 5 – Мантисосерас.
- 6 – Тиманитес.
- 7 – Салсеола.



31-расм. Ер юзидаги қадимий ўсимликлар.

1-клодоксион – папоротникларга айланган хили,  $D_2$ ; Германия. 2-Протолепидодендрон – плаунлиларни айланган хили,  $D_2$ ; Чехия. 3 – Гиения-игнабарглиларга айланган хили  $D_2$ , Германия.

### **Девон даврига умумий тавсиф**

Девон геологик даврининг палеазой эрасида ўзига хос ўрни бор. Девон даврининг биринчи ярмида Каледон орогеник-тектоник эпохаси “ўз мажбуриятини бажариб” бўлди. Девон даврининг охиридан бошлаб энди бутунлай янги герсин орогеник-тектоник эпохаси бошланди.

Қуйи девон даврида ўрта палеазой регрессияси кенг тус ола бошлайди, бу регрессия жараёни аслида Силур даврининг охирларида намоён бўлган эди.

Геосинклинал вилоятларда денгиз хавзалари ҳукм сурган ўрта девон даврида эса дунёнинг аксарият кўп ҳудудларида кўтарилима харакатлар пайдо бўлиб, пасайган жойларда ўрта палеазой трансгрессияси юз берди. Денгизлар платформа вилоятларини яна сув хавзалари остига ғарқ қилди.

Шундай қилиб, денгиз хавзалари чекинган, сув босган минтақаларда катта-катта лагуна ландшафтлари юзага келди. Қаерларда иқлим шароити жуда иссиқ бўлиб ўтган бўлса, шу жойларда туз кони майдонлари хосил бўлди.

Девон даврининг кейинги хусусиятларидан яна бири тоғлар аро букилмалар, ботиқликлар пайдо бўлиб, бундай шароитларда континентал чақиқ жинслар юзага келди, буларнинг атрофларида қизил тусдаги гипе аралашган юмшоқ чўкинди жинслар қопламлари хосил бўлди. Шу жойларда вулқон жараёнлари ҳам фаоллашди, булар ҳисобидан жинсларнинг қалинлиги янада қалинлашиб, жами бир қанча минг метрлардан ошиб кетди. Тоғлар аро хосил бўлган жинс ётқизиқ ва улар уцига жойлашган вулқон отқиндилари рельефларни ўзгартирди, бурмаланиш структуралари шаклланди, баландликлар ва бурчак остида яслangan қурилмалар пайдо бўлди.

Букилма ва ботиқликларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб, тоғ тизимлари аро вужудга келган чукур дарзликлардир, шу дарзликлар орасидан магматик интрузив таналар ёриб чиқа бошлайди, натижада ботиқликлар янада фаоллаша бориб, ҳам чукурликларда, ҳам юзада катта-катта пахсасимон (блокларга ажралган) ажралиш ҳаракатлари вужудга келди.

Юқорида батафсил ҳолатда тушунтирилган барча ҳаракатлар натижасида ҳақиқий орогеник (тоғ тизмаларининг юзага келиши) – геосинклинал жараёнлар намоён бўлади, бу эса ўз навбатида геосинклинал ривожланиш босқичининг охиргиси ва шунинг билан бир қаторда Каледон бурмаланишларининг якуний дамлари ҳисобланади.

Девон даврида Ўрол-Монгол, Ўртаер ва Тинч океани геосинклинал минтақалари, иннутск ва Аппалаг геосинклинал вилоятлари ҳамда шимолий-Атлантика (Лавренсия), Сибир ва Катта Хитой платформалари, Гондана суперматерик платформаси мавжуд эди.

### **Геосинклинал минтақалар ва геосинклиналлар.**

Каледон тоғ бурмаланиш эпохасининг натижасида Грампиана геосинклинали ўз умрини тутатди, Раледонитлар бошка геосинклиналларнинг майдонини ҳам қисқартириб юборди, геосинклинал минтақалар бир-бирларидан ажралиб кетдилар, вулқон жараёнлари фаоллашиб, чўкинди жинс қатламлари билан бир қаторда вулқон отқинди жинслар аралашган қалин қатламлар юзага келди.

Масалан, ўрол тизмаси геосинклинали Янги Ер оролидан бошлаб то мугоджар ва Тяншан тизмаси бўйлаб ажралди. Иккинчи геосинклинал минтақа бу марказий Осиё билан, Сибир, Манголиянинг шимолий қисми ҳамда Хитой платформаси бирлашган ҳудудлардан иборат бўлган. Ўрол геосинклиналининг ўрни девон даври ётқизиқлари юзага чиқиб турган жойларда кўзга ташланади. Худди шундай жойлар Ўрол тоғ тизмасининг ғарб ва шарқ этакларида Пай-Хой шимолдан, жанубдан эса Мугоджар баландликлари ҳисобланади. Ўрол тоғининг ғарбий этакларида девон даври ётқизиқларининг кетма-кетлиги қуидаги; қуидан юқори томон зичланган оҳактошлар қатлами, орасида риф ётқизиқлари ҳам учрайди. Юқори девон даврида узунлиги бир қанча юз километрларга чўзилган риф ётқизиқлари девонлари ҳосил бўлади.

Бу жинс ётқизиқлари Ўрол геосинклинали денгизларининг иқлими тропик шароитида бўлганлигидан дарак беради. Кейинги йилларда денгиз қирғоқ олди ётқизиқлари ва лагуналар шароитида ҳосил бўлган чўкинди жинс қатламлари аниқланди.

Бу жинслар асосан қумтош, гилмоялар, риф оҳактошларидан ташкил топган. Ўрол тизмасининг шарқ қисми этакларида эвиосинклинал шароитларида асосан вулқон жинслари ётқизиқлари, чўкинди жинслардан эса гилли сланеслар, яшма аралашган кремнийли сланеслар ва оҳактошлар қатламлари тўпланган.

Бу қатламларнинг умумий қалинлиги 7000-8000 м. атрофида. Қатламларнинг деярли ҳаммаси мураккаб бурмаланишлани ташкил этади,

бурмаланишлар орасида чуқурлашиб кетган дарзликлар ҳосил бўлиб, дарзликлар бўйлаб ҳар хил кимёвий таркибларга эга бўлган магматик интрузив таналар жойлашиб олган, интрузив магматик таналарнинг атрофидаги жинслар кучли метамарфизи жараёнига дуч келган – тош метин жинсларига айланган. Девон геологик даврининг бошларида Сибир платформаси ҳудудида қуруқлик шароити ҳукм сурганлиги маълум. Трансгрессия ҳодисаси ўрта девон даврида бўлиб ўтган; тоштуз, гипс, ангидрит ва саёз сув хавзаларида ҳос бўлган қизил тусдаги чўкинди ётқизиқлар иқлиминг қуруқ ва иссиқ бўлганлигини билдиради.

Девон даврида Сибир платформасида ҳам Ўрол тоғ тизмасидагига ўхшашиб дарзликлар ҳосил бўлган, дарзликлар бўйлаб эса вулқон отқиндилиари – лавалар кўтарилиб чиқа бошлаган, интрузив магматик таналар ҳам шу дарзликлар орасида жойлашиб олган. Мутахассисларнинг фикрига кўра Сибир ўлкасидаги кимберлит мўриларининг ёши девон даврига тўғри келар экан.

## Гондвана

Гондвана суперматеригининг деярли кўп қисми девон даврига кўтарилиган ёки баландлашган ҳолатда бўлганлиги учун кучли денудатсия жараёнига йўлиқкан. Терриген маҳсулотлар – қуруқликнинг емирилишидан пайдо бўлган ҳосиллар – саёз денгиз хавзаларида ёғила бошлаган, Жанубий Америка бундан мустасно.

Силур давридаги Африканинг шимолий минтақаларида мавжуд бўлган денгиз хавзалари девон даври давомида ҳам сақланиб турган. Денгизлар Сахаранинг марказий ва ғарб қисмларида бўлган, шимол тарафдан эса Ўртаер денгизи геосинклинал сув хавзалари билан туташиб турган, жануб тарафда ҳозирги Гвинея қўлтифи билан туташиб турган.

Гвинея қўлтифи ҳудудларида ҳосил бўлган девон тоғ жинслари бурғалаш қудуклари намуналари орқали аниқланди.

Шимолий Африка денгизининг чўкиндилари қумлардан ва гилмоялардан иборат бўлган, ҳозирги вақтда бу жинслар қумтош ва гилли сланесларга айланиб колган, фақат шимолий тарафдагина ўрта девон даврида оҳактошлар, хатто риф ётқизиқлари пайдо бўлди.

Шундай қилиб, Сахара ҳудудларида юзага келган девон ётқизиқларининг қалинлиги 500-1000 м., айрим чуқуроқ жойларда, уларнинг қалинлиги 2000 м. гача бориб етади.

Девон даврининг бошларида денгиз сув хавзалари Африканинг энг жанубий минтақаларида ҳам мавжуд бўлган. Чунки бу минтақаларда қумтош ва гилли сланецлар топилган, қалинлиги 300 м. гача. Гондвананинг жанубий Америка қисмida геологик ривожланиш тарихида биринчи маротаба кенг майдонларни эгаллаган ҳолатда девон даврининг бошларида трансгрессия ҳодисаси бўлиб ўтган. Бу вақтда Гвиана пац тоғликлари, Жанубий Патагония, Бразилияning шариқӣ ва марказий қисмидан ташқари жанубий Американинг асосий минтақалари денгиз сув остида ғарқ бўлиб турган.

Лекин ўрта девон давридаёқ денгиз сув хавзалари чекина бошлаган, девон даврининг охирига келганда денгиз сув остидаги худудлар денгиз сув хавзаларидан халос бўлдилар.


Денгиз сув хавзалари ўрнида қум қатламлари, нисбатан камроқ гилмоя қатламлари пайдо бўлганлиги маълум. Бу қатламларнинг устки қисмида эса, яъни девон даврининг охирларида бўлса керак, яхши сараланмаган чақиқ жинслар, шағал тошлар ҳамда музликларнинг тирнаб қолдирган излари бор харсанг тошлар ётқизилган.

Бу жинслар девон даврининг охирларида иқлим совиб музликларнинг геологик фаолияти натижаси деган хulosा бермайди, балки ҳакиқатга тўғрироғи бу ётқизиқлар маҳсулотлари денгиз сув хавзаларига сузиб юрувчи музликлар – айсберглар билан биргаликда келтирлган деган фикр ҳакиқатга тўғри келади.

Девон даври денгиз сув хавзалари Австралияning ғарбий тарафларига ҳам бостириб кирган бўлса ажаб эмас, чунки бу жойларда терриген (куруқлик) ётқизиқлари ичida карбонат жинслари ва риф қурилмалари пайдо бўлган.

Худди шу даврларда Австралияning марказий қисми букилишда давом этаверади, денгиз сувлари бостириб киришни ҳам давом эттираверади, денгиз остида кварц минералларидан иборат қумлар ва далашпат (тоғ шпати) ларидан ташкил топган арко қумлари тўпланаверган.

Девон даврининг палеогеографик харитаси, иқлим минтақалари ва ҳ.к. 32-расмда кўрсатилган.



32-расм. Девон геологик даврининг палеогеографик харитаси. Н.М.Страхов бўйича.

### Иқлими ва палеобиографияси.

Девон даврининг бошларида денгиз акваторияларининг қисқариши, натижада сув хавзаларининг бир-бирларидан узоклашуви, яккалашиб алоҳида жойлашуви туфайли палеобиогеографик вилоятлар (провинциялар) ҳам ажрала бошлийдилар.

Ўрта ва юқори девон давларида эса денгизларнинг бир-бирларига яқинлашуви яна амалга ошади, сув хавзаси ҳайвонот олами кенг хавзаларни эгаллаб ривожланиш ва тарқалиш имкониятига эга бўлди, вилоятлар орасидаги тафовутлар текисланга боради.

Палеоиклимунос олима М.А. Ржансницкая девон даври давомида иқлим минтақаларини фауна ва флораларнинг тарқалиш хусусиятларига асосланган ҳолда асослаб берди.

Масалан, Ўрол-Тяньшан вилояти-иқлими илик, денгизлар тропик шароитида бўлиб турган, шунинг учун денгиз хавзалари остида маржон-строматопоратлар ҳосил қилган риф ётқизиқлари пайдо бўлиб, бу жинслар таркибида брахуподалар жуда сероб бўлганлиги маълум.

Академик Н.М. Страхов девон геологик даври давомида қуйидаги иқлим минтақаларини ажратишга муюссар бўлган.

Тропик нам иқлим минтақаси Аппалаг тоғ тизмалари бўйлаб ўтган; Гренландиянинг жанубий шарқ тарафидан ўтиб, Ўрол тоғ тизмалари, Қозогистон ва Ўрта Осиё минтақалари бўйлаб ўтганлиги маълум.

Бу иқлимининг индикатори сифатида Медвежий оролидан топилган ва Барзасда ҳам аниқланган кўмир конлари, чўкинди жараёнлар билан боғлиқ темир конлар (Аппалаг, Ўрол, Салаир ўлкаси)ни мисол тариқасида келтирсак бас.

Арид иқлим минтақалари АҚШ, Канада, Шимолий Ер ва Таймир худудларида жойлашган экан. Ҳозирги айтиб ўтилган худудларнинг шимол тарафларида мўътадил-нам иқлим бўлиб ўтганлиги аниқланди.

Жанубий Арид иқлим минтақаси Англия Болтиқ бўйи мамлакатлари, Москва хавзаси, Донбасс ва Бетпак Дала худудларини ўз ичига олган. Совуқ иқлим минтақаси жуда аниқ тикланмаган бўлсада, тахминан Жанубий Африка ва Жанубий Америка худудларида бўлиб ўтган

Умуман олганда девон даври иқлим шароити шу даврининг қисман регрессия жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Регрессия ҳодисаси даврида иқлим шароити қуруқлашади.

Девон даврининг охирларида эса шимолий платформа вилоятларида яна транегрессия жараёни содир бўлади, шу муносабат билан иқлим шароити юмшайди ва намлик ҳукмронлик қила бошлайди.

### **Девон даврининг фойдали қазилма бойликлари.**

Девон даврининг иқлим шароитлари қулай бўлганлиги учун чўкинди жинслар билан сингенетик равишда ҳосил бўлган чўкинди конлар ҳосил бўлган. Иқлими нам, илиқ бўлган минтақаларда кўмир конлари ҳосил бўлган, Норвегиядаги, Тиман ўлкасидаги Кузнецк чўқмасидаги Барзасек конлари шулар жумласидандир.

Чўкинди жараёнлар билан боғлиқ бўлган чўкинди темир конлари Татаристонда, Ўрол тоғларининг Жанубий-Шарқий этакларида, Аппалаг тоғларида, Испания ва Туркияда топилган.

Боксит конлари Тиман ўлкасидан Ўрол тоғ тизмасининг шарқ томони этакларидан топилди.

Арид иқлим шароитлари бўлиб ўтган минтақаларда калий туз конлари ҳосил бўлган, шунаقا туз конлари Канадада (Саскачеван) ва Россиянинг Старобинск вилоятида ҳосил бўлган.

Волга-Ўрол, Тимано-Печорск, Канада, АҚШ, Амазонка пасттекислиги ва Сахара плиталаридан топилган нефт-газ хавзаларининг ёши девон даврига тўғри келган.

Ўрол тоғ тизмасидаги вулқон жараёнлари билан Мисколгедан маъданлари боғлиқ.

Олтой ўлкасидан топилган колгедан-полиметалл конларининг ёши девондир. Қозогистондаги Отасуй вилоятидан топилган темир-марганец, қўргошин-руҳ конлари ҳам девон даври мобайнида ҳосил бўлган.

### **Тошқўмир геологик даври ва унинг палеогеографияси.**

Тошқўмир геологик даври ёки карбон даври Ядер геохронология маълумотлариiga кўра, 345 млн йил аввал бошланган, 280 млн йил бурун тугаган; давом этган йили 65 млн йил.

Карбон даври 1822 йилда олимлар Д.Конибир ва В.Филлипс томонидан Англия худудида аниқланган. 1975 йилда Россияда Тошқўмир геологик

даври – Турней, визей ва намюр деб аталган Ярусларга (Кичик бўлимларга) ажralитди. Бу Яруслар Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари стратиграфик тузилишига ҳам тааллуқлидир. Чунки айrim комплекс тоғ жинсларини таркиби билан таҳлил қилишда жуда қўл келади.

### **Органик дунёси.**

Тошкўмир даври органик дунёси тез ва фаол суратда ривожлана борди, ривожланиш нафақат денгиз сув хавзаларида, балки қуруқликда ҳам амалга ошиди.

Континентлар ўрмонзорлар билан банд қилинди, бу ўз навбатида ўрмонзорлар шароитида яшашга мослашган бўғимоёқлиларнинг кўпайишига ва кенг тарқалишига олиб келди.

Тошкўмир даврининг нам иқлимли ўрмонларида ва ботқоқликларида ҳам, сув хавзасида ҳам қуруқликда яшашга мослашган ҳар хил стегоцефалалар-тумсоҳсимон ҳайвонлар кўпайди.


Карбон даври ботқоқликларида ранг-баранг ўсимликлар олами пайдо бўлди, тўқайзорлар майдони ҳам кенгая борди.

Карбон даврининг бошларига келиб, грантолитлар ва трилобитлар қурила бошлади. Йирик қисқичбақасимонлар, ўсимликлардан эса психофитлар бутунлай қирилиб йўқ бўлди.

Ботқоқликлар ва лагуна минтақаларида иқлими иссиқ ва илиқ худудларда дараҳт ўрмонлари ривожланди ва кенг майдонларга тарқала бошлади. Бу ўрмон дараҳтлари – “антракофит” дегни ном олди. Бу дараҳтларнинг нам ортувчи томирлари яхши ривожланган экан, булар қаторига плаунлилар, қирқбўғинлилар, папаротниклар, лианасимон папаротниклар кирган, яна шулар қаторига илк папаротниксимон очик уруғликлар пайдо бўлди-булар кордантлардир. 33-расмга қаранг. Тошкўмир даври барча ўсимликларининг чиқиндиларидан, сув остида ҳамда чўқинди жинслар остида қўмилиб қолишидан, ботқоқликлар ўсимликларидан каттакатта қўмир кони хавзалари ҳосил бўлган. 34-расмга қаранг.

Карбон даври денгиз сув хавзаларида фораминифералар авлодлари жуда кўпайиб кетган.

33-расм. Тошкўмир ва Перм Геологик даврларининг ўсимликлари.



34-расм. Карбон геологик даврининг палеогеографик харитаси. Н.М. Страхов бўйича.

Шу жонзотлар ҳисобидан фузулини охактошлар қатламлари ҳосил бўлиб, тошкўмир даври стратиграфиясини тиклашда катта аҳамиятга эга. Брахнаподаларнинг ривожлана бориши ҳам кенг тус олди. Тўрт нурли колониал тарзда яшовчи маржон политлар кўпайди, улар мшанкалар, табуляталар ва сув ости ўсимликлари билан бирга катта-катта майдонларни эгаллаган риф ётқизиқларини юзага келтирган.

Бу ётқизиқлар кейинги геологик даврларда охактош қатламларидан иборат бўлган баланд ва узун тоғ тизмаларига айланиб кетган.

Карбон даврининг иқлим шароитлари жуда қулай бўлиши муносабати билан (Гондвана булерматеригининг майдони бундан мустасно) қалин ўсимлик олами ривожланган минтақаларда бўғимоёқли жонзодлар ниҳоятда кўпайди: ўргимчак ва ўргимчаксимонлар, чаёнлар, сувараклар, игначилар (қанотларининг ёйилиши 1 м ва бундан ҳам каттароқ бўлганлиги, айримлариникининг қанотлари 3 м гача борган) шулар жумласидандир.

Дениз хавзаларида балиқлар сони ва уларнинг зотлари ҳам жуда кўпайган.

Тимсоҳсимон ҳайвонлар-стегоцефаллар асосан кўл ва ботқоқлик қирғоқларида, чакалакзор ва бутазорлар ичидан яшаб кўпайганликлари маълум бўлди.

Тошкўмир даврининг охирларида стегоцефаллар синфининг намоёндалари ривожланишидан бўлса керак,

35-расм. Тошкўмир даврининг умуртқасиз фаunalари.

бирламчи судралиб юрувчи ҳайвонлар-рептилиялар ер юзида пайдо бўлиб қолди, кейинчалик уларнинг авлодлари қуруқлик томон тарқала бошлашиб континентларни забт эта бошлаганлари маълум бўлди. Бу фикрга асос қилиб қуруқлик худудларидан топилган тошқотган тухумларининг қолдиқлари мисол бўла олади.

### **Тошқўмир даврига умумий тавсиф.**

Тошқўмир даврида ҳозирги – замонавий континентлар ўрнида Шимолий-Атлантика, Сибир ва Хитой платформалари ҳамда Гондвана суперплатформалари мавжуд бўлган. Шу платформаларнинг ораларида Аппалаг геосинклинали, Ўртаер денгизи ва Тинч океан геосинклинал минтақалари жойлашган бўлган.

Тошқўмир даврининг бошларида ҳосил бўлган чўкинди жинслар шундан далолат бериб турибдики, шимолий яrim шарда катта майдонларни эгаллаган ҳолда трансгрессия ҳодисаси юз берган. Шимолий Американинг деярли ҳамма худуди, Оврупо ва Осиё (узоқ шарқнинг марказий қисмидан ташқари) худудлари сув хавзалари остида ғарқ бўлиб турган.

Гондвана суперматеригида эса қуруқлик хамон ҳукмронлик қилган, факат Гондвананинг атрофларида гина денгиз хавзалари сақланиб қолган.

### **Герцин тоғ бурманалиш эпохаси.**

Герцин сўзи Германиянинг қадимиј Герциния тоғлиқ худуди номидан олинган.

Герцин бурмаланиш эпохаси тошқўмир ва перм геологик даврларида энг авж олиб, текнотик ҳаракатлар ва магматизм, вулқон жараёнлари фаоллашган вақти бўлган.

Қозоғистон, Ўрта Осиё жуммладан Ўзбекистондаги ҳозирда ҳам мавжуд бўлган тоғ тизмалари Қурама, Чотқол, Пеком, Зирабулоқ-Зиёвуддин, Нур ота, Қорамозор, Хисор ва бошқа тоғ тизмалари герцин бурмаланиш эпохасида батамом шаклланиб бўлди.

Ҳозирда ҳам сақланиб қолган катта-катта ва чукур дарзликлар, тектаник ёриқликлар, букилма ва ботиқликлар герциниidlар ҳамда магматизм ҳосиллари ва улар билан генетик равишда боғлиқ бўлган нометалл ва металли фойдали қазилма бойликлар герцин тектоно-магматик эпохаси билан боғлиқ.

36-расмда аввалига горизонтал ва субгоризонтал ҳолатда жойлашган оҳактошлар эффузив магматик тананинг ёриб кириб ўрнашиши муносабати билан бурмаланишлар ва дарзликлар пайдо бўлганлигини англатувчи карбон-перм даврлари бурмаланишлари ифодаланган. Бу геологик кесим Қироғил сойидаги (Хумсон қишлоғининг шарқий баландликларида жойлашган) флюорит кичик конидан олинган.

36-расм. Қироғил тизмасидан (Хумсон) олинган герцин бурмаланишини ифодаловчи геологик кесим.

1-Доломит.2-мармарланган охактош.3-қумтошли туф.4-кора рангдаги сланецлар.5-эффузив жинс танаси-кварцли порфирилар.6-дарзликлар.С<sub>1</sub>қуйикарбон турней (t), визей (V) яруслари.

Герцин орогеник-тектоник бурмаланиш эпохаси Ернинг ривожланиш тарихидаги энг муҳим ва оламшумул воқеадир, чунки бу эпохада ер юзида йирик ва ҳар хил ўзгаришлар бўлиб ўтади. Катта-катта майдонларни ўз ичига олган бурмаланиш вилоятлари-герцинилар юзага келди. Герциниларни ер юзининг деярли барча минтақаларида учратишими мумкин.

Ҳозирги вақтда герциниларнинг ер юзасига чиқиб турган жойлари Англияда, Ирландияда, Франциядаги Арморикан ва Марказий Франция массивларида, Пиреней ярим оролида (Пиреней ва Андалузия тоғлари кирмайди) Корсика, Сардиния, Вогезияда, Шварцвальда, Арденн, Рейн сланула тоғларида, Гарц ва Богейск (Чехия) массивида, Судет тоғларида яққол кўзга ташланади.

Ўрта Осиёдаги жумладан Ўзбекистон Республикасидаги тоғ тизмаларининг заминлари асосан Каледонид ва герцинилардан ташкил топган. Фойдали қазилма бойликларнинг ҳам асосий заҳиралари шу герциндлар вилоятларида мужассамланган.

Булардан ташқари герциндларнинг замини ҳозирги вақтда мезозой ва кайназой ёқизиқларининг остида жойлашган. Ҳозирча уларнинг кўпчилиги хали ер юзасига чиққанича йўқ.. Бундай вилоятлар қаторига Англия-Париж, Дунай дарёсининг қуи худудлари, Скиф-Турон плиталари, чўлли Крим, Донецк хавзаси, Кавказ олди тоғ тизмалари, Магишлок, Устюрт ва Қизил-Қумнинг айrim худудлари, Ангрен хавзаси, Фаргона водийси, Нурота тизмасининг Оқтоу ва Қоратоу этаклари, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларининг Жанубий ва шарқий худудлари, Хисор тизмасининг шимолий ва жанубий минтақалари, Пском, Чимён тоғ олди этаклари ва бошқалар киради. Ангарида ёки Лавразия суперплатформасининг замини ҳам герцинилардан ташкил топган.

### **Гондвана.**

Карбон даврининг охирлари Гондвана суперматеригининг деярлик кенг майдонларини эгаллаган ҳолда музлик даврини бошлаб берди.

Масалан, музликлардан қолиб кетган тиллит жинслари Африкада, Мадагаскар оролида, Ҳиндистон Ярим оролида, Австралияда, Жанубий Америкада ва Антарктидада топилди. Тиллитлар Гондвананинг Континентал ётқизиқлари билан аралашган ҳолда учрайди.

Жанубий ва Марказий Африка худудларида ва Мадагаскарда тиллитларнинг қалинлиги 400 м гача боради, тиллитлар таркибида яхши сараланмаган шағал тошлар, катталиги-диаметри 2 м келадиган харсанг тошлар, учрайди, бу кейинги айтилган жинслар токембрый даври жинслари бўлиб чиқди. Ўша шағал ва дағал жинслар қум ва гиллар билан цементланган бўлиб, гиллар орасида балиқ скелетлари, моллюскалар ва криоидеялар учраб туради, демак денгиз сув хавзалари қиска муддатда бўлса ҳам вақти-вақти билан қуруқлик томон кириб турган.

## **Иқлими ва палеобиогеографияси.**

Тошкўмир геологик даврида ҳам планетамизда девон геолог даврининг охирларида бошланган нам илиқ иқлим сақланиб турган.

Лекин тоғлик худудларнинг баландлик минтақаларида муз қопламлари, масалан Марказий Анд тоғларида, бўлганлиги маълум. Анд тоғ тизмасининг пастликларида иқлим мўътадил-нам шароити бўлиб ўтганлиги шу вилоятларда кўмир конлари ҳосил бўлганлиги тасдиқлаб турибди.

Ўрта ва юқори тошкўмир даврларида тоғ бурмаланишлар ва қўтарилишлари бўлиб ўтганлиги сабабли регрессия ҳодисалари юзага келгач, иқлим шароитлари дифференциациялашиб ҳар хил иқлим минтақалари пайдо бўла бошлаган.

Академик Н.М. Страховнинг кузатишларига қараганда тошкўмир даврида 5 хил иқлим минтақалари бўлиб ўтган. 34-расмга назар ташланг.

1. Шимолий мўътадил нам иқлим минтақаси Қарағанда, Кузбассе, Экибастуз ва Тунгусс кўмир кон хавзалари вилоятлари ўрнида бўлиб ўтган. Айтиб ўтилган вилоятларнинг (кўмир кон хавзаларининг) жанубида арид иқлим шароити бўлган. Бу иқлим шароитига қўйидаги далилларни мисол тариқасида келтирамиз:

1. АҚШнинг марказий ва ғарб худудларида таркибида гипс ётқизиқлари сероб бўлган жинслар аниқланган. Россиянинг Оврупо тарафларида доломит жинслари ҳосил бўлган; гипс ва қизил тусдаги чўқиндилар ғарбий Қозоғистонда, ингидрид ётқизиқлари Тяншан тизмаларида, гипс ғарбий Хитойдаги ётқизиқлар орасида пайдо бўлган.

2. Тропик нам иқлим шубҳасиз қўйидаги минтақаларда аниқланган:

АҚШнинг қисмидаги кўмир кони хавзалари ўрнида; Оврупонинг ғарб ва Жанубий вилоятларида; Россиянинг Жанубий Оврупо қисмида; Фарғона водийсининг боксит конлари топилган вилоятларида.

3. Жанубий арид иқлим минтақалари Сахара чўлининг шимолида ва Бразилияда ўз тасдиғини олган.

4. Мўътадилсовуқ иқлим минтақалари Гондвана суперматеригининг тиллит жинслари тарқалган вилоятларида тасдиқланган.


5. Муз босган совуқ иқлим шароити эса Гондвананинг жанубий, шарқий ва ғарб худудларида аниқланган, чунки шу худудларда мореналар қатлами жуда кенг майдонларни эгаллаган ҳолда учрайди. Экватор минтақаси чегараси ўрта ва юқори тошкўмир даврларида Панама бўйин қисмидан, ғарбий Оврупонинг Марказий вилоятларидан, Дунай дарёсининг қуи оқими қисмидан ва Каспий денгизининг жанубий қирғоқларидан ўтган экан. Жанубий қутб минтақаси атлантик океанинг Африка қисмida унинг жанубий ва жанубий-ғарб томонида жойлашганлиги аниқланди.

Тошкўмир даврининг иқлим шароити ҳақида шу даврининг ўсимлик дунёси ҳам аниқ маълумотларни исботлаб беради.

Масалан, тропик иқлим минтақаларидан хашаматли, дабдабали ва серхашам ҳар хил туркумга киравчи ўрмон дараҳтлари қолдиқлари топилган. Ўрмон дараҳтларининг барглари йирик бўлган. Шундай ўрмонлар қолдиқлари Вестфал вилоятида жуда яхши сақланиб қолган.

Тунгусс вилоятларида иқлим шароити мўътадил нам иқлим бўлиб ўтганлигини кордоитли тайча ўрмон қолдиқлари исбот тариқасида кўрсатма бера олади. Гондванада иқлим шароити совуқ бўлганлигини бу материк юзасида пастбўйлик папоротникларнинг яъни тундра ўсимликларининг ўсганлиги тасдиқлайди.

Тошкўмир даври ўрмон дараҳтларининг яна бир хусусияти уларнинг илдиз қисмлари Ер юзасига ҳам чиқиб турган. Тошкўмир даврининг ўрмон манзараси тахмини 37-расмда кўрсатилган.



37-расм. Девон даври ўрмон дараҳтлари. В.Л. Комаров бўйича.

1-лепидоденрон; 2-кордоитлар; 3-сигиллярия; 4-дараҳтсимон папоротник; 5-қийик учқиррали-барглилар; 6-каламитлар.

### **Фойдали қазилма бойликлари.**

Тошкўмир геолог даврининг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири давр номига мос тошкўмир кон хавзаларининг ҳосил бўлганлигидадир. 34-расмга қаранг. Шимолий ярим шардаги Оврупо-Осиё яъни Лавразия материгининг (Канада ва Греландиядан ташқари) деярли ҳамма

минтақаларыда күмир кон хавзалари ҳосил бўлган. Бу конлар платформа вилоятларида ва тоғ тизмалари аро ботиқликларида, кенг майдонларни забт этган водийларида ҳосил бўлган бўлиб, дунё тошкўмир конлари заҳираларининг 27 %ини ташкил этади.

Бу тошкўмир конлари қаторига Донец кўмир хавзаси, Қарағанда, Кизелёв, Москва орти ва Экибасс туз хавзалари асосий ўринни эгаллайди. Булардан ташқари Кузнецк, Минусинск ва Тунгуз хавзалари ҳам киради. Фарбий Овруподаги Польша, Чехославакия, Германия, Белгия, Франция ва Англия кўмир конларининг пайдо бўлган вақти карбон даврига тўғри келади. Карбон геолог даврига тааллукли кўмир конлари Испанияда Аппалач ва Пенсильвания (АҚШ)да ҳам топилган.

Волга ўрол минтақасида аниқланган ва ҳозирги вақтда қазиб олинаётган нефт конлари заҳираларининг ярми карбон даврида ҳосил бўлган. Оренбург вилоятидаги ёнувчи газ конларининг ёши ҳам карбон даврига тўғри келади. Хитойдан, шимолий Онежек ва Тихвиндан топилган боксит заҳиралари карбон даврида ҳосил бўлган. Қора тоғ тизмасидаги, Ўрта Осиё тоғ тизмаларидаги қўрғошин, рух конлари карбон даври магматизм жараёнлари билан узвий боғлиқ. Қозогистондаги Джезказғон катта масканининг ёши ҳам карбондир. Магнитная (курскмагнит аномалияси – К.М.А.) Кагарск, ҳамда Соколов-Сарбой темир кон хавзалари тошкўмир даврида ҳосил бўлган. Ўзбекистон Республикасидаги рух-қўрғошин, мис, олтин, волфрам, молибден, бериллий, уран ва ер юзида камдан-кам учрайдиган ва ноёб металлар гурухи тошкўмир даврида юзага келган.

Ўрол тоғ тизмасидаги олтин конлар карбон даврига мансуб.

Ўзбекистон Республикасида шу кунларда қазиб ишланаётган йирик олтин, мис, қўрғошин-рух, волфрам, молибден, уран ва X.К. конлар таркибида учрайдиган ва саноат талабларига жавоб берадиган кондинсен қўшимча элементлар: германий, рений, иттрий, иттербий, тантал-ниобатлар, селен ва темир, индий, скандий ва бошқалар карбон геологик даври магматизм жараёнлари натижасида ҳосил бўлган.

### **Перм геологик даври ва унинг палеогеографияси.**

Перм геологик даври 280 млн йил аввал бошланиб, 235 млн йил бурун тугаган. Даврнинг давом этган йили 45 млнга тўғри келади.

Перм геологик даври Россиядаги перм губернияси номига қўйилган. Перм вилоятида шу даврга тегишли жинс ётқизиқлари кенг миқёсда тарқалган, шунинг учун ҳам бу даврни аниқлаш осонлашган. Бу геологик давр 1831 йилда Д.И. Соколов томонидан аниқланган бўлиб, 1839 йилда яна аниқлик киритди. 1841 йилда рус геологи Г.П. Гельмерсен Россиянинг Оврупо қисми харитасига перм даври ётқизиқларини туширтирди. 1841 йилда Англия геологи Р. Мургисон юқорида қайд этилган мутахассисларнинг маълумотларини назарда тутган ҳолда ва перм губерниясида топилган карбон давридан кейинги ётқизиқларни “Перм геологик даври” деб аталишини тавсия этди.

Органик дунёси.

Перм даврининг денгиз хавзаларида фораминифералар (айниқса фузулиниидлар ва швагериналар), қулафли брахиаподалар ва гониатитлар хукмронлик қилганлар. Гониатитлар перм геологик даврида жуда кўпайишган, лекин перм даврининг охирида улар ўз ўрниларини цератитларга бўшатиб бердилар. Пелециподалар, гастраподалар, острокодалар ва конодонталарнинг сони ҳамда авлодлари жиҳатидан ниҳоятда кўп бўлганликлари маълум. Чучук ва шўр сув хавзаларида балиқларнинг турлари ва нусхалари жуда кўпайишиди.

Стегоцефаллар перм даври бошларида камая борди, даврнинг охирида улар сўна бошлаб йўқ бўлиб кетдилар, уларнинг ўрнига ҳар хил зотли судралиб юрувчилар пайдо бўлиб қолдилар. Булар қаторида вахшийлари ва ўтхўрлари ҳам яшаган.

Перм даврида тошкўмир давридаги ўсимликлар оламининг хиллари камайди, кирқ бўғинлилар унча-мунча сақланиб қолдилар.

Перм даврининг иккинчи ярмида ўсимлик оламининг хиллари, бошқа турлари билан алмашина бошлайди, айниқса тропик иқлим минтақаларида сезиларли кўринишдаги очик уруғликлар пайдо бўлишди-кирқ бўғинликлар, цикадолилар ва гинколиларнинг янги хиллари юзага келди.

38-расм. Перм даврининг ўтхўр, беўхшов, бесёнақай ҳайвони.

1. *Inostrancevia*. Перм даврининг вахший ҳайвони.
2. *Pareiasaurus*.

39-расм. Перм геологик даврининг денгиз фауналари.

### **Перм даврига умумий тавсиф.**

Перм геологик даврининг охирларида герцин тоф бурмаланиш текнотик ҳаракатлари тугади. Герцин эпохасининг охирги фазаларида Ўрол-монгол ва Аппалаг геосинклинал ҳаракатлари ва умуман ривожланиш вақтлари ниҳоясига етди. Лекин, Лавразия материгининг шарқ минтақасида жуда кучли магматизм жараёнлари бўлиб ўтди. Бу жараён вақтида ҳам интрузив магматизми, ҳам ер усти магматизми юзага келди. 40-расмга эътибор беринг.

Эффузив магматизми, айниқса гурухий вулқон портлашлари боз устига кетма-кет лаваларнинг ётқизилиши ва уларнинг бир-бирлари устига зинасимон равишда жойлашиши ажабтовур ҳодиса бўлиб намояланди. Шунинг учун ҳам Перм геологик даврини траппли вулқон отилиши даври деб аташади.

Магматизм жараёнлари билан эндоген шароитда ҳосил бўлган металли ва нометалл фойдали қазилма бойликлар ҳосил бўлган.

Шундан сўнг перм даври Лавразиянинг (Ангарида) шаклланиши ниҳоясига етди.

Гондвана майдони кенгайиб кеди, лекин перм даврининг охирларида Гондвана суперматерири тарс иккига бўлиниб қолди.


Бундай ажралишга асосий сабаб Ернинг ички кучларининг тектоник ҳаракатлари ўз таъсир кучини кўрсатганлигидир. Магматик таналар Ер юзасида намоён бўлмасдан Ер қобиғи ва пўсти уфқларидагина ҳаракатланди холос. Гондвананинг икки катта қисмга бўлиниши ҳозирги Хиндистон ярим оролининг ғарбий чегарасида, Арабистон ярим оролининг шарқий чегарасида, жанубда эса ҳозирги Мадагаскар ороли ва Африка қитъасининг жанубий шарқ тарафларида содир бўлди.

Гондвана материгининг иккига ажралиб турганлиги 40-расмда ўз ифодасини топган. Демак, Гондвана суперматеригининг шу ҳолатга келиши, Перм геологик даврида планетар сиқилиш-сурилиш жараёни вужудга келди. Бу ажралган худудларга етис денгизининг сувлари бостириб кира бошлайди, натижада Гондвананинг ўрталарида трансгрессия жараёни вужудга келди.

Перм даврининг бошланишида ёқ Хиндистон ярим оролининг шимолий минтақаларида, жанубий Американинг жанубий-ғарб тарафларида, Африка қитъасининг шимолида ва жанубида ҳам, айниқса Австралия материгининг деярлик гир айланасида рифт вилоятлари юзага келди. Рифт вилоятларининг ҳосил бўлиши Герцин тектоно-магматик эпохасининг астурый ва ўрол бурмаланиш фозалари билан боғлиқлиги аниқланган. Тетис денгизининг палеогеографик ўрни шарқдан то ғарбга томон чўзилиб келиб, тахминан  $30^{\circ}$  ўрта минтақа кенглигига жойлашган. Аммо лекин Тетис денгизи майдонининг кенглигига ўрта кенгликда ниҳоятда қисқариб қолди.

Бу палеогеографик ҳодисани Тетис денгизи сув ҳавzasининг Гондвана материгининг иккига ажралиб қолган худудига бостириб кириши билан тушунтириш мумкин.

40-расмда кўрсатилганидек Тетис денгизининг ўрталарида меридиан йўналишидаги узундан-узоқ чўзилган бўғоз шаклланди. Бу Гондвана материри ривожланиши тарихининг “Шарқий Африка палео бўғози” деб аталса муболағага олиб келмаса керак. Шу муносабат билан яна иккинчи фикр пайдо бўляптики, палеозой эрасининг охирида ва мезозой эрасининг бошларида ҳозирги Хинд океани ҳавzasига “замин” тайёрланди, шу бўғоз Африка палео бўғози ёки Гондвана бўғози триас ўрнида турди, геологик даври мобайнида ҳам ўзгармади, тахминларга кўра бу бўғоз 50 млн йилга сақланиб турган. Бу палеогеографик воқъеликни ва физик-географик шароитларни бўлиб ўтганлигини тасдиқлаш ва ишонч ҳосил қилиш учун перм, триас ва юра геологик даврларининг палеогеографик хариталарини бир жойга қўйиб таққосланса яққол кўзга ташланиб туради.



40-расм. Перм даври. Палеогеографияси Н.М. Страхов бўйича.

## Платформалар.

### Ангарида (Лавразия)

Ангарида платформасининг перм геологик даврига тегишли тоғ жинслари ёқизиқлари Ўрол тоғининг ғарбий ён бағри этакларида ва ўрол олди вилоятларида аниқланган.

Бу ётқизиқлар қуйидаги жинслардан ташкил топган: охактошлар қатлами, мергеллар ва таркибида фораминифераларга жуда бой бўлган доломитлардир.

Ўрол олди вилоятларида риф ётқизиқларидан ташкил топган довонсимон тузилишига эга бўлган массивлар ҳосил бўлган.

Бундай массивларни гидроидли полиплар, мшанкалар, маржон полиплари ва денгиз нилуфарлари вужудга келтирғанлар. Риф массивлари атрофида уларнинг емирилишидан ҳосил бўлган ҳар хил катта-кичик бўлаклари сочилиб ётибди. Демак, қандайдир бир қисқа вақтда бўлса ҳам бу вилоятларда физик-географик шароит ўзгариб риф массивлари нураш жараёнига йўлиқкан бўлса керак. Риф массивларининг баландлиги бир қанча метрдан бошлаб то бир қанча юз метргача кўтарилиб турган. Риф массивларининг айримлари баландлиги 600-800 м. ва хатто 1000 м гача бориб етган. Конгдаланг кесимларнинг қалинлиги 2-3 км келади. Риф массивларида ковакларида нефт пайдо булган. Бу заҳираларнинг устки

кисмларни корбанантли ва чилли жинслар копламалари епиб койган. Ана шутарика нефт конлари сакланиб колган. Пери геологик даврининг бошларида Урал тог тизмасининг гарбий тарафларида Герун тог бурмаланиш ҳаракатлари уз тасир кучини курсатиб шу худудларда янги еш тоглик улкалари вужудга келган. Татаристон худудида ҳам перим геологик даврига талукли булган жинс етқизиклари аникланган. Бу ётқизиклар қизил тусдаги ва ола-була рангдаги құмтошлардан, алевролит ва гилмоялардан иборат. Жинслар таркибида фауна ва флоралар қолдиқлари камдан-кам учрайди; демек бу жинслар қатламлари континентал денгиз шароитида ҳосил бўлганлигидан дарак бериб турибди. Татаристон худудининг гарб тарафида юқори перм ётқизиклари таърифи нисбатан мураккаброқ тузилган. Ҳозиргина юқорида қайд этилган жинсларнинг устида яъни Уфа ярусининг юқорида қозон яруси деб номланган карбонат-гилли қатламлар жойлашган, фаунасининг хиллари кам бўлса ҳам асосан бир ҳил зотли фауналарнинг қолдиқлари жуда кўп. Ётқизикларни вужудга келтирган палеоденгизнинг шўрлиги нормал ҳолатда эмас экан. Фауналари асосан брахиапода (чиғаноқли) жонзотлардан иборат бўлган, денгиз остида ва унинг лагуна хавзаларида туз конлари ҳосил бўлган. Соль-илемецк кони шулар жумласидандир.

Академик Д.В. Наливкиннинг фикрига кўра, юқорида айтиб ўтилган ётқизиклар ўрнида денгиз хавзаси бўлган экан; бу денгизни Қозон денгизи деб атаб унинг майдонини ҳозирги Каспий денгизи майдони билан тенглаштиради. Лекин бу қозон денгизи узоқ вақт давомида сакланиб қолмай чекинади, унинг ўрнида Шарқий Оврупо худудларида худди Қизилқум ёки Сахара гулларига ўхшаш қум сахроси юзага келган.

### **Гондвана.**

Перм геологик даврида Гондвана материгининг умумий майдони кенгайди, чунки Жанубий Африкадаги ва Шарқий Австралиядаги герциниидлар қўшилиб кетди.

Ҳозирги Жанубий Америка қитъаси, Африка ва Арабистон Ярим ороли, Ҳиндистон Ярим ороли ва Австралия қитъаси юзаларида қуруқлик шароитлари хукмрон қилган.

Тошқўмир геологик давридаги муз қопламлари эриб кетгандан сўнг денгиз туташган минтақаларда бўғозлар, қўлтиқлар, денгиздан узоқдаги вилоятларда лагуна ва кўл-ботқоқликлар юзага кела бошлади. Айнан шу минтақаларда перм даври палеогеографик ҳаритасида кўрсатилганидек ўсимлик олами ривож топиб, кўмир кон хавзаларининг ҳосил бўлишига шароит туғилди кўмириларни пайдо бўлди ҳам.

### **Геосинклинал минтақалари.**

Ўрта Ер денгизи геосинклинал минтақаси (Тетис денгизининг қуруқликка айланиб қолган худудлари) герцин тог бурмаланиш жараёнининг фаоллиги сусая бориши билан қисқариб кетди. Перм даврининг охирларида Тетис қуруқлик майдонининг релефи текислана борди ва кўпчилик вилоятларида вулқон портлашлари туфайли лавалар хисобидан водийсимон ботиқликлар ва букилмалар тўлдирилиб кетилди.

Помир тоғ тизмасидаги Перм геосинклиналиниң ҳаракати вақида Дарвоз тизмасида ҳам эффузив магматик ҳосиллалари ҳосил бўлди. Перм даврида Дарвоз тизмаси ва Помир тизимида юзага келган терриген,

Тошкўмир геологик давридаги муз қопламлари эриб кетгандан сўнг денгиз туташган минтақаларда бўқозлар, кўлтиқлар, денгиздан узоқдаги вилоятларда лагуна ва кўл – ботқоқликлар юзага кела бошлади. Айнан шу минтақаларда Перм аври палеогеографик харитасида кўрсатилганидек ўсимлик олами ривож топиб, кўмир кон ҳавзаларининг ҳосил бўлишига шароит тузилди, кўмир конлари пайдо бўлди ҳам.

### **Геосинклинал минтақалари.**


Ўрта Ер денгизи геосинклинал минтақаси (денгизининг қуруқликка айланиб қолган худудлари) герцин тоғ бурмаланиш жараёнининг фаоллиги сусая бориши билан қисқарип кетди.

Перм даврининг охирларида тетис қуруқлик майдонининг релефи текислана борди ва кўпчилик вилоятларида вулқон портлаши туфайли лавалар ҳисобидан водийсимон ботқоқликлар ва букилмалар тўлдирилиб кетилди. Помир тоғ тизмасидаги Перм геосинклиналиниң ҳаракати вақтида, Дарвоз тизмасида ҳам эффузив магматик ҳосиллалари – жинслари ҳосил бўлди. Перм даврида Дарвоз тизмаси ва Помир тизимида юзага келган терриген, рифоген ётқизиқлари, оҳактошлар қатламлари хамда эффузив жинслари билан уларнинг умумий қалинлиги 5000 м дан ҳам ошиб кетди. Перм даврини фаол вулқон траппсимон(зинапоясимон тартибда ётқизилган лава қолдиқлари) жинсларининг юзага келиш даври деб юқорида тушунтириб ўтган эдик.


Ўзбекистон худудларида ҳам, жумладан Кожонтау тизмасида, Учом тизмасида, Қироғил Пеком, Чимён тизмаларида тарпи ҳолатидаги эффузив жинс ётқизиқари учрамсада лекин эффузив магматик таналари хозирги кунда шундок Ер юзасига чиқиб яққол кўзга ташланиб турибди.

Эффузив жинслар Силур, Девон, Тошкўмир даврларида ҳосил бўлган қалин қатламарини ёриб чиқкан. Шу вақтда горизонтал ва субгоризонтал ҳолатида жойлашаган қатламларни кучли деформацияга учратиб ағдарма, изоклинал бурмаларни, ётиқ ҳолатдаги бурмаларни, антиклинал ва синклинал структураларни юзага келтирган.


Булардан ташқари эффузив магматик таналарнинг ёриб кирган чегараларида – контакт қисмида тектоник ҳаракатларнинг излари қолдиқлари шу кунларгача яхши сақланиб қолган. Шундай бурмаланиш структуралари 41-расмда ифодаланган бўлиб, бу ҳақиқий ҳодиса ва воқеалар – фактик маълумотлар бир қанча ўн йиллар давомида олиб борилаётган талабалар билан дала - ўкув амалиётлари даврида Угом дарёси бўйлаб, Чорбоғ сув омбори атровларида, Бурч-Мулла, Юсуфхона ва ҳ.к. туманларида чизилган.



41- расм.



42- расм.



43- расм

## Иқлими ва палеобиогеографияси.

Иқлим шароити тошкүмир геологик даврининг охирларида қандай бўлган бўлса, перм давриада ҳам шундайлигича қолаверган. Фақат фарқи арид иқлим минтақаларининг худуди тобора кенгайиб борди. Гондвана суперматеригидаги музлик қатламлари эриб йўқ бўлди, айрим музликлар ҳамон Австралия қитъасининг четки шарқ қисмидагина сақланиб қолган эди, перм даврининг бошларида бу музликлар ҳам секин аста эрий бошлади.

Перм даври қуруқликлар майдонида тошкүмир давридаги палеобиогеографик муҳитлр сақланиб ўзгармади. Масалан: Вестфал (Евроамерий), Тунгусс ва Гондвана палеобиогеографик муҳитилар сақланиб қолди. Лекин Тунгус вилоятидаги муҳит минтақаси кенгая бориб, Қозоғистон худулари ҳам қўшилиб кетди. Ўрта денгизи тропик иқлим шароитлари Тетис денгизида ҳам ҳукмронлик қила бошлади. Шунинг учун тетис денгизи сув ҳавзаларида фораминифералар, брахиаподаларнинг чиғаноқлари қалинлашган ва йириклишган авлодлари кўпайди, ҳамда хар хил пелициподалар ривож топди. Тетис денгизининг жанубий вилоятларида йирик Евридесма деб аталган моллюскалар ниҳоятда кўпайиб кетганлиги маълум.

## Палобиогеография

Маржон полиплар – уларнинг қазилма қолдиқлари ва тирик қазилма - ҳозирги кунда яшаётган маржон қолдиқлари ҳақида қисқача маълумотлар.

Маржон полиплар дунёси ранг баранг тусда товланади. Улар денгиз ва океан сув ҳавзалари остида ҳаёт кечирадирлар. Уларнинг ҳаёт кечириши учун иқлим шароити илиқ, иссиқ бўлиши шарт. Совуқ иқлим шароитларида улар яшайдилар. Маржон полипларининг ранги осмондаги ёмғир ва момақалдиrok мавсумидаги камалак ранги қандай бўлса, шундай тусларда товланади. Хар хил камалак рангларида товланишига асосий сабаб сув таркибидаги кимёвий элементларнинг таркибига боғлиқ бўлса керак. Маржон полипларнинг айрим айрим авлодлари денгиз сув ҳавзаларидағи марганец ёки темир эритмалари билан озиқаланиб «витамин» сифатида фойдаланаладилар, айримлари натрий, калий, калций эритмаларини сингдириб ҳаёт кечиради ва ҳ.к. Бошқа маржон полиплари авлодлари эса, денгиз сув ҳавзаларидағи симоб эритмаларидан эритмаларидан фойдаланиб, уларнинг ранги қизил ёки тўқ қизил рангга бўялиб товланади. Маржон полиплар – булар тубан кўп хужайраги қовақчиллар туркумига кирвчи майда жониворлардир. Уларнинг ташқи кўриниши худди сув ости ўсимликлариға ўхшаш бўлади. Аслида эса, улар тирик жониворлардир. Бу жониворлар ўтрок ҳолида ҳаёт кечириб, сув тўлқинлари харакати таъсир этаётгандек ҳар доим қимиirlаб харакат қилиб турадилар. Уларнинг энг оддий насллари, масалан: актиниялар якка ҳолда яшовчи скелети йўқ жониворлардир. Лекин қўпчилик колониал тарзда ҳаёт кечиравчи ва тропик иқлим шароитида яшовчи хиллари ранг баранг оҳакли скелетларга эга бўлади.

Маржон полипларининг худди шу хиллари ҳисобидан оҳактош таркибиға эга бўлган риф қурилмалари – тоғликлари ҳосил бўлади. Маржон

колониялари кўп мингли ва кўп миллионли жуда майдада полипларини ташкил этади. Уларнинг катталиги миллиметрни энг кичик бўлинмаларидан тортиб, то бир қанча миллиметрдаги доначалардан – таначалардан иборат бўлади. Улар организмининг ташки қаватлари оҳак моддаларидан иборат бўлиб, тўхтовсиз равишда оҳак моддаларини чиқитга чиқариб туради.

Маржон полипларининг юқори қисми оғиз бўшлиғи хизматини бажариб, еллигичсимон шаклдаги толалари ёрдамида сув аркибидаги микроскопик жониволрарни ютиб, озукасини қолдириб сувини чиқариб юборади. Улар ана шу тариқа озиқланадлиган жониворлардир. Ковак ички найчалари ошқозон вазифасини бажариб, озукларни хазм қиласидилар. Озуклар асосан сув ҳавзаларида ҳаёт кечиравчи бактериялардир. Бактериялар камайган мавсумда, улар ўзларидан кичикроқ бўлган организмлар билан озиқланадилар.

Маржон полипларнинг кўпчилиги икки хил жинсларини ташкил этади, лекин уларнинг ичида «Хунасалари» хам кўп бўлади. Маржон полипларининг уруғлари (тухумлари) денгиз оқими ёрдамида кенг майдонларга ва узоқ масофаларга тарқалиб харакат қиласидилар. Тахминан, бир ёки икки хафта ўтгандан кейин тухумчаларнинг катталиги 1-3 мм семиргандан сўнг улар денгиз остига харакат қилиб чўка бошлайдилар. Шундан кейин улар қандайдир қаттиқ субстректга – одатдагидек моллюскаларнинг чиғаноқларига, ҳаётини тугатган маржон шохларига ёки таркибида оҳак пўсти бор бўлган сув ости ўсимликларига тирмасиб олиб, 5-6 кун ўтгандан сўнг тухумчалари маржон полипларига айланади.

Маржонларнинг скелет тузилиши оқ рангда бўлса улар тропик маржонлар – склерактинлардир. Хаво рангдагиларни номи – гелиопоралар, қизил рангдагиси – тубипоралар, лимон каби сариқ рангда товланадиганлари – миллиопоралардир. Маржон полиплар хаётидан яна бир қизиқ лавҳа. Маржонларнинг оҳактош моддасидан ясалган скелетининг кесимини микроскоп остида қурсак, икки қаватли бўртма халқа (гардиши) оралиғида яна 360 – та келадиган кичик халқалар борлигини кўрамиз. Бу халқалар маржонлар хаёт – момотининг тарихий йилнома яъни солномасидан дарак берувчи сирномаларини билиб олишга имкон беради. Зероки бир йил мобайнида хосил қилган халқачаларнинг сони ва яшаб ўтган бир кеча кундуз(суткаси)йиллик ҳаётига teng келар экан. Агар ҳозирги кунларда яшаётган ва қадимий даврларда яшаб ўтган қазилма қолдиқлари билан таққослаб кўрилса, шу воқеа ҳодиса равшанлашдики, қадимийларининг йиллик суткаси ҳозирги яшаётган маржонларнинг йиллик суткасидан фарқ қиласидилар экан.

Масалан: девон геологик даврида (такхинан 400 млн. йил бурун) яшаган маржонларнинг йиллик суткаси 400 га, тошкўмир даврида яшаганларники эса 385-390 сутка давом этганлиги маълум бўлиб чиқди.

- Рауп Д. Степли С. – «Палеонтология асослари», Москва, 1974.

Фойдали қазилма бойликлари.

Тошкўмир геологик даврига ўхшаш Перм даврини хам тошкўмир конлари хосил бўлган вақт деб юритишади. Дунё қўмир конларининг

захирасининг чорак қисми Перм геологик даврига тўғри келади. Бу захиралар Печорек ва Таймир кўмири кон хавзаларида, минусинскнинг юқори вилоятларида, Кузнецк ва Тунчусс хавзаларида, Хиндистоннинг Бизар штатида, шарқий Хитойдаги кўмири хавзалари, Австралиядаги ва Жанубий Африка республикасида жойлашган.

Сурхондарё вилоятидаги (Ўзбекистон республикаси) Шарчун ва охирги йилларда топилган бойсун тоги этакларида кўмири конларининг ёши ҳам перм даврига тўғри келади.

Волга Ўрол минтақасидаги ва АҚШ нинг айрим нефт конлари захиралари Перм даврида ҳосил бўлган.

Россиядаги Шебелинск ва Вуктыльск газ конлари, супергигант горнинген (Нидерландия) газ конлари, АҚШ даги Хьюготон (Канзас штатида) ва Эрондаги қатор газ конлари Перм даврида ҳосил бўлган. Ер шаридаги калийли (сильвин – KCl) туз конларининг асосий захиралари Перм даври иссиқ ва сувли денгиз хавзаларида, лагунали минтақаларда Перм даврида юзага келган. Бундай калий туз конлари Верхнекамскда ва Каспий олди ботиқликларида (Россияга қарашли қисмида), Германида, АҚШнинг жануби Делавэр хавзасида, Сурхондарёда (Ўзбекистон) топилган. Донбасснинг шимол томонларида топилган Артемск тош туз конлари Перм даврида ҳосил бўлган. Перм даврида металли қазилма бойликлар ҳам пайдо бўлган.

Масалан: Германиядаги Мансфельд минкони, Балхаш кўлининг шимолий минтақаларидан топиган мис молибден кони, Англиядаги Корнуол қалайи кони, Германиядаги Шварцвальд уран кони шулар жумласидандир. Жанубий Украинада топилган Никитинск симоб кони, Хайдаркон симоб сурма висмуд кони Перм даврида пайдо бўлган. Қизил қум сахросидаги (Ўзбекистон) олтин, уран конлари: Мурунтоу, Ауминзатоу ва бошқа олтин конлари регенерация жараёнига учраб яни патенциал олтин конлари қайтатдан Перм даврида ҳам ҳосил бўлди. Қизил қумдаги феруза конларининг ёши Перм давригача тўғри келяпти.

Юқоридагилардан ташқари Ўзбекистон ва Қозоғистондаги вольрам молибден, қалайи, рух, кўрғошин, (олтин аралашмалари билан) ва бериллий конларининг ёши карбон Перм даврларида юзага келган.

Палеозой эраси давридаги Ернинг геологик ва палеогеографик ривожланиши ҳақида қисқа хуносалар.

Фанерозой эони ичидаги Палеозой эраси энг узоқ вақт давомида ривожланган геологик ва палеогеографик тарихидир. Палеозой эраси мезазой эрасидан деярли икки маротаба узоқ давом этган.

Палеозой эраси ривожланиш давомида асосан каледон (Кембрий, Ордовик, Силур ва қисман девон геологик даврларни ўз ичига олган) ва Герцин тоф бурмаланиш – орогеник тектоник (қисман девон, тошқўмир ва Перм геологик даврларини ўз ичига олган) эпохалари бўлиб ўтди. Бу эпохалар давомида жуда кучли тектоник ва орогеник харакатлар содир бўлди. Бундай харакатлар асосан геосинклинал вилоятдарда, қисман ва нисбанат кучсиз харакатлар платформа вилоятларида бўлиб ўтди. Каледон

тоғ бурмаланиши эпохаси Ер пўсти миқёсида жуда катта жуда катта янги глобал структураларни юзага келтирди. Шимолий Атлантика платформаси яъни Лавразия юзага келди. Сибир, Хитой ва гондвананинг Австралия қисмларининг платформа майдонлари кенгая борди. Геосинклиналарнинг ички ҳудудларида Каледонидлар бунёд бўлди. Тоғ тизмалари юзага келган ботиқликларда жуда қалин қатламларни (ётқизиқларни) ҳосил қилган қизил тусдаги терриген ва вулқон отқинди жинс қатламлари барпо бўлди.

Каледон ва герцен тоғ бурмаланиш чегараларида фаол вулқон жараёни минтақалари шаклланди. Каледон ва герцен бурмаланиш эпохалари давомида хам эффузив ва хам интрузив магматизм жараёнлари бўлиб ўтиб, улар билан генетик боғланган металли ва нометал қазилма бойликлар ҳосил бўлди. Қуий палеозой эраси давомида Ер пўстининг турли минтақаларида трансгрессия жараёнлари содир бўлди. Ўрта палеозой эраси давомида платформа вилоятларида тектоник кўтарилиш структуралари юзага келди. Чўкинди тоғ жинслари қатламлари қалинлаша бориб баландлашиб шу вилоятларда регрессия жараёнига шароит туғдирди.

Каледон бурмаланишининг охирларида ва Герцин бурмаланишларининг бошларида «девон рифтогенези» пайдо бўлди. Рифтогенезлар асосан узун тоғ тизмалари аро юзага келди. Рифт дарзликлари бўйлаб эса фаол тарзда намоён бўлган вулқон жараёнлари бўйлаб турди, токи шу ҳудудларда тектоник харакатларнинг фаоллиги тугамагунча. Гецин бурмаланиш эпохасида геосинклинал минтақаларида ва вилоятларида Каледон бурмаланишларига ўхшаш кучли орогеник тектоник харакатлар ўзига хос хусусиятига эга бўлган. Ер пўсти структурасида дурустгина ўзгаришлар юзага келди. Масалан: биргина тўсатдан геосинклинал вилоятларининг майдони ұамда уларнинг сони камайиб кетди.

Шимолий ярим шарда Ангарада (лавразия) суперплатформага айланди. Гондвана герцинедларининг кўпайиб пайдо бўлиши туфайли гондвана суперматеригининг майдони кенгайди, лекин, Перм даврининг охирларида Гондвана икки катта материка ажралиб қолди. Ўртасига тетис денгизининг бўғозга ўхшаш сув ҳавзаси кириб қолди. Ўрта Ер денгизи ва Тинч океани геосинклиналлар минтақаларининг майдони қискарди. Герцин эпохасида магматизм жараёнлари нисбатан кучли бўлди ва фаоллашди. Айниқса интрузив магматизми нишоятда авжланиб, Ўрта Осиё ҳудудларида, Қозоғистон тоғ тизмаларида кенг тус ола бошлади. Шунинг учун ҳам палеозой эрасида юзага келган фойдали қазилма бойликларнинг (айниқса металли фойдали қазилмалар) 60-70%и тошқўмир ва Перм геологик давриларига тўғри келади.

Палеозой эрасининг охирларида ва мезазой эрасининг бошларида Ер сайёраси ривожланиш тарихида ва палеогеографик тахлилида регрессия жараёни намоён бўлди. Траппли вулқон маҳсулотларининг ётқизилиши юзага келиши палеозой эрасининг охирларида (Перм даврида) содир бўлди. Шу сабабли бўлса керак, Гондвана суперматериги ёрилиб икки материка ажралиб кетди. Палеозой эрасининг яна бир муҳим хусусиятларидан бири – тошқўмир кони ҳавзаларининг асосий қисми Карбон ва Перм геологик

давриларида ҳосил бўлди, модомики пелеозой эрасининг иқлим шароитлари қулай шароит яратиб бергандек.

Палеоиклим шароитлари жуда қулай бўлганлиги сабабли ўсимлик олами, қалин ўрмонзорлар ривожланиб кетди. Палеозой эрасида Ернинг ривожланиш тарихида илк жониворлар - ўтхўр ва ваҳший маҳлуқлар хашоротлар олами ва балиқларнинг хиллари ривожаланиб кетди ва кўпайди. Палеозой эраси Ўрта Осиёning, жумладан Ўзбекистоннинг Ер юзаси релефининг ташкил топишига кўп ўзгаришларга сабабчи бўлган.

Ғарб тарафдаги ҳозирги кенг текисликлар ўрнида катта майдонларни забт этган денгиз сув ҳавзаси, шарқда эса Каледон ва Герцин тоғ бўрмаланиши жараёнлари натижасижа Тян-Шан тоғ системасининг шимолий, марказий, ғарбий тизмалари, ҳамда жанубий тизмалари вужудга келган.

44-

қаранг.

расмга



44-расм.

## VI БОБ. МЕЗАЗОЙ ЭРАСИ ВА ЕР САЙЁРАСИННИНГ МЕЗАЗОЙ ЭРАСИ ПАЛЕОГЕОГРАФИЯСИ.

Мезазой эраси 3 та геологик даврлардан ташкил топган: Триас (Т), Юра (У), Бўр (К).

Триас геологик даври.

Бу давр 235 млн. йил бурун бошланиб, 185 млн. йил аввал тугаган. Даврнинг давом этган йили 50 млн. га тенг.

Триас даврига тегишли уч қисмдан иборат бўлган ётқизиқлар XIX асрда Германия букилмаларида топилган ва «Триас» (уч қисм) деб ном берилган. Триас даври ҳам бошқа геологик даврларга ўхшаш уч эпохага эга: Триас ( $T_1$ ), грта триас ( $T_2$ ), юқори триас ( $T_3$ ) эпохалардан иборат.

### Органик дунёси.

Триас даврининг органик дунёси полеозой эраси органик дунёсидан кескин фарқ қилган, ҳайвонот ва ўсимликларнинг янгидан-янги хиллари ва авлодлари пайдо бўлиб қолди. Мезазой эраси фауна ва флоралари дунёга

келди. Бу фауна ва флораларнинг айрим гурухлари эса ернинг ривожланиши давридаги хеч қандай эрага ҳам, даврларга ҳам тўғри келмайди ва ўхшамайди.

Юқоидаги айтилган фикрлар фақат мезозой эрасининг куруқликларигагина тегишилдири, чунки сув ҳавзаларидаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёси кескин ҳолда ўзгармаган. Масалан, Триас даврида ҳамон полеозой эрасининг охирларида яшаган сув ҳавзаси жонзодларидан наутилоидлар, брахиаподалар, куруқликда амфибиялар (лабиринтодлар), ҳайвонсимон рептилиялар яшаганларни маълум.

Триас даври сув ҳавзаларида умуртқасиз жонзодлар орасида цератитлар асосий ўринларни эгаллаганлар, улар физик-географик шароитларнинг тез-тез ўзгариб туришига қарамай, эволюция қонуниятларига бўйсинган ҳолда ўзгармасдан яшашни давом эттираверганлар. Кератитларнинг авлодлари Триас даврида ақл бовар қилмайдиган даражада уларнинг сони ҳам, хиллари ҳам, авлодлари ва скулптура жиҳатидан ҳам кўпайиб кетганларни маълум бўлди, уларнинг хили 450 гача бориб етди, лекин уларнинг бирорта авлоди ҳам юра геологик даврига ўтиб яшамаганлиги маълум бўлди.

Мезозой эрасини ҳақли равишда судралиб юрувчилар эраси деб атаса бўлади. Триас даврининг ўзидаёқ денгиз сув ҳавзаларида ихтиозаврлар, плеозаврлар ва нотозаврлар ҳукмронлик қилганлар. Триас даврининг охирида қадими тимсоҳлар ва тошбақалар пайдо бўлганлиги маълум.

Қруқлик ҳудудларида ер юзи тарихида қандайдир калтакесаксимон динозаврлар пайдо бўлиб қолди. Булар қандай тўсатдан ер юзасида пайдо бўлиб қолди – бу катта муаммо. Қани энди бу жараёндаги эволюция қонунининг натижаси? Боз устига фазода учеб юрувчи калтакесаксимонларга ўхшашибат ваҳший қушлар ҳам пайдо улиб қолди – бу ҳам эволюция қонуниятими ёки яратувчининг мўжизасими?!

Бундай қизиқарли муаммоларга ва мўжизаларга яна кейинги изоҳларда тўхталиб ўтамиш.


Триас даврида сув ҳавзаларида биринчи суюкли балиқлар пайдо бўлиб қолди. Триас даврининг охирларида суиэмизувчилар туркуми пайдо бўлиб, уларнинг аводлари ривожланиш даврини бошлади. Уларнинг тошқотган қазилма қолдиқлари Англия, Швейцария, Хитой ва Жанубий Африка ҳудудларида топилган.

Триас геологик даврига хос ўсимликлар дунёси қаторига – очиқ уруғлик туркумига кирувчи: қирқ бўгинликлар, гинколилар, цикадолилар киради. Триас даврида энг ривож топган ўсимликлар – папоротниклар ва қирқ бўгинлилардир. Триас даврида яшаган ва ўсан ҳайвонот ва ўсимлик олами 45-расмда кўрсатилган.

273-бет.

Ўрсатилган.

273-бет.



46-расм. Мезозой эрасининг ўсимликлари (флоралари). 274-бет.

Триас геологик даврига умумий тавсиф.

Триас геологик даврида 2 та суперплатформалар мавжуд бўлган: Ангарида (Лавразия) ва Жанубий Ярим шарда Гондвана. Бу икки суперплатформаларни Токеани ва Ўртаер денгизи (Тетис) геосинклинал минтақалари ажратиб турган. Триас даври геократик (юонча гео – ер, қуруқлик; кратос – куч, хукмрон деган маънони билдиради) даврлар қаторига киради. Геократик даврларда одатда қуруқлик майдонлари ниҳоятда кенгайиб боради, Тектоник ҳаракатлар ҳам содир бўлиб қуруқлик сатҳлари кўтарилади, денгиз сув ҳавзалари остидаги заминлар ер юзасига чиқиб кўтарилади, модомики, регрессия жараёнлари бошланиб кетади. Ангаида ва Гондвана суперматериклирида ҳам юқорида қайд қилинган воқеа ва ходисалар юз берди.

Ҳар иккала суперматериклар юзасида триас даврига таъллуқли чўкинди жинс ётқизиклари ҳосил бўлмаган, демак топилмаган; бу материклар сатҳида континентал шароитда ҳосил буладиган жинс қолдик лари топилган халос. Масалан: Терриген жинслар, қизил тусдаги ётқизиклар ва қўмир қатламлари топилган.

Триас даврида планетамизнинг кўп жойларида илгариги катта-катта дарзликлар, ёриқлар яна ҳаракатга келади, натижада ернинг айрим жойлари чўкиб, бошқа жойлари кўтарилиб гарет ва грабен структуралари ҳосил бўлади, яъни рифт минтақалари вужудга келади.


Рифт минтақаларидағи дарзликлар бўйлаб, вулқонлар отилиш жараёнлари юзага келиб, уларнинг ҳосила – жинслари эфузив жинслардан: базалт ва базалт турларидан иборат бўлган. Бундай жараёнлар – вулқонларнинг фаол ҳаракатларида Жанубий Американинг жанубий-ғарб тарафида, Жанубий Африкада (Карру чўқмаси) ва Узоқ шарқнинг шимолий-шарқ тарафларида содир бўлган (47-расмга қаранг).

Триас даврнинг охирларида киммерий (ёки мезозой деб ҳам аташади) тоғбурмаланиш яъни тектоник-органик эпохаси бошланади. Кучли тоғ бурмаланишлар Ўртаер денгизи геосинклинал минтақасида ҳам бўлиб ўтган. Шунча ўхшаша жараёнлар яна Ҳиндихитой яриморолида, Малаккада ва

индонезиянинг ғарб тарафларида содир бўлган. Бу тарафларларда гранитли магматизм жараёнлари ҳам юзага келган.

Триас даврида Ўзбекистон ва Қозоғистон худудларида гранитли магматизм жараёнлари бўлмаганлигига ўхшайди, негаки уларнинг белгилари топилганича йўқ.

277-бет карта.



### Платформалар тавсифи. Лавразия (Ангарида).

Триас даврига тегишли ҳақиқий тоғ жинслари Германия ботиқларида ва текисликларида учрайди. Бу жойларда қуи триас чўкинди жинс ётқизиқларидан ҳар хил рангдаги қумтошлар, конгломератлар ва аргиллитлар учрайди. Шу жинслар орасида остракодаларнинг тошқотган қолдиқлари, соувтли амфибиялар қолдиқлари, папоротник ва қирқ буқланиб қолган. Бу жинслар устида оҳактошлар қатлами ётқизилган, таркибида пелиципода ва аммоноидеялар учрайди. Жинслар қалинлигининг жами 200-1000 м гача боради.

Ўрта Триас даврига тегишли жинслардан оҳактошлар (энг остида) таркибида пелиципода, криноидея, брахиапода ва цератитлар учрайди, оҳактошларнинг юқорисида яна оҳактошларнинг ўзгача хиллари, доломитлар, гипс, ангидит ва тош тузи юпқа қатлмалари учрайди; буларнинг

ҳам устки қисмида органоген оқактошлар қатлами пайдо бўлган, уларнинг жами қалинлиги 300-400 м атрофида.

Юқори Триас даврида қизил-қизғиши ва кўк рангдаги мергеллар, қумтошлар, гипс ва чилмоялар ҳосил бўлган. Бу жинслар таркибида ҳам ўсимликларнинг қолдиқлари, қисқичбақасимонлар, балиқлар, рептилия ва амфибияларнинг қазилма қолдиқлари учрайди. Жинсларнинг ора-ораларида қўнғир кўмир қатлами ҳосил бўлган; жинсларнинг қалинлиги 300-700 м атрофида.

Юқорида айтиб ўтилган жинсларниг тавсифига кўра, улар исик ва қуруқиқлим шароитида в ободонлашган чўл ландшафлари муҳитида ҳосил бўлган. Бундай хулосаларга келишнинг икинчи сабаби, чўкинди жинслар орасидан тасодифан ва қизик плеуромея деб номланган ўсимлик қолдиқлари топилиб қолди, мутахассисларнинг фикрига кўра, бу ўсимлик намлик ва кичикроқ сув ҳавзалари яқинида ва атрофларида ўsarэкан. Қуйидаги ҳолат ҳам ажабланарлики, Триас даврида вужудга келган жинс ётқизикларининг жойлашиш шакли асосан горизонтал ҳолатда бўлиб, магматик жинслари йўқ, ҳеч қандай дефорфациялар, дарзликлар ва ёриқларнинг белгилари учратилмаган, зероки ҳақиқий платформа шароитлари хукм сурғанилигидан далолат беради.

Юқорида қайд қилинган жинсларниг статиграфик тузилиши Марказий Оврупода ва шимолий Африка тарафларида ҳам учрайди. Ўртаер денгизи геосинклинал минтақларида ҳар доим ва тез-тез денгиз ингрессия жараёнлари содир бўлиб турган – яъни денгиз сувларининг юзаси кўтарилиб қолган вақтларда пастликлар, сойлик ва водийлар томон кириб бориши ёки бостириб кириши ҳодисалари бўлиб турган.

### Гондвана.

Триас геологик даврида ҳақиқатдан ҳам суперплатформа Гондвана сақланиб турганлиги тўғрисида қуйидаги омиллар тасдиқлаб бераолади: Жанубий Африка, Америка, Хиндистон, Австралия ва Антарктида алоҳида ажralиб турдиган “Гондвана формацияси” деб номланган Триас ётқизиклари юзага келган; бу ётқизиклар асосан континентал шароитда ҳосил бўлган жинс ётқизикларидан ташкил топган. Бу ётқизиклар – конгломератлардан, кўмир қатламларидан, гилли сланецлардан иборат бўлиб, таркибида континентал шароитга мослашган ўсимликлар қолдиғи, умуртқалилар қолдиқлари, қисқичбақасимон ва чучук сув ҳавзаларида яшовчи молюскалар учрайди.

Жанубий Американинг жанубий тарафларида, Африканинг жанубида қалинлиги бирқанча юзметрларча келадиган базалт лавалар қотишмалари учрайди, негаки фаол вулқон жараёнлари бўлиб ўтганлигидан дарак бериб турибди. Гондвана суперплатформасининг шарқий чеккасида – Австралия асосан Триас даври қизил тусдаги ётқизиклар учрайди, уларнинг қалинлиги 2500 м гача боради.

Флора ва фауна тошқотган қазилма қолдиқларининг хамма худудларида бир хиллиги Гондвана суперплатформаси триас даврида ҳам сақланиб турғанлигидан дарак беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, Перм геологик даврида суперплатформанинг ўртасидан ёрилиб кетиб ажралган жойи Триас геологик даврида ҳам деярли ўзгармасдан сақланиб қолди. Триас даврининг охирларига келиб Ҳинд океанига “тайёрланаётган” ҳавза янада кенгайди.

Геосинклинал минтақалар.

Ўртаерденгизи геосинклинал минтақа ҳақида

Бу минтақанинг эгаллаган майдонини қуйидагича таърифлаб бериш мумкин: Гибралтордан бошланиб Алп тизмалари, Карпат, Крим, Кавказ тизмалари, Кичик Осиё, Эроннинг Худудлари, Афғонистон худудлари, Ҳимолой ва Тибет тоғлик тизмаларидан тортиб Фарбий Индонезияга бориб еткан.

Лекин, бу геосинклинал минтақа бир меёрда бир йўсинда ривожланмади шекилли, Триас даврининг шу худудлардаги ётқизиқларининг шароитлари хар хил бўлган. Бир хиллари геосинклинал букилмаларида-Алп, Крим, Кавказларда ривожланган бўлса, бошқалари тоғ тизмалари орасидаги массивларда – Эрон, Кавказорти массивларда ривожланган.

Алп тизмаларида мураккаб тектоник харакатлар бўлиб ўтиб, қатламлар бир-бировларига мингашкан холда харакатга келган. Крим ва Кавказ тоғ тизмалари ўзларига хос бирлашган бир бутун-яхлит геосинклинал бурмаларни ташкил қилган, денгиз хавзаларида седиментация жараёни жуда авж олган.

Хиндиҳитой ярим оролидаги юзага чиқиб турган жинсларнинг тахминан 40% ти триас давридаги жинслардан иборат, айрим худудларида перм даврига таъллукли (албатта кам микдорда) жинслар ҳам учраб туради.

Ўрта Осиё худудлари ҳақида. Триас даврида шимолий ва Ўрта Тяншан геосинклиналининг герцин бурмаланишидан тоғлик худудларгайланган тарафлари емирилган, шу жойлар атрофида континентал ётқизиклар ҳосил бўлган. Юқори Перм ва қуи Триас даврларида Чотқол-Курама тоғ тизмаларидаги Қизил Нура жинс табақаларига (свитасига) кирувчи Нордон таркибга кирувчи Эффузивлар, туф ва туфоловалар, туфли шағалтошлар ҳосил бўлган. Уларнинг умумий қалинлиги 2000м га боради. Қуи Триас ётқизиқлари Жанубий Тяншанда, Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий-ғарбида учрайди. Улар Хонқа свитаси деб аталган. Хонқа свитаси шағалтош, қумтош, алевролит жинслари юқори перм даврида ҳосил бўлган ётқизиклар устида номос жойлашган. Бу жинслар орасидан қуи триасга таъллукли игна барглилар дарахт қолдиқлари топилган.

Юқори Триас ётқизиклари Жанубий Фарғонадаги Гузон тоғи шимолида, Ангисув – Исфара дарёси оралиғида ва унинг шимоли ғарбида Брчани тоғида ҳам борлиги аниқланган бўлиб қамиш боши свитаси деб юритилади ва иккига яъи қуи ва юқори қамиш боши свиталарига бўлинади. Бу свита

жинелари қуруқлиқда физикавий ва кимёвий нураш жараёнлари натижасида ҳамда вақтингчалик оқар сувлар ҳаракати махсулотларидан ҳосил бўлган. Бу жинс ётқизиқлари асосан шағалтош, қумтош, алевролит ва гилмоялардан ташкил топган, уларнинг қалинлиги 100-250 м гача боради.

Погмир ва Дарвоз тоғларидатриас даврида гесинклинал шароит ҳукм сурган. Бу жойларда денгиз чўқиндилари ҳамда қуруқлик ётқизиқлари тўпланган. Улар орасида вулқон жинслари учрайди. Бу жойларда тиас ётқизиқларининг қалинлиги бир неча юз метрни ташкил этади. Триас ётқизиқлари манғишилоқ ярим оролининг шарқий қисмида ҳам бор. Хисор тоғидаги Шаргун кўмир кони хавзаси атрофида триас ётқизиқари кўп тарқалган. Қизил ва ғиш каби ғиш қаттиқ қумтошлар қатлами Чорбог сув омбори атрофларида, Сижжак ва чинор – Юсуфхона йўлларининг ўнг тарафида қизил тусда яққол кўзга ташланиб туради.

Иқлими ва палеобиогеографияси.

Триас геологик даврида бир қанча палеогеографик вилоятар бўлган. Шуларнинг ичида энг каттаси Бориал ва Тетис вилоятлариdir. Бориал хавзасига Россиянинг шимоли шарқ қисми, Шарқий Таймир, Лена ва Олёна дарёларининг қўйи тарафларида, Новосибирск, Шпецберган, шарқий Гренландия ва Канаданинг Арктика тарафлари кирган. Мутахассисларнинг берган маълумотларига кўра триас даврида Тетис денгизининг алп тоғлари вилоятларида сув хавзаларининг харорати хар доим 210С дан кам ҳам юқори бўлганлги аниқланган. Бориал хавзаларида харорат анча паст бўлган ва ўрта ҳисобда 14,50С атрофида бўлган. Лавразия ва Гондвана суперматерикларининг орасини тетис денгизи ажратиб турган бўлсада Фауна ва Флораларнинг кўпчилиги бри бирорларига жуда ўхшаш бўлганлиги маълум. Рентилиялари ҳам ўхшаш бўлган демак триас геолгик даврида иккала материклар орасида қандайдир алоқа йўллари мавжуд бўлган деган хulosага келиш мумкин.

Иккала суперматерикларда арид иқлим минтақалари майдонлари кенгая борган. Шарқий Австралия худудларида гумид иқлим шароитлари ҳукм сурган. Бу худудларда сариқ ва қизғиши тусдаги ётқизиқлар ва кўмир конларининг юзага келганлиги ўша гумид иқлиmlар бўлганлигини тасдиқлайди. Нам ва илиқ иссиқ шароитлари жанубий Африкада, Лавразиянинг марказий, шарқий ва узоқ шарқ минтақаларида ҳам хукмронлик вазифасини ўтаган. Чунки айни шу минтақаларда ҳам кўмир конлари ҳосил бўлган (47 расмга қаранг). Триас даврининг охирларида Гумид иқлими шароитлари арид иқлим шароитлари билан тез тез алмашиниб турганлиги маълум. Триас давриниг охирлари ва Юра даврининг бошларида Ўзбекистон вилоятларида Хисор, Чотқол, Қурама тизмалария ҳам Гумид иқлими шароитлари бўлиб турган кейин Арид иқлимига айланган.

Фойдали қазилмалар.

Триас даври мобайнида металли фойдали қазилмалар нисбанат оз миқдорда ҳосил бўлган. Чунки бу даврда интрузив магматизм жараёнлари жуда суст даражада намоён бўлган.

Арид иқлим шароитлари узоқ вақт давом этганлиги гумид иқлими эса суперматерикларнинг хамма худудларида бўлганлиги учун кўмир кон хавзалари кенг миқёсда ёки атта захираларни ҳосил қилувчи хавзалар бунёд бўлмаган.

Йирик газщ конлари Алжирнинг Сахара чўли қисмида ва канаданинг арктика минтақаларида топилган. Триас даври нефт конлари россиянинг Тимано – Печорск вилоятида ва Вилой дарёси хавзаларида учрайди. Австралиядаги ва Аляскадаги йирик нефт конларининг геологик ёши триас даврига тўғри келди.

Қуии триас даврида нураш жараёнлари ривожланганлиги сабабли нураш пўстлари юзага келган. Нураш пўстининг таркибида ранг берувчи минерал моддалар сероб (Ўрта Сибирнинг шимолий қисмида) шунинг учун бу моддалар хар хил рангдаги бўёқларни ишлаб чиқаришда, бўёқ қаламлар тайёрлаш учун сифатли хом ашё хисобланади.

АҚШ нинг Колорадо платосида (штатида) континентал шароитда ҳосил бўлган қизил тусдаги чўкинди ётқизиқлари уран маъданига бой бўлиб чиқди. Ўрта Сибир ўлкаларидан топилган: мис, никел, кобалт ва темир маъданлари вулқон траппсимон ётқизиқлари билан боғлиқ.

Австралиянинг шарқий қирғоқларидан топилган олтин, кумиш, қўрғошин ва рух, мис ва қалайи конлари ҳам магматизм жараёнлари билан узвий боғлиқлиги маълум бўлди.

Сурхондарй вилоятининг Хисор тоғ тизмасида аниқланган темир, колчедани, мис полеметалл (мис, кумуш, қўрғошин, рух ва олтин аралашган комплекси) конлари эффузив магматизми билан боғлиқлиги тасдиқланди. Хисор тоғ тизмаларидаги ёнғоқлик олтин маъданлари, чормагол, чош, Дийбало олтин аралашган колчедан маъданлари ҳамда Шарчун тизмасидаги ва унинг баландликлари (2500-3600 м) даги кварц гематит олтин томирлари яхши текширилмаган бўлса ҳам триас даври эффузив магматизмининг ҳосилалари деб ҳисоблашган асос бор (каминанинг 1969-1975 йиллара олиб борган кузатишлари бўйича).

Юра геологик даври ва унинг палеогеографияси.

Юра геологик даври 185 млн. йил бурун бошланиб, 132 млн. йил бурун тугаган. Даврнинг давом этган йили 53 млн. йил атрофида. Даврнинг Юра дебь аталган номи Швейцария ва Франциядаги Юра тоғлари эвазига қўйилган бўлиб, 1829 йилда Француз геолог олими А.Броняр томонидан тикланган.

Юра геолоик даври ҳам З бўлимдан иборат: қуии юра(-), ўрта юра(-) ва юқори юра(-).

Органик дунёси.

Юра дарида мезозой эрасига хос ва мос хайвонот олами ва ўсимлик дунёси пайдо бўлди. Юра даврининг бошларидаёқ палеозой эрасининг хайвонот олами намуналари – стегоцефаллар ва бошқа судралиб юрувчи зотлар, сув хавзасида эса спирифериidlар батамом қирилиб кетди. Юра геологик даврининг стратиграфик жихатидан ахамиятга эга бўлган аммонит

(сув хавзаларининг жониворлари) лар яшаган бўлиб уларнинг хиллари ва сони жуда ҳам кўпайиб кетганлиги маълум. Аммонитлар авлодлари ўзигахос 40-дан ошиқ «аммонит миңтақаларини» ташкил этган. Триас даврида ҳам яшаган белемнитлар (сув хавзасида) кўпайишиб кетди. Икки табақалилар, денгиз нилуфарлари, спонгия ва порифералар (губка туркуми), бесўнақай денгиз қисқичбақалари кўпайишган. Брахиаподларнинг ринохнелла ва теребратулалар авлодлари ҳам кенг миқёсида ривожланиб борди.

Илиқ денгиз сув хавзаларида олти нурли маржонлар кўпайиб кетиб, улар хисобидан кенг майдонларни эгаллаган риф маржонлари – массивлари юзага келди.

Юра давридаги умуртқали хайвонлар барча мухит ва шароитларга мослашиб яшаганликлари маълум. Судралиб юрувчиларнинг авлодлари таъжубланарли даражада кўпайишиб уларнинг зот-авлодлари, турлари ҳам кўпайиб кетди. Айниқса динозаврларнинг авлодлари хилма-хиллашиб кетди. Динозаврларнинг кичик йиртқич зотлари ва баҳайбатлашган зотлари ҳам пайдо бўлиб қолди. Масалан, совутли ва катта баргсимон қалқонли стегозаврлар (бунга «тирик танк» деб ном беришган), бронтозавр ва диплодоклар; буларнинг узунлиги 25 – зом гача, оғирлиги эса 40-50 тонна, айрим хиларининг оғирлиги 60 тоннагача борган.

Вахший динозаврлар ичида икки оёқли цератозаврлар диққатга сазовардир; уларнинг тишлари катта-катта ва жуда ўткир бўлган.

Ўтхўр хиллари ҳам совутлар билан қопланиб олганлар (стегозаврлар), шохлари ва найзалари ҳам бўлган.

Юра даври денгиз сув хавзаларида балиқсимон калтакесаклар яъни ихтнозаврлар, ҳамда плезиозаврлар айдо бўла бошлади.

Балиқлар ва уларнинг хиллари ҳам кўпайиб кетган, худди балиқлар билан кун кечирадиган жонзодлар керак бўлиб қолганидек рамфоринха ва птеродактилия деб аталувчи учар калтакесаклар дунёга келди. Юра даврининг охирларида Ер юзида биринчи қшлар авлоди – Археоптерикс пайдо бўлди. Юра даврида қуруқлик шароитларида очиқ уруғлик ўсимликлари ниҳоятда кўпайган гинколилар, саговниклар, игнабарглилар, қирқ бўғинлилар ва айниқса папортниклар шулар жумласидандир. Бу ўсимлик қолдиқлари кўмир конларида ва ботқоқликлар миңтақасида ҳосил бўлган чўкинди жинслар орасида яхши сақланиб қолган. Қуйида Юра геологик даврида яшаган умуртқали хайвонот оламининг айрим авлодлари расмларини илова қиласиз.

297- бет

Юра геологик даврига умуий тавсиф.

Юра геологик даврида ҳам йирик платформалар – лавразия (Ангарида) ва Гондвана суперматериклари мавжуд бўлган. Буларни икки йирик геосинклинал миңтақалар ажратиб турган:

Ўрта ер денгизи геосинклинал минтақаси ва Тинч океан геосинклинал минтақаси. Юра дарини триас дарига таққосланса, уни талассократик яъни денгиз сув хавзалари қуруқлик худудларидан устун бўлиб турганлигидан далолат беради.

Юра даврида жуда катта худудларни эгаллаган ҳолда транегрессия жараёни вужудга келди. Геосинклинал вилоятларидан платформа вилоятларига катта-катта сув хавзалари бостириб кирди. Бошқачароқ қилиб тушунтира олсак, платформалар вилоятларининг факат 7% зигина қисми денгиз сув хавзалари билан банд бўлган эди холос.

Қолган худудлар жумладан Лавразия ва Гондвана суперматериклари трансгрессия жараёни туфайли денгиз қарига чўкиб кетган. Айниқса, Лавразия материгининг Марказий, Ғарб ва Шарқ тарафлари денгизлар қарига чўкиб кетган.

Жумладан, Марказий Осиё (Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон худудлари) нинг барча қуруқлик худудлари палеоокеан сув хавзаси остида бўлиб турган.


Фақат, Жанубий Хитой, Хиндистон а Хинд Хитой ярим оролларигина денгиз сув хавзаларидан холис бўлган. Австралия, Хиндистон ва унинг Жанубий худудлари, Африка, Жанубий Америка қитъалари ҳам қуруқлик шароитида бўлиб турган.

Лаврозиянинг марказий ғарб ва шарқ худудларига вақти-вақти билан денгиз сувлари бостириб кира бошлаган, айниқса Вилюй дарёсининг хавзасига ва Оқ денгиз ва лена дарёсининг қуий оқимларидан шундай воқеалар бўлиб турган.

Ҳозирги Орол денгизи ва Каспий денгизининг барча атрофлари яна денгиз қаърига чўқди. Ўрта Юра даврида денгиз транегрессияси яна авж ола бошлади. Масалан, денгиз сувлари Шарқий Оврупо, Хиндистон платформасининг Шимолига ва Ғарб тарафларига, Арабистон ярим оролининг барча қисмига бостириб киради.

Юқори Юра даридан денгиз трансгрессиясининг харакатлари тобора фаоллашиб, Шарқий Оврупо катта худудларини ўз ичига олган ҳолда ва шу жойлардан бошлаб то Жанубий Африка ҳамда ҳозирги мадагаскар оралиғи бўйлаб, яна Жанубга чўзилиб кетган – Мерисионал сув хавзасини ташкил этган катта денгиз хавзаси пайдо бўлди. Модомики, Хинд океанининг юзага келишига оз вақт қолди, Хиндисмтон қуруқлигидан бошланган суб меридианал томон чўзилган қуруқлик қолди холос. 57 расга қаранг.

Хиндистон ярим оролининг шарқ тарафидаги ва жанубий шарқ кенгликларидаги денгиз хавзаси яа кегиди. Бу генгайган худудларни арктика сув хавзаси майдони деб атасак ҳам бўлади.



57 расм.

Ана шу тариқа юра даврининг охирларида шарқ минтақада тинч океани, ғарб минтақада Атлантика океани ва жанубий минтақаларда эса Хинд ва Арктика (Жанубий муз океани) океанларининг хавзалари күзга ташланади.

**Киммерий (мезазой) орогеник харакатлари.**

Киммерий ном - қадимги қабилалар киммерийлдарни эслатиш учун берилган, улар қора деңгиз атрофларида яшаганлар. Киммерий орогеник эпохалари асосан икки қисмдан иборат.

1. Күйи киммерий ёки қадимий киммерий эпохаси, бу триас даврининг охирлариға ва юра даврининг бошларига түғри келади.
2. Юқори киммерий ёки янг киммерий эпохаси бу юра даврининг охирлариға ва бўр даврининг башларини даврига түғри келади.

Биринчи эпоха - Крим шимолий Добрудже, Тоймир шимолий Афғонистон, жанубий шарқий Осиё, анд Патагонияси, Аргентинанинг шимолий шарқ минтақалари тоғ тизмаларида бўлиб ўтган.

Иккинчи эпоха – Верхоян, Чукотка вилояиларида, Помир тоғ тизимининг марказий ва жанубий шарқ тарафларида, Қорақурим тоғлик

ўлкаларида, Эроннинг марказий худудларида, Кавказда, Шимолий Американинг Кордилер тоғ тизмаларида, Анд тизмаларида, Ўзбекистондаги деярли барча тоғ тизмаларининг юқори баландликларида бўлиб ўтган.

Киммерий тоғ бурмаланиш жараёнининг энг кучли ва фаол харакатлари ўрта ер денгизида, кордилер измалри бўйлаб (тинч океани геосинклинал минтақалари), Антарктика ярим ороли, шимолий шарқий осиёда, хитойнинг жанубий ғарб вилоятларида содир бўлган.

Юқорида қайд этилган тоғ ўлкалария қдаимий геосинклинал жараён харакатлари сўнди. Киммерий тоғ бурмаланиш жараёнлари интрузив магматик таналарининг заминга ёриб кириши билан бошланади, худди шу магматик таналари хосиллари сифатида металли қазилма бойликлари хосил бўлганлиги маълум.

Платформа ва геосинклиналлар ҳақида.

(Ушбу маълумотлар Ш.Шоразмедовнинг «Умумий ва тарихий геология» китобдан олинган. Тошкент, 1985й)

триас даврида хосил бўлган платформа ва геосинклинал вилоятлари юра геологик даврида ҳам давом этган. Бу жойлардаги шароит юра даврининг иккинчи давридан кескин ўзгара бошлади. Қуи юра давридаги платформаларда қуи триас даридагидек континентал шароит бўлиб иқлим бир оз илиқроқ бўлган. Юқори даврида сув босиб кўпгина платформаларда денгиз ётқизиқлари тўпланган. Масалан ғарбий Оврупани, Рус платформасини, Гарбий Сибр паст текислигини, сибир платформасининг шарқий қисмини ва вилной синклизасини сув ҳавзалари қоплайди. Шунингдек юқори юра даврида шимолий Америка ва Шимолий Африка платформаларининг ўрни, Африканинг жануби шарқи, Люзамбик қўлтиғи денгиз бўлиб, кенгроқ жойларни эгаллаган. Ундан ғарбда жойлашган жанубий Африка ҳам денгиз остида бўлган.

Шундай қилиб юра даврининг охираida Африканинг ғарбий ва шарқий қисмларида чўкиш жараёни давом этади, катта ва чуқур ер ёриқларидан базалт лаваари чиқади. Хинд ва атлантика океанлари шакллана бошлади. Хозирги вақтда хинд-Атлантика океани остидан бурғулаш қудуқларининг намуналари юра ётқизиқлари (қалинлиги 200-300 м бўлган) ва базалт лаваси бу фикрни исботи бўла олади. Юра даври платформа вилоятларида асосан континентал ва денгиз ётқизиқлари хосил бўлган. Континентал денгиз ётқизиқлари асосан, шагалтош, қумтош, чилмоялар, аливролит қўнгир қўмири қатламлари, ош тузи гипс калий тузлари, фосфорий уфмлари ҳам хосил бўлган. Шунаقا вилоятлар ғарбий Оврупода, рус платформасида Ўрта Осиёда, Хитой платформасида ҳам учрайди.

Ўзбекистон худудларида кўл ва ботқоқликларида аллювиал, пролювиал, ҳамда кўл ботқоқликлар ландшафтларида қўмири қатламлари юзага келган.

Иқлими ва палеобигеографияси.

Юра даври давомида иқлим шароитлари ўгариб турган – гумид иқлим, арид иқлим шароитига алмашиниб турган.

Күйи иқлим шароитларида Евро Осиёning деярли хамма жойлария намгарчилик иқлим шароити хукмронлик қилиб турди. Бунга далил сифатида Сибир, узоқ шарқ, Хитой Хиндистон ва Австралия худудларида хосил бўлган кўмир кон хавзаларини мисол тариқасида келтиrsак кифоя.

Юра даврининг охирларида хамма худудларни эгаллаб олган арид иқлими пайдо бўлди. Бунга мисол тариқасида қизил тусдаги гипс аралашган ётқизиқларни, туз қатламлари пайдо бўлганлигини эслатсак бўлади. Бундай ётқизиқлар Хитойда, Хиндистонда, Африкада ва шимолий Америкада аникланган. Ўрта Осиёда жумладан, Ўзбекистон худудлари Хисор ва Ангрен минтақларида нам ва илиқ шароити бўлиб ўтганлиги маълум, негаки бу жойларда кўл ва ботқоқлик минтақлари пайдо бўлиб тўрф ва тўқайзор ўсимликлари ривожланган, шу жойларда кўмир конлари пайдо бўлган. Масалан: Ангрен қўнғир кўмир кони яққол мисол бўла олади.

Фойдаи қазилма бойликлари.

Юра даври вақтида нам иқлим шароити давомли тарзда сақланиб турганлиг учун боксид конлари ва кўмир кон хавзалари пайдо бўлди. Боксид конлари Ўролда ва Гурғай ботигида учрайди. Ўрта Осиёда, Енисей ўлкасида хам шундай конлар хам бор. Юра даври чўкинди жинслар орасида кўмир конлари дунё захирасининг 16%и жамланган. Ўзбекистондаги Ангрен қўнғир кўмир кони хам шунга киради. Канс-Ачинск, Убачан ва Иркутск кўмир хавзалари, Қарағанданинг юқори қатламларидаги кўмир конлари, Кузбасс, Яқутистон, Хитой ва Австралия кўмир колнлари хам юра даврида хосил бўлган. Юра даври ётқизиқари орасидакатта захираларга эга бўлган нефт конлари хам пайдо бўлган. Масалан: Саудия Арабистондаги Гхавар ва Мизелинж ефт конлари, Ўрта Осиёдаги айрим нефт конлари (Фарғона водийси), Мангишлак, Волга Эмбинск вилоятларида хамда ғарбий сибир нефт конлари шулар жумласидандир.

Юра дарини Ернинг ривожланиш тарихи давомида энг йирик «темир маъдан»лари кони хосил бўлган эпоха деб аташади. бундай темир конлар аолит тузилишга эга бўлган уюмлардан иборат бўлиб, улар асосан герцинедлар устидаги чўкинди ётқизиқлар билан бирга катта майдонларни эгаллаган ботиқлик ва букилма вилоятларида хосил бўлган. Шунаقا конлар Англия, Париж ҳудудларида, Германияда ва Ғарбий Сибир ўлкаларида топилган.

Тинч океани ва ўрта Ер денгизи геосинклинал вилоятларида ўрта ва юқори юра даврларида юзага келган йирик магматик интрузия таналари билан генетик боғлиқ бўлган металли қазилма бойликлар хосил бўлган. Масалан: қалайи, молибден, волфрам, олтин ва кумуш ҳамда полиметалл конлари Бойқол орти, Верхоян, Чукотск вилоятларида, Маяка ярим оролида, Индонезия, шимолий Американинг Кордилер тизмаларида конлар шулар жумласидандир. Кавказ тоғидаги садон полиметалл кони хам юра даврида хосил бўлган.

Юра даври вулқон жараёнлари билан Алп тоғларида марганец конлари, Болқон ва калифорния марганец конлари боғлиқ. Кавказ ортидаги кафан мис кони хам юра даврида хосил бўлган. Лагуна фациялари бюилан

боғлиқ бўлган шимолий Америкада ва ғарбий Сибирда (Тюмен вилояти) топилган.

Юқори юра эпохасида арид иқлим шароити хукмронлик қилган минтақларда гипс ва туз кон хавзалари хосил бўлган. Шундай конлар АҚШда, Англия ва Испания, Африкадаги Абиссиния яssi тоғликларида, Сомалийда, Кавказ Тожикистон ва Туркманистандан тпилган.

Сибир платформасидан (Яқутиский ўлкаси) топилган олмосга бой бўлган Кимберий магматик жинслари ҳам юра даврида пайдо бўлган.

Бўр геологик даври ва унинг палеогеографияси.

Бўр геологик даврида юзага келган чўкинди жинс ётқизиқлари орасида оппоқ ва сутрангидаги юмшоқ бўр жинс қатламлари учрайди, шунинг учун бўр даври деб аталадиган бўлди.

Қизифи шундаки бўр жинси қатлами на бошқа эралар давомида, на бошқа бир геологик даврларда юзага келган жинс қатламлари орасида учрамайди, фақат бўр даври ётқизиқлари орасидагина шу қатлам ётқизиқлари мавжуд. Бўр даври Белгия геолог олими О.д.Аллуа томонидан 1822 йилда Франция ва Швейцария худудларида тикланган.

Бўр геологик даври 132 млн.йил аввал бошланиб, 66 млн.йин бурун тугаган. Даврнинг давом этган йили 66 млн.йилгача тўғри келади ва икки эпохага бўлинади. - Қуи бўр ва юқори бўр (К1; К2).

Бўр даври тугалланиши биланоқ мезозой эраси ҳам ўзфаолиятини тамомлайди. Янги Кайнозой эраси бошланади.

Органик дунёси.

Қуи бўр давридаги ўсимликлар ҳам мезозой эрасига хос бўлган хилларидан иборат бўлган. Юқори бўр эпохасига келиб, ўсимлик оламида кескин ўзгаришлар юз бериб, кайнозай эрасига хос бўлган ўсимликлар вужудга келган.

Булар орасида асосан бирламчи ёпиқ уруғликлар хукмронлик қилабошлади. Очиқ уруғликларнинг хиллари жуда ҳам камайиб кетди. Ёпиқ уруғликлар ўсимлигининг хиллари: беннетитлар, цикадолилар, креднерийлар (58-расм), палмалар, нилуфарлар, лавр дараҳтлари, платонлар, магнолиялар, эман дараҳтлари, тераклар, қарағайлар, толлар, ёввойи узум(ток) ва хокоза. Булардан ташқари ер юзасида илк ўтлоқ майдонлари пайдо бўлди.

Сув хавзаларида муҳум стратиграфик ахамиятга эга бўлган жонзодлардан-аммонитлар, белемнитлар денгиз типратиконлари, икки табакали молюскалар, лишанкалар, гастроподалар, фораминифералар, олтинурли маржон яшаганлар.


Чўкинди жинсларни юзага келтирувчи маржон полиплари билан бир қаторда лишанкалар ва айниқса форманифералар зотлари кенг кўламда ривожланган ва шулар хисобидан бўр жинси ётқизиқлари хосил бўлган.

Бўр даври умуртқали хайвонлари орасида қуруқликларда яшаган ўтхўр ва вахший хиллари яшаган.




58 расм. бўр даврининг

ўсимликлари.



59 расм. бўр геологик даври – фауналари.



60 расм.

311 бет.

Масалан: Троходан динозаври ўтхўр бўлган, турнозаурус динозаври вахший бўлган, унинг бўйининг баландлиги 5 метрдан хам катта экан. Денгиз хавзаларида ихтиозаврлар ва плезнозаврлар кўпайган. Бўр даврининг охирларида эса бирданига денгиз шароитида яшовчи вахший денгиз-келтакесаклари-мозазаврлар пайдо бўлди-уларнинг узунлиги 20 метргача бориб еткан. Тишлари жуда ўткир, қиррали бўлиб катталиги 15-20 см. атрофида бўлган. фазода птерозаврлар хукмронлик вазифасини бажарганлар, қанотларининг учёткан вақтидаги узунлиги 15-21 метргача етган.

Сув хавзаларида балиқлар сони ва уларнинг хиллари яна кўпайди.

Илонларнинг авлоди ер юзида - қуруқликда шу бўр даврида пайдо бўлди. Қушларнинг авлодлари хам ривожланабориб хозирги замон қушларига ўхшаб қолдилар, лекин тишли қушлар бўлган.

Сутэмизувчи умуртқалилар юксак даражада ривожланган.

Модомики, мезозой эрасининг хайвонот олами ва ўсимлик дунёси барқ уриб ривожланаётган бир вақтда тўсатдан бўр даврининг охирларида ва кайнозой эрасининг бошида яъни полеоген геологик даври бошланиши биланоқ катастропик ўзгаришлар юзага келган.

Масалан, аммонитлар туркуми, белемнитлар, ихтиозаврлар, пледиозаврлар, птерозавралар, динозаврлар авлодларича қирғин келиб, улар батамом қирилиб кетдилар.

Фораминифералар, денгиз типратиканлари, суякли балиқлар ва маржон полипларнинг 3 дан икки қисми камайиб кетди.

Ўсимлик ва хайвонот оламининг 75 % ти йўқолди. Бундай катастропик ўзгаришларга мутахассис олимлар турли омиллар сабаб бўлган деб тушунтиришга харакат қиласидилар.

Жумладан, космик ўзгаришлар, иқлим шароитларнинг кескин ўзгариб кетиши, тектоник харакатлар ва палеогеографик ўзгаришларни сабаб тариқасида келтирадилар.

Динозаврлар авлодининг барча авлодларининг қирилиб кетишига кўшимча сабаб ва воқеалар каминанинг 1999 йилда «Ўқитувчи» нашриётида

чоп этилган. «Ер юзида умуртқали хайвонот оламининг пайдо бўлиши» номли табиёт фанлари факултетлари талабалари учун ўқув кўлланмада 6 – 18 варакларда ёзилган.

Сайёрамизнинг палеогеографик ривожланиш тарихида ва палеобиологик борасида, агар хақиқатдан хам эволюция қонунияти мавжуд бўлса, нима учун палеозой эраси давомида мезозой эрасида яшаган динозаврларнинг авлодлари учун палеобиологик босқичлар бўлиб ўтмади, қандай шароитларда бирданига ёки тўсатдан динозаврлар хиллари пайдо бўлиб қолди экан. Ёки ер планетасига ўзга сайёраликлар келиб қўниб динозаврларни яратдимикан. Муаммонинг иккинчи номаълум тарафи динозаврларнинг кўпчилиги ўтхўр синфига кирувчи хайвонлар бўлган. Улар бир кеча-кундуз давомида бир неча юз килограмм, айрим гигант хиллари тонналаб кўкатларни ва дарахт шохчаларини мевасини еб кун кечиргандар.


Бу рангбаранг ўсимлик олами хам худди атайин ўтхўр динозаврлар учун яратилганга ўхшайди.

Бундай воқеа ва ходисаларни илохий куч тарфидан берилганига ишонч хосил қиласан киши. . . . .

### Бўр даврига умумий тавсиф.

Ер юзининг геологик ривожланиш тарихида бўр даврининг ярмида суст равишда регрессия жараёни бўлиб ўтди, бўр даврининг охирида эса фанерозой эони давомида энг кучли ва катта худудларни эгаллаган трансгрессия жараёни бўлиб ўтди. Трансгрессия жараёни бошланмасдан олдин Гондвана ва Ангарида (Лавразия) Суперплат-формалари парчалариб бўлган; Австралия ва Африка материкларнинг орасида улкан ботиқлик хосил бўлиб хинд океани юзага келди. 61 – расм.

Африка ва Жанубий Америка Материклари орасида ҳам худди шундай ботиқлик хосил бўлиб Атлантика Океани шаклланди. Тетис денгизи ғарб кенглиги томон чекина бошлади, бу денгизнинг географик ўрни батомом



ўзгарди майдони нихоятда кенгайиб кетиб, ўрнида «Палеоангарида» океани юзага келди. Шимолий Америка қитъасидаги Канада архипелаги ўрни, Скандинавия.

314 бет. 61 – расм. Бўр даврининг палеог.

Ярим ороли, Узок Шарқ ва Шарқий Сибир ўлкалари, Хиндистон ва ХиндиХитой ярим ороллари қуруқликка айланиб бўлди, яъни йирик-йирик блоксимон платформа ва плиталарга ажралиб кетди.

Киммерий тоф бурмаланиш – тектоникорогеник эпохаси хам якунланди. Африка қитъасининг Нигерия, Камерун ва конго тарафларида, Хиндистоннинг Декан платосида, Мадагаскарда фаол вулқон транп ётқизиқлари хосил бўлди, сиз туфайли қайд этилган худудларда кучли тектоник харакатлар содир бўлиб ўтди.

Жанубий Америка қитъасининг шимолий ғарб ва жанубий ғарб худудларида хам вулқоннинг фаол харакатлари бўлиб ўтди, шу тариқа бу минтақаларда тоғ тизмалари янада кўтарилиб баҳайбатлашди. Жанубий ва шимолий Америка қитъаларидағи сақланиб қолган тошқотган хайвонот ва ўсимлик дунёсини бир-бирига солиштириб кўрадиган бўлсак уларнинг бир хиллиги яққол кўринади, демак мезозой эрасининг охирларида хам у қитъа билан бу қитъа оралиғида қуруқлик палеойўли мавжуд бўлган. Масалан, динозаврлар, илонлар, калтакесаксимон жониворлар, тошбақалар, сутэмизувчилар ва ҳакозаларнинг тошқотган қолдиқлари орасида фарқ сезилмайди.

Энди навбат бўр даври чўкинди жинслари ётқизиқларига. Русс плитасининг бўр даври ётқизиқлари (куйидан юқорига) 1- Юра даври ётқизиқлари устида фосфорийлар қатлами; 2- устида Глауконит (кўкиш, қорамтири, зангори ва х.к. ранглардаги лойқа, қум, қумтош ва мергеллардан иборат қумсимон жинс)ли қумтош жойлашган.

3 – гилмоя қатлами (таркибида аммонит қолдиқлари учрайди) сеномон ярусига қарашли.

4 – энг юқорисида қалин қатламдаги бўр жинси жойлашган. Жамининг қалинлиги 200-400 м. Бу бўр жинси текширишларга қараганда илиқденгиз сув хавзаси шароитида кўпайиб кетган охак моддаси билан тўйинган микроскопик сув ости ўсимликларининг (кокколитофоридлар) ва фораминифералар жонзодлари хисобидан хосил бўлган экан.

Мангишлоқ, Фарғона ботифи (водийси) ва Монголия бўйлаб олинган намуналар бўр ётқизиқларидан иборат.


Мангишлоқда бўр даври давомида денгиз шароитда хосил бўлган охактошлар хосил бўлган таркибида аммонит фауналарига бой бўлган қолдиқлар учрайдди.

Фарғонада хам денгиз, хам қуруқлик шароитида хосил бўлган қизғиши тусдаги қумтошлар қатлами, юқорисида эса охактошлар қатлами хосил бўлган, таркибида эса динозаврларнинг тошқотган қолдиқлари учраб туради.

Монголия худудида фақат конгинентал шароитида юзага келган қумтошлар қатлами хосил бўлган таркибида умуртқали хайвонларнинг қолдиқлари хамда динозаврлар суюклари учрайди.

Зирабулоқ кесими. Фарбий Ўзбекистондаги Зирабулоқ тоғининг депрессияга учраган шимолий-шарқ этагида бўр геологик даврига таълуқкли жинс ётқизиқлари қисман сақланиб қолган. Лекин, бу худуднинг геологик тузилиши палеогеографик шароитларини тиклаш учун асосий омиллар етарли. 62 – расмга эътибор беринг.

Бўр геологик даврида Фарфона водийси аниқ шаклланиб бўлди, демак тетис денгизи ғарб томон чекина бошлаганидан дарак беради, негаки мезой эрасининг охирларида тетис денгизининг энг шарқий минтақасида нисбатан кичик худудларни ўз ичига олган регрессия жараёни содир бўлди.



натижада, Нурота тоғ тизмасидаги, Зирабулоқ Зиёвиддин тоғ тизмаси хамда Қизил-Кўм тоғликларидағи каледонитлар ва герцинидлар денгиз остидан юзага чиқиб қолди – шу юқорида айтилган тоғлик ўлкалари ўз жамолини бўр даврида кўрсатди. 63 – расмга қаранг.

Геосинклиналлари хақида.

Бўр даврининг бошларида гранит ингрозияларнинг триас, юра ётқизиқлари ичига кириб бориши билан кичик Кавказ тоғ тизмаларида бурмаланишлар юзага келди; натижада кичик кавказнинг катта майдон қисми

күтарилиб қуруқликларга айланди. Денгиз сув хавзалари Кавказ ортининг ўрта массив худудларидағина сақланиб қолди ва бу сув хавзаси катта Кавказдаги катта майдонларни эгаллаган денгизлар билан қўшилди.

Юқори бўр даври эпохасида Кичик Кавказ тоғ тизмаларидағи чуқур дарзликлар яна харакатга келиб янги геосинклинал ботиқликларини юзага келтириди.

Бу ботиқликларнинг юзага келишига сабаблардан бири асосли ва ултрасосли таркибларига эга бўлган магма таналарининг кириб келишидир. Шундан сўнг, Кавказ орти ўрта кисми массивларида унча қалин бўлмаган бўрсимон оҳактошлар хосил бўлади. Сабаби – магма таналарининг кириб келиши муносабати билан нисбатан кичик майдонларни эгаллаган саёз денгиз хавзаларининг юзага келиши билан боғлиқ.



63 расм.

бошқа геосинклинал вилоятларда бўр даври охирларида Каммерий бурмаланишининг сўнгти фазаси харакат қиласи. Бу даврда Верхоян, кордилер ва Ўрта ер денгизи, қисман Карпат тоғлари хам харакатга келиб тоғ жинси қатламлари бурмаланади.

Кордилар, Верхоян хамда Монгол – Охотик геосинклинал вилоятлари тоғликларга айланди.

Геосинклиналлар устидаги Ўрта Осиё худудларида тарқалган бўр жинси ётқизиқлари Р.Д. Архонгельский, В.Н.Вебер, О.Е.Вялов, Е.Т.Винокурова ва бошқалар томонидан ўрганиб чиқилган ва бўр ётқизиқлари уч гурухга бўлинган: Хисор, Фарғона ва Қизилкум бўр ётқизиқлари.

Хисор жинсларининг гурухи денгиз ётқизиқларидан иборат бўлиб, Хисор тоғининг жанубида кенг тарқалган, қалинлиги 2600 м гача бориб етади.

Фарғона грухи шу водийдаги (шойдон) \_\_\_\_\_ дан 270 м гача. Қизилкумда 60 м дан 730 м гача боради. Бу жинс қатламлари Ўрта Осиёда

деярли юқори палеозой жинсларига номос бурчак номувофиқлиги билан жойлашади. Бўр даврининг ётқизиқлари Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон худудларида, Зирабулоқ Зиёвуддин тоғида, Қизилқумда, Оқсоқол отада, Товоқсойда, Қинғироқда, Дарвозада, Сўх, Исфароа, Исфайрам ва бошқа жойда тарқалган булардан ташқари нефт ва газ қидирув ишлари вақтида бурғулаш намуналари Сирдарё, Устюрт ва Амударё синклиналларида хам бўр жинси ётқизиқлари борлиги аниқланди.

### Океанлар хақида.

Бўр геологик даврида сайёрамизнинг барча оканлари пайдо бўлган эди. Океанлар тубида олиб борилганчукур бурғулаш ишлари сув ҳавзаси тагида бўр геологик даврига тааллуқли бўлган геологик кесим ҳамда океанлар атрофида ва қирғоқ олди худудларида бўр даври ётқизиқларининг борлиги шундан далолат беради. Лекин, палео океанларининг чегаралари ҳозирги замон океанларининг чегара кўринишаридан фарқ қилган. Уларнинг чуқурлик минтақалрида ҳам фарқ бўлган, бошқача айтганда оккеналар эпекантиненталхолатида – материклар устидаги океанлар бўлган яъни жуда чуқур океанлар бўлмаган. Масалан Е.М.Рудичнинг океанлар бўйича олиб борган геолгик ва палеогеографик изланишлари Хинд ва Атлантик океанлари устидаги бўр жинси қатламлари саёз океанлар шароитида хосил бўлганлигини исботлаб берди. Палеоокеанларининг марказий худудлари нисбатан чук бўлган экан. Океан туби худудларидағи сув массаси совуқ бўлиб, сув масаси тик ва бўйлама хараати суст бўлганлигидан далолат беради. Эпиконтинентал сув ҳавзалари шароитида одатда асосан органоген жараёнлар натижасида хосил бўладиган оҳактош жинслари ҳосил бўлади. Бўр геологик даври давомида океан тубида базалт вулқон жинслари ёриб чиқа бошлаганлиги маълум. Тинч океанининг қирғоққа яқин жойларида эса андезит таркибидаги вулқонлар отила бошлаган, шунинг учун ҳм океан тубидаги тоғлик тизмаларининг баландлиги кўтарилиб қолган.

### Иқлими.

Олимлар – В.К.Хайн, А.Б.Ронов ва А.Н.Балуховскийларнинг палеогеографик кузатув илмий ишлари шундан далолат беардики, бўр даврининг бошларида ҳозирги материклар худудларида экваториал гумид, шимолий ва жанубий арид, шимолий ва жанубий гумид иқлимин минтақалари ривожланган. Экваториал минтақа тахминан ҳозирги экватор чизиг бўйлаб чўзилган. Экваториал минтақа Ҳиндистон ярим оролидан болаб Австралия материгини ҳам ўз ичига олган ҳолда кенгайиб борган.

Нисбатан совуқ иқлимин минтақлари Антарктида материгида бўр даврининг бошларида ёқ ҳукмронлик қила болаганлиги маълум бўлди.

Мўтадил иқлимин минтақаларида ўртача йиллик ҳарорат тахминан ҳозирги замон ҳароратидан 100С атрофида юқори бўлган. Умумаан, бўр даврининг иқлимин шароити илиқ, иссиқ бўлиши туфайли сайёрамизда ўт ўланлар қалин ўрмонзорлар, тўқайзорларнинг ривожланишига қулай шароит яратиб берган. 2004 йил сентябр ойининг охирларида матбуотда эълон қилинган хабарга кўра, Антарктиканда қуруқлги устида – муз қатламишининг остига тропик минтақларига мос бўлган ўсимлик оламига дуч келинган.

Уларнинг нисбий ёши 55 млн. йилга тўғри келган. Демак бу йил бўр даврининг бошларига ва ўрталарига тўғри келади. Бу энг охирги палеогеографик янгилик, чет эл олимларининг (АҚШ, Буюк британия) Антарктиcadанинг музликларида олиб борилган бурғулаш геологик изланиш ишлари натижасидир.

Фойдали қазилма бойликлари.

Бўр геологик даврида ётқизиқларнинг пайдо бўлиши учун ҳар хил қулай шароитлар бўлганлиги, иқлим шароити яхши бўлганлиги ва магматизм жараёнларининг фаоллиги туфайли ер юзида турли туман қазилма бойликларнинг хосил бўлишига сабаб бўлди. Бўр даврининг континентал шароитларида хосил бўлган жинслар орасида дунё кўмр захирасининг 21%и юзага келган. Россиядаги Лениск ва Зырянск кўмир колн хавзалари, шимолий Американинг ғарб тарафларидағи ва бошқалар шулар жумласидандир. Бўр даври боксид конлари турғай ботифида франциянинг жанубида, Испанияда, Туркия ва эронда кенг тарқалган.

Олит тузилишига эга бўлган чўқиндилар ҳисобидан ҳосил бўлган иирик темир конлари ғарбий ғарбий Сибир (жанубий шарқ тарафи) текислигига кег тарқалган. Фосфорит конлари Россиянинг Оврупо қисмидан топилган. Мароккода, Сурияда хам шундай конлар бор. Бу даврда туз кон хавзалари хам ҳосил бўлган. Масалан: Туркистон, Ўзбекистон ва шимолий Америкадаги туз конлари шулар жумласидандир.

Сайёрамизда барча бўр жинси конлари бўр даврида ҳосил бўлганлиги диққатга сазовордир.

Нефт ва газ бўр даври конлари ғарбий Сибир текислигига, ўрта Осиёнинг ғарбига, Ливия, Қувайт, Нигерия, Гобон, Канада, Мексика қўлтиғидан топилган. Тинч океанининг геосинклинал вилоятларидағи - қалайи, рух ва қўрғошин, олтин конлари бўр даври нордон интрузив магматизми билан узвий боғлиқ. Қалайи конлари малайзияда, Таиландда ва Индонезияда кенг тарқалган.

Хитойнинг жанубий шарқ ўлкаларидағи ва жанубий қуриядаги қалайи волфрамм, сурма ва симоб конлари бўр даврига итааллуқлидир.

Бўр даври кимберлит магматик таналаридағи олмоос конлари жанубий Африка ва Ҳиндистонда топилган. Ўзбекистонда ҳозирги кунларда қазиб олинаётган иирик уран конлари Қизилқумда (учқудук уран кони), нисбатан кичик конлар зирабулоқ тоғларида, Хисор тизмасида ва бошқа бўр даври жинслари бўлган вилоятларда мавжуд.

Мезазой эраси ҳақида айrim хulosалар.

Киммерий эпохаси тектоник харакатлари триас даридан бошланиб, бўр даврининг бошлари айrim минтақларда эса ўртаарида сўнган. Тинч океани ва Ўрта Ер денгизи геосинклинал вилоятларида қалин қатламлардан ташкил топган бўр даври ётқизиқлари ҳосил бўлди. Бу қатламлар ётқизилаётган эпохаларда вақти вақти билан бурмаланиш жараёнлари бўлиб турди. Бу жараён юра геологик даврининг охирларида жуда кучайди (невадий фазаси), худди шундай кучайиш харакатлар бўр даврининг болари бўлиб ўтди (қолим фазаси). Мезазой эрасида транегрессия ходисаси аста секин тарзда кечган

бўлсада, юра даврининг охиригачан ривожлана борди. Бўр даврининг боларида эса регрессия ходисаси ривожланиб кетди. Бўр дарининг охирида Ернинг ривожланиш тарихи мобайнида энг қучли трансгрессия ҳодисаси юз берди, б ҳодиса деярли барча континентларда бўлиб ўтди.

Гондваа выа лавразия (Ангарида) суперплатформалари батамом парчаланиб бўлди, натижада лавразия ўрнида имолий Америка, марказий ва жанубий Африка, Хиндистон ва Хинди Хитой ярим ороллари ҳамда Австралия материклари мустақил кўринишига эга бўлди. (61 расм)

Мезазой эраси давомида Тетис денгизининг шарқий чегарасида регрессия ҳодисаси юз бериб денгиз гарб томон чекинди. Фарғона водийси юзага келди. Шу эранинг охирларида Нурота, Зирабулоқ - Зиёвудин тизмалари ва қизилқум тоғликлари денгиз остидан кўтарилиб чиқди.(63 расм).

Трапли вулқон жараёнлари бир неча марта авж олиб офаоллашди, шу жараён туфайли денгиз ости ва қуруқликлардаги тоғ тизмалари баландлашди.

Ўрта юра ва бўр даври бошларида рифт минтақалари юзага келди. Юра даврининг ўзида эса риф ётқизиқлари кенг майдонларни эгаллаб олди.

Мезазой эраси давомида судралиб юрувчилар зотлари рептилиялар айниқса тухум қўювчилар ривожланиб кўпайди. Сув хавзаларида аммоноидеялар, саёз сув ҳавзаларида микрскопик глобириенлар, белемнитлар ниҳоятда кўайиб кетди. Охирги икки турга кирувчи жонзотлар ҳисобидан фақат бўр даври давомида бўр жинси қатламлари ҳосил бўлди. Мезазой эрасида кичик динозаврлардан тортиб, баҳайбат динозаврлар дунёга келди. Бўр даврининг охирларида эса улар батамом қирилиб йўқ бўлди. Асосий сабаблардан бири Ер юзида палеогеографик ва физик географик шароитиларнинг кескин ўзгаришидир.

Кайназой ва унинг палеогеографияси.

Кайназой эраси Ернинг ривожланиш тарихидаги янги босқич эра бўлиб, хозирги замодда ҳам давом этиб турибди. Бу эранинг давом этиб келаётганинга 66 млн. йил ўляяпти.

Кайназой эраси давомида янги геологик жараёнлар пайдо бўлиб, Ер пўстининг тузилишида ўзгаришлар юзага келди, тузилишидав муракаб структуралар содир бўлди. Янги замонавий физик географик шароитлар туғилди. Кайназой эраси давомида органик дунёсида шу эрага хос ва мос бўлган хайвонолар ривож топди, булар ичida сут эмизувчилдар ўз ўрнини топди. Ер юзида инсон авлодлари пайдо бўлди. Унинг хаёт фаолияти натижасида Ер юзида глобал тарздаги ўзгариш омиллари юз бериб, экологк вазиятлар ҳам ўзгара борди.

Кайназой эраси палеоген(F), неоген(N), ва тўртламчи(Q) ёки антроген геолгик даврларни ўз ичига олади.

Палеоген геологик даври.

Палеоген геологик даври 66 млн. йил илгари бошланган. 25 млн. йил аввал тугаган. Давом этган вақти 41 млн. йилга тўғри келади. Палеоген даври 1866 йилда олим К.Науман томонидан аниқланган. Палеоген даври 3 та йирик эпохалардан (бўлимлардан) иборат:


1. палеоцен - қүйи палеоген.
2. Эоцен - ўра палеоген.
3. Олигоцен – юқори палеоген.

Органик дунёси.

Палеоген даври органик дунёси махсус зоогеографик минтақаларда ва ботиметрик доираарга (зоналарга) мослашиб яшаганликлари маълум.

Микроорганизмлар эса ўзгача тарзда ҳаёт кечириб, ҳар хил шароитларга кўнишиб яшаганлар.

Сув ҳавзалар содда жонзотлардан – фораминифералар, нуммулитлар кенг тарқлган эди . маржон полипларнинг хиллари ҳам турлича бўлиб, чуқур ва саёз сув ҳавзаларига яшашга мослашиб олганлар. Уларнинг ҳисобиданг катта майдонларин ташкил этган риф массивлари ҳосил бўлган сув ҳавзаларида ики табақали ва қориноёқ моллюскалар чучук сув ҳавзаларида ҳам шўр сувларда ҳам яшайверганлар. Қориноёқлиларнинг ҳар бири Ер усти шароритига ҳам мослашганлар (64 расм). бу даврда мишанкалар ва денгиз типратиконлари кўпая борди. Ҳашорот олами ҳам сероб бўлганча ўхшайди, чунки қаҳрабо (янталь) ичидаги 3000 хил ҳашорот хиллари борлоиги аниқланди. Ичидаги ҳашоротлари бор бўлган қаҳраболар болтиқ бўйи мамлакатларида, айниқса рига кўрфазида жуда кўп учрайди.





64 расм.

Денгз сув ҳавзаларида балиқларнинг тури ҳам кўпайди – лосослар, оқунлар, треска ва х.к. Акулалар зотлари ва скотлар (қамбалага ўхшаш узун думли балиқ) кўпайишиди.

Умуртқалилардан сув эмизувчилар, тишсиз қушлар яшаганлиги маълум. Сувда қуруқликларда яшайверадиган хайвонлар, судралиб юрувчилар ҳам маълум: йирик саламандлар, қурбақалар, жабалар, тошбақалар, калтакесаклар, илон ва тумсоқлар шулар жумласидандир. Қушлар орасида учадиганлари ва учмайдиганлари бўлган.

Йирик умуртқалилардан ўтхўр индрикотерий ва нисбатан кичикроқ эохиппуслар яшаб ўтган.



65,66 – расмлар. Индрикотерийнинг баландлиги 5м лар чамасида бўлиб, унинг суяқ қолдиқлари Қозоғистонда, Мўғилистонда, Хитой ва Кавказ орти худудларида топилган.

Палеоген даврида хартумлилар туркуми ҳам яшаганлиги маълум – мастодонитлар, динотерий ва диноцераслар шулар жумласидан. Тоқтуёқли ва жуфт туёқлилар, содда кемирувчилар, вахший хайвонлар, хашоратхўрлар ва қуёнсимон хайвонлар яшаганлар.

Ўсимлик дунёсига келсак, асосан ёпиқ уруғликларнинг гуллайдиган хиллари, ҳозирги вақтда ўсиб турган дарахтлар авлоди, тўқай ўсимликлари, ҳар хил ўт-ўланлар ўсган. Очиқ уруғликлардан асосан иғнабарглилар ўсган. Сув ости ўсимликларидан бир хужайрали скелетига эга бўлган кремний ва охак моддалари билан тўйинган ўсимликлар кўпайган.

Палеоген даврига умумий тавсиф.

Палеоген даврининг бошларида шимолий ярим шарда 2-та катта материк мавжуд бўлган – Евросиё ва Шимолий Америка, булар бирбировлари билан Беринг бўғози орқали бирлашиб турган.


Жанубий ярим шарда эса собиқ Гондванинг парчаланиб кетган бўлак материклари: Африка, Хиндистон, Жанубий Америка ва Австралия хамда Хиндистон ярим ороли мавжуд бўлган.

67 расмга қаранг.

Палеоген даврининг иккинчи ярмида яъни эоцен эпохасида Австралия ва Жанубий Америка қитъалари Антарктида материgidан тўла – тўкис ажralдилар. Юқоридаги материкларни тинч, Атлантика ва Хинд хамда Шимолий Муз океанлари ажратиб турган. Лекин бу материкларнинг кўриниш чегараларидан анча фарқ қилган.

Шимолий ярим шар билан Жанубий Яримшар материкларининг ўртасида Хамон Тетис денгизи мавжуд бўлган. Палеоген геологик даврида хам геосинклинал вилоятларининг ривожланиши давом этиб турган. Палеоген даврида янги алп тоғ бурмаланиш харакатлари бошланди ва бу бурмаланиш харакатлари Неоген даврида хам ва хатто тўртламчи даврида хам давом этди. Бурмаланиш тектоник харакатлар айниқса тетис ўрнида авж олди.

Натижада кўтарилиш-баландланиш ходисалари ва вулқон отқинди ётқизиқлари хисобига янада кўтарилишлар содир бўлди.



67 – расм.

палеоген даврининг бурмаланиш ва күтарилиш харакатлари нордон, асосли ва ултраасосли магматик интрузия таналарининг ер бағрига кириб бориши билан боғлиқ бўлди. Шундай ходиса ва воқеалар Алп, Кичик Кавказ, Кичик Осиё, Помир, Химолай, Тибет ва бошқа тоғ тизмаларида содир бўлди.

Бурмаланиш тектоник характларининг кучлилигидан Гренландия, Хиндистон, Африканинг шарқий чегараларида рифт структуралари (Горст ва Гробен структуралари) юзага келди. Африкада рифт структураларининг узунлиги 2500 км-га меридиан бўйлаб чўзилди. Айнан шу рифт структуралари бўйлаб вулқон жараёнлари ривожтотти. Вулқон отилиши жараёнлари Камерун, Нигерия ва Исландия худудларини хам тинч қўймади.

Базалт вулқон қуюндилари океанлар остида ривож топди. Палеоген даврида транегрессия жараёни бошланиб кетди, эоцен эпохасида эса бу жараён жуда авж олди; бу трансгрессия ходисаси Ернинг ривожланиш тарихидаги энг сўнги катта трансгрессияси эди.

Геосинклинал вилоятларидаги денгиз ва океан сув массалари – хавзалари шарқий Оврупонинг жанубий тарафларига, Ғарбий Оврупоча, Ўрта Осиё худудларига, Тўрғай ботигича, Ғарбий Сибирга, Миссисипи Хавзасига, фlorидага, Африканинг шимолига ва ғарб тарафларига ва Арабистон ярим оролига бостириб кирабошлади. Палеоген даврининг

охирида эса яна регрессия жараёни тикланиб, денгиз сув хавзалари деярли барча континентларни тарк этади.

Палеоген давридаги платформа ва геосинклиналлар.

Мезозой эрасида бўлиб ўткан Киммерий бурмаланиш босқичидан сўнг палеозой эрасида таркиб топган қуруқликлар янада кенгаяди. Кордилер, Верхоян, қисман Ўрта денгиз ва Анд геосинклиналлари бурмаланиб тоғлик ўлкаларга айланади.

Юқори бўр даврида юзага келган Хинд, Атлантика океанлари геосинклиналлари хам палеоген даврида ривожланади. Шимолий Америка билан Ғарбий Оврупо ўртасида чўкиб, Атлантика океани хосил бўла бошлагандан кейин Ангарада материги иккига бўлинади.

Палеоген даврида транегрессия қуруқликтининг анчагина қисмини эгаллайди.

Масалан, эпиплатформаларда эпиконтинентал денгизлар Ўрта Осиёда, Ғарбий Сибирда ва Оврупонинг хамма жойларида бўлган. Бу даврда айрим жойларда (овруподаги) лачуна шароитлари бўлганидан кўп миқдорда ош тузи, калий тузи, гипс конлари хосил бўлган. Денгиз трансгрессияси палеоцен, айниқса, эоцена кўп жойларни ишғол қилган.

Шундай қилиб, палеоген денгизи майдони бу жойларда юқори бўр даврига нисбатан хам катта майдонларни эгаллайди.

Геосинклинал вилоятларида палеоген даврида чўкиш билан биргалиқда эоцен эпохасидан бошлаб кўтарилиш ва бурмаланиш жараёнлари хам бўлиб ўтади.

Палеоген даврида вулқон отилиш жараёнлари ўрта денгиз генсинклинали бўйлаб кенг тарқалган, масалан, Болқон, Апенин ярим ороллари, Кавказ, Копетдоғ ва Химолай тоғлари ўрнида (Афғонистонда) Фарғона водийсининг шарқида хам палеоген қатламлари орасида вулқон ётқизиқлари учрайди.

Палеоген даврининг қуруқликларида дашт, чўллар вужудга келган, бунга Монголия, Туркманистон, Миср, Техас, Испанияни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Бу худудларда Гипс, хар хил тузлар ва қизил тусдаги рангли жинслар хосил бўлган.

Палеоген давридаги платформа ва геосинклиналларда саёз денгиз ётқизиқларидан; мергеллар, гилмоялар, оҳактошлар хосил бўлган.

Тоғ олди ботиқликларида моласс жинс ётқизиқлари-гилмоя, алевролит, кумтош, гравелит, шағалтошлар гуруҳини бир неча бор қайтарилишидан иборат бўлиб, қалинлиги 2-3 км.га етган.

Сайёрамизнинг бундай жойлари хозир газ, нефт конлари бор бўлган хавзалар қаторига киради. Масалан: Кавказ, Карпат, Жанубий – Шарқий Урол, Ғарбий Сибир, Ўрта Осиё худудларидағи тоғ олди ботиқларидағи газ-нефт конлари бунча мисол бўлади.

Палеоген даври ётқизиқлари Ўзбекистонда хам кенг тарқалган ва яхши ўрганилган. Улар Чотқол, Курама, Фарғона тоғ тизмаларининг ёнбағиларида, Чорбоғ сув омборининг юқориларида, Чимён тоғларида (Белдерсойда)

Тожикистон депрессиясида кўп учрайди. Бу ётқизиқларнинг қалинлиги жойларига қараб 50 м.дан 300 – 800 м.га етади. Палеоцен ётқизиқлари Устюрт маркази ва Оқтумшуг дўнгидаги, Чимбойда (Амударёнинг қуий қисмида) жуда кам учрайди - қалинлиги 10 – 100 м-га боради холос. Қуий палеоцен ётқизиғи карбонат-гилли, қисман қум – алевролит жинслардан иборат, уларни Устюртда Султонсанжар кўли олдидаги қўпроқ учратиш мумкин. таркибида формалин фералар қолдиқлари сақланиб қолган.

Шу каби жинслар Султон Увайс тоғи атрофида хам учрайди. Улар асосан оҳактош, доломит ва гипсли жинслардан иборат. Қалинлиги 25 м, атрофида. Бу ётқизиқларнинг юқори қатламлари нураш ва эрозия жараёнларига учраши туфайли емирилиб, ювилиб тарқалиб кетган.

Бухоро депрессиясида ётқизиқлар оҳактош, билмоя, қумтошлардан иборат бўлиб қалинлиги 80 м.дан 65 м (шўроб кони) гача айрим жойларда эса 5-8 м.ни ташкил этади. Бу вилоятларда хам нураш жараёнлари фаол равишда бўлиб ўтган.

Эоцен эпохаси. Бу эпоха ётқизиқлари асосан денгизда хосил бўлган ва Ўзбекистонда кенг тарқалган ётқизиқлар махаллий ярусларга бўлиниши бўйича сузоқ (Боқчасарой Яруси Крим) Олой (Симферополь) ва Туркистон, Риштон, Исфара, Хонобод (Бадаҳшон), Алъмин ётқизиқ қаватлари тикланган. Эоцен ётқизиқлари Ўзбекистоннинг Фарғона водийси Жанубида, Риштон, Исфара, Сўх ва Қизилқумда кенг тарқалган. Бу жинсларнинг қалинликлари хар-хил жойда турлича ва ранглари хам хар хил. Кўпчилик ётқизиқлар денгиз чўқиндиларидан иборат бўлиб яшил тусдаги гилмоя, мергеллар, оппок оҳактош, оқ тусдаги қум ва қумтошларни ташкил этади. Уларнинг умумий қалинлиги 150-200 м.га боради. Олигоцен ётқизиқлари Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда яхши ўрганилган бўлиб, уларнинг қалинлиги хамма жойда бир хил эмас. Ранглари хам ўзгача. Фарбий Ўзбекистонда учрайдиган гилмояларнинг рангги асосан яшил ёки кулранг яшил, Фарғона водийсида пушти, қизил ва таркибида органик модда қолдиқларининг кўплигидан кўнғир ва қорамтири кўнғир рангдагилари учрайди. Бу жинслар орасида фауналар хам бисёр.

Олигоцен даври ётқизиқларининг қалинлиги гарбий Ўзбекистонда 150 м атрофида бўлса, шарқ терафда 15-20 м чамасида. Палеогеографик кузатишларига кўра, олигоцен даврининг охирларида хозирги Ўзбекистон худудларидан тетис денгизи Ғарб томон чекинган.

Эоцен эпохасида Атлантика океанининг майдони кенгайди ва сув хавzasи чукурлашди.

Хинд океани остида қуруқликлар тарафидан олиб келинган терриген жинслар чўқиндилари яъни бирламчи эол махсулотлари ёғилабошлади. Тинч океани хавzasида эса қора ва қўнғир тусдаги кремнийли биоген ётқизиқлари пайдо бўлди.

Олигоцен эпохасига келиб, ер юзида иқлим ўзгариши давом этиб, иқлим совиб кетди, океанларда регрессия жараёни ривожланиши билан иқлим минтақаларида яққол фарқ-контраст пайдо бўлди. Антарктидада гидродинамик чегараланиш юзага келиб, муз қатламлари тез суръатда

қалинлаша борди. Тахминан 38-40 млн. йиллар бурун океан хавзаси музлари ва шу хавза худудларида илк – муз тоғлари – айсберглар пайдо бўлди.

Тетис денгизи хавзасида кўтаринча руҳдаги сув массасини ғарб томон фаол харакатлари туфайли денгиз саёзлашабориб ўрнида лачуна минтақалари, кўл-ботқоқлик юзага келади. Қолаверса худди шу эпохада тетис хавзаси қолдиқлари деб хисобланган Ўртаерденгизи, Қораденгиз ва Каспий хавзаси юзага келди. Хинд океани хозирги замон географик кўринишини эгаллади.

Тинч океани хавзасида хам физик-географик шароитлар ўзгарди, чунки хавзатагида турбидитлар (лотинча – лойқа - қуйқа ва майда-чуйда чақиқ жинслар аралашмаси) хамда вулқон жараёнлари хисобидан хосил бўлган маҳсулотлар кўпайган.

Доимо Яшил тусда товланиб турадиган ва бурқираб ривожланиб турган ўсимлик дунёси қолдиқлари намуналари палеоген даври ва эпохаларининг тропик иқлим минтақалари чегараларини аниқлашда катта ёрдам берди. Шунга кўра, бу илиқ ва иссиқпарвар ўсимлик дунёси Оврупо қитъасининг хамда Жанубий Осиёning хамма худудларида ўсиб ривожланганлиги аён бўлди. Шу худудларда субтропик иқлим шароити хам хукмронлик қилган, йирик баргли ва дарахтларнинг қолдиқлари Осиё, Шимолий Америка, хозирги замонавий Антарктида ва Арктика, Шпицберген, Гренландия ва Исландиядан топилди, зероки бу худудларда мўтаъдил илиқ - иссиқ иқлим бўлиб ўтганлигидан дарак бериб турибди. Келтирилган омиллар палеоген геологик даврининг биринчи ярмига-палеоцен-эоцен эпохаларига таъуллукли физик-географик шароитлардир. Хозирги ер юзидағи иқлим шароитича палеоцен – эоцен даврларида шароитни таққослайдиган бўлсак, у қадимий даврда ер юзидағи хамма худудларда иқлим юмшоқ бўлган. Эоцен эпохаси вақтида Оврупо қитъасида ўртача йиллик харорат + 27 градус С бўлган, бу кўрсаткич мезозой ва кайнозой эралари давомида энг юқори мусбат харорат бўлиб ўтган деган хulosага келиш мумкин; лекин эоцен эпохасининг охирларида харорат кескин пасайиб + (7 – 10) градус С худди шу вақтлардаги иқлим шароитга тўгри келади. Олигоцен эпохасида эса харорат яна пасайиб + (5-7) градус С – га тушди.

Иқлим шароитининг максимал иссиқ бўлиши палеоген даври трансгрессиясига тўғри келаяпти, совуқ иқлим шароити эса дунё регрессияси билан эканлиги исбот қилинди. Буни юқорида таърифлаб ўтдик.

Ўрта Осиё жумладан Ўзбекистон худудларидаги палео-иқлим шароитлари юқорида баён этилган иқлим минтақаларидек бўлган.

### **Фойдали қазилмалари.**

Палеоген даври ётқизиқларида жуда муҳум фойдали қазилма бойликлар жойлашган. Масалан, экваториал чегара атрофларида йирик боксит конлари хосил бўлган: Австралияning йорк ярим оролида, Гвинеяда, Ямайка, Суринамада ва Гоянада. Четмамлакатларда қазиб олинаётган алюминий хомашёларининг 95 % захиралари шу ерларда жойлашган.

Олигоцен эпохасида хосил бўлган марганец конлари Қораденгиз ёнидаги никопол, Кавказ, Фарбий Африкада (Моанда) жойлашган.

Эрон, Ироқ, Венесуэла ва Афғонистондаги йирик нефт конларининг ёши палеоген даврига тўгри келади. Сахалиндаги, Япониядаги (Хоккайдо ва Кюсю кўмир конлари), Хитойдаги (Фушунь) кўмир хавзалари хам палеогенда даврида бўлган.

Германия, Ақш (Шим.Дакота) ва бошқа мамлакатлардаги қўнғир кўмир конлари палеоген даври билан боғлиқ. Марокко, Алжир, Тунис фосфорит конлари палеоген ёшидадир.

Палеоген даврида соф олтингугурт конлари хам хосил бўлган. Улар ронда Мексика қўлтиғида, боливия Аргентина, Чилида учрайди. Жуда катта бой захирага эга бўлган, симоб кони испанияда (Альмаден сиомб кони) маълум. Шундай симоб кони Италия, Югославияда ҳам бор. АҚШ даги (Вайоминг штатида) улкан уран кони палеоген даврида хосил бўлган. Палеоген даври билан боғлиқ мис кони чилида выла боливияда, мис ва молебден конлари Перуда жойлашган. Чуконтка ярим орорлидан топилган ва хозирги кунлардла ҳам қазиб олинаётган олтин ва кумуш захирадари палеоген даври вулқонлар билан узвий боғлиқдир. Палеоген даври ёшидаги қўрғошин-рух конлари узоқ шарқдаги Даальнегорскда, молебден волфрамм кони Кавказда (Тирноуз) учрайди.

Юқоридагилардан ташқари палеоген даврида гранит конлари ҳам хосил бўлган. Улар Мексикадан топилган (Сонора гранит кони) ргант магматик таналари билан узвий боғлиқ.

Неоген геологик даври ва унинг палеогеографияси.

Неоген геологик даври 25 млн. йил бурун бошланган, 0,7-1 млн. йил аввал тугаган. Давом этган йили 24 млн. бу давр 1853 йилда Австралия геолги М.Гернес томонидан тикланган. Неоген дари:

1. Миоцен – яъни қуи неоген эпохаси.
2. Плиоцен – яъни юқори неоген эпохаларига ажратилган.

Органик дунёси.

Неоген даври давомида яшаган улкан фауна ва фолоралар аста секин хозирги замон хайвонот ва ўсимлик дунёси зотларига яқинлаша борган. Қуруқлик шароитига яшаган неогнен даври хайвонлари хозирги замонда яшамоқдалар.

Неоген геологик даврида ҳам ҳамон икки табақали ва қориноёқли молюскалар денгиз сув ҳавзаларида яшаганлар. Булар орасида энг кўп тарқалган авлодлари (64 расм): остреа, туррителла, кламус; шўр сув ҳавзаларида мактра, кардиум; гастраподалар – церитиум, трохус ҳамда риф хосил қилувчи мшанкалар. Юқоридагилардан ташқари сув ҳавзаларида балиқлар хили ва сони яна кўпайган, хар хил игна танлилар, маржонлар ривожланди. Сут эмузувчилардан китларнин сони ва зотлари кўпайган.

Ер юзасида яшайдиган сут эмузувчилардан ваҳший ҳойвонлар, хартумлилар ва туёқлилар кенг тарқал бошлади.

Миоцен эпохасида қадимий айик зотлари, антилопалар, ёввойи ҳўқизлар, жирафа, филлар. қўй ва эчкилар пайдо бўлиб яшай бошладилар.

Миоценнинг охирларида ва плиоцен эпохасида сайёрамизда илк одамсимон маймунлар, гиппопотамлар, бугулар ва илк от зотлари пайдо бўлди. Плиоценнинг иккинчи ярмидан бошлаб филларнинг зоти ва сони ҳам кўпайди, мастодонлар ханжар тишли арслонлар пайдо бўлди.

Шу эпоханинг энг тарихумул воқеаси одамзот пайдо бўлди.

Миоцен эпохасида хозирги экваториал ва мўтадил иқлим минтақаларида тропик ва субтропик ўсимликлар тури сақланиб қолган. Плиоцен эпохасида чўл ва ўрмон чўл минтақларида нина баргли дараҳтлар хукмронгликни эгалладилар.

Неоген даврида умумий тавсиф.

Неоген даврида бурмаланиш тектоник харакатлари энг авжуга кўтарилиган вақт ҳисобланган, ҳамда эпиплатформа орогенез харакатлари ҳам кенг тус ола бошлаган. Ер пўстининг платформа вилоятларида тоғ пайдо қилиш тектоник харакатларининг неоген даврда ҳам кўтарилиш ходисаси юз берди. Алп бурмаланиш жараёни Ўрта ер денгизи геосинклинал ривожланиш харакатини сўндириди. Бу ҳодиса қуйидаги тоғлик ўлкаларда содир бўлди: Андалузия тоғларида, пиреней ва шимолий Атлас тоғларида, Алпда, Апеннин ва карпат тоғларида, Динор тоғларида, Греция тоғларида, Крим, Кавказ ва Кавказ орти тоғлик ўлкаларда, Кичик Осиёда, Эльбрус, Загробе ва Копетдоғда.


Алп бурмаланиш харакатлари тинс океани минтақасида ҳам ўз таъсир кучини кўрсатыб ўтди. Бу минтақаларга: Коряк тоғлик ўлкалари, Камчатка, Сахалин, Курил ороллари, Япония филиппин, шарқий эндонезия, янги зеландия тоғлари киради.

Палеоген даврининг тахминан ўрталаридан бошлаб Африка қитъасининг шарқ қисмида жуда кучли ва даҳшатли тектоник харакатлар, жумладан катастрофик ер силкинишлари содир бўлган эди, бу воқеа ва ҳодисалар неоген даврининг бошларида ҳам давом этаверди. Тектоник харакатлар шу даражада кучли ва ваҳимали бўлганки, ҳосил бўлган дарзликлар ва ёриқликларнинг узунлиги (67 размга разм солинг) бир қанча юз ва ҳатто бир қанча минг км га чўзилаган ва кетма кет шундай масофаларга чўзилиб уланиб кетган иккинчи, учинчи ва ҳ.к. дарзлик ҳудудлари меридиан йўналиши бўйлаб харакатланган. Дарзликларнинг ва ёриқликларнинг кенгликлари ҳам бир неча ўн, бир неча юз км ларни ташкил этиб, чуқурлилари ҳам бир неча ўн ва юз км га бориб етган. Шундай дарзликлар ва ёриқликларнинг ўрни (изи) 68 размда ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.

Шундай дарзлик ёриқликнинг энг катталаридан бири ва диққатга сазовор бўлган ва муҳим палеогеографик аҳамиятга саналгани Африка қитъасининг шимоли шимоли шарқи ва арабистон ярим оролининг ғарб чегаралари орасида ҳосил бўлган Ер юзаси ёриғидир. Ҳозир бу тектоник дарзликлар узундан узун чуқур жарсимон Грабен структураси ўрнида ҳозирги қизил дениз ҳавзаси юзага келган, демак тахминан 18-22 млн. йил бурун сайёрамизнинг марказида қизил дengiz пайдо бўлди.

Неоген даврининг иккинchi ярмида Ер юзасидаги барча материкларнинг ташқи қўринишлари ва чегаралари ҳозирги замонавий

кўринишларга яқинлашди. Шимолий ярим шарда шимолий Америка, Гренландия, Евро Осиё жанубий ярим шарда эса Жанубий Америка, Африка ёнида мадакаскар, Арабистон ярим ороли, Хиндистон ва Австралиялар яққол кўзга ташланди.



68 расм.

Тетис денгизи эса бутунай чекиниб бўлди. Ўрнида материкларнинг чукурликларида кичик кўллар ва лагуналар пайдо бўлди. Антарктика музликлари регрессия жараёни натижасида янада кенгайиб борди. Шимолий ярим шарда юқори ва ўрта кенгликлар худудларида иқлим шароити совуши туфайли органик дунёси ҳам ўзгарди. Тетис денгизининг ғарб тарафлари гибралтар худудларида океан билан қўшилади.

Плиоцен эпохасида (акчачил асрида) Каспий қора дengiz ва Ўрта Ер дengizларининг ташқи кўриниши уларнинг ҳозирги замонавий кўринишига яқинроқ бўлган.

Неоген даврида забардаст тоғлар тизими юзага келади – яъни ёшаради. Загрос, Копетдаг, Паропамиз, Помир, Хиндикуш, Қоракурум, Химолай тизмалари шулар жумласидандир.

Жанубий Америка қитъасидаги геосинклинал вилоятларида Анд тоғ тизмалари яна құтарилиб баландлашади, бунга асосий сабаб жуда күчли вулқон жараёнларининг махсулотлари түпламидир. Худди шу вақтда Анд тизмалари аро тоғ этаклари ораларидан чуқур букилмалар пайдо бўлиб, улар континентал ва денгиз маласс ётқизиқлари билан тўла бошлайди. Олигоцен эпохасида бошланган иқлимининг совуши оқибатида кейинги эпохаларда ҳам давом этиб, плиоцен эпохасида глобал миқёсида сув ҳавзаларининг харорати янада пасаяди, натижада шимолий ва жанубий минтақаларда кремнийли чўкинди ёртқизиқларининг хосил бўлиши авж олади. Зероки бундай иқлим шароитларида диатомитли сув ости ўсимликлари ривожланишига қулай биологик шароитлар туғилади, карбонат чўкиндилари ётқизиқларининг пайдо бўлиши учун бундай иқлим шароити тўсқинлдик қиласи. Неоген даврининг яна бир ажабланарли ходисаларидан бири – миоцен эпохасида Дунё океанининг юзаси пайиб борпади, чунки океанларнинг обиссал уфқлари (чуқурликлари) кенгайиб ва чуқурлашиб кетади, рифт вилоятларида ҳам шундай шароитлар содир бўлади. Океан туби ботиқликларининг хажми катталашади. Худди шу эпохаларда Ўрта Ер денгизи, Қора денгиз ва Қизил денгизларнинг ҳавзалари ҳам чуқурлашади. Айрим жайлари 2,5-3,5 км гача чуқурлашди. Сув ҳавзаларининг олдинги теварқ ва кенг қирғоқ чегаралари қуруқликка айланиб, янги палеорелефлар юзага келади. Тинч океанининг четларида, Алеут, Курил, Япония ва Индонезия дўға(ёйсимон бурчакларида) ларида Хамда чуқур тарновсимон (нов чуқурликлари) худудларида жуда фаол вулқон жараёнлари содир бўлди. Юқорида қайд этилган барча ороллар ва архепелаглар майдони вулқон махсулотлари ҳисобидан кенгайиб борди ва баландлашди. Қуруқлик майдонлари катталашди ва шу ҳодисалар туфайли, уларнинг рельеф тузилиши ҳам кескин ўзгаришга олиб келди.

### **Иқлими ва палеобиогеографияси.**

Неоген даврининг палеобиогеографияси ҳозирги замонавий биогеографиясига ўхшаб яқинлашиб қолаверган. Тропик иқлим минтақасининг кенгликлари қисқариб тораяборди. Шунинг учун ҳам қуруқлик худудларидаги органик дунё ҳам ўзгариб кетди.

Масалан баргли дарахтзорлар майдонлари қисқариб ўрмонзорлар сийраклашиб кетди, уларнинг ўрнини совуққа чидамчи хиллари эгаллаб олди. Бу ҳолат айниқса қутб атрофи худудларида юз берди, бундан ташқари Антарктида музликлариниг қалинлашиб бориши туфайли совуқ иқлим шароити кенг майдонларга тарқала бошлаб хайвонот ва ўсимлик дунёсига қирон келди. Уларнинг нисбатан илиқ минтақалар томон миграсияси содир бўлди. Совуқ тушиши плиоцен эпорхасининг охирларида юз берди – тахминан 3 млн. йил илгари.

Масалан Ростов вилоятлари ва унинг атрофларида йиллик харорат ҳозирги замон йиллик хароратига нисбатан 50С ча пасайган.

Тайча ўрмонзорлари миңтақаси каспий денгизининг шимолий худудларигача етиб келган умуман таҳлил қилинса неоген даври давомида экваториал гумид, шиммолий ва жанубий арид ва гумид иқлим миңтақалар пайдо бўлди. Плиоцен эпохасида эса, тоғ тизмаларининг баланжлашуви «экран» вазифасини бажариб арид иқлим миңтақалари кенгайди.

### **Фойдали қазилма бойликлари.**

Қазилма бойликлари қаторида энг аҳамиятга эга бўлгани нефт ва газ конларидир. Нефт ва газ дунё захираларининг учинчи қисми неоген ёшига тўғри келади. Неоген ёшидаги жуда катта захиралари Эрон Мисопатамия ва Кордилер Анд ботиқлик худудларида пайдо бўлган. Ана шу нефт газ конлари Эронда, Ироқ, Куввайт, Катара, Саудия Арабистонида, Мексика, Венесуэла ва АҚШ нинг Мексика худудида жойлашган. Хозирги кунларда қазиб чиқарилаётган Доғистон, Боку, Каспий Экваторияси, ғарбий Туркманистон, Карпатолди, Карпаторти ва Сахалин нефт газ конларининг ёши ҳам неогендир.

Ўзбекистоннинг Устюрт, Қашқадарёнинг нефт газ конларининг захиралари ва газо конденсатлари асосан неоген даври ётқизиклари билан бирга ҳосил бўлган.

Иккинчи навбатдаги неоген даври конларилан қўнғир кўмир қатламлари хисобланади. Улар деярли ҳамма конденентларда учрайди.

Ер юзасининг нураш пўсти яъни гепергенез жараёнлари билан боғдлик бўлган темир марганец боксид некел ва бошқа конлари Австралия, Хиндистон, Африка, Жанубий ва марказий Америка худудларида кариб денгизининг оролларида учрайди.

Бразилиядан топилган зумрад, александрит, цейлон оролидан қазиб олинаётган феруза, Сапфир, ёқут ва ҳ.к. ҳамда Африкадаги қумлар орасидаги ва океан қаридаги олмос сочма конлари ҳам нураш пўсти қатламлари орасида учрайди, буларнинг пайдо бўлиши вақти неоген даври ва унинг охирги эпохаларига тўғри келади.

Неоген даври магматизм жараёни билан боғлиқ бўлган қалайи, олтин, мис, рух, кўрғошин ва симоб конлари Анд марказий Америка ва Ўрта Ер денгизи бурмаланиш эпохасидан топилган.

### **Тўртламчи (Антрапоген) геологик даври.**

Тўртламчи даври кайназой эрасининг охирги, хозирги замонавий давридир. Бу даври 1829 йилда белгия геологи Ж.Денайэ томонидан тикланган. Аввалги палеоген ва геоген даврилари мустақил даврлар деб тасдиқланмаганича улар учламчи давр деб аталар эди. Шу давридан сўнги даврни тўртламчи давр деб аташ одат тусига кириб қолган эди. Энди эса, учламчи давр деб аталмайдиган бўлгандан сўнг, тўртламчи даври атамаси ноқулайликларни келтириб чиқармоқда, шунинг учун «Антрапоген» давридеб аташни 1922 йилда А.П.Павлов таклиф этди. Бу даврниг ҳам ўзига яраша бошқа даврлардан ажратиб турувчи воқеа ва ҳодисалари бор. Улар қуйидагилардан иборат:

1. бошқа геологик даврларининг одатдагидан ташқари қисқа муддат даврида (хозирча) давом этиши ҳар хил маълумотларга ахамият берадиган бўлсак, бу даврнинг давом этиб келаётган йили 3,3-0,7 млн. йилга тўғри келади.
2. Одамзотнинг пайдо бўлиши ва унинг моддий – маданий дунёсининг вужудга келиши.
3. Иқлим шароитлари кескин ва тез тез ўзгариб туриши, яъни совук иқлими шароити билан илиқ ва иссиқ иқлими шароитларининг алмашиниб туриши. Модомики, айрим минтақаларда иқлимининг совуши бошқа минтақаларда эса бир эпохадан кейин иккинчи эпохада иқлимининг яна илиқланиши кузатилди. Айниқса совук иқлимининг нам-илиқ шароитларига ўзгариши ва ҳ.к.
4. Планетар миқёсида бир маротаба эмас, балки бир неча маротаба дунё океани юзасининг ўзгариб туриши натижасида трансгрессия ва регрессия жараёнлариниг содир бўлиб туриши. Тўртламчи даври мобайнида ҳам океанлар а денгиз остида, ҳамда қуруқликлар шароитида тўртламчи давр ётқизиқларининг юзага келиши. Ер юзи рельеф янги шаклларинигнг юзага келиши ва ҳ.к.

Тўртламчи даврнинг жинслари ҳам ўзига хос хусусиятларига эга. Бу ётқизиқларни қуруқлик юзасида ҳам, океан ва денгиз тубларида ҳам учраши мумкин. тўртламчи давр жинслари хозирги кунлардаям пайдо бўлиб туриши ҳаммага аён.

Тўртламчи давр ётқизиқларининг органик қолдиқлари ва литологик таркибларига қараб тўртта бўлимга: қуий тўртламчи давр (Q1), ўрта (Q2), юқори (Q3) ва хозирги замон (Q4) даврларига бўлинган.

Тўртламчи давр ётқизиқлари ичida музликлар ётқизиқлари кенг тарқлагани учун бу даврни муз даври ҳам деб аталади. 6 – жалвалга қаранг. Муз босишига, одамзот пайдо бўлишига кўра ҳамада дарё ётқизиқларининг тарқлишига (ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудуларида) қараб маҳаллий кенжак қисмларга бўлинади: хозирги замон – голоцен (Q4), юқори тўртламчи – юқори плейстоцен (Q3), ўрта тўртламчи - ўрта плейстоцен (Q2) ва қуий тўртламчи - қуий плейстоцен (Q1).

Тўртламчи давр ётқизиқлар ҳосил бўлиш шароитлари ва вақтича (кетма-кетлигига) қараб қуийдаги комплекс гурухларга аэротилган (ёзилиши тартиби юқоридан остига томон):

1. Сирдарё комплекси – шағал ва қайроқ тошлар ва қумлар тўплами.
  2. Мирчачўл комплекси – конгломератлар қумоқ тупқлар (сучлинкалар) ва бўшак чақиқ жинслар.
  3. Тошкент комплекси – соз тупроқлар (лёсслар), қумоқ тупроқлар ва конгломератлар қатлами.
  4. Нанай комплекси – соз тупроқлар, қумоқ тупроқлар ва конгломератлар. Юқорида қайд этилган тўрт комплекс жинсалар остида неоген жинслар жойлашган. Тўртламчи давр икки бўлимдан эпохадан иборат: Плейстоцен бўлими. Ббу бўлим З та вақт (замонга)га ажратилган.
1. Қуий плейстоцен - (Q1).

2. Ўрта плейстоцен - (Q2).
3. Юқори плейстоцен - (Q3)

Голоцен бўлими ёки ҳозирги замон даври - (Q4).

Тўртламчи давр давомида Ер юзида диққатга сазовор бўлган палеогеографик ҳодисалар ўлиб ўтган. Шулардан энг муҳими сайёра миқёсида деярли ҳамма материкларда музликларнинг пайдо бўлиши ва музлик ўртасидаги илиқ иқлим шароитлари тикланишидир.

Тўртламчи давр иқлим шароитининг тез тез совуб туриши ва музқопламларининг юзага келиши сабабларини олимлар турлича тушунтирадилар. Шулардан диққатга тўғрироғи Югославия олими Миланковичнинг фикридир. унинг фикрича иқлимининг тез тез ўзгариб туриши қуёш радиациясининг кучига яъни радиациянинг сустланиши ава кучайишига боғлиқ экан.

Бунга Ер орбитасининг оғиш бурчаги эллиптикаси ва эксцентриситети холатлари сабаб бўлади. Шундай экан Ер сайёраси ва Қуёш оралигининг масофаси узунлиги ўзгаради, демак Ернинг қуёшдан олаётган иссиқлик энергияси ҳам ўзгариб туради. Мутахассис олим Миланкович Қуёш радиациясининг тўлқинланиб туриши диаграммасинин тузиб бўлиб шундай хulosага келдики, тўртламчи давр давомида тўрт маротаба Г.И.Лазуков фикрича беш маротаба музлик даври юзага келиб, 5 маротаба иқлим яна илиқлашган.(6 – жадвалга ва 69 – расмга қаранг).




69 расмдаги Хумсон қишлоғининг Супакри тепалигига олинган тўртламчи давр ётқизиқларининг геологик кесими ҳам олим миланковиянинг фикрин тасдиқлади. Кесимдаги 2,4,6 ва 8 нчи қатламлар музликлар эриши натижасида юзага келган юпқа қатламчалар ётқизиқлариdir. Соз тупроқ қатламларига келсак, булар Ер юзидаги кўл ботқоқлик, оқова сувлар ва шамолларнинг геологик (Эол ётқизиқлари) фаолиятларининг маҳсулотлариdir. Иқлимининг илиқ вақтида ҳосил бўлган музликлар давридан қолган қатламларинг юпқалиги, муз қопламларининг Ўзбекистон худуди шароитида унча мис қалин бўлмаганлигидан дарак беради.

Тўртламчи даврда пайдо бўлган қуруқлик ётқизиқлари қаторида аллювий, пролювий, флювиогляциал (69- расм; 2,4, 6 ва 8 рақамлардаги ётқизиқлар) ва Эол (69 расм; 1,3,5,7,9 рақамлардаги ётқизиқлар) ётқизиқлари кенг тарқалган, уларнинг қалинлиги жойларига қараб 10-15 м., хатто 1500 м. гача боради.


Бу ётқизиқлар Ўзбекистон худудларида худди мезазой эрасининг ётқизиқларига ўхшаш (70-расм) мезазой ва палеозой эраси ётқизиқлари устида бурчак ва стратиграфик номувофиқларни ташкил этиб жойлашган (71-расм).

70-расмдаги стратиграфик шароитларни шархлайдиган бўлсак, палазой эрасининг тошкўмир даври оҳактошлари устига мезазой эрасининг бўр(к) даври ётқизиқлари горизонтал ёари горизонтал ё текисликни ташкил этиб жойлашган.

Тошкўмир даври оҳактошларнинг жойлашиш бурчаги 60 атрофига бу бурчак номувофиқликдир. Оҳактошлардан сўнг уни устида перм ётқизиқлари бўлиши керак эди. Стратиграфик кетма-кетлик чорвоқ сув омбори атрофига йўқ; лекин Хисор тоғ тизмаларида эса мезазой эраси ётқизиқлари тўғридан-тўғри перм даври жинслари устида жойлашган. Модомики, угом, пском, чимён ва уларнинг ён атрофидаги тоғли худудларда мезазой эраси бошлиномасдан олдин перм даври ётқизиқлари нураш



70-расм: Чорвоқ сув омборидан олинган РІ, МІ ва КІ эраларидан қолган ётқизиқларнинг геологик кесми.



71.-расм Тошкўмир (РІ эраси) ва Q –тўртламчи давр ётқизиқлари орасидаги бурчак ва стратиграфик номуофиқликлар Хумсон оромгохи ёнидан олинган кесим.

Жараёнига йўлиқиб, нураб бошқа худудларга тарқалиб кетган ёки шу жойлардан перм даври ётқизиқлари умуман ҳосил бўлмаган деган холосага келиши мумкин.

Мезазой эраси даврларининг ётқизиқлари жойлашиш керак эди. Буни ўрнига расмда кўриб турганимиздек ўрта тўртлачидаврда пайдо бўлган аллювиал жинслари (ҳозирда улар конгломерталарга айланган) – дарё ётқизиқлари жойлашиб олган. Хусон ва коржонтоқ тизимларида ҳам пермдаври ётқизиқлари кўринмайди, эффузв жинслардан ташқари. Яна бир геологик нуқтон назаридан қизиқ ходислардан бир – мезазой эраси даврларининг ётқизиқлари уман йўқ.

Демак, тўтламчи даврнинг бошларидаёқ шутоғ тизимларида мезазой эрасининг ётқизиқлари нураб, ювилиб тарқалиб кетган дейишга асос бор, зераки, чорвоқ сув омбори теваракларида мезазой эраси ётқизиқлари мавжуд.

Бундай худосини фақат бурчак ва стратиграфик номуофиқлигина эмас, балки, эралар аро геолога стратиграфик ҳамда физик-географик номуофиқлик ходиса деб аташ мумкин бўлади.

### Îðäàíèê äóí, ñè

Ҳозирги замонавий ўсимликлар олами эоплейстоцен эпохасидаёқ шаклланиб бўлган эди. Иssiқ иқлимга мослашган ўсимликлар турлари астасекин камая борган ёки ўзининг ареалини қискартирган, мутаъдил ва совук иқлимга кўникма ҳосил қилган ўсимликлар кўпайиб боради. Ўсимликларнинг ўрмон хиллари ҳам камайганлиги маълум, ўт-ўланлар майдонлари кенгайган, тундра ва артика шароитига мос ўсимликлар аралашиб шимолий ярим шарда хукумронлик қилабошлилар.

Айрим мевали дарахтлар – айниқса ёпиқ уруғликлар хиллари неоген давридаёқ пайдо бўлиб, тўртламчи даврга келиб, мутаъдил ва илиқ, минтақаларда барқ уриб ривожланадилар. Жумладан, ёввойи анор, бехи, анжир, нок, олма, тоғ олчалари, дўлана хиллари, узумнинг кўп хиллари ва х.к.лар кенг майдонларга тарқала бошладилар.


Ана шу мевали дарахтларнинг барчаси Хисор тоғарида шу кунларда ҳам ўсиб турганлигини камина экспедиция ишлари билан шуғулланиб юрганида ўз кўзи билан кўриб завқланган ҳам. Денгиз сув хавзаларида моллюскалар форминифералар остракода ва диатомит сув ости ўсимликлари кенг тарқалади.


Куруклик шароитларида сут эмизувчи хайвонлардан фил зотлари, бүйилар, туялар, мамонтлар жунли каркидонлар, ханжар тишли йўлбарслар, горда яшовчи айиқлар кўпаяборди; мамонтлар, ханжар тишли йўлбарслар, гор айиқлари қирилиб кетди. Жанубий миintaқаларда эса, филлар от зотлари, эшак ва бизонлар сони кўпайди. Чўл ва адир худудларида филларнинг авлодлари – трогонтерийлар, бизон ва сайфоклар, ёввойи туялар кўпайиб борди. Айниқса кийик ва оғулар, архарлар, ёввойи хўқизлар, тулки ва бўрилар, чия бўрилар ва бошқалар яшаб ҳозирги кунларда ҳам мавжуддирлар. Австралия қитъасида ҳам ўзига хос ҳайвонат олами пайдо бўлиб, улар ичидаги ҳозир ҳам кенгуру, катта калтакесаклар айиқлар, қора ва оқ жунли тулкилар, морж ва тюленлар яшамоқдалар. Пингвинлар сони ва авлодлари ҳам кўпайди.

Инсон зотларига келсак аввалига Австралопитеклар, кейинроқ питекантроплар, синантроплар, неандерталецлар, неантроплар, гамо хабилслар ва нихоят замонавий инсон-одамлар пайдо бўлди.

Неандерталецлар оловни кашф этдилар, улар жамоа бўлиб овчилик билан ҳаёт кечирдилар, уларнинг скелет қолдиқлари 200-170 то 35-30 минг йиллар аввал ҳосил бўлган жинслар орасида топилган.

Иzlаниш маълумотларига кўра, неоантроплар 45-50 минг йил бурун яшаб ўтганлар, улар тошдан ясалган болта ва болғалар ясашни ва ичига ушлаш учун соп ўрнатишни (тошни бурғулаб тешганлар) ўрнатишга ақли етган. Тош қояларига хайвонларнинг суратини чизишни билганлар. Тахминан 10 минг йилларча бурун геоцен эпохасида ҳозирги –замонавий одамлар авлодлари хукумронлик қиласабошладилар.





72- расм

Шундай қилиб, Ер юзида бизнинг ҳақиқий авлодларимиз юзага келгандан сўнг мезолит эпохасида улар овқилиш учун камалак ва унинг ўқини, неолит эпохасида эса текисланган қуроллар ясашни ўрганиб олдилар. Сопол идишларни тайёрладилар, чорвадорлик ва дехқончилик ишларини бошладилар. Яқин 8-10 минг йиллар бурун metallurgия соҳасига ҳам қўл уриб бронза, темир, олтин ва кумуш, мис, рух ва қўроғошин ҳамда ҳар хил бўёқ хилларини ишлаб чиқаришни билиб олдилар.

### **Континенларнинг ривожланиши**

Эполейстоцен ва плецтоцен эпохаларида геосинклинал жараёнларнинг ривожланиши тугайди. Лекин, алп бурмаланиш минтақаи ўз ҳаракатларини давом эттириб, ҳозирги даврда ҳам давом этаяпти. Масалан, Ҳимолай, Қорақум, Анд ва Кардилер тизмаларида ҳамон кўтарилиш жараёнлари содир бўлиб турибди. Каспий денгизининг жанубий тарафларида, Қораденгиз, Эгей ва Мрамор, ҳамда Мексика қўлтиғида чўкиш жараёнлари бўлиб турибди, шунинг учун ҳам бу жойларда антропоген даври давомида 1000м қалинликдаги чўкинди жинслар тўпланган. Бундан ташқари вулқон жараёнлари вақти-вақти билан уйғониб сейсмик ҳаракатлар содир бўляяпти.

Плейстоцен эпохасининг охирларида барча материкларнинг чегара-шакллари ва денгизларнинг ташқи қўриниши (контури) ҳозирги замон ташқи қўринишига яқинлашди. Дунё океанининг юзаси ҳам ўзгарибтурибди, зероки, океан тублари пасайиб, рифт чегаралари кенгаяпти.


Шу муносабат билан иқлим шароитлари ҳам ўзгарган. Масалан, Ғарбий Оврупо тарафлари нисбатан илиқ иқлим минтақаси ҳисобланган. Лекин, эоплейстоценда ва плейтоцен эпохаси бошланишида иқлимининг дам совуши,

дам илиқланиб туриши аниқланган, плейстоценнинг ўрталарида эса иқлим яна совий бошлаб, худудларда муз қопламлари юзага келган.

Оврупода музликларнинг марказий қисми Скандинавия ярим ороли ва Алп тизмаларида жойлашган. Алп тизмаларининг этакларида ҳам музликларпайдо бўлабошлиганинг чегаралари Белоруссия ва Москва ҳавзаларигача чўзилиб-кенгайиб бораверган (73-расмга қаранг).

Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра шундай музликлар қопламлари Янгиер, Урал, Таймир ва Шимолийер, Верхоян, Чукотка ва Джугджур, Камчатка, Байқол, Олтой-Саён, Тяншан, Помир-Олой, Кавказ ҳудудларида ҳам бўлиб ўтган (73-расм).

Юқорида келтирилган муз босган ҳудудларда музликларнинг геологик фаолиятлари натижасида морена жинслари пайдо бўлиб, уларнинг қлинлиги



жойларига қараб 1-2 м ва ҳатто 60 м гача бориб етган.

Ер усти муз қопламларидан ташқари Ер ости муз қатламлари – доимий музликлари янада ривожланиб борди.

73-расм. Тўртламчи даврдаги максимал муз босиши (Днепр, Самара, russ ҳудудлари) палеогеографик харитаси.

I-музликлар. II-денгиз ва денгиздаги музлик. III-музликлардан холис бўлган ҳудудлар.

Музликларнинг номи : 1 – Скандинавия, 2 – Поной. 3 – Янги Ер, 4 - Ўрол, 5 – Таймир-Шимолий Ер, 6 – Путоран, 7 – Верхоян, 8 - Чукотка ва Джугджур, 9 – Камчатка, 10 – Байқол, 11 – Олтой-Саён, 12 – Тяншан, 13 – Помир-Олой, 14 – Кавказ. Н.Г.Чочиа бўйича.

Плейстоцен эпохасининг охирларида юз беради, бу воқеа асосан Шимолий Ярим шарда бўтди. Бу вақтда Болтиқ денизи кенг бўйоз орқали Оқ дениз ҳавзаси билан бирлашган. Каспий ва Азов денизларининг майдони ҳозиргига нисбатан каттароқ бўлган. Крим ҳудудди эса Орол ҳолида

бўлган. Шу музликлар аро иқлимининг илиқланиши 70-90 минг йил бурун яна музлик эпохаси билан алмашинади.

Голоцен эпохасидан бошлаб тахминан 10000 йил бурун табиий иқлим шароит ҳозирги замонавий шароитга тенглашди.

### **Қазилма бойликлари.**

Тўртламчи давр қазилма бойликларини асосан беш гурухга бўлиш мумкин.:

1. Сочма конлар.
2. Чўкинди конлар.
3. Нометал конлар ва қурилиш хом-ашёлари.
4. Ёнувчи қазилмалар.
5. Ер ости сувлари ва музлари.
  1. Сочма ҳолидаги қазилма бойликлар алювиал ва денгиз чўкиндилари учрайди, булар қаторига – Олтин, Платина, Касситерит (қалайи), олмос, илменит, циркон, рутил, ҳамда қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо жавоҳирлар киради.
  2. Чўкинди конлар қаторига оалит текстурага эга бўлган қумолок шаклидаги темир маъданлари киради. Бу маъданлар денгиз сув ҳавзаларида, кўлларда ва кўл-ботқоқликларда ҳосил бўлган. Темир-марганец, мис-ванадий, фосфарит ва бошқалар ана шу шароитларда ҳосил бўлган. Шулар қаторида яна глауканит уюmlари ҳам ( $KH$ ,  $Fe$ ,  $(Al,Fe)SiO$ ) учрайди; бу уюmlар – оҳактош, ҳар хил лойқалар, қум ва мергел аралашмалари билан бирга пайдо бўлади.

Тропик ва субтропик минтақаларида юзага келган нураш пўсти маҳсулотлари билан бирга кобалт, никел, мис, марганец, боксит ва оловга чидамли гиллар учрайди.

3. Нометал фойдали қазилмалардан - қум-шағал тошлар, харсанг тошлар, дарё, кўл ва денгиз қумлари, кварц қумлари, созупроқлар, диатомитгиллари, олtingугурт, тузлар ва баратлар, ҳамда нитратлар, оддий майин ва йирик қумлар ҳосил бўлган.
4. Ёнувчи қазилмалардан биринчи навбатда – торф қатламларини мисол тариқасида келтириш мумкин.
5. Ер ости сувларига техник сувлари, таркибида олтин-сувлари, минерал-шифобахш сувлари, таркибида олtingугурти аралашган Ер ости сувлари ва Ер ости чучук сувларининг музликлари киради.

Антарктида ва Арктика чучук сувларидан ҳосил бўлган музликлар келажакда сув заҳиралари вазифасини бажарувчи манбъ табиат иноми хисобланади.

Ўрта Осиё ва шахсан Ўзбекистон ҳудудларида фақат торф ётқизиқлари ва доимий музликларгина пайдо бўлмаган ҳалос.

Кайнозой эрасининг палеогеографик тарихи.

Кайнозой эрасининг тахминан миоцен эпохасида Алп бурмаланиш жараёнлари тугади. Бу бурмаланишларнинг бошқалардан фарқи асосан шундаки барча қадимий тоғлар ёшарди. Яъни Палеоген ва неоген даврлари ётқизиқлари ва вулқон маҳсулотлари билан эски тоғлар кўтарила бошлади. Тахминан миоцен эпохасидан бошлаб эса неотектоника (юононча – «нео» – янги тектоника) – эпохаси бошланиб, буни Янги замонавий тектоника эпохаси деб аталади. Бу тектоник – бурмаланиш жараёни Ер пўстида янги структура шаклларини юзага келтириб чиқарди, қисман палеоструктураларни фаоллаштириди, натижада Ер пўсти юзасида замонавий рельефларни бунёд етди. Алп бурмаланиш ҳаракатлари ва тоғликларнинг пайдо бўлиш жараёнлари айниқса Ўрта ер денгизи ҳудудларида сезиларли даражада ривожланди – Андалузия ва Атласс тоғ тизмаларидан бошлаб Химолай тоғ тизмаларида жуда мураккаб органик тузилмалар юзага келди. Тинч океани ҳудудларида эса Коряқ тоғ текисликлари, Камчатка, Курил, Кунашир, Япония, Индонезия тоғликлари яна қад кўтарди. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон вилоятларида ҳам кескин геологик ва палеогеографик ўзгаришлар намоён булди.

Масалан, жанубий-ғарбий Тяншанда ҳам палеогеографик ва физик-географик янгиликлар содир бўлди:

1. Тетис денгизи ғарб уфқларга қараб чекинди, зероки, регрессия жараёни ривожланди.


2. Тетис ҳавзаси ўрнида катта майдонларни эгаллаган қум сахролари - Қизил қум, Қора қум барханлари пайдо бўлди.

3. Асосан соз тупроқлардан ташкил топган Мирзачўл ландшафти юзага келди.

4. Нурота тоғ тизмалари, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари, қизил қум сахросида эса Ауминзасту, Мурунтоу, Бурунтоу, Омонтойтоу ва бошқалар юзага чиқиб ҳозирги замонавий кўринишларга эга бўлди.

5. Амударё ва Сирдарё дарё ҳавзалари пайдо бўлиб Орол денгизи бунёд бўлди (74-расмга қаранг).

6. Палеген ва неоген геологик даврларида юқорида эслатилган Ўзбекистон ҳудудидаги тоғликлар шу даврларда ҳосил бўлган жинс



Ўзбекистоннинг К З эраси ётқизиқлари кесмада



ётқизиқлари ҳисобига қад қўтарди. Аммо тўртламчи давр давомида кучли ва регионал нураш жараёни вужудга келгандан сўнг палеоген ва неоген даври қатламларининг учдан икки қисми нураб тарқалиб кетди. Хозирги вақтда палеоген ва неоген жинс ётқизиқлари чукур сайликларда, водийларда, ботиқликларда ва камдан-кам тоғэтаклари ён бағриларида сақланиб қолган холос.

74-расм. Кайнозой эрасининг орографияси ва Ўрта Осиёнинг палеогеографик шароитлари.

## **Хотима**

Ушбу китобнинг агар, мундарижасига аҳамият берадиган бўлсак, фауя ҳақида тушунчалар, уларни генетик таҳлил этиш, модомики Ер юзининг физик-географик, ҳамда геологик ўтиш тарихини тиклаш, палоиклик шароитларни тиклаш – демак Ер сайёрасининг ривожланиш тарихининг муайян бир мухум воқеаси бўлган палеобиогеографик ходисаларни ўрганиш вазифаси ва мақсади кўзланган эди. Булардан ташқари яна геохронологик тартибда эонлар, эралар ва геологик даврлар, қолаверса эпоха ҳамда геологик асрлар давомида сайёрамиз юзасида бунёд бўлган орографик жараёнлар, палеотектоник харакатлар ва улардан ҳосил бўлган воқеа ва ходисларга кўлдан келганича бир қанча фикр-мулоҳазалар ҳамда аниқликлар киритилиб, палеография соҳаси бўйича Дунё, Марказий Осиё ва жумладан Қозоғистон ва Ўзбекистон худудларидағи қадимий физик-географик ва геологик палеомаълумотлар янада ойдинлаштирилди.

Келажакда ҳос ва муносиб бўлган география фанига фидойилик қилаётган билимдонларга Ер юзида океан, денгиз материклар улар юзасида пайдо бўлган лагуналар, кўл ва батқоқликлар ландшафтларининг пайдо бўлиши тарихи, нисбий ҳам, уларнинг бунёд бўлиш вақтлари (ёшлари) ни тиклаш мақсадига эришилди деб ҳисоблаймиз.

Ушбу монография мазмунидаги талабаларга аталган ўқиш китоби ёзилиши жараёнида қўйидаги фикр ва мулоҳазалар туғилди.

1. Сайёрамизнинг барч қитъалари – Евроосиё жанубий ва Шимолий Америка, Африка, Арабистон ярим ороли, Ҳиндистон ва Хиндиҳитой ярим ороллари, Сахалин, Камчатка, Япония, Курилл, Индонезия архипелаглари ҳамда Австралияларнинг ўтмиш физик-географик шароитлар, палеобиогеография, тектоник-орогенез бурумаланишлари, бурмаланиш эпохалари (байқол, каледон, герцин, Кимерий ва Алп, ҳамда неотектоника) бўйича жуда тўлиқ бўлмасада, ҳар холда нисбатан ҳақиқатга тўғри келадиган омиллар пешлашида соҳа олимлари анча мухум маълумотларни тўплашга мусассар бўлганэканлар. Модомики, юқорида кўрсатиб ўтилган худудларнинг географик, геологик тарихи тўғрисида ҳозирча етарли даражада тушунча ва маълумотларга қониқса бўлади деб ўйлаймиз.

2. Аммо лекин, Марказий Осиё (Қозоғистон, Ўзбекистон, Турманистон, Қирғизистон ва Тожикистон) худудлари бўйича яккам-дуккам, қолаверса эпизодик маълумотлар бор холос. Шу китобда мумкин қадар аниқа табиий омилларга геологик кесим ва стратиграфик (геологик устун) устун маълумотларига ва бошқа Ўзбекистон геолог ва географ олимларининг олиб борган илмий изланишлари натижаларидан фойдаланган холда Марказий Осиёning ҳам палеогеографик, палеобиогеографик, қадимий иқлим

минтақалари, лагуна, күл ва ботқоқлик ва ўрмонминтақаларини аниқлашга хамда физика-географик шароитларини тиклашга эришилди. Булар хам ёзма тариқасида хам расм ва жадваллар усулида иллюстрация қилинди.

Китобда ёзилган маълумотлар, шундан далолат бериб турибдики сайёрамизнинг ривожланиш тарихи бир тарафдан қизиқарли ва вахимали воқеа-ходисалардан иборат бўлса, иккинчи томондан жуда мураккаб тараққиёт йўлини ўз бошидан кечирганлиги маълум бўлди. Айниқса токембрый геоглогик эралар давомидаги палегеографик ва физик-географик жараёнлари жуда кўп сир-асорларга эга, буларни тахлил этиш эса биз учун жуда кўпдан- кўп табиий табиий географик ва геологик қўшимча илмий ва амалий муаммоларни ечиб беришни талаб этади, зероки сайёрамиз ривожланиш жараёнлари тарихи яхши ўрганилмаган.

Масалан, яқин йилларгача сайёрамиз тарихида Катархей эраси бўлиб ўтганлиги хали номаълум эди. Катархей эраси тўғрисида ҳозирги вақтда аниқ илмий омиллар, геоглогик ва палеогеографик тушунчалар умуман ривожлантирилмаган, факат гипотетик тушунчалар бор холос, архей ва протерозей эралари ҳақидаги маълумотларимиз ҳам худди шундай. Соҳа мутахассис олимларимиз сайёрамизнинг ривожланиш тарихини у ёки бу даражада ёритиб берган бўлсаларда, факат бир томонлама баён этканлар холос. Демак, шундай экан, келажакда геолог, палеонтолог ва палегеографлар мутахассислари бир ёқадан бош чиқариб биргалиқда хали ечилимаган табиий муаммоларни ҳал қилиб бериш вақти етиб келди. Палегеография соҳаси Ўрта Осиё республикаларида ўз ўрнини хали топмаган, чунки бундай мутахассисларни тайёрлаш жуда зарур ва керак бўлиб қолди. Лекин бошқа мамлакатларда палеогеография фанига катта эътибор берилиб бу соҳа ривожланиб бормоқда.

Палеографик тадқиқот кузатишлар ва уларнинг натижалари фан олимида ва иқтисодиётда жуда катта ахамиятга эга

Масалан, кейинги яъни навбатдаги музланиш даври қачон ва қаерда бўлишигини олдиндан айтиб бериш ва инсониятга ҳамда табиатга қанчалик оғатларни юзага келтириш мумкинлигини билиб олиш ахир жуда зарурку.

Шундай илмий изланиш тадқиқотларни инглиз мутахассис олимлари алақачонлардир бошлаб юборганлар; бу изланишларнинг натижалари 1979 йилдаёқ Лондонда катта монография шаклида нашриётда чиқарилди, бу асарда кўпчилик олимлар – Б.Джон, Э.Дербишир, Г.Янг, Р. Фейрбридж, Дж. Эндрюс қатнашганлар. 1982 йилда география фани доктори Л.Р. Серберян рус тилида чоп этириб кенг омма мухокамасига тақдим этди. Бу асар кўпчиликка туртки бўлиб соҳа мутахассислари шу асар йўналишида («Зимы нашей планеты – земля подольдом», «Мир», Москва, 1982) изланишлар олиб бора бошладилар.

Бу китобда чет эл олимлари энг қадимий геологик даврларда бўлиб ўткан музлик эпохалари уларнинг географик тарақалишлари, охирги яъни тўртламчи давр муз боскан эпохалар ва иқлиминг қайта - қайта ўзгариб – илиқланиши, музликларнинг эриб кетиши натижасида океан ва денгиз хавзаларининг сатхи кўтарилиши, глобал миқёсидаги иқлиминг ўзгариши ва хатто музлик даврларнинг қайталаниш тарихлари, сабаби ҳамда олдиндан айтиб бериш омиллари каби жуда ажабланарли маълумотларни ёзганлар. Афсуслар бўлсинки, Ўрта Осиё худудлари бўйича бу асарда деярли маълумотлар йўқ десак муболаға бўлмайди.

Ер пўсти ва қабигини палеогеографик, физик-географик ва биргаликда геологик изланишларни олиб бориш хозирги вақтлардаёқ ўз самарасини бермоқда яъни амалий – тадбиқий натижаларга эришилмоқда.

Масалан, палеографик - Ернинг ўтмиш тарихини ўрганиш ва тиклаш орқали унинг физик географик шароитларини аниқлаш яъни палеоланд шафтларни аниқлаш, чўкинди жараёнлар билан боғлиқ бўлган металли ва нометалл фойдали қазилма бойликларни аниқлашга катта хисса қўшмоқда. Темир, марганец, баксий, фосфорит, уран, кўмир кон хавзалари (Данбас, Кузнейк, Шаргун, Ангрен ва х.к.) нефт ва газ конлари шулар жумласидандир. Айниқса сочма конлар - олмос, олтин, платина, қимматбахо ва ярим қиммат бахо жовохирларни излаб топишда Ернинг физик-географик шароитларини ўрганиш ўз натижаларини бермоқда. Чет элларда геолог ва палеогеограф мутахассисларнинг биргаликда олиб борган ва ҳозирда ҳам давом эттрилаётган илмий ишлари потенциал имкониятга эга бўлган қазилма бойликларни аниқлашда ўз самарасини кўрсатмоқда юқорида қайд этилган қисқа хотимадан сўнг шундай хуносага келиш мумкинки, палеогеография йўналиши бу хали жуда ёш фан, унинг келажаги сўзсиз олдинда, Криптозой ва фанерозой эонларини физик-географик ва геологик нуқтаи назаридан синчиклаб ўрганиш Ернинг ривожланиш тарихи сирларини янада ойдинлаштиради.

## **Луғатлар**

Луғатлар алфавит тартибида ёзиллади. Чунки, китобнинг ёзилиши давомида учраган терминлар ўқувчига нотаниш бўлса луғатга мурожат қиласверадилар; луғатлар китобнинг ёзуви тартибида келтирилган.

Тез-тез учраб турадиган терминлар эса китоб ёзув ичида тушунтирилган.

1. Ландшафт – бу географик ҳар хил манзаралар, бунда иқлим шароитлари, кўл ва ботқоқлар, лагуна ва денгизлар, урмонзор худудлари ва х.к. тушунчалардир.
2. Регрессия – денгиз ва океан сув хавзаларининг узоқ вақт давомида қуруқлиқдан чекиниши.
3. Трансгрессия – денгиз сув хавзаларининг қуруқлик томон босиб кириши; қуруқлик майдонининг қисқариши ва денги хавзаларининг кенгайиб бориши.
4. Литология – тоғ жинслари ҳақидаги тушунча бўлиб, тоғ жинсларининг пайдо бўлиши ва уларнинг минералогик ҳамда кимёвий таркибини ўрганадиган геологик соҳа.
5. Фауна - қадимий ва замонавий хайвонот олами ҳақидаги тушунча.
6. Флора - қадимий ва замонавий ўсимлик дунёси ҳақидаги тушунча.
7. Лагуна – аслида саёз сув хавзаси ҳисобланиб кўл эмас, денгиз ҳам эмас; нисбатан катта майдонларни эгаллаган ва ботқоқликларни ҳам пайдо қилган сув хавзаларидир. Денгизларнинг чекиниши натижасида сақланиб қолган қолдиқ сув хавзаларидир. Сув шўртам ёки чучук бўлиши мумкин.
8. Биоген шароит – (биос- ҳаёт, генез – пайдо бўлиш демакдир). Сув хавзаларидаги хайвонот ва ўсимлик олами ҳаёт фаолиятлари ҳисобидан ҳосил бўлаётган чўқиндилар ҳосил бўлиши шароитлари.
9. Хемоген шароит – юононча хемена яъни хилия ген-ген зис – пайдо бўлиши маъноларини билдиради. Хемоген шароитларда асосан сув хавзалари остида кимёвий биокимёвий жараёнлар туфайли ҳосил бўладиган чўқинди жинсларнинг ҳосил бўлиш шароитлари.
10. Ардиқлим шароити - қуруқ иқлим.
11. Гумидиқлим шароити – нам иқлим атмосфера ёғингарчиликлари тез-тез бўлиб туради.
12. Аккумуляция – ғарамланиш тўпланиш, уйилиш маъносида. Сочма ва чақиқ жинсларнинг бир жойда тўпланиши.
13. Эпиконтинентал денгизлар – океан сувининг қуруқликдаги ботик жойларга босиб кириш сабабли пайдо бўлган денгиз сув хавзалари.

14. Литорал зона – денгизларда унинг қирІочи билан ёндошган саёз жайлар. Бу Ерни Ой тортишиш кучи натижасида денгиз чеккасида сувнинг қуруққ чиқадиган ва қайтадиган масофаси деб ҳам айтилади. Унинг кенглиги энг катта бўлганида 10-15 км.га етади.
15. Терриген ётқизиқлар – лотинча terra Ер қуруқлик дегани қуруқликлар шароитида юзага келган чақиқ жинслар; кейинроқ эса бу жинслар денгиз сув тўлқинлари ёрдамида денгиз қаърига олиб кетилади.
16. Органоген – биолитлар, органолит, организм (Хайвонот ва ўсимликлар) ҳаёт фаолиятлари қолдиқларидан ҳосил бўлган чўкинди жинслар.
17. Хемоген жинслар – денгиз сув ҳавзаларида ва остида кимёвий ва биокимёвий реакциялар туфайли ҳосил бўлган чўкинди жинслар - ҳар хил тузлар, гипс, анgidрит, доломит, яшма, айрим оҳактошлар ва ҳ.к.
18. Доломитлар – доломит, минерал таркиби  $\text{CaMg}(\text{CO}_3)_2$
19. Промил – денгиз ва кўл сув ҳавзаларининг шўрланиш даражаси. 33-35% промил шўрланган сувлар, 50-55% жуда шўр сувлар ва ҳ.к.
20. Колчеданли минераллар – таркибига олтингугурт бирикмаси қўшилган металлар яъни сулфидлар.
21. Бентос жонзодлар – бентос юонча чуқурлик дегани, сув ҳавзаларининг чуқурликларида яшовчи жониворлар.
22. Планктон – денгиз сув ҳавзалри оқимида дайдиб-сузиб ҳаёт кечирадиган жонзодлар ва ўсимликлар.
23. Нектон – юонча нектос – сузвчилар. Сув ҳавзаларида фаол сузиб ҳаёт кечирадиган жонзодлар.
24. ООлитли текстура – пиёз пўстига ўхашаш ўралиб ёки радиал концентрик шаклида яъни тухумсимон, нўҳатсимон, ловия ва мошсимон майда юмалоқ доналардан иборат бўлган боксит, фосфорит, темир, марганец ва уран қазилма бойликларининг тузилиш шакллари.
25. Коагуляция – лотинча “коагуларе” - ўралаш, қотиб қолиш маъносида бўлиб, модда заррачаларинингюқори молекуляр ҳолатидан коллоид суюқликларга айланиб ўралиши ёки қотиб қолиши ва гел массасига ўтиши.
26. Коллоидлар заррачалари жуда майда кулсимон ҳолатидаги дисперс суюқлик қуюқ масса, коагуляция ҳолатига ўтиб, кейин улар ҳисобидан гилмоя, силикатли гел ва оҳактошлар ҳосил бўлади. Заррачаларининг катталиги 0,0001 дан то 1 мк.гача бўлади.

27. Монтморилонитлар – нураш жараёнлари туфайли ҳосил бўлган иккиламчи минерал – кимёвий таркиби  $Mg_3(AlFe)_2(Si_4O_{10})(OH)_2 \cdot 4H_2O$   
Ранги пуштисимон - қизил, зангорисимон, бўзранг, юмшоқ тупроқсимон агрегат. Улар асосан физикавий, кимёвий нураш маҳсулотлариdir.
28. Сопропел – асосий таркиби сув ҳавзалирида қалқиб ҳаёт кечирган микроскопик майдада ўсимлик ва ҳайвонот оламининг чўкиндилари сув остига чўкиб тупланишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар.
29. Бактериоген маҳсулотлар – бактериялар денгиз, кўл сув ҳавзалидаги ҳар хил эритмаларни, масалан. Оҳак моддалари, темир, кремнезём ва ҳ.к.ларни ўз организмларига сингдириб олиши, кейин эса уларнинг чиқиндилари сифатида чўкиши натижасида ҳосил бўлган ҳосилалар.
30. Глауконит – K, H, Fe, Al, Si<sub>3</sub>O<sub>12</sub> лардан иборат аморф ёки яширин кристалли минерал, кўриниши хира – лойқага ўхшаш агрегат. Денгиз шельф вилоятларида ҳосил бўлади.
31. Конкрециялар – кимёвий таркибига мувофиқ ўзи жойлашган жинсдан фарқ килувчи бир хил ёки ҳар хилминераллардан тузилган агрегат шакл. Бу агрегат марказ томондан ҳар томонга қараб ўсан кристаллардир. Улар радиал шулья тариқасида ўсиб, юмалоқ, япалоқ шаклларни ҳосил қиласи.
32. Эксплозия жараёни ёки ҳаракати портлаш орқали давом этиб, вулқон отилиши вақтида буғ, газ, лава парчалари ва йирик оловсимон, чўғсимон массаларининг юқорига ирғитилиши ва уларнинг атроф муҳитларга тарқалиши.
33. Вулқон туфи – Вулқон бомбалари, ҳажми ёнғоқдек келадиган майдада массаларидан ҳосил бўлган ғоваксимон ёки мочалкасимон тарзда қотиб қолган жинс массаси.
34. Вулқон фумароллари – италия тилидан олинган – фумаре – тутун, газ қуюмлари, буғ қўшилмаларидан ташкил топган бирикмалар бўлиб, улар вулқон оғизидан портлаш жараёнида атмосфера томон тарқалиб кўтариладиган масса.
35. Сингенетик ҳосилалар ёки бирикмалар – чўкинди жинслар ва магма маҳсулотлари қотаётган вақтда улар билан бир вақтда – биргалашиб ҳосил бўлган минераллар ва жинс ётқизиклари тушунилади.
36. Изоморар минераллар ёки моддалар – кимёвий таркиби жиҳатидан бир-бирига яқин шаклда кристалланган минераллар ёки моддалар, улар бир-бирига ўхшашликларини кимёвий реакцияда ҳам кўриш

- мумкин. Шу хилдаги минераллар күпинча аралашма кристаллар ҳосил қиласы.
- 37. Тетис денгизи – бу денгизни океан деб ҳам атайдилар. Бу денгиз ҳавзаси Лавразия (Евразия ёки Ангарида) ва Гондвана суперматериклари оралыпта мавжуд бўлган шарқдан гарбга томон чўзилиб жойлашган катта денгиз сув ҳавзасидир.
  - 38. Лавразия ёки Евроосиё яна Анаграда деб ҳам аталадиган, шимолий ярим шарда жойлашган суперплатформа – материкдир. Лавразия худуди – шимолий Америка, Евроосиё ва шимолий муз океанлари ҳам кирган.
  - 39. Гондвана - Ҳиндистон ярим оролининг марказида жойлашган Гонд вилояти халқлари – гондлар номига аталган суперматерик – платформадир. Бу материк жанубий ярим шарда жойлашган бўлиб, унинг қарамоғида – Жанубий Америка, Африка, Ҳиндистон ярим ороллари ҳамда Австралия материклари бўлган. Бу материк Ер тарихи ривожланиши давомида энг катта – суперматерик ҳисобланган.
  - 40. Миогеосинклинал минтақа (зона) – юонча «мион» – кичик геосинклинал маъносини билдиради. Бу геосинклиналларнинг ташқи тармоқлари бўлиб, платформаларнинг четки қисми ҳисобланади ва магматик жараёнлар жуда суст бўлади.
  - 41. Эвгеосинклинал – юонча «эв» – аниқ ва тўла геосинклинал дегани; бу геосинклиналларнинг ички тизими ҳисобланиб океанлар чегараларида жойлашган. Чўкиндиларнинг қалинлиги кўп қатламли ва сувости магматик жараёнлари фаоллашган бўлади.
  - 42. Синеклиза – синклинал структураларининг энг катта-йирик кўриниши; платформа вилоятларидағи йирик ва катта майдонларни эгаллаган букилмалар, яъни ботиқликлар. Синеклиза структуралари вилоятларида кичик ва катта синклиналлар қайта-қайта тақрорланаверади.
  - 43. Авлокоген – юонча «авлокос» – эгат, жўяқ дегани; «генез» - ҳосил бўлиш, пайдо бўлиш демакдир. Платформаларнинг ичкари қисмларида узун йўналган ва ҳаракатда бўлган ботиқликлар. Уларнинг узунлиги юз ва бирқанча минг км масофаларга чўзилган бўлади. Авлокоген ботиқликларининг келиб чиқишига сабаб, ёрма тектоник ҳаракатлардан сўнг пайдо бўлган горст ва грабен структураларидир.
  - 44. Каледонидлар – лотинча сўз. Шотландияни каледония деб ҳам аташган. Каледон орогенези номи шундан келиб чиқкан бўлиб,

- каледон эпохасида юзага келган ва бурмаланган қадимий жинслардир.
45. Герценидлар - қадимий римликларнинг Герциния вилояти номига қўйилган. Герцинидлар ҳам, каледонидларга (44 рақам) ўхшаш, герцен эпохасида юзага келган (палеозой эрасининг иккинчи ярмида) метаморфик тоғ жинслари ва уларнинг бурмаланишларидан ҳосил бўлган структуралар.
46. Скарн – Швецияда Скарн деб номланган тоғликлар бор. Шу тоғликларда гранат, пироксен, волластонит, амфибол каби магма жараёнларидан сўнг ҳосил бўлган минераллар тўплами бўлиб, улар таркибида мис, рух, қалайи, волфрам, молибден ва бошқа металли маъданлар ҳам учрайди. Булар биринчи маротаба шу тоғда топилганлиги учун «скарн» деб номланган. Скарнларни ҳосил бўлиш шароитига кўра – «контакт метосоматик» конлар деб юритадилар.
47. Ингрессия – лотинча «ингрессио» – кириш ёки бостириб кириш дегани. Ингрессия жараёни ҳам трансгрессияга ўхшаш жараёндир. Денгиз сув ҳавзаларининг юзаси кўтарилса қуруқлик томон ботиқлик ва пастликларга бостириб киради.
48. Депрессия - бу термин Ер пўсти устида пайдо бўлган пастликларни аниқлаш учун ишлатилади. Бу терминни геотектоник ҳаракатлар натижасида пайдо бўлган катта ботиқликлар, регионал чўқмалар, пастликларни белгилаш учун ишлатилади. Бу тариқа пастликларни остки қисми денгиз сатҳидан паст бўлади; ўлик денгиз, Бойқол қўли, Каспий денгизи ва бошқлар шулар жумласидан. Яна ер ости сувлари депрессияси деган тушунча ҳам бор. Бунда артезиан ёки ер ости сувининг табиий ёки сунъий ҳолда ер юзасига чиқиш ўрнида бир бора босим камайиб сув юзасининг пасайиши тушунилади.
49. Моласс ётқизиқлари – ёки моласслар. Одатда мезозой ва кайнозой эралари давомида ҳосил бўлган чўкинди ва чақиқ жинслар тўплами – конгломератлар, қумтошлар, алевролитлар, гилмоя ва мергел, оҳактошлар қатламларига айтилади. Моласслар тоғ этаклари ва тоғолди ётқизиқларидан иборат бўлиб, геосинклинал вилоятлари атрофидаги биринчи чуқурлик ва пастликларни тўлғазади. Кучли тектоник ҳаракатлар натижасида тоғ кўтарилиши вақтида бурмаланишлар юзага келиб, моласслар ўрнида қўшимча тоғликлар ҳосил бўлади.
50. Флювиагляциал ётқизиқлари – музликларнинг эриши натижасида, улар остидан оқиб чиқсан сув ўзи билан майда ва йирик жинс

бўлакларини оқизиб келиб, музликларнинг йирик ётқизиқларидан пастрокдаги текисликка ёки сойлик ичига ётқизганидан ҳосил бўлган чақик жинслар ёки мореналар.

51. Ареал – лотинча «area» – майдон ёки ер деган маънода; қандайдир воқеаларнинг у ёки бу майдонларда содир бўлиши. Биогеография соҳасида майдон ёки вилоятларда ўзига хос оила ва туркумларни ташкил этган ҳайвонот ўсимлик оламининг чегаралари.
52. Флиш – Денгизларнинг саёз жойларида ётқизилган фациялардан тузилган терриген чўқиндиларидан иборат қалин жинслар қатлами. Таркибида – оҳактош, қумтош, мергелл ва бошқалар учраши мумкин. Одатда бу қатламлар орасида фауна ва флоралар кам учрайди.

## **Адабиётлар:**

1. Войлашников В.Д. геология, «Просвещение», Москва, 1979.
2. Диназавры-Кочевники. «Скайанс ньюс», США, 1988.
3. «Джайдес резолюшн», 120-й рейс; Океан драйлинг программ, 1988.
4. Зимы нашей планеты. Группа авторов. «Мир», Москва , 1982.
6. Историческая геология с основами палеонтологии. «Недра», 1985.
7. История возникновения Гималаев. Великобритания, Матиче, 1988.
8. История накопления осадков в Атлантическом океане. 114-рейс «Джайдес резолюшн», журнал «Природа» 1988.
9. Курбонов А.С. Геология. «Ўқитувчи» Тошкент, 1992
10. Курбонов А.С. Бурковский Я. Ер юзида умуртқали ҳайвонот оламининг пайдо бўлиши. «Ўқитувчи», Тошкент, 1999.
11. Маслов М.П. Историческая геология с элементами палеонтологии. «Просвещение», Москва, 1968.
12. Природа, журнал №2, 1989.
13. Погода и солнечная активность, журнал «Природа», 1989
14. Происхождение деканских траппов. 115-рейс «Джайдес резолюшн» журнал «Природа» 1988.
15. Рауп Д. Стенли С. «Основы палеонтологии» Москва. 1974.
16. Рухин Л.Б «Основы общей палеогеографии» Ленинград, 1952.
17. Содиков О.С. Геология луъяти. Тошкент, 1985
18. Шораҳмедов Ш. Умумий ва тарихий геология «Ўқитувчи», Тошкент 1985.
19. Ясаманов Н.А Популярная палеогеография «Недра», Москва, 1985.

## Мундарижа

- Муқадима \_\_\_\_\_  
Палеогеография (тарихий геология) ҳақида тушунча \_\_\_\_\_  
Палеогеографик хариталар ҳақида \_\_\_\_\_  
I боб. Фация ҳақида тушунча \_\_\_\_\_  
    Фациал-генетик тахлил этиш \_\_\_\_\_  
    Фация – генетик тахлил узи нима \_\_\_\_\_  
    Денгиз фацияси \_\_\_\_\_  
    Нерит сув хавзаси \_\_\_\_\_  
    Батиал сув хавзаси \_\_\_\_\_  
    Дунё океанининг абиссал вилоятлари ва унинг ётқизиклари \_\_\_\_\_  
    Метаморфик фация \_\_\_\_\_  
    Континентал фация \_\_\_\_\_  
    Қадимий ландшафтларнинг палеогеографик ўтмишини тиклаш усуллари \_\_\_\_\_  
    Геологик ва фациал устунларни тузиш усули \_\_\_\_\_  
    Туз кони хавзаларини хосил қилувчи ландшафтлар ҳақида \_\_\_\_\_  
  
    Қадимий иқлим шароитлари (палеоиклим) ва уларни аниқлаш (тиклаш) усуллари \_\_\_\_\_  
    Иқлиминг ўзгаришига геологик сабабларнинг алоқаси \_\_\_\_\_  
II.боб. Формация ҳақида тушунча; формацион тахлил ва уларнинг иқлим билан боғлиқлиги \_\_\_\_\_  
    Геосинклинал вилоятлари формацияси \_\_\_\_\_  
    Платформа формациялари \_\_\_\_\_  
III. боб. Стратиграфия ва Геохронология \_\_\_\_\_  
    Стратиграфик усул \_\_\_\_\_  
    Минерал –петрографик, ёки литологик усул \_\_\_\_\_  
    Геохронология ҳақида \_\_\_\_\_  
    Геохронологик жадвали \_\_\_\_\_  
IV. боб. Ер сайёрасининг ривожланиш тарихи – палеогеографияси. Ернинг тогеологик ва геологик тарихи \_\_\_\_\_  
  
    Катархей эраси ҳақида \_\_\_\_\_  
    Архей эраси ҳақида \_\_\_\_\_  
    Протерозой Эраси ҳақида \_\_\_\_\_  
    Органик дунёси \_\_\_\_\_

Протерозой Эрасининг иқлим шароити токембрий геологик даврларининг фойдалиқазилма бойликлари

- V. боб. Ер сайёрасининг палеозой Эраси ва палеогеографияси \_\_\_\_\_  
Кембрий геологик даври ва унинг палеогеографияси \_\_\_\_\_  
Кембрий геологик даврининг умумий тавсифи ва палеогеографияси \_\_\_\_\_  
Платформалар хақида \_\_\_\_\_  
Гондвана \_\_\_\_\_  
Грампиана геосинклинали \_\_\_\_\_  
Кембрий геологик даврининг иқлими \_\_\_\_\_  
Фойдали қазилма бойликлари \_\_\_\_\_  
Ордовик геологик даври ва палеогеографияси \_\_\_\_\_  
Органик дунёси \_\_\_\_\_  
Ордовик даври хақида умумий маълумотлар \_\_\_\_\_  
Платформалар \_\_\_\_\_  
Геосинклиналлар \_\_\_\_\_  
Иқлим шароити \_\_\_\_\_  
Қазилма бойликлари \_\_\_\_\_

Силур геологик даври ва унинг палеогеографияси.

- Органик дунёси \_\_\_\_\_  
Силур даврига умумий тавсиф \_\_\_\_\_  
Каледон бурмаланиши \_\_\_\_\_  
Платформалар – Гондвана \_\_\_\_\_  
Геосинклиналлар ва геосинклинал минтақалар \_\_\_\_\_  
Иқлим шароити ва ордовик, силур даврларининг палеобиогеографияси \_\_\_\_\_  
Силур даврининг қазилма бойликлари \_\_\_\_\_  
Девон геологик даври ва унинг палеогеографияси \_\_\_\_\_  
Органик дунёси \_\_\_\_\_  
Девон даврига умумий тавсиф \_\_\_\_\_  
Геосинклинал минтақалар ва геосинклиналлар \_\_\_\_\_  
Гондвана \_\_\_\_\_  
Иқлими ва палеобиогеографияси \_\_\_\_\_  
Девон даврининг фойдали қазилма бойликлари \_\_\_\_\_  
Тошқўмир геологик даври ва унинг палеогеографияси \_\_\_\_\_

Органик дунёси \_\_\_\_\_  
Тошкўмир даврига умумий тавсиф \_\_\_\_\_  
Герцин тоғ бурмаланиш эпоҳаси \_\_\_\_\_  
Гондвана \_\_\_\_\_  
Иқлими ва палеобиогеографияси \_\_\_\_\_  
Фойдали қазилма бойликлари \_\_\_\_\_  
Перли геологик даври ва унинг палеогеографияси \_\_\_\_\_  
Органик дунёси \_\_\_\_\_  
Перм даврига умумий тавсиф \_\_\_\_\_  
Платформалар \_\_\_\_\_  
Ангарида (лавразия) \_\_\_\_\_  
Гондвана \_\_\_\_\_  
Геосинклинал минтақалари \_\_\_\_\_  
Иқлими ва палеобиогеографияси \_\_\_\_\_  
Палеобиогеография. Маржон полиплар уларнинг қазилма қолдиқлари ва тирик қазилма –хозирги кунда яшаёткан маржон қолдиқлари хақида қисқа маълумотлари \_\_\_\_\_  
Фойдали қазилма бойликлари \_\_\_\_\_  
Палеозой эраси давридаги Ернинг геологик ва палеогеографик ривожланиши хақида қисқа хуносалар \_\_\_\_\_

VII-боб. Мезозой Эраси ва Ер сайёррасининг Мезозой Эраси палеогеографияси \_\_\_\_\_  
Триас геологик даври \_\_\_\_\_  
Органик дунёси \_\_\_\_\_  
Триас геологик даврига умумий тавсиф \_\_\_\_\_  
Платформалари тавсифи \_\_\_\_\_  
Лавразия (Ангарида) \_\_\_\_\_  
Гондвана \_\_\_\_\_  
Геосинклинал минтақалар \_\_\_\_\_  
Ўрта ердингизи геосинклинал минтақа хақида \_\_\_\_\_  
Ўрта Осиё худудлари хақида \_\_\_\_\_  
Иқлими ва палеобиогеографияси \_\_\_\_\_  
Фойдали қазилмалари \_\_\_\_\_  
Юра геологик даври ва унинг палеогеографияси \_\_\_\_\_  
Органик дунёси \_\_\_\_\_  
Юра геологик даврига умумий тавсиф \_\_\_\_\_  
Киммерий (мезозой) арогеник харакатлар \_\_\_\_\_  
Платформа ва геосинклиналлари хақида \_\_\_\_\_  
Иқлими ва палеобиогеографияси \_\_\_\_\_

Фойдали қазилма бойликлари \_\_\_\_\_  
Бўр геологик даври ва унинг палеогеографияси \_\_\_\_\_  
Органик дунёси \_\_\_\_\_  
Бўр даврига умумий тавсиф \_\_\_\_\_  
Геосинклиналлар хақида \_\_\_\_\_  
Океанлари хақида \_\_\_\_\_  
Иқлими \_\_\_\_\_  
Фойдали қазилма бойликлари \_\_\_\_\_  
Мезазой Эраси хақида айрим хулосалар \_\_\_\_\_  
VII-боб. Кайнозой Эраси ва унинг палеогеографияси \_\_\_\_\_  
Палеоген геологик даври \_\_\_\_\_  
Органик дунёси \_\_\_\_\_  
Палеоген даврига умумий тавсиф \_\_\_\_\_  
Палеоген давридаги платформа ва геосинклиналлар \_\_\_\_\_

Фойдали қазилмалари \_\_\_\_\_  
Неоген геологик даври ва унинг палеогеографияси \_\_\_\_\_  
Органик дунёси \_\_\_\_\_  
Неоген даврига умумий тавсиф \_\_\_\_\_  
Иқлими ва палеобиогеографияси \_\_\_\_\_  
Фойдали қазилма бойликлари \_\_\_\_\_  
Тўртламчи (Антропоген) геологик даври \_\_\_\_\_  
Органик дунёси \_\_\_\_\_  
Континентларнинг ривожланиши \_\_\_\_\_  
Қазилма бойликлари \_\_\_\_\_  
Кайнозой эрасининг палеогеографик тарихи \_\_\_\_\_  
Хотима \_\_\_\_\_  
Лугатлар \_\_\_\_\_  
Абадиётлар \_\_\_\_\_  
Мундарижа \_\_\_\_\_